


*Матлуба Деҳқон қизи*

# *ЎША КУН*

*Қисса ва ҳикоялар*

“Фарғона” нашриёти.

2013 йил



УДК:821.512.133-3

КБК:84(5Ў)7

Д 44

- 438. араб

Матлуба Дехқон кизи

Ўша кун /Қисса ва ҳикоялар/- Фарғона: «Фарғона»  
нашриёти; 2013 й. —216 бет.

*Таниқли қалам соҳибаси Матлуба Деҳқон қизининг навбатдаги китобидан турли йилларда ёзилган қисса, ҳикоялари, қатра ва бадиалари ўрин олган. Синчков ижодкорнинг ҳаётининг кузатувлари асосида қозоғга тушган, инсоний муносабатларнинг ўзига хос мураккабликлари, умуман олганда, оддий одамларнинг қувончу ташвишлари ёрқин акс этган ушбу наслий ижод намуналари китобхонлар кўнглидан жой олиши шубҳасиз.*

УДК:821.512.133-3


КБК:84(5Ў)7

ISBN 978-9943-349-99-5

10 42268  
291

© Матлуба Дехқон кизи, 2013

© «Farg'ona» нашриёти, 2013



## КҮНГИЛ УЙИ

*Қисса*

Бировга «чурқ» этишга тилим бормайди. Болаларим кап-катта. Бўй етиб боришяпти. Қалбим эса... Унинг «Судга бор! Ажраш! Шу кунлардан озод бўл!» деяётган буйруқларини эшитаману, даҳшатга тушаман. Инсон кўнглининг кўринмас нуқталари, йиллар, кунлар, дақиқалар очадиган манзиллари шунчалар кўпми, а?

Ўн етти ёшдаги титроқларим, энтикишларим, изтиробларим, кўз ёшларим, унга бутун жонимни, жаҳонимни фидо этиш учун розиликларим... Қани энди улар? Қани?

Муҳаббатнинг нурли дақиқалари, унинг ич-ичимга чизилган сурати-чи... Унга кеча-кундуз мафтун бўлганларим-чи... Наҳот уларнинг ҳаммаси йиллар шамолида учиб кетди?

Ёз кунларининг энг сўлим, дилбар оқшомида, бундан ўн уч йил аввал тўйимиз бўлди. Рўзгоримиз шу қадар тангки, қайнонам ипни ипга улайди.

– Хайрият, тўёналар асқотди. Қул ўлмас, ризқи камаймас деб шуни айтадилар-да. Тўйникини Оллоҳ ўзи етказди. Худо – пошшо! Тўйга қуш канотини солиб ўтаркан. Минг марта шукур, қарз бўлмадик, – дея қайнонамнинг боши осмонда.

Қайнонам ойига атиги эллик сўм нафақа олади. Тўртта бола. Ўттиз икки ёшида тул қолган. Қайнотамиз ошқозон ракидан қазо қилган экан. Энг тўнғич ўғли Раҳимжон ака юз сўм ойликка ишлайди. Мен эса талабаман. Рўзгордаги етишмовчиликка ҳаммамиз ҳам бепарвомиз. Йўқни бор қиладиган ёлғиз қайнонамнинг ўзи. Мен эса ўзимнинг осмонда учиб юрган туйғуларим

билан сармастман. Қуёш нурларига кафтимни тутиб, тобора ўзим ҳам унга ғарқ бўлиб бораман. Негаки, рўпарамда кўксимдаги азиз суратнинг жонли қиёфаси – менинг Фарҳодим – Раҳимжон ака! Назаримда у Отабекдан ҳам, Тохирдан ҳам гўзалроқ. Елкалари кенг. Юзлари кизларникидай оппоқ. Сип-силлик. Қошлари туташган. Кўзлари эса мени тилка-пора қиладиган чақмоқнинг ўзи. Кўзим кўзига тушганда, вужудим чақмоқ ургандай энтикади. Ўша лаҳза унга чинакам ошиқ, шайдо эканимни тан олиб, ҳамма нарсага тайёр тураман.

Кунлар ўтаверади. Мен ўт бўлиб, аланга бўлиб, шу хонадонга кириб келдим. Энди рўпарамдаги йигитнинг ҳам мен каби аланга бўлиб, ёнимда ёнишини истайман. Унинг овозидан, қадам товушидан, қарашидан, кўзларининг ич-ичидан муҳаббат излайман. Фақат муҳаббат!

\* \* \*

Охирги курсда ўқирдим. Тўйимизга тўрт ой бўлган. Дарсдан чиқиб, бекатда икки соатча турдим.

Ўша хонадонга боргим келмади. Онамникига бориш яна ўнғайсиз. Айтгудек, арз қилгудек бир гап ўтмаган. Фақат эримнинг нигоҳлари сал совуқ ва тунд, холос. Бори – шу!

Минг хаёллар ичидан омон чиқиб, уйимга қайтдим. Раҳимжон аканинг туриши баттар қўрқинчли бўлиб кетибди. «Чурқ» этмади. Ит келдими, эшак келдими ҳам демади. Тескари қараб ухлаш, сукутларга тўла кунлар бошланди. Мен чидолмай қолдим. Ҳамма гиналарни унутиб, ёмғирдан кейинги ҳаводай яшнаб, унга боримни тўкким келди. Юзларига юзларимни босиб, эркалансам дейман. Бироқ, ғурур йўл бермайди. Ҳеч ким йўқлигида унинг ҳиди ўрнашган кир кўйлагини олиб, бағримга босаман. Тўйиб-тўйиб йиғлаб, бўшалиб оламан.

Тавба, мен ўзи қанақаман? Шу аччиқ, шўр кўз ёшлар

ичидан ҳам муҳаббат излайман-а! У ҳамма майдаликни унутиб, тезроқ гапирса дейман. Агар у аразни тезда йиғиштира, демак, юрагида ўша мен излаган гавҳар – ўша муҳаббат бор бўлади, деган хулосага келаман. Ва... ниҳоят тўрт-беш кун деганда, ўша қорли, совук кунлар ортда қолади. Унинг осилган ковоқлари булутлар каби аста-аста кўтарилади. Чехрасига майин табассумлар ёйилади. Улар худди мен севган гулларга ўхшайди.

Биз ярашган кеча тез оқаради. Оппок сахарнинг чиройли бўйларига оғриниб қарайман. Биз икки-уч кун шунақа сархуш бўламизки... Нигоҳларимиз бир-бирига интилиб, талпиниб туради. Худди мен орзу қилгандай.

Йиллар шундай такрорланаверади.

Унга қўшилиб, бизнинг аччиқ ва ширин кунларимиз ҳам айланади. Ҳадеганда, кутилмаганда ўртага шайтон ўлгур оралайди. Аразли кунларнинг бошида мен ундан тамоман юз ўгириб, бутунлай кетмокчи бўламан. Ярим соат ўтиб-ўтмай, шаштимдан тушаман. Ҳамма гиналарим унут бўлади. Бироқ, Раҳимжон ака ўша бир тимрайганича, очилмай, қайтага заҳари тобора ошиб боради. Ўн беш-йигирма кун деганда, унинг ҳам баланд боши менга қараб эгилаётганини кўраман. Жуда-жуда секинлик билан осмонимиз ёришади. Офтобимиз чиқади. Ҳисларимиз кошлардай туташади.

Рўзғор билан ишимиз йўқ. Элликлардан ошган қайнонам сахарда катта халтасини кўтариб, бозорга чопади. Ўғли уйқудан тургунча яна лопиллаб кириб келади. Ўғлини сўрайди.

– Вой, яшаб кетгур, ҳалиям ухляяптими? – ўғлини эркалагандек бизнинг ётоққа кириб боради.

– Раҳимжон болам! Сенга нима бўлди-я...

Ҳа, энди битта бошинг иккита бўлди. Ҳадемай, худо хоҳласа, учта бўласизлар. Энди кўзингни очсанг ҳам бўлади, болам.

Қайнонамга ич-чимдан ачинаман.

Уйда унга астойдил куйинадиган йўк. Ҳаммасига ўзи югуради. Ҳовли тўла қулупнай эгатлари. Кузда қайнонам иккимиз чопикдан чиқаргандик. Май ойига келиб, ғарқ пишиб беради. Қуртнинг даҳасига ўхшаб, шоштириб кўяди-да. Вақтида терилмаса, тамом, чириб тугайди. Озгина ёрдам бўлсин, деб сахар туриб, қулупнай тераман. Катта тоғорани бошига, кичикроғини биқинига олиб, қайнонам автобусга шошади. Бозордан тоғорасини картошка, сабзи, пиёзга тўлдириб қайтади. Бир амаллаб қозонни қайнатади.

\* \* \*

Аёл кўнглининг нозик нукталарини ҳар куни кашф этиб бораман. Саккизинчи март ёки туғилган кунларимда Раҳимжон аканинг бир дона чиройли қип-қизил гул кўтариб келишини жуда-жуда истайман. Кутаман. Унинг эшикдан куп-курук келаётганини кўриб, тарвузим кўлтиғимдан тушади. Аразли кунлар ўтиб, офтоб чикқан кунларнинг биринчи кечасида унга ўпка-гина қиламан.

– Ақалли бир дона гулга олмайсиз-у...

У эса жилмайиб ҳазилга олади:

– Ўзингиз гулсиз-ку! Сизга гулнинг нима кераги бор?

Ўпкам тўлади. Кўзимга лик тўлаётган ёшни куч билан орқага қайтараман. Ожизлигимдан жаҳлим чиқади. Унинг оёқлари остига ўзимни отганимдан афсусланаман.

Фарзандларимиз битта эмас, иккита бўлди. Мана шу воқеа рўй берганда, қайнонам рўзгоримизни алоҳида қилиб қўйган кунлар эди. Ростини, ўша жанжални мен бошладим.

– Шу уйқунгиздан тўйдим, тўйдим. Бувим ҳам безор бўлганидан бошқа қилиб қўйди. Уйда нима бор, нима йўк демасангиз. Ҳовлининг атрофини қаранг. Маймунлар йиғляпти. Ажриқ тозалайвериб, жонимга тегди. Ҳа,

шуни бетон қилиб, чиройли қилиб қўйса бўлмайдами?

Раҳимжон акадан садо чикмади. Бошини ўраганча, ётаверди. Алам килди. Болаларимнинг нарсаларини апил-тапил йиғиштиришга тушдим.

– Қачон мана шу тўзғиган, ажриқ босган ҳовлини бетон қилсангиз, кейин келаман. Бўлмаса йўқ, – дедим ва эшикни зарб билан ёпдим.

Орадан тўрт кун ўтиб, қайнонам борди.

– Юринг, болам. Хўжайинингиз бетон қиляпти.

Ишонмадим. Келсам, ростдан ҳам шунақа. Ҳарорат қирқдан ошган. Пешонасини оппоқ дурра билан боғлаб, икки-уч одамни ёнига олиб, бетон қуйяпти. Ажриқ босган, тупроғи бир қарич кичкинагина ҳовли сахни кафтдек текис бўлиб боряпти. Мен хурсанд бўлганимдан кулиб юбордим. Раҳимжон ака ҳам маъюс жилмайиб қўйди.

Ҳовлини энди супуриш ҳам осон. Ҳавасга сув сепиб, тозалагингиз келади.

Орадан бирор ой ўтиб, мен яна янги иш топиб қўйдим.

– Айвоннинг ромларини қаранг. Бирам хунукки, офтобда баттар оқариб кетяпти. Тезроқ бўяш керак, – дедим ошиқиб.

Раҳимжон ака ҳеч гап эшитмагандек, индамади. Икки-уч кун ўтиб, яна такрорлайман. Ҳар доимгидай, ундан садо чикмайди. Бир куни ишхонадан туриб, қўнғирок килдим.

– Бугун болаларни боғчадан олиб, бувимларникига ўтиб кетаман. Қачон ўша айвон бўялса, кейин келаман.

Уч кун ўтиб, у қўнғирок килди:

– Мовжу! Келаверинг. Бўяб қўйдим.

– Ёлғон!

– Рост. Икки соатлик иш экан-ку! Нима, Сизни алдармидим!

Кўзларимга ишонмасдим. Кичкина айвонимиз ярақ-

лаб, кўзга ташланди. Оч ҳаво ранг осмондай ёришиб кўринди. Унга ҳавасланиб, жилмайиб қараганча, онамининг сўзларини эсладим.

– Эсинг йўқ, болам. Ичмаса, чекмаса, сўкмаса, урмаса. Шунга ҳам келаверсанг.

– Э, жон бувижон, юрагим «тарс» ёрилиб кетай дейди. Гапирмаса, эртадан кечгача ётаверса. Ундан кўра кўчага чиқиб кетса, минг марта яхши эди.

Отам ўқиниб, насихат қилади:

– Ҳар балога жиғибийрон бўлаверма. Қилса – қилар! Қилмаса – йўқ. Сен ишингга бор. Овқат-озигингни қил. Кирингни юв, болаларингга қара. Аммо аёл киши қиладиган юмушни қолдирма. Болаларингни ухлатиб, дамингни ол.

Қаёқда дейсиз. Унинг бир оғиз сўз билан бўлса ҳам меҳрибонлик қилишини истаб тураман. Кир ювганимда, ухлаб ётгунча, болаларимга қараб турса-ку, дейман. Бозоримни қилиб берса, мен шу вақт ичида дазмол босардим, дейман. Қаёқда. Эшикдан қурук бўйи чиқиб, қурук бўйи кириб келади. Минг бор хайриятки, болаларни боғчага ташишга гоҳ-гоҳ ёрдамлашиб қолади. Аразли кунлар бошланди дегунча, бу мурувватдан ҳам маҳрум бўламиз. У бир сўз демай шоша-пиша кийинади-да, эшикни «тарак» этиб ёпганча, чиқиб кетади. Йиғиштирилмаган ўринлар, чинқираётган кичкинама, хархаша қилаётган каттаси... Соат миллари учиб ўтаётганга ўхшайди. Негадир бу пайтда бўшашиб кетаман. Юрагим узилиб, ерга тушгандек бўлади. Бу ҳорғинлик куни бўйи томирларимдан кетмайди. Кечқурун эса мен ҳам анча баландлаган бўламан. Эртасига яна шу кун...

Йиллар ўз изини фақат чехрамда эмас, юрагимда ҳам қолдираётганга ўхшайди. Унга биров пичоқ санчгандек оғриқ азоб беради. Ҳеч кимга сездирмай яна йиғлайман. Энди олдингидай кўнглим тусаганда, сал нарсага онам-

никига кетолмайман. Негаки, рўпарамда овсин, онам-никида эса келин бор. Гапга гап уланиб кетишидан кўркаман.

– Ҳой, ухлмасдан битта ишни ўйласангиз-чи, – яна Раҳимжон акага ёлборишни бошлайман. – Ҳеч қурса алоҳида ошхона қурайлик. Шу ўтиришимиз ҳеч яраш-маяпти. Қозон осдинг дегунча, учта уйга ёғ иси тўлади.

– Бўлади, ҳаммаси бўлади. Кўп ошиққан хотин бўл-дингиз-да.

Мен кўнишга уринаман. Бу совук ҳолатлар аста-се-кин менга ҳам сингий бошлайди. Муҳаббат излаган дақиқаларим орқага чекинаётганини ўз кўзларим билан кўриб тураман. Бу ердан узоққа кетгим келади. Кетолмай-ман. Эшитиб отамнинг «босими» хуруж килиб қолади деб кўркаман. Икки боламни ёнимга олиб, ичкарида-ги уйга кириб кетаман. Болаларим ухлаб қолади. Мен эса... Бир меҳрибон кишимни шу қоронғу тун бағридан излайвераман, излайвераман. Ана... бир қадам чиқсам, нариги хонада ётибди-ку! Йўқ, унинг қаҳрли юзларидан кўркаман. Ичкари хонада – ундан жуда-жуда олис бир масофада туриб, ўша ўн етти ёшимда ўзим севган йи-гитни излайман. Ўн кун. Ўн беш кун. Йигирма кун уни тополмай гирён бўламан. Шунақа кунларда кўзимнинг ёши қуйилиб-қуйилиб келаверади.

Ўзим ишлайдиган мактабдаги Оқил акага қандай ҳас-ратимни тўкканимни сезмай қоламан.

– Оқил ака, бўлди, энди бошқа чидолмайман. Уйқусидан ҳам, аразидан ҳам чарчадим. Фақат... бо-радиган жойим йўқ, – унинг қаршисида ўтирганча, кў-зимдан дув этиб, ёш тўкилади.

– Майли, мен ўзим бир вақт топиб гаплашиб қўяман. Иккаларингни ҳам бутун шаҳар танийди-ку! Аразига парво қилма. Гапирмаса гапирмасин. Гаплашадиган ода-минг йўқми? Бутун мактаб болалари орқангдан юради-ку! Умрингни ана шуларга астойдил боғла. Ҳар нарсага

хафа бўлиб, ўзингни ҳадеб ерга ураверма. Нима, ундан камлик жойинг борми? Одам сал ўзини тутиши керакда! Маҳкамрок бўл!

Оқил ака куйиниб, яна нималардир дейди. Мен бўлса бу сўзлардан далда оламан. Бу сукутга тўла кунларга парво қилмасликка уринаман. Алламаҳалгача конспект ёзаман. Дафтар текшираман. Бугунги кун билан хайрлашаётганимда, яна ўша ўзим севган йигитни излайман. У эса... мендан тобора узоқлашиб-узоқлашиб боради.

Юрагим санчидиган, бошим оғрийдиган бўлиб қолди. Икки ойгача дўхтирхонага қатнадим. Бир бекатгина жойга зўрға судралиб бориб келаман. Ҳатто ўн минутлик йўл бўлган онамникига ҳам етолмай қолдим. У ер Маккадай – етиб бўлмайдиган жойга айланди. Узок даволанишлардан кейин, олтмиш беш кун деганда, ўзимни хиёл соғайгандек ҳис этдим. Ғойибданми, вужудимга куч кириб келди. Онамнинг энг яхши кўрган таоми – манти учун хамир коришга тушдим. Уни тайёрлагунимча, кун ҳам кеч бўлди. Ёзнинг кечки салқинида, шом коронғусида қизимни етаклаб, онамникига кириб бордим. Ўша дақиқада шундай хурсанд эдимки... Соғайдим. Яна ҳаётга қайтдим. Бетобликда яшнаб турган япроқ ҳам омонат кўринаркан.

Ўша кеча онам билан гурунглашиб, ётиб қолдим. Назаримда, болалигимга қайтдим. Онамнинг чизик босган пешоналарига, мош-гурунч сочларига қараб, энг яқин меҳрибонимнинг тобора кексайиб бораётганидан кўнглим бузилди.

Эртасига намозгарда уйга кириб келдим. Раҳимжон ака кечки салқинда торгина ҳовлимизнинг супрадекки-на саҳнисидаги сўрида авзои бузуқ ўтирган экан. Онам Раҳимжон акага битта чиннида ош, нон, майда-чуйда тугиб берган эди. Оппоқ тугунчани келтириб, сўрига қўйдим. У саломимизга алик ҳам олмади. Яна ундан узоқлашдим. Уйга кирдим. Эшикка чикдим. Бор-будини

йўқотган камбағалга ўхшардим.

Охири юрак ютиб, ундан жуда ҳам узоқда туриб сўрадим.

– Чой ичасизми? Дамлайми?

У индамади. Мен ғиппа бўғилдим. Охири гўлдираган-дек бўлди.

– Хотин деган вақтида кетиб, вақтида келса...

Мен тутаб, «лов» этиб ёниб кетдим.

– Ҳа, ўзингизнинг сингилларингиз икки кунлаб қолиб, куёвлари билан туришади-ку! Ҳатто бувимнинг ишларигача қилиб, кейин кетишади.

– Ҳа, бор! Сен ҳам бориб, қиб ке.

– Ўшанинг-чун кеч қолдим.

– Эрталаб етиб келиш керак эди, – Раҳимжон ака ғазаб билан олдидаги кўк сопли пичокни кўтариб, сўрига отди. Пичоқ худди менга келиб санчилгандек, сўрининг энг чеккасидаги тахтага бориб, тикка бўлиб қолди.

– Ўзим кеча хуфтонда кетдим-ку! Инсофингиз борми? Олтмиш беш кунда зўрға кириб бордим-ку!

– Ўчир овозингни! Ҳозир пичоқлаб ташламай.

– Пичоқлаб бўпсиз. Жуда кўчада колганлардан эмасман. Чертиб кўринг-чи... Сизни тегирмонга ташлаб, конингизни тиркиратиб юборишар.

Раҳимжон ака баттарроқ осмонга чиқди. У қаҳр билан ўтирган кўйи ерга энгашиб, оёғи тагидаги калишни жон-жаҳди билан менга отди. Мен эшикни беркитиб, айвонга қочдим...

Назаримда шундай шахд билан қочардимки, тобора ундан узоқ-узоққа кетиб борардим.

\* \* \*

Мақсадбек мендан етти йил кейин биз ишлайдиган мактабга ишга келди. Иккаламиз деярли тенгдош. У мендан беш-олти ойликкина катта, холос. У мактабимизда

ишлаётганининг учинчи йили имтиҳонларни тугаллаб, Шоҳимардонга чиқадиغان бўлди. «Оилавий» деб эълон қилишди. Уйга келиб, Раҳимжон акага айтсам, тайинли гап айтмади.

– Болаларни бувимга ташлаб, сўппайиб ўзим бораман бўлмаса, – дедим ўксиниб.

Сезиб турибман, у бормаслигимни истаяпти. Якшанбада у ухласа, мен кир ювсам, бозорга борсам, овқат пиширсам, уй йиғиштирсам. Унинг истаги бори-йўғи шу холос. Менинг хаёлимда эса бир ҳафтадан буён тоғли Шоҳимардон. Айниқса, тип-тиниқ булоқларини кўргим келади. Ундаги улуғворлик-чи... Бир томонда сутдек бўлиб Оқ сув қўшиқ айтади. Бир томонда шишадек Кўк сув. Кўликуббонга чиқсак борми, у зумраднинг ўзи. Онамнинг ёшлик пайтларимдаги гапи қулоғимда:

– Ким Кўликуббонга чиқса, унинг армони ушалармиш, ниятига етармиш...

Бу Кўлга ҳамма ҳам чиқавермайди. Йўли оғир. Унга наъматақзорларни оралаб, камида икки чақирим йўл бошиш керак. Харсанг тошлардан сакраб-сакраб борилади.

Кунлар қайнаб кетганидан кўпчилик ўзини Шоҳимардонга урган. Йўллар серкатнов. Қадамжодан – баланд тоғнинг пастидаги йўлдан ўтишимиз билан топ-тоза, муздек ҳаво юзларимизга урилди.

– Мавжуда, келинг бу ёққа, – деди ҳали автобусга чиқаётганимизда Мақсадбек. Унинг бу меҳрибончилиги негадир хуш ёқди. Ёнимда «оилавий» шеригим йўқлиги учун ўзимни анча ноқулай сезиб тургандим. Яхши бўлди. Унга миннатдорлик билан қараб, ёнига ўтирдим. Мен Мақсадбекнинг оиласини кўрмаган, бироқ исмини эшитгандим.

– Соҳибахонни олиб келмадингизми?

– Унамади. У ерда ҳеч кимни танимамайман, дейди. Ўзингиз-чи? – қутилмаганда савол берди Мақсадбек.

– Айтдим. Индамадилар. Нима қилишни билмай ўзим келавердим.

– Хафа бўлманг.

Билмадим, товушимда ўксиниш бормиди, Мақсадбек юпатгандек бўлди. Шу бир лаҳзалик кўнгил кўтаришдан руҳан унга сари бир қадам ташлагандек эдим. Шохи-мардонга етай деганимизда, йигирма чоғли одам жим бўлиб қолдик. Ҳаммамиз табиатнинг улуғвор кучоғига тикилиб қолган эдик. Ҳаво шу қадар тозаки... Худди сутга, қаймоққа ўхшайди. Самирган саринг самиргинг келаверади.

– Қизилбулоқдан сув ичмайсизларми? – деди ҳайдовчи йигит орқасига қараб.

– Ичамиз!

Ҳаммамиз гуриллаб пастга тушдик.

– Маза қилдик-а! Булоқ суви зўр-да! – деди Окил ака автобусга чиқаётганимизда.

Биз маорифчиларнинг дам олиш уйига жойлашдик. Бу гўша Кўлиқуббонга чиқиладиган йўлнинг остонасида эди. Ҳамма ўзи билан, рости ўзининг ширин хаёллари билан банд эди. Табиат шунақа. Ҳар гал одамни майдачуйда ғашликлардан халос этади. Баландликлар сари етаклайди. Арчаларнинг ҳиди уфуриб, осмонга боши тегиб турган тоғ қаршисида ким ҳам ҳайратланмайди? Бир кун шу ерда яшасанг, бир йилга умринг узаядиганга ўхшайди. Раҳимжон акадан ўксинаман. Бу ширин туйғуларимни унга илинаман. Мана шу ерларга келса, маза қилиб дам олса бўлмасмикин, дейман.

– Мақсадбек, Кўлиқуббонга чиққанмисиз? – дедим чакқонгина бўлиб сўриларга жой тўшаётган Мақсадбекка. Югуриб бориб, унинг кўлидаги якандозни олдим.

– Қизлар турганда, сиз солармидингиз?

– Икки марта чиққанман, холос.

– Бирор эзгу орзу билан чиқиш керак, дейишади. Биласизми, бу гапни одамлар ўйлаб топишган бўлса керак. Нега десангиз, ўшандай гўзал жойга чиқиш осон эмасда. Уни кўришсин, баҳраманд бўлишсин, йўлдан кўрқиб, орқаларига қайтишмасин деб, шунини ўйлаб топишган.

Мақсадбекнинг буғдойранг чехраси ёришиб, одамга меҳрибон боқувчи нигоҳлари чақнади.

– Бугун биз ҳам чиқамиз, – деди Мақсадбек.

– Ушалмаган армонингиз борми?

– Бор! – деди у бирдан ёришган юзи туман босгандай қорамтирлашиб. – Кўлга чиқсангиз айтаман.

Мен «майли»дегандай бош кимирлатдим.

– Ростдан чиқасизми, Мавжуда? – унинг нигоҳлари шу қадар илтижоли эдики...

Тавба, негадир бу нигоҳлар қаршисида ростдан ҳам бир лаҳза довдирадим. Унга сари яна руҳан бир қадам яқинлашдим. Кейин ичимда ўзимни қойидим. Биз аёллар мунча ширин сўз, меҳрибон қараш олдида ҳадеб ўзимизни йўқотавермасак-а...

– Сиз қанақа орзу билан чиқасиз? – хаёлимни ўзимга келтирди Мақсадбек.

– Олдин сизникини эшитай, кейин мен айтаман.

– Бўпти, келишдик.

Тушдан кейин ҳамма айлангани йўл олди.

– Ким Кўлиқуббонга боради? – сўрадим сув бўйидаги айвончада гурунглашиб ўтирган аёллардан.

– Ў... зарилми? Маза қилиб, дамингизни олсангиз-чи, – деди математика ўқитувчиси Назира опа.

– Чиқовринг ўзингиз. Биз бозорни айланиб келамиз. Қурут-пурут оламиз, зира-пира дегандай...

Директор ўринбосари Манзура опанинг бу гапидан кейин ҳамма аёллар гуриллаб ўринларидан туришди. Оқил ака, Мақсадбек учовимиз Кўлиқуббонга йўл олдик. Оқил аканинг ёши эллиқдан ошиб бораётган, со-

члари чаккаларидан оқара бошлаган бўлса-да, қуввати жойида. У шундай катта одимлайдики, етиб бўлмайди. Мақсадбек ортига қараб, гоҳ-гоҳ мени имлаб кўяди. «Тез– тез! Чарчамаяпсизми?»

Биз Кўлга ярим соатлардан мўлроқ вақтда етиб бордик. Шоҳимардонга қараганда бу ер жим-житга ўхшаса-да, Кўл атрофида одамлар кўп, улар сочилиб-сочилиб кетган эди. Кўликуббонга етиб, унга нигоҳи тушиши билан одам бир бошқача энтикиб кетади. Вужудингга тиниклик кириб боради. Сувнинг зумраддек рангидан кўзлар қамашади. Кўликуббоннинг атрофлари тоғлар билан ўралган. Бу кўл худди улкан тоғларнинг ховучига тўлиб турганга ўхшайди.

Кўлнинг ўртасида иккита қайик сузиб юрибди. Жимир-жимир қилаётган сувга узоқ қараб қолдим. Она-табиатнинг бу мўъжизакор туришидан лол эдим. Унинг қачон ва қандай пайдо бўлгани ҳақида ўйлаб кетдим. Ҳеч ким билмаса керак.

Бирдан агроф тўс-тўполон, қий-чув бўлиб кетди.

– Қайик ағдарилиб кетди. Вой, одамлар...

Қайикларни изладим. Иккита қайикнинг биридан аёлнинг қўлларини ёзиб, ёрдам сўрагани кўринди. У жуда узоқда бўлганидан, овозини ҳеч ким эшитмасди. Ўша аёлдан кўз узолмай қолдим. Бир пайт у ҳам «дод» деганча, ўзини сувга отди. Кўлнинг ўртасида бир йигит шитоб сузиб борар, қайикни бошқараётган йигитлардан бири ҳам ўзини сувга отган эди. Кимдир қўлимни маҳкам ушлади. Қарасам, Оқил ака экан.

– Оқил ака! Қаранг энди бу кўргуликни. Бечора аёл... ишқилиб... – кўзим ўша томонда эди. Оқил акага қарамасдим.

– Сувга ўзингни ташлаб юборадигандек турибсан. Кўрққанимдан...

– Сузишни билганимда-ку!

Кайиқчи йигит аёлни судраб, биздан анча нарига, қирғоққа олиб чиқди. Оқил ака иккимиз, яна беш-олтита одам беихтиёр ўша томонга чопдик.

– Боласи-чи... Боласи...

Аёлнинг оғзи сувга тўлган эди. Беш-олти аёл уни ҳушига келтиришга уриндик.

– Болам, болам... Қани Алишерим... болажоним... – аёлнинг юмалоқдан келган юзи кўм-кўк, намозшомгул атласи баданларига чиппа ёпишиб қолган, ўзи эса дағ-дағ титрарди. Тинмай «жон одамлар, ёрдам беринглар, ўғлимни қутқариб қолинглар», деб илтижо киларди.

Яна ҳаммамиз Кўлга қарадик. Кўлнинг ўртасида йигит кишининг қоп-қора сочлари кўринди. Шу пайт Мақсадбек ёдимга тушди.

– Оқил ака, Мақсадбек қани? – дедим нимадандир кўрққандек.

– Ҳозир... – деди Оқил ака тутилиб.

Энди олазарак бўлиб одамлар орасидан Мақсадбекни излай бошладим. Дам кўриниб, дам ботиб кетаётган сочларга қарардим. У тобора бизга яқинлашиб келаётганга ўхшар, лекин бу йўл поёни йўқдай етиб келмасди.

Мақсадбекни танидим. Уни ҳозир шундай яхши кўриб кетдимки... Худди менинг боламни торткилаб чиқаётгандек, унга қандай миннатдорчилик билдиришни билмасдим. Кўрмаган эканман, яна икки йигит Мақсадбек томон сузиб бораётган экан. Қирғоққа йигирма газча қолганда, йигитлар етиб боришди. Мақсадбек сал снгил суза бошлади. Бир оздан кейин секинлади. Орқада қолди. Йигитларнинг кўлидан болани одамлар шахд билан тортиб олишди. Бола кўм-кўк, бақа тўнига ўхшаб кўқариб кетган эди. Ўн ёшлар чамасидаги болани одамлар оҳиста уриб, қулоғини тортишарди.

Болага қараганча, Мақсадбекнинг қирғоққа келганини ҳам сезмабман. Кимдир ўнг тирсагимдан тортди.

– Кетдик, – деди Оқил ака шивирлаб, худди биров

эшитиб қолишидан чўчигандек. Одамлар орасидан суғурилиб чикдик. Мақсадбек ҳеч нарса бўлмагандек кийиниб, анча нарида турарди. Унинг жингалак, ҳўл сочларига, узун бўйларига ҳавасим келиб, миннатдор қарадим.

– Яшанг-ей, Мақсадбек. Бечора онанинг бир умрлик олқишига қолдингиз.

– Ҳушига келди-а? Қараб турувдим, – деди Мақсадбек ҳеч нарса бўлмагандек. Кейин қўшимча қилди.

– Шерикларга индамай қўя қолинглар. Овозани ёмон кўраман.

– Ие, нимага, буни ҳаммага айтиш керак, – Оқил ака қатъий оҳангда гапирди.

– Оқил ака, мени шу ердан яйраб кетсин десангиз, айтманг. Энди... бир тасодиф билан... Нима бўпти уч йил флотда хизмат қилган одамга.


– Майли, бир кун ўрни келса, айтармиз, – Оқил ака рози бўлди.

Мақсадбек «Сизни чўчитиб юбормадимми» дегандай менга қаради.

– Мавжуда, кўркмадингизми?

– Йўк, – дедим сўзсиз бош кимирлатиб. Унга меҳрибонлик билан бир ширин сўз айтгим келди-ю, тополмадим. У ҳозир шу қадар яқин одамимга айланган эди. Арчаларнинг хушбўй хиди димоғимга урилди. Шаббода эркалаб, юзларимизни силади. Назаримизда учқовимиз ҳам ўз хаёлларимизга банд эдик. Пастга тушсак, ошни дамлаб, бизни кутиб ўтиришган экан. Назира опа менга ғаши келгандай қаради. «Ҳеч қандай гуноҳ иш қилганим йўғ-а?» дегандай мадад кутиб, Мақсадбекка қарадим. У эса «ҳеч кимга айтманг, хўпми?» дегандай имо қилиб, бошини кимирлатди.

– Мавжуда, қанақа ният билан чиккандик, бир-биримизга айтмадик-ку, – деди Мақсадбек. Шундан кейин қайтаётганимизда.



– Эзгу ният билан, – дедим.

У жавобдан коникмади.

– Эртага мактабда айтамыз, – дедим қатъий қилиб.

– Бўпти, фақат ростини айтиш. Фақат кўнгилда борини айтиш. Яшириш, алдаш йўқ, – у яқиндан туриб кўзларимни мўлжалга олди. Хижолат тортиб, ерга қарадим.

Болаларимни бувимникидан олиб, уйга етиб келганимда, коронғу тушиб қолган эди. Айвонимиз ёқилмабди. Ичкаридаги чироқ шуъласи мўралаётгандек, салгина кўриниб турарди. Учта болани етаклаб кириб бордим. Раҳимжон ака ўзи ёлғиз телевизор томоша қиларди. Деразалар ланг очилган. Хона ичи барибир дим ва иссиқ эди.

– Ассалому алайкум...

Бу – менинг «биз келдик, қалайсиз?» деганим эди. Раҳимжон ака бир каради-ю, тимрайганча, индамади. Болалар ҳам ундан ҳуркиб, остонада туриб қолишди.

– Пишириб қўйганаканми? – деди ниҳоят ярим соатлардан кейин.

Бу пайтда болаларни ичкарига ухлатиб, уй юмушларига уриниб юргандим. Тилимни тийиб туrolмадим.

– Пишириб қўйган экан. Қўй ёғида, девзира гуручда ош. Мазза қилиб еб келдик.

– Шунини айтади-да, хотин кишининг сочи узун, ақли қисқа деб.

– Тавба, ҳа, нима қилдим Сизга...

– Қайси аҳмоқхотин эрини ташлаб, ўзи Шоҳимардонга боради.

– Ўша Сиз айтган сочи узун, ақли қисқалар боради.

Ўзимни босиш учун ташқарига чиқдим. Ёз кечаси. Осмон шу қадар яқин. Ғуж-ғуж юлдузлар бошимда шодашода бўлиб осилиб турганга ўхшайди. Ой ҳам лопиллаб, анча кўтарилиб қопти. Сутдек ойдинда чиннигуллар чўтдай қизариб кўринади. Қоп-қора садарайхонларнинг бўйларини қўмсаб, уларни оҳиста тебратаман. Атрофни райхон

бўйи тутиб кетади. Мақсадбекни ўйлайман. Унга атиргуллардан дасталаб тутгим келади. Раҳимжон аканинг тимрайган юзи бутунлай хаёлимдан кўтарилиб кетади. Сўрига жой ҳозирлаб, болаларимни салқинга олиб чиқаман. Оппок болишга бошимни кўйиб, улуғ Шохимардонимизни ўйлайман. Унинг муздек ҳавоси юзимга урилгандек бўлади.

Эртага тезроқ тонг отишини, Мақсадбекни кўришни истайман. Нега? Буни ўзим ҳам билмайман. Унинг гаплари ёдимга тушади. Мен ҳали Шохимардонга борамиз дейишгандаёқ, Кўликуббонга чиқишни ва қанақа эзгу ниятлар билан унга томон одимлашни кўнгилга тугиб кўйган эдим.

Яъни...Яъни аёлларга ҳамиша муҳаббат, меҳр, меҳрибонлик, шафқат ёр бўлсин! У ҳеч қачон ана шулардан айрилиб қолмасин!

Нега шундай ният қилдим-а? Нега бойлик сўрамадим? Меҳр сўрадим, муҳаббат сўрадим. Нега? Жуда кўп аёлларнинг эри хиёнат қилганини билганим учунмикан? Тўйгача ох-воҳ чеккан йигит, сал ўтмай аёл бечорани бир қолипга солишга урингани учунмикан?

Раҳимжон акани ўзимга, ўзимни унга қайтармоқчи бўламан. Лекин аксинча бўлаётгандай кўрқиб кетаман.

Эртасига дарсларни тугаллаб, адабиёт хонасида ўтирсам, Мақсадбек кириб келди.

– Лирикларга салом, – деди у кулиб.

– Келинг, – ўрнимдан туриб, унга жой кўрсатдим.

– Мавжуда! – у яна кўзларим ичидан бир нима топишга урингандек, бир лаҳза тикилиб, кўзини бошқа томонга олди.

Мактабда кўпчилик мени «Мавжудахон»деб чақиради. Мақсадбеккина «Мавжуда» дейди. «Нима дейсиз» дегандек унга қарадим.

– Кечаги эзгуликни...– у тутилди, – охирига етказиб кўяйлик.

– Мен тайёрман. Лекин сизникини эшитиб, кейин айтаман, – дедим ўйчан қиёфада.

– Нега энди?

– Йигитларнинг кўнгли биз учун сирлироқ-да! Армонингиз... ё орзуингиз нима? Тезроқ билгим келяпти.

– Мен эса Сизникини...

– Йўқ, аввал Сиз айтинг! Бўлмаса айтмайман.

Мақсадбек «бўпти» дегандай, астойдилроқ ўрнашиб ўтирди.

– Мен, – деди у салмоқлаб, – хиёнатнинг юзини бир кўрдим. Энди ўла-ўлгунча кайтиб кўрмайин. Эй, она табиат, кодир табиат, энди бошқа кўрсатма, – дедим яшил арчаларга, баланд тоғларга қараб она Кўлга ёлборганча.

Мақсадбекнинг буғдойранг чехраси қорамтир тус олди. Кўзлари аламли ва маъюс эди.

Юрак ютиб сўрадим.

– Хиёнатнинг юзини кўзингиз билан кўрдингизми?

– Кўрганман, Мавжуда. Яна қаерда денг? Ўз уйимда. Мана шу қўлларим билан тиклаган уйимда. Уйимга ўғри тушиб, хону-монимни талаб кетса ҳам майли эди.

– Қаранг энди... у ҳам (биринчи хотиним дейишга тили бормади) муаллима эди. Бошлангич синфларни ўқитарди. Энг пок, энг беғубор болаларни. Ўшанда кўлидагиси беш ойлик эди. Ишга чиқмаётганди. Омадни қарангки, ўша куни хонанинг калитини қолдириб келибман. Велосипедни миндиму, уйга чопдим. Соат роп-па-роса ўн икки бўлган эди-да. Олтинчи соатда ўнинчи синфларда дарсим бор эди. Анчагина тажрибалар ўтказишни режаллаган эдим. Борсам, эшик берк. Ичкаридан илгак солинган. Ҳайрон бўлдим. Ким тушида кўрибди, дейсиз. Шу пайт юрагимга бир ғалати ваҳима ўрмалади. Овоз чиқармадим. Энди ўзим ўғрига ўхшардим. Сассиз девордан ошдим. Қадам товушимни чиқармай, айвондан ўтиб, ичкари уйга кирдим.

Мақсадбекнинг кўзлари ғазабли чакнади.

– Аблах! Ифлос! Мен у зоти пастни ўз уйимда, мен ётган кўрпада бир бегона эркак билан кўраман деб туш кўрибманми – а? Айни хиёнатнинг устига борибман. Бу қўлларимни ҳаром қилмасам ҳам бўларди-ю... Барибир одам ўзини тутолмас экан. Улар ёввойи мушуклардай сапчиб кетишди. Унинг (хотинини айтмоқчи) юзига қарашга ҳазар қилдим. «Тфу сендақа хотинга» дедим. Ҳалиги иблисни бўлса, худди ўша нозик жойига келиштириб тепдим ...

Мақсадбек ҳаво етмагандек чуқур нафас олди. Тўхтаб қолди.

– У иблиснинг томоғидан ғиппа бўғдим, қўлимни ҳаром қилгим келмади. «Мард бўлсанг, уйингга олиб бориб, кучоғингга солиб ётсанг бўлмасмиди...» деб энг уятсиз гаплар билан бўраладим. У қочиб қолди.

– Қани, кўчингни кўтар, бу ерда қозинг ҳам қолмасин, – дедим ўша шайтон хотинга. У кўркқанидан учта болани олиб қаёққадир кетибди. Ўзим машина топиб, тунда кўчини отасиникига элиб ташладим. Кошки эди бу билан қутулиб бўлса. На ишга чиқа оламан, на уйга кира оламан. Дарсга ярамай, ётиб қолдим. Сарик касалга чалиниб, уч ой касалхонада ётдим. Бу орада ўқув йили ҳам тугади. Қишлоқдаги мактабни ҳам, уйни ҳам тарк этдим. Шаҳарга келдим. Ризкимни ҳар жойлардан териб юрибман. Аммо ўша уйга боргим келмайди. Илон кулча бўлиб ётгандек совук. У колхозимизнинг тракторчиси Ҳаким хотинбоз эди. Ўзимнинг маҳалладошим. Битта мактабда ўқиганмиз.

Уни ростдан ҳам яхши кўрардим. Ўша уни йўқотган дақиқамда яхшики, кўзларимиз тўқнашмади. У юзларимга қаролмади. Ҳаром башараси кўксимга чизилиб қолди. Эсласам азоб беради. Унинг чўғли кўзларигина исқиртга айланмай, ўшандайича хаёлимда қолди. Негадир у кўзларни хаёлимдан чиқаролмайман. Улар менинг дунёда топган ёруғ юлдузларим эди. Ҳали-ҳали мени

ўзига тортади. Кўргим келади. Кечай дейману кечолмайман. Мавжуда, бахтимни қарангки, шу ерга келиб, ўша хаёлимда омон қолган кўзларни топиб олдим.

Мақсадбекни тинглаб ўтирганча, унга далда бўладиган сўз тополмасдим. Мақсадбек яна менга юзланди.

– Мавжуда, хафа бўлмасангиз, ростини айтаман.

– Кечаги марддигингиз учун, айтаверинг, хафа бўлмайман. Мени хафа қиладиган гап айтмассиз.

– Йўк, – деди синиқ кулимсираганча бош силкиб. – Мавжуда, биринчи ишга келган куним Сизни ўқитувчилар хонасида учратдим. «Янги» дегандай Сиз ҳам менга қизиқсиниб, астойдил қарадингиз. Сизга салом бермоқчи бўлиб шошдим, кўзларингизга дуч келдим. Юрагим бир ўрнидан жилиб олгандай бўлди. Дунё ёп-ёруғ бўлиб кетгандай. Мен йўкотган гавҳаримни қайтадан топгандай эдим. Ҳали исмингизни билмасдим. Билганимдан кейин эса, «Мавжудахон» деб чакиролмадим. Худди ўзимга яқин одам узоқлашиб қолаётгандай эди. Уйда конспект ёзиб ўтириб, машқ қилдим. «Мавжудахон!», «Мавжудахон! ». Йўк, бўлмади. «Мавжуда!» Шунинг ўзи менга яхши ва жуда қадрдон эди.

– Мақсадбек! – ортиқ токат қилолмадим. – Менга бу гапни бекор айтдингиз. Энди Сизни кўрсам, хижолат бўлавераман.

– Нега? – у мени тинчлантиришга тушди. – Бу балки табиатнинг менга юпанчи, далдаси бўлса керак, – у оғир тин олди.

– Мақсадбек! – кутилмаганда овозим қатъий оҳангда баландлаб кетди. Бир ғалати оппоқ тўлқинга урилган туйғуларимни босишга уриндим. – Илтимос, бу ҳақда ҳеч кимга айтманг. Одамларни биласиз-ку, тўқиб ташлашади. Маломатга қоламан. Агар эрим эшитса, ўша кундан мени бу ерга қадам бостирмайди.

Мақсадбек «рост, тўғри айтасиз» дегандай ўкинчли бош силкиди.

– Бироқ, бу ерда Сизнинг гуноҳингиз йўқ, Мавжуда. Сиз гулдай покizasиз.

– Қўйинг. Қани хотинингизга бирортаси шунақа деб кўрсин-чи...

Мақсадбек жим қолди. Кўзларимга қарашга ботинмади. Кўнглимдаги эзгу ниятни сўраш ҳам хаёлидан кўтарилиб кетди чоғи...

– Мавжуда! – у тортинибгина юзларимга қаради. Қарашлари меҳрли ва жуда ҳам яқин эди. – Сизни хафа қилиб қўйдим-а, ростини айтинг.

– Йўқ, – дедим кўзларига қарамай. Мен ҳам ўзим шунақаман. Одамларга руҳан суяниб яшайман. Руҳан суяниш – яхши. Ўзингиз айтганингиздай, хиёнатга кадам босиш эса... Тубанлик. Энди бу ҳайвоннинг иши бўлади.

Мақсадбек худди кўзларимни излагандек, юзимга жовдираб қаради. Мен нигоҳларимни сездирмай бошқа томонга бурдим.

– Мавжуда, биттагина илтимосим бор. Йўқ деманг. Биласизми нима? Бугундан бошлаб чин дўст бўламиз. Майлими?

– Ҳали ҳам дўстмиз-ку, – мен тобора чуқурлашиб бо-раётган туйғуларимизни енгиллатишга уриндим.

– Қиёматли дўст!

– Одамлар эшитса кулади, масхаралайди. Иккаламизни ҳам маломат қилишади. Ишонинмайди. Чунки аёллар ва эркаклар ўртасида бунақа нарсани эшитганим йўқ.

– Эшитмаган бўлсангиз ўша туйғуни биз кашф қиламиз.

Ўйланиб қолдим. Мен рози бўлгандек эдим.

– Фақат битта шарти бор, – деди Мақсадбек.

– Қанақа шарт?

– Бир-биримиздан ҳеч қанақа сир яширмаслик. Кўн-гилда борини айтиш.

– Қийин экан. Аёлларнинг ҳамма сирини эркакларга айтиб бўлармиди!

– Айтса бўладиганини-да...

– Уринаман.

– Раҳмат, Мавжуда.

Биз ўрнимиздан турдик. Нимагадир ўзимни ҳар кунгидан қудратли ва бардам сездим. Мақсадбек озиқ-овқатлар билан тўла халтамни қўлимдан олди.

– Беринг ўзимга. Уят бўлади, – дедим унинг қўлидаги халтага ёпишиб.

– Нимаси уят? – у ҳайрон бўлди.

– Масалан, бизнинг хўжайин бунақа халтани зил-замбил бўлса ҳам икки дунёда олмайди. Эркаклар кўтарса, одамлар кулармиш. Уларникида халтани, оғир сумкани оналари кўтаради. Шунга ўрганишган.

– Унда эркаклар нимага туғилган, – Мақсадбек ҳайрон бўлиб, яна яқиндан қаради.

Биз хайрлашиб, иккимиз икки томонга айрилишиб кетдик. Узун, лиқ тўла автобус бекатдан бекатга чопар, Мақсадбек билан ўртамиздаги масофа тобора узаяр, унинг сари ўзимиз бир-биримизга яқин бўлиб бораётгандек эдик.

\* \* \*

Ёшликда берган кўнгил деб шуни айтишса керак. Раҳимжон ака араз қилса, қовоғи солиниб қолса, энг олис манзилга кочиб кетсам ҳам қутулиб бўлмайди. Кўнгил қийноғидан, кўнгил азобидан чарчаб кетаман. Сал нарсага кўзимнинг ёши тўкилаверади. Аёлни ожиза деганлари шу бўлса керак. Яна шу кўнглимнинг ўзи менга маслаҳатгўй бўлади. Яна шу кўнгил ўзи менга энг тўғри йўлни кўрсатади. «Барибир ўзинг қидолмайсан, Мавжуда, уни соғинасан. Яна ўзинг қайтиб келасан. Ўлдингми, қолдингми, деб орқангдан бормайди ҳам. Ахир, уни ўзинг яхши кўрасан-ку! Ундан кўра сабр қилиб, жимгина яшайвер».

– Рост айтасан, кўнглим, – дея унинг нидосига сўзсиз иқроп бўламан. Фақат мен ҳаётнинг бир ҳақиқатига чидолмайман. Ўша осмон Маликаси – Ой ҳам ҳар гал янгиланиш олдидан уч кунгина тўлғоқ тортади. Уч кун у ўз куёшидан узоқда, кўринмай яшайди. У уч кунгина асабий шамол, бўронлар бағрида, зимистонликда кун кечиради. Кейин эса... Бутун хусни-жамолини, кўркини кўз-кўзлаб, куёш ҳадя этган нурларни саховат билан тўкиб, қоронғуликларни ёритиб-ёритиб яшайди. Аёлни ҳам ойга ўхшатишади-ку! Мен ҳам ой бўлсам, ойданимдан кечалар ёришса дейман. Менга ҳаминиша нурлар ҳадя этувчи куёшим, ҳа, ҳа, ўз куёшим бўлса дейман. Бу куёш – ўша Раҳимжон ака-ку! Ундан ўзга ҳеч ким ҳатто ҳаёлимга ҳам яқинлаша олмайди-ку! Ҳа, ишончим қомилки, ҳатто ҳаёлимга яқинлаша олмайди.

Минг афсус... Яна аразли, совуқ, сукунатли кунлар бошланди. Мен бир оғиз сўзни ноўрин айтиб юбордим. Бир оғиз сўздан тойилиб кетдим. Шундай бўлишини туш ҳам кўрмаган эдим. Бир оғиз сўз учун роппа-роса ўттиз икки кундан бери, йўқ, йўқ, худди ўттиз икки йилдан бери танҳоликда яшаб, бечорадан бечорароқ аёлга ўхшайман. Одамлар кўзи билан кўролмайдиган бу азобли, кўнгил уйи ичидаги айрилиқ тўла, меҳрсиз, муруватсиз, аёз кечаси каби совуқ кунлар азобини фақат яшаганлар, бошидан кечирганларгина билади. Қачон ёруғликка чиқаман. Билмайман. Илгарӣ энг узоғи – ўн саккиз кун бўлган эди. Ўшанда Раҳимжон акани ростдан ҳам соғиниб қолганман. Ҳар куни тунда ҳеч сездирмай, ўзим ёлғиз ётганча, йиғлаб-йиғлаб тонг оттирардим. Ўшанда...

...Биздан уч-тўрт эшик наридаги қўшнимиз тўй қилди. Биз билан бирга ишлайдиган Ашур ака деган ўқитувчи ичиб, кайфи ошиб қолибди. У ҳамма аёлларни қувиб юриб, ўйинга соляпти. Бир пайт гандирақлаб менинг ёнимга кел-

ди. Қўлимдан маҳкам ушлаб, даврага судрай бошлади. Билмайман десам ҳам қутулмадим. Шу орада Раҳимжон акага кўзим тушди. У лопиллаб, тўйдан ўкдек учиб, кўчага отилди. Мен эса битта аёл билан номигагина даврага чиқдим.

Уйга келсам, майкачан ўтирибди. Папирос чекмасди. Хона ичи тутунга тўлиб кетибди. Оппокми, кўкишми туман ичида уни кўрдим.

Унинг ғазабнок овози эшитилди.

– Зўрға турган экансиз.

– Ажаб бўпти. Нима қилай? Битта мастнинг қўлига ташлаб, чиқиб кетавердингиз-ку! Зўр бўпти.

Ўтган иш шу эди. Ҳар куни тунда ичкарига кириб, худди айб иш қилаётган аёлдек унинг кўйлагини ичимга солиб ухлайман. Эрталаб ковокларим муштдек. У ҳаммасини кўриб, сезиб туради. Барибир шаштидан тушмайди. Ёнига боргани кўрқаман. Ўн саккизинчи куни сахар ташқарига чиқсам, Раҳимжон ака ҳам эшикка чиқди. Ёзнинг охирлари. Ҳовли ойдин. Осмон яқин. Юлдузлар эса ёрқин. Раҳимжон ака кичкина йўлакчада йўлимни тўсди. Мен-чи, тўкилай-тўкилай деб турибман. Ўшанда «бор-ей» деб нозу-фироқ қилиш қаёқда дейсиз.

Шунчалар соғингандимки...

– Нега шундай қилдингиз? Мени битта мастнинг қўлига ташлаб қочвордингиз. Яна менга бу зардаларингиз? Нима гуноҳим бор эди?

Мен фақат шу гапларни такрорлардим. Ўзим сезяпман. Овозим юмшоқ, эркаловчи.

– Мен ҳам эркак кишиман-ку! – деди кўзларимга ошиқлик билан қараб.

Шу билан ўн саккиз кунлик азоб тугади. Гўё ёмғир ёғди. Камалак чиқди. Кейин қуёш кулди. Гуллар табасум қилди. Қушлар чуғурлади. Қўшиқ... Атрофда ширин, ажиб садолар. Уларга тўйиб бўлмайди, шунақа ширин...

Лекин ўша аччиқ кунлар умрингни пичоқдай кий-малаб кетганини кейин биларкансан. Оқил ака бир куни шундай деганди:

– Инсоннинг умрида иккита жом бўлади. Бирига бол куйилади. Бирига заҳар, яъни ҳаётдаги аччиқ дақиқалар томади. Бол жоми тўлиб-тошиб тураверса, инсон яшай-веради. Заҳар тўлиб-тошса, инсоннинг тирик вужуди заҳарланади. Энди унга ҳеч ким ёрдам беролмайди. Ҳатто табиблар ҳам. Афсус, биз битта одамни йўқотамиз. Биз бу фожиани осонгина ўлимга, ажалга тўнкаб қўя қоламиз.

Тавба, шунча йилдан бери умримнинг заҳар жоми тўлиб кетмаганига ҳайронман. Ёки Оқил ака, Мақсадбекка ўхшаган кишиларим уни енгиллатиб туришдимикин? Билолмайман.

\* \* \*

Инсон ўзини бу қадар кийнаши, битта уй ичида ён-ма-ён яшаб туриб, бир-бирига бир пиёла сув, сув эмас, меҳр-муҳаббат тутиш ўрнига бир-бирини шундай азоблаши нима учун керак-а?

Ўн уч йил давомида ҳамиша ўзимга ўзим нидо қилдим:

– Мен шу азобдан кутулишим керак! Ахир мен ҳаётга азоб тортиш учун келганим йўқ-ку! Яшаш учун келганман. Бир пиёла сув, бир тўғрам нон билан бўлса ҳам иноқ, аҳил яшаб, кимгадир ўз меҳримни ҳадя этиш учун яралганман-ку! Раҳимжон ака! Мана кўрасиз, Сиз менга тинимсиз бераётган бу азобларни оёқларим тагида майдалаб-майдалаб, ўзимни кашф этаман. Ёруғ ҳаёт бағрида руҳан эркин яшайман. Ахир, аёл сифатида зарра гуноҳим йўқ. Агар бор бўлса, очиқ-ошкор айтинг. Нима бу тузалмас яра, тешилмаган чипқондек яшаш. Нима бу ёруғ кунларимизни зимистонга айлантириш, ширин

онларимизни заҳарлаш? Нима учун керак-а? Оқил ака айтганидек, умр ўзи жуда қисқа-ку! Унда қувончларни яратиб яшаш ҳам – бир кашфиётдир!

Йиллар ўтиб, бу аразли кунлар Рухимда нимадир кашф этди. Яъни, аёл Рухимни бу занжирбанд зимистонликдан озод этишим керак! Кўнгил уйим куёш нурлари билан обод, қувончлар билан озод ва хуррам бўлиши керак!

Бу нидо жисмимда минг бор жаранглаган бўлса керак. Бирок, яна қандай қилиб умрим оралик сўқмоқларга тикилиб қолганини, бағрим эзилаётганини сезмай қоламан. Ва кейин яна нидо қиламан:

– Дунёда шундай бир куч, шундай бир қудрат бўлсаки, мени бу тутқунликдан озод этса!

Охирги – инсонга ярашмаган, қовоқ-тумшуқлари осилган кунлар мана шундай бошланди. Янги йилнинг ўн бир кунинигина яшагандик. Шу ойнинг охирига Раҳимжон ака – Тошкентга ўқитувчиларнинг йиғинига бориши керак эди. Кийим-бошлари бир аҳволда. Қўлига пул тушса, дарров магазинга кириб олишни билмайди. Менинг олиб келганим тўғри келмайди. Пальтоси ҳам ўша куёвликдаги сарполардан. Устидан ҳам ичи ҳароб бўлиб кетган. Астари тикилавериб, илма-тешикки, игна кирмаган жойи йўқ. Гоҳида бизга ҳам, ўзига ҳам, уй-жойига ҳам бепарво бу одамга қараб, раҳмим келади. «Юраги қайнамаса нима қилсин?»

Ишдан анча кеч қайтди. Қиш қоронғуси тушиб қолган эди. Дастурхон солаётсам, телевизорга тикилганча, юзимга ҳам қарамай:

– Қорним тўқ, туғилган кунга боргандик, – деди.

Мен эса унинг келишини орзиқиб кутган, кўнглимни топадиган бир оғиз ширин сўзини эшитишга иштиёқманд эдим. Ўзим уни гапга солишга тутиндим.

– Э... хўжайин, канал бўйидаги магазинга яхши пальтолар кепти. Қачон оласиз? Мен индамасам, ҳаракатингизни ҳам қилмайсиз. Ҳадемай Тошкентга боришингиз керак-ку!

Раҳимжон ака индамади.

– Астарини қаранг, – дедим ҳозиргина ечилган пальтонинг илвираган ичини кўрсатиб.

У яна индамади.

– Ўқитувчининг уст-боши ҳам шунақа бўладими? Битта пальтони неччи йилдан бери кийяпсиз?! Қурумсоқлик ҳам эви билан-да!

Кутилмаганда у менга ғалати қаради-да ва тимрайган, гезарган нигоҳларини ўқдек қадади. Унинг қизларникига ўхшаган туташ қошлари остидаги сокин нигоҳларида ошқора ўт чакнади. Мен хато кетганимни билдим. Телевизор кўриб ўтирган Наргиза дарсхонасига кириб кетди. Раҳимжон ака курсидан шердек сапчиб, хонтахта атрофидаги беқасам якандозга тушиб ўтирди ва бор кучи билан муштлади:

– Кап-кагга қизимнинг олдида мени нима деб ўтирибсан-а? – у дунёдаги энг уятсиз гапларни пақирлаб, бошимдан тўка бошлади.

Кўрққанимдан нафасим ичимга тушиб кетди.

– Бўпти... – дедим осойишта товуш билан, «Илтимоc, ўзингизни босинг, сал пасайинг...» дегандай илтижо қилишга тушдим. – Бўпти, бундан кейин Сизнинг кийимларингизга аралашмайман.

У яна бўралади. «Урмаяпти-ку» деб шукур келтириб ўтирибман.

Бошланди. Бизнинг бу йилги аразларимиз жуда эрта бошланди. Рост, мен уни қурумсоқ дедим. Ахир бу гапни менга олиб беринг, мени кийинтиринг, болаларимизга олиб беринг деб айтмадим. Барибир, гуноҳ қилгандек қаршисида бошим эгик эди. Шундан бўлса керак, ўшанча уятсиз гапларига бардош бериб, бир сўз демадим. Гуноҳимни ювиш учун қайтишига бошимни эгиб, жовдираб тураман. Ички кийимларигача дазмол босиб, жойига кўяман. Йўк, унинг авзои бузук эди. Эшиклар «қарс» этиб

очилади, «тарак» этиб ёпилади. Бу аразли, қор-ёмғирли кунларнинг йигирма бешинчи кунини она қўйимиз учта туғиб берди. Яхшики, уйда эдим. Қўзичоқларни ўзим туғдириб, артиб, тозалаб, совуқдан асраймиз деб, ошхонага олиб кирдим. Учта қоп-қора мунчоқдек қўзичоқлар «ма- ма»лашиб, кираверишда тизилишиб туришибди.

«Уларни кўриб, севинганидан, албатта, шаштидан тушади» дейман ичимда.

Раҳимжон ака кўчадан келди-ю, бир-икки эркалатиб силаган бўлди. Сездим, ўша пайтда кўзларида бир илиқлик кўринди ва жуда тез ўчди. Уйга кирди. Наргиза дадасининг ўроғлик овқатини олдига қўйди. Овқатланиб, кўчага чиқиб кетди.

Қўйимиз болалаган кунлардан кейин, айниқса, пулга кийналиб қолдик. Қўзичоқларнинг ўзи ҳар кунини тўрт литр сут ичишади. Ўзимизга бир литр, қўйингки, сунинг ўзига боримиз кетяпти. Қиш ғамини оз еган эканмиз. Картошка, сабзи, пиёз... Ҳаммаси узилибди. Ойлик чиқса, ун оламиз деб тургандик. Наргизанинг оёғига керак. Этиги тешилибди, сув кириб кетяпти.

– Мана шу енгини тешиқ жемпир билан бораманми? – бешинчида ўқийдиган Баҳромим хархаша қилишга тушди.

– Проездной олиш керак! – эсга солади кенжамиз Нозима.

– Ана, дадаларингдан сўранглар, – менга зарда қилиб, болаларини ҳам эсдан чиқарган бир одам дунёда борлигини ёдларига соламан.

– Дадам бермаяпти, – Нозима лабини чўччайтирди. – Кеча нонга бермади -ю... Эшикка чиқиб, овозимнинг борича йиғладим. Кейин орқамдан чиқиб, эллик тийин берди.

– Энам ҳам шу ерда ўтирганди, – катта қизим нимадандир ўқингандек гапирди.

– Энанг индамадими?

– Йўқ.

Буни эшитиб, тутаб кетдим. Салга босими кўтариладиган қайнонамни авайлаб, бу гапларни индамагандим. Ҳар куни бир чиқиб кетадиган одам нахот сезмаган бўлса? «Нима бўлди?» деб бир оғиз сўраб қўйишга ярамайди-я. Қайнонамдан ўқиндим. Уларнинг битта ғамига, ташвишига мен мингта бўлиб кетаман-ку. Битта гапни хато айтган бўлсам, ўғлини курумсоқ деган бўлсам, энди ўша гапни йиртиқ-ямоғини аравага солиб, кўчама-кўча юрган лўлига ўхшаб, осилтириб юраверар экан-да! Эркак киши ҳам шунақа бўлса-я.

Нозимани бағримга босганча ухлаб қоламан. Тушимда ҳар куни Раҳимжон акани кўраман. У доим ёнимга келиб, мен билан ярашмоқчи бўлади. Аёл кишининг туши тескари келади дейишарди.

– Энди ростдан ҳам ажрашамиз шекилли, – дейман ичимда нимадир узилиб...

Саҳарда йиғи товушидан уйғониб кетдим. «Боланинг йиғиси». Қоронғу уй ичида ҳеч нарсани илғай олмай, ёнимга қарадим. Нозима ширингина бўлиб, ухлаб ётибди. Пешоналарини тўсиб турган патила-патила сочларини эркалатиб силайман. Боланинг овози ҳамон эшитилмоқда.

– Ҳаҳ, бечора она. Саҳар ишлайдиганлардан биттаси боласини зўрлаб, боғчага олиб кетяпти-да. Уйқуси бузилиб, йиғлаяпти шекилли. Худди «бормайман боғчангга» деб тихирлик қилаётган бўлса керак. Чидолмадим. Қоронғу уй ичидан деразага келдим. Соат тонгги еттилар бор эди. Шундоқ бизнинг эшик рўпарасида уч ёшлар чамасидаги қизча жажжи қўлларини кўзига ишқаб, ҳиқиллаганча йиғлаяпти. Ёнида Ҳасан-Хусанга ўхшаган ўн ёшлар чамасидаги икки бола унга термулиб, ҳайрон туришибди. Уларнинг ёнидан одамлар шунақа шошиб ўтиб кетишяптики, ҳеч ким уларга парво ҳам қилиб

қўймайди. Бирорта одам «ҳа, нега йиғлаяпсан, кизим?» деб сўрамайди-я. Юрагим қайнаб кетди. Апил-тапил ювиниб, кўчага чопдим. Ям-яшил пальточаси ўзига бирам ярашиб турган дўмбоккина қизчанинг ёнига бориб, уни юпата олармиканман деб, секингина эркалата бошладим.

– Вой, ширин киз, асал киз... бирам чиройликанки... Ким сени хафа қилди?

Қизча ҳикиллаганча, юзларимга қаради. Бу пайтда тонг ёруғи ҳам ерга тўкилган, одамни бемалол кўрса бўларди. Қизча мени онасига ўхшатмадим, яна овозининг борича йиғлай бошлади.

– Оти нима? – акаларидан сўрадим.

– Мадина! – акаларидан бири тарвузи кўлидан тушган одамдек бўшашиб, руҳсиз товушда жавоб берди. Афтидан у ҳам сингилчасига қўшилиб, йиғлаворадигандай эди.

– Нимага йиғлаяпти?

– Боғчага аям оборсин деяпти. Аям олтида, биз ухлаётганимизда ишга кетган.

– Комбинатда ишлайдими?

– Ҳа, – йигитчаларнинг иккаласи ҳам бош қимирлатишди.

– Мадина! – қизчани қанака қилиб юпатишни ўйлардим. – Нимага боғчага бормаяпсан? Уришяптими?

Унинг кўнглидагини топибман. У йигидан бир лаҳза тўхтаб, «уришяпти» дегандай юзларимга астойдил қараб, бош қимирлатди.

– Ким уряпти? Тарбиячими?

У «йўқ» деб бош қимирлатди.

– Болаларми?

У худди мендан мадад кутгандай «ўшалар» деб бош ирғади.

– Ҳозир бориб ўша болаларни «атата» қиламиз-а.

Қани кетдик. – Мадинанинг қўлидан ушлаб, боғча томонга йўналдик. Хув ана ... боғча кўриниб турибди. Жуда бўлса, юз эллик метр холос.

Йўқ, Мадина юрмади. Оёқ тираб тураверди.

– Менга қара, Мадина, мен олиб борайми?

У сал юмшагандек бўлди.

– Қани, акалари, сизлар йўл бошланглар-чи. Биз Мадина иккаламиз сизларга ета олармиканмиз. Қани кетдик. Қани, Мадинахон, кетдикми?

Акалари биздан ўн кадамча илдамлаб кетишди. Мадинани етаклаб йўлга тушдим. Мунчокдек, коп-кора кўзларига, йиғидан бўғриқиб, қизариб кетган юзларига бот-бот қарайман. У менга шунақаям яқиндай. Учта болам тўртта бўлиб қолгандай севиначан. У билан етаклашиб кетиш ҳам хузурли. Унинг юпанган чехраси, айниқса, ёқимли.

Боғчага етай деганимизда, Мадинанинг акаларини гапга солдим.

– Дадаларинг қаерда?

– Дадам ҳам аям билан бирга ишлайди. Шолча тўқишади, – болаларнинг қорачўғларида синикликми, маъюсликми чўкиб ётарди. Уларнинг кўзлари ўз ёшларидан анча каттага ўхшайди. Ақлли.

Болалар билан бирга сингилларининг гуруҳига етаклашиб кирдик.

– Энди сизлар борақолинглар. Мактабларингга кеч қоласизлар.

Улар чопиб кетишди.

– Бугун роса кеч қолишди. Ҳар душанба етти-етти яримга етиб келишарди, – деди бизни қаршилаб хушрўйгина тарбиячи.

Мен унга бўлган воқеани гапириб бердим. Мадина менга болаларча қайтиб-қайтиб қараб, гуруҳига кириб кетди. Унинг юзлари ҳамон маъюс эди.

Мадина кириб кетгандан кейингина тарбиячисининг паст товуши эшитилди.

– Дадаси ҳам, аяси ҳам соқов.

– Шунақа денг, – негадир шу тобда миямда алғовдалғов фикрлар қўзғолиб кетди.

– Душанба куни келганча, шанбагача туради, – тарбиячи Мадинага ачингандек, ичкарига қараб гапирди. – Бола ҳам уйини қўмсайди. Зерикиб қолишади-да.

– Зериктирмасликнинг иложини топиш керак экан-да!

– Барибир соғинишади.

– Тўғри.

Уч болани тиш-тишлаб, саҳар олтида ишга отланадиган соқов эр-хотинларни уйга етгунча ўйладим. Болаларини қаранг. Бир чиройли кийинишган. Эру хотин қўш ҳўкиз бўлиб, битта ғорни гуллантишяпти. Эҳ, бечоралар... Улар бир-бирларини ширин сўзлар билан ҳеч қачон эркалатиша олмайди. Фақат имо билан, ишора билан, нигоҳ билан... Безабонликдан бир умр армонда улар...

Биз-чи? Мен-чи? Балки ўша соқов аёл мендан ўн баравар бахтиёрроқдир. Ким билсин! Бахтиёрлиги учун ҳам кучлидир! Саҳар олтида ишга боришга ярабдики – бу соғлиги! Мен бўлса ҳар куни ўқ теккан қушдек ўрнимдан тураман. Ҳар куни кўз очганимда юрак томонимда муштдек бир нарса анордай сиқилиб, қони силқиб турганга ўхшайди. Уни эса ҳеч ким кўрмайди ҳам, сезмайди ҳам. Гоҳида орзу қиламан. Қани энди шундай бир қудратим бўлсаки, қушга айланиб, қанот чиқариб, узоқларга учиб кетсам. Қаердадир макон қуриб, болаларимни ҳам олиб кетсам. Қаёқда... Раҳимжон ака бир жилмайса ё бир оғиз ширин сўз айтса, тамом, ҳаммаси эсимдан чиқади.

Боғчадан қайтиб келганимда, йиғиштирилмаган уйлар, тартибсиз ўрин-жойлар, оғилда бўкираётган моллар, «Сут бер» деб маъраётган кўзичоқлар... Эҳ,

Мавжу, Мавжуда! Қани, ўнта қўлинг борми, шимар. Тиш-тишлаган саринг нима бўляпти? Эринг узоқлашиб, узоқлашиб, тобора кўринмай кетяпти. Фақат болаларинг ўсяпти. Атрофдагилар «энг тинч оила» деб ҳавас билан шу эшикка қараб ўтяпти. Шу, яхшиси, шу холос. Лекин қачонгача? Қачонгача?

\* \* \*

– Мавжуда! – Ўзимизнинг адабиёт кабинетимизда иншо текшириб ўтирсам, кутилмаганда, Мақсадбек кириб келди. У саломлашиб, биринчи партага ўтирди. Худди ўқувчидай кўзларимга жовдираб, кейин эса синчиклаб қаради.

– Нима бўлди сизга? – деди кутилмаганда.

– Нима бўпти? – дедим сир бой бермай. Ҳозир унинг меҳрибон чехрасига қараб, юрагим эриганидан, ёшим тўкилиб кетмаслиги учун дафтардан бош кўтармадим.

– Мавжуда! – у менга буйрук оҳангида гапирди, – бирпас қўйиб турунг шу дафтарингизни...

Кўлимдаги ручкани дафтарлар тахлами устига қўйиб, қўлларим билан юзларимни беркитдим.

– Менга қаранг, – Мақсадбек қўлларимни оҳиста ушлаб, юзларимдан олиб қўйди. – Дарсларингиз тугадими? – деди ҳамдардлик билан.

– Ҳа.

– Мавжуда, кўзларимга бир қаранг.

– Ҳозир қаролмайман, – мен пешоналаримни қаттиқ сиққанча, оғир уҳ тортдим.

– Айтсангиз-чи, нима бўлди? Кейинги кунларда тавом ўзгариб кетдингиз. Доим хомушсиз, ўйчансиз?! Нима гап? Тинчликми?

Ичимдан бир фарёд отилай-отилай деб турарди.

– Эҳ, тавба, – дейман, – тинчликми, нима гап, деб сўрайдиган одам ҳам бор экан-а! Нега олдинроқ сўрама-

динг, эй дунёдаги меҳрибон инсон? Нега сўрамадинг? Нега бу санчилган тиканларни бир оғиз сўраб, юрагимдан суғуриб олмадинг? Айт, нега?

– Мавжуда, менга қаранг деяпман, – яна Мақсадбекнинг овози эшитилди. – Айтганмиз-а... фақат ростини айтиш, яширмаслик деб. Нима бўлди?

– Ҳозир айтолмайман, – Мақсадбекка меҳрим товлаб қардим.

– Қачон айтасиз?

– Айтгим келганда.

– Бўпти, юринг, хонамни бир кўринг. Индинга очик дарс бўлади. Янгитдан жиҳозладим. Кўринг-чи, сизга ёқармикин?

Томоғимга тикилиб турган фарёдни нари суриб, Мақсадбекка қардим.

– Мавжуда, нима бўлди? Айтинг, балки ёрдамим тегар, – Мақсадбек яна кўнглимга кўл солди.

– Мақсадбек, қўйинг, ҳозир тилимга сўз келмаяпти.

– «Нурхон»га яхши кино кепти. Борайлик.

– Қанақасиз? Гапнинг тагида қолармиз, – Мақсадбекка ажабланиб қардим.

– Ҳалол бўлсанг, ошингни кўчада ич, деганлар. Одам дунёда эркин яшаши керак. Сиз ким биландир гаплашишни истаб турибсиз. Гаплашинг. Бунинг нимаси ёмон.

Рости, Мақсадбекнинг бу гапларига аччиғим келди. «Ўзингга раво кўрмагани ўзгага ҳам раво кўрма» дейдилар. Ҳозир Мақсадбек ҳам қаршимда кичрайиб, адолатсиз кимсадек бўлиб кўринди. Ҳаётда куйган одам шундай деса, энди бошқаларни кўяверинг.

Гарчи Мақсадбек кўнглимга таскин беролмаётган бўлса ҳам, унинг рўпарамда тургани озгина далда эди. Унга аччиқроқ гап айтишдан ўзимни зўрға тийдим.

– Одамлар бунақа муносабатларни тушунишни иташмайди ва жуда тўғри қилишади.

– Э... – Мақсадбек хафа бўлгандек қўл силтади. – Мавжуда, биласизми, сиз билан мен эркак билан аёл ўртасида ҳам тоза, беғубор бир дўстлик туйғуси борлигини исботлашимиз керак, – у ҳамон баланд кайфиятда эди.

– Билмадим. Мақсадбек, мен-ку, рости, гап-сўздан кўркмайман. Менинг йўл кўрсатувчим – кўнглим! «Бор!» деса бораман. «Борма!» деса, занжирбанд этиб ҳам олиб боролмайсиз...

Мақсадбек асабий ҳолатимини сезиб, мени биринчи марта кўраётгандек, кўзлари «ярк» этиб очилган одамдек, мени энди яхшироқ таниётгандек, астойдил қаради.

– Мавжуда, қўйинг ўшанақа асабийликларни... – унинг овози ниҳоятда ялинчок эди.

«Ажабо! Рўпарамда турган бу одам Ким ўзи менга? У кўнглим ичидаги вайроналикларни кўриб, юпатыптими? Унинг шунақа сирли кўзи борми-я? Нима бўлса ҳам оғриғимга озгина малҳам қўйилгандай-ку!»

Мен унинг қаршисида жилмайишга уриндим ва оҳиста ўрнимдан туриб, Мақсадбекка эргашдим.

\* \* \*

Уйга яқинлашган сарим яна вужудимда бир галати ҳорғинлик пайдо бўлди. Ҳар қанча ўзимни адл тутишга ҳаракат қилмай, юракка қорамтир нималардир чўкяпти. Худди чанг-ғуборга ўхшаган алланарсалар. Наргиза хо-муш қаршилади.

– Дадам биз билан ҳам уришди. Кунлар исиб қолса, бутунлай кетармиш.

– Кетармиш! Ҳа, хайрият...

Нега бу гап оғзимдан енгилгина чиқди-я? Нега? Унинг кетиши менга шунчалик керакми? Ё шуни иста-япманми?

Қизик, мен бу галги аразли кунларда бутунлай бошқача эдим. Уни шу кунлар давомида бир марта ҳам

соғинмаганимдан, рости, энди кўрка бошладим. Унинг қаршисида метинга айлангандай хиссиз турардим. Юз-кўзларига тузукрок разм солмаганимдан бўлса керак, ҳатто чехрасининг суратини ҳам унута бошлаган эдим. Ўшандай чиройли одамни-я. У қандай қилиб, кўксимдан узоқлашиб кетяпти. Наҳотки, бутунлай ўчиб кетса?

Ўн уч йил давомида умримнинг заҳар томадиган жоми аллақачаон тўлиб-тошгандику! Нега ўлмадим? Ҳаётни жонимдан ортиқрок севганим учунмикан? Оқил ака, Мақсадбекка ўхшаган одамлар борлиги учунмикан?

Аразли кунларнинг тошлари пешонамга, кўксимга отилавериб, ўзим ҳам тошга, метинга айланиб қолганга ўхшайман. Салга тўкилиб кетадиган кўз ёшлари ҳам энди куйилмайди. Қайтага кўзларимда қасдма-қасдига яшашга аҳд қилган одамнинг кўзларида бўладиган ўт бор. Ҳидини туйиш учун кўйлақларини ҳам изламайман. Бир одам кўнгил уйимга кирган эди. Мен уни жону дилим билан яхши кўриб, меҳримни поёндоз қилиб, қули, хизматкори бўлишга тайёр туриб, кутиб олгандим. Азизим, бахтим, қувончим, қанотларим деган ўша азиз кишим қани? У кўнгил уйимни ҳувиллатиб, қачон чиқиб кетди? Мен уни тушуна олмадимми? Ёки аксинча бўлдимми?

Бу аччиқ кунларда онамникига ҳеч-ҳеч боргим келмайди. Онам ҳаммасини кўзларимдан билиб олади. Ажинлари кўпаяди. Сочи оқаради. Қомати нураётган девордай пасайиб кетади. Ана шуларни ўйлаб, ўзимни ўзим еб юрган кунларим энасиникига бориб келган Наргиза янги гап топиб келди.

– Ая, Зумрад опам кепти, эшитдингизми, – деди.

– Йўқ, қачон кепти?

– Биз борсак, уччала боласи билан ўшатда экан, – деди Наргиза юзларимга тараддуд билан қараб. У менга муҳим бир гап айтмоқчидай жовдирарди.

Зумрад – оиламиздаги энг кенжа қиз – Кумушкентга тушган. Ораси юз чақиримча бор. Болалари майда бўлгани учун ҳам тез-тез келолмайди. Икки, уч ойда бир келади.

– Эрини қилиқларини бир эшитсангиз... – Наргиза яна тараддудланди.

– Нима бўпти?

– Эри катта пичоқни кўтариб олиб, «сўяман» деб роса қувлабди. Кўркмаганини қаранг. Ҳайрон қолдим. Эрининг қўлидан пичоқни тортиб олиб, қочиб қопти. Кўчаларида катта кўприк бор-ку, ўшанинг тагига беркинибди. Тополмабди. Ёмғир қуйиб турганмиш. Кейин акалари билиб қолиб, эрини обкириб кетишибди. Эртасига денг, ҳеч нарса бўлмагандек, уйғониб чиқиб, гапираверибди.

Наргизанинг кўзларида армон бор эди. Бир ойдан ортиқроқ пайтдаги зарда-зурда унинг ҳам жонини емирган кўринарди.

– Яхши, бизга ўхшаб икки ойлаб юраверишмасакан, – қизимга қараб қулимсирашга уриндим.

– Шуни айтинг. Кейин нима бўпти денг. Эри ўзига келиб, «мени бахшига олиб боринглар, юрагим сиқияпти, биров бир нарса қилган», дермиш.

– Номард-ей! Қилар ишни қилиб, кейин бости-бости қилишга тушибди-да. Бу ёқдагиларни лақиллатмоқчи бўлган-да. Бу гапларни энанг ҳам эшитдими?

– Эшитди. Ҳаммамиз ўтирганимизда гапириб берди.

– Эси йўғ-ей. Ҳеч бувимни авайлай дейишмайди-я.

– Зумрад опам ҳечам ғам егани йўқ, ая. Бирам марок билан айтяптики, қўяверасиз. Эртасига яна эри билан бозорга боришибди.

– Эрини яхши кўради-да, – дедим бамайлихотир.

– Рост. Шунақа бўлса керак. Эшитиб, ҳайрон қолдим, – қизимнинг кўзларида ажабланиш бор эди.

Шу билан Зумрадининг ҳикояси охирига етгандай эди.

– Ў... куни борганимда-чи, – қизим яна бир «хабар»ни айтишга тушди. Назаримда у бунақа гаплар билан ё мени

овутмоқчи, ё бизни инсофга чақирмоқчи ёки тошга айланганимни кўриб, юмшатмоқчи бўлаётгандай эди.

– Шохида опам кепти, – у хикоясини давом эттирди. – Энамнинг олдида ўтириб, роса йиғлади. Эри бир ҳафтагача гапирмабди.

Юрагим увишиб кетди. «Эҳ, шу ёруғ дунёда ким гапирмаса, ким араз-дароз қилса, илоё уйига ўт тушсин, илоё инсоннинг меҳрига зор бўлсин» дедим ичимда чидамай.

– Ғам еманг демайсанми, бизникида дадам бир-икки ойлаб гапирмайди, деб қўймабсан-да.

– Индамадим. Унда энам билиб қоларди-да.

– Ақллигим. Айланай сендан. Энангни авайлабсан, – кизимнинг бу аччиқ кунларда анча ақлли бўлиб қолган кўзларига, вазмин нигоҳларига кўнглим увишиб қарадим.

Ҳозир Наргизанинг «дадам бутунлай кетармиш» деган гапидан кейин, яна ҳамма-ҳаммаси бир бошдан кўз ўнгимдан, миямдан ғувиллаб ўтди. Нима бўляпти ўзи? Ақлим ҳеч нарсага етмай қолгандай беҳол эдим.

Қизим ажабланиб, кўзимга тикилди.

– Ая, ғамам емайсиз-а? Дадам бутунлай кетаман, деяпти-ку!

«Э... кетса кетар! Ўлсам ўлиб қолай!» деган алпозда эдим.

Ҳозир бор овозим билан фарёд чекким келди.

– Нега ғам ейишим керак? Қайтага яхши бўлади. Ҳеч нарса ўзгармайди. Кўлимда иккита сумкани кўтариб, ҳаллослаб келаётганимда, раҳми келиб, жони ачишиб, югуриб бориб, олган жойи бораканми? Ё бозор-учаримни қилиб беряптими? Ўн уч йилдан бери битта ошхона куриб беролмайди-ю. Икки куннинг бирида киз болага ўхшаб аразлагани-аразлаган. Қарасаки, шу маъкулрок. Хотини ҳадеб рўзғор камини айтавермайди. Ўзи югу-

риб-елиб қилаверади. У тинчгина келиб, тайёр овқатини ейди, чойхонага чикиб, гурунгини қилади. Кетса кетар! Кўнгли кўтарганини қилсин!

Қизимгами ё ўзимгами, билмайман, кимгадир гапирардим. Судралиб ичкари уйга кирдим. Олис ёшликни кидирдим. Эҳ, мен уни қанчалар яхши кўрардим. Ўзимни ҳам, муҳаббатимни ҳам хор қилди. Яна кўзларимга ёш тикилди. Эй, муҳаббат! Ўзинг йўл кўрсат! Ўзинг қўлла!

– Кетса кетар!

Тилим шундай дерди. Дилим-чи? Чўкаётган одам хор-хасга илашгандек, «нимагадир» умид боғлайман. Уч кун гапирмаганда, кўйлақларини қучоқлаб йиғлаган Мавжуда! Нега тошдек қотиб турибсан?

Йўк, учта болани сарсон қилиш, муҳаббатни тенти-ратиш – бу жиннилик, холос. Ахир, айб мендан ўтган-ку. Пишиқсан, қурумсоқсан, дедим. Бош эгиб, узр сўраб қўя қолсам-чи... Йўк, бунақа аразлар, қон йиғлатишлар бир йилда неча марта бўляпти-ку! Тўйдим. Кетадими, нима қилса қилаверсин. Агар энди бу бемаъни аразларга заррача эътибор қилсам, Мавжуда отимни бошка қўяман.

Ажабо! Ҳозир вужудимда нимадир чакнади. Нимадир содир бўлди. Нимадир «чирт» этиб узилди. Ажабо, вужуддаги қарама-қаршилиқлар лаҳзалар ичида рўй берарди. Бир қарасангиз, юзтубан йиқилгандай руҳсиз эдим. Ахир, мен уни қанчалар яхши кўрардим. Бир қарасангиз, «Ёлғон!» деган нидо янграётганини эшитяпман.

«Агар ўртамизда муҳаббат бўлганда, биз албатта, жуфт қанотга айланардик. Демак...»

– Демак... Демак... Демак... биз севишмаган кимсалармиз, ҳеч вақосиз камбағаллармиз...

«Энди вайрон бўларканмиз», дейман ичимда.

Соат тунги ўн бирга яқинлашяпти. Раҳимжон акадан дарак йўк. Болалар безовта. Мен эса рост, юки енгиллашган одамдай анча эркин нафас оляпман. Айниқса, кенжамиз Нозима олазарак. «Дадам энди бутунлай кетадими?» дегандай жовдираб қарайди.

Кўча эшиги « так» этиб очилди. Болаларнинг учови ҳам шошиб ўша томонга қаради.

– Дадам келди, дадам! – овозининг борича кичкирди Нозима.

Биргина менда ҳеч қандай ўзгариш, ҳеч қандай тебраниш йўқ эди, холос.

\* \* \*

Эртасига ичкари уйда конспект ёзиб ўтирсам, кираверишдаги хона тўс-тўполон бўлиб кетди. Раҳимжон аканинг бўғиқ, аламли овози эшитилди.

– Твар, тварингга...– у ўғлимиз Баҳромни уятсиз гаплар билан сўкиб, у бетига, бу бетига қайтиб-қайтиб шапалоқ туширгани эшитилди. Ҳовлиқиб ўрнимдан турдим.

– Отаси отмаган тўнғизни боласи отибди-я... Ҳўкиз! – у нафаси тикилган одамдай бўғилиб, телевизор ёнидаги курсига омонат ўтирди.

– Кўзингни оч, ҳей бола, қадамингни билиб бос. Бўлмаса оёғингдан, ҳа, оёғингдан осаман. Ўз умрингни ўзинг заҳарляяпсан, эси паст ҳўкиз! Ҳозирдан нос отиб турса-я...

Раҳимжон ака бўғилган. Бу – кейинги ойлар ичидаги биринчи куйиниши эди. Гўштдор қоматидан нақд аланга чиқяпти. «Ўти ҳам бор» дейман ичимда. Баҳромнинг тарвақайлаб кетаётган шохини анча қайириб қўйди. Менинг кучим етмаган бўларди. «Отанинг ўрни бопқа-да!».

Муздек кўрпа ичида чўзилганча, хонани қоплаган коронгулик ичидан чўғ изляяпман. Бир қатим оппок ипакдек оклик, ёруғлик кўнглимга йўлласа деб неча кунлардан бери орзу қияпман.

Ирғиб ўрнимдан турдим. Чироқни ёқдим. Сандик ичига яшириб қўйган кўк дафтаримни излашга тушдим. У азиз дафтаримнинг бетларини муҳаббатнинг сирли

сўқмоқларидан қайтганимда, ўн саккиз ёшлигимда битгандим. Роппа-роса ўн беш йил олдин, Раҳимжон акани узокдан бир кўрсам ҳам ичим нурга тўлиб кетарди. Бу ширин туғёнларимни қоғозга тўқардим. Ўшанда шундай орзу қилгандим.

– Ҳозир муҳаббат сўқмоғидаман. Унинг қатта йўлига чиқсак, баланд чўққиларига иккимиз омонлик билан етиб борсак, уни албатта, Раҳимжон акага ўқитаман. У мени тўла тушунган, тўла англаган куни, мени кафтига қўйиб, кадрлаган куни шу дафтарни алабатта унга топшираман. Бу дафтар – менинг қалбим, покиза туйғуларим, – дегандим.

Йўқ, мен бу орзуга етолмадим. У армонлигича қолди. Назаримда, биз муҳаббат сўқмоқларида ҳамон изғиётганга ўхшаймиз.

Эртасига уйга келсам, яна тўполон. Наргиза дир-дир титраб, кираверишда турибди.

– Нима бўлди?

– Дадам Баҳромни уряпти.

Кираверишдаги уйдан Раҳимжон аканинг ҳарсиллаган бўғиқ нафаси эшитилди. Эшикни тортсам, берк. Камарнинг қарсиллаган товуши худди менинг бошимга тарсиллаб тушаётгандек қулоқларимни шанғиллатди. «Қарс, қарс, қарс». Чидолмадим.

– Очинг эшикни! – кучимнинг борича эшикни муш-тлай бошладим. Камарнинг овози тинди. Эшик зарб билан очилиб, Раҳимжон аканинг йўғон гавдаси лорсиллаб кўринди.

– Ит эмган!

У гурсиллаган қадами билан ташқарига отилди. Ҳозир унинг ана шу тилларини суғуриб олгим келди. Мен ҳозир ундан яна узоқ-узоққа кетиб қолганимни сездим. Ўғлим бир сиқим бўлиб букчайганича, уйнинг ўртасида тик турарди.

Ҳаллослаб қайнонам етиб келди.

– Кўзингни оч бола, сенга нима бўлди? Болани новдалигида эгиш керак. Шохинг тарвақайлаб ўсиб қолсанг, билиб қўй, ҳаммага кони ғурбатсан. Бола бўлса – тилло, бола бўлмаса – бало, дейдилар.

Қайнонам уйга ҳам кирмади. Остонада Баҳромга гапирганча, менга бир сўз демай, бир қайрилиб ҳам қарамай, ортига қайтди. Ажабо, онамдек яхши кўрган одамим... Унинг юзидаги менга қарамай кетган қаҳр Раҳимжон аканинг юзларидаги қаҳрга жуда ҳам ўхшарди.

Фикрларим алғов-далғов. Баҳромнинг кўркувдан кум-кум ўчган ориққина юзига ҳали ранг киргани йўқ. Хўрлигим келди. Нима бўляпти ўзи?

– Ўтир, ўтир, жон ўғлим, – уй ўртасида тик турган Баҳромга ичим тўкилай-тўкилай деб гапирдим. У дераза томонга бир-икки қадам тисланиб, оғир тошдай вазмин чўкди. Бошини кўтаролмай қолганидан, ерга тегай-тегай деб турибди. Сочлари шундай ўсибдики, пешоналарини, кўзларини тўсиб, юзининг ярмини ҳам яшириб турибди. Иккимиз ёлғизмиз. Ҳозир ундан эмас, ўзимдан ўкина бошладим. Эримнинг терс юзига қараб, ҳар куни ундан минг хил маъно излабману, ниҳолдай ўсиб келаётган ўғлимга астойдилроқ разм солмабман. Кўзларининг туб-тубига боқиб, кўнглини билиш хаёлимга ҳам келмабди. Шундай бўлганидан, ундаги ўзгаришни ҳам сезмабман. Нос, папирос чекишни ўрганибди. Сочи қизларниқидан бешбаттар бўлиб кетибди. Дарслари қанақа? Баҳолари-чи? Ким билади? Ким билади?

Оиладаги бу бегоналардай ўтириш, туришимиз, яшашимиз болаларнинг қалбига бигиздай санчилаётгандир. Уларни ҳар куни жароҳатлаётгандирмиз.

– Баҳром, ўғлим, айланиб кетай сандан, ўргилай сандан, менга бир қарагин...

У қарамади.

– Менга қара деяпман. Қани, бир юракдан, ҳеч нарса-

ни яширмай гаплашайлик-чи... Нима бўлди? Тўғрисини айт-чи, жоним болам.

Баҳром индамай тураверди.

– Қачондан бери чекапсан, тўғрисини айт.

– Йигирма кунча бўлди, – ерга қараб жавоб берди.

– Ўзинг атай магазинга кириб, шуни сўраб, қўлинг билан олиб чекапсанми?

– Йўқ. Ўртоқларим чекишаётган экан. Сўрадим.

– Нима, нима мажбур қилди? Сени ҳам чек деб, зўрлашдимми?

У узок сукутдан кейин тилга кирди:

– Сикилиб турган эдим, ўзим сўрадим. Шу уйдан зерикдим.

Бу гап миямга ўқдек урилди.

– Мен-чи... Мен зерикмабманми? Агар шу отанга «бор-ей» деб аччиқ қилиб, сенларни ташлаб кетсам, нима бўлади? Мен бу ерда сенлар учун турибман-ку! Агар ҳозир сенлар бўлмаганингда бир лаҳза турмасдим.

Ўзимни сал босиб, яна Баҳром билан гаплашишга уриндим.

– Оиламиздаги якка-ю ягона ўғил ким?

– Мен! – деди Баҳром ҳамон ердан бош кўтармай.

– Яша, ўғлим! Қизлар оиланинг гули бўлса, йигитлари – устун бўлади. Сен ҳалитдан нос чексанг, папирос чексанг, курт тушган дарахтдай вужудинг заҳарланиб, бизга қанақа устун бўласан. Ўттизга ҳам етмай, ўпканг тешилади. Ошқозонинг яра бўлади. Сен устунликка ярайсанми, ўғлим? Ярамайсан!

Баҳромнинг илтижоли товушидан тўхтадим.

– Ўзим ҳам шуни истамаяман, жон ая. Ташлай десам, бўлмапти.

– Хумори тутяпти дегин.

Шу пайт эшикни Нозима қизиқсиниб очди.

– Ёп деяпман, шайтонча!

У эшикни «қарс» этиб ёпиб, қочиб қолди.

– Ана, энди, ўғлим, қарагин, шу кичкина, энди биринчида ўқиётган синглингга ҳам масхара-ю, томоша бўлиб қолдик.

– Баҳром, бошингни кўтаргин, менга қарагин... – унга яна ичим оғриб, сочларидан ушлаб, ўзимга қаратдим. – Менга қара... Мана шу эналарингни – биринчи авлод десак, даданг билан биз – иккинчи авлодлармиз. Сизлар бўлса – учинчи бўлиб турибсизлар. Бу энангда саккизта ўғил невара, у энангда ўн иккита, ҳаммаси бўлиб йигирмата экансизлар. Қани ўзинг айт-чи, шуларнинг энг каттаси ким?

– Мен, – Баҳром анча жонланиб, дадилланиб жавоб берди.

– Баракалла, ўғлим. Энди бир танангга олиб ўйла, икки-уч кун, ўн кун ўйла. Сен – энг каттаси ҳозирдан шунақа бўлсанг, бу орқадагилар нима бўлади? Сендан қанақа ибрат олишади?

Қайтага сен ҳаммасидан кучли, иродали, анча-мунча қийинчиликни босиб ўтиб кетадиган бўлсанггина, ана шу ўсиб келаётган йигирмата йигитга йўлбошчи бўласан. Шу кетишда кетсанг, ҳозиргидай битта синглингга ҳам кулги бўлиб, бошинг эгилиб ўтираверасан.

Яна Баҳромнинг бир тишлам бўлиб қолган юзига, қорамтирлашиб кетган ранг-рўйига қараб тўхтаб қолдим. Ҳозир уни қандай қилсам, шу йўллардан қайтараркинман деб ўтирардим.

– Баҳром, – олдимдаги боламини узоқдан бағримга чорлаётгандай бутун меҳримни тўкиб чақирдим.

У кўзлари «ярк» этиб очилгандай қаради.

– Ке, ўғлим, бугундан бошлаб, иккаламиз ана шу заҳарга қарши ёнма-ён туриб, курашамиз. Шу уйда зерикмаслигинг учун нима десанг қиламан. Ўша ўлгурнинг хумори тутса, бошқа нарсаларни ўйла. Бошқа ей-

диган нарсаларни ўйлаб топ. Бир кун қийналасан, икки кун қийналасан. Мард бўлсанг, енгиб ўтиб кетасан.

Ҳозир Баҳромга жон-жаҳдим билан гапиряпману, кечаги эшитганларим – нашавандликка ўрганган, охири бутун ҳаёти издан чиққан ўсмирлар ҳақидаги аччиқ қисматлар ёдимга тушяпти.

– Энди уларнинг одам бўлиши қийин. Олти йилданга кесилишди. Йигирма уч ёшдаги йигит мана, учинчи марта камалди, – деди милицияда ишлайдиган танишимиз.

Улар бирдан шунақа йўлларга кириб қолишмаган-ку. Кичкина-кичкина сўқмоқларда адашишганда, қайтарадиган одам бўлмаган-да.

Баҳром ўша кўйи ўтирибди. Мен ҳам биров уриб ташлагандек оғирман. Томоғимдан сув ҳам ўтгиси келмаяпти. Раҳимжон ака ҳар галгидай чойхонада бўлса керак. «Ферма»дагиларнинг ҳам овози келмаяпти. Наргиза тинчитганга ўхшайди.

«Отанинг дағдағаси бошқа-да! Болам бечора калтакни еб, бурнига ҳийла сув киргандир». Қандайдир йўллар билан яна Раҳимжон акага суянишга уриняпман. «У менга керак!» деган нидони қалбимга уқдирмоқчи бўляпман. Барибир. Вужудим қилт этмаяпти. Музлик ичида яшаш жонга ҳам тегди. Нима қилиш керак-а?

\* \* \*

Дардан кейин кутилмаганда, мени Оқил ака чақираётганини айтишди. У мактабимизнинг илмий бўлим мудири. Кирсам, хонасида ёлғиз ўтирибди.

– Ҳа, Мавжуда! – деди кизидай эркалатиб.

Биз бугун бир неча марта учрашган, ҳол-аҳвол сўрашган эдик. «Тинчликми?» дегандай эшик тагида омонат турардим.

– Берироқ, қани бемалолроқ ўтир-чи...

– Юрагим шувиллади.

– Уйлар тинчми?

– Яхши, – дедим сир бой бермай. Унинг бир дона ҳам кораси йўқ оппоқ сочлари, ёшлик кўҳликлари кетган сиражин юзлари, кўпни кўрган кўзлари менга оталик меҳри билан қараб тургандай эди. Бизга математикадан дарсга кирадиган бу ўқитувчимиз болалигимизда ҳам ҳамма сиримизни билиб оларди. Қаёқдан эшитарди – билмасдик. Битта-битта, ёлғиз олиб қоладиган одати бор эди. Ҳозир ўшалардан бири ёдимга тушди.

Саккизинчида ўқирдим.

– Мавжуда, сен дарсдан кейин қолгин, – деди.

Ҳамма кетиб бўлди. «Нима гуноҳ қилибман-а?» деб ерга қараганча, биринчи партада ўтирибман. Оқил ака ўз жойида. Ўшанда у жуда юмшоқлик билан гапирди:

– Мавжуда, ҳалиги китобингни менга бергин, жудаям қизиққа ўхшаяпти...

Қизариб кетдим. «Минг бир кеча» китоби янги босилиб чиққан пайтлар эди. Уни доимо математика дарсида партанинг тагига кўйиб ўқирдим. Лоладай қизариб, сумкамдан мовий муковали китобни чиқариб, Оқил акага узатдим.

– Баракалла, қизим. Буни қаердан олдинг?

– Магазиндан. Ўқийман деб олдим.

– Ўйлаб кўрдингми ҳеч, шу ердаги воқеалар ёшинга тўғри келадиими?

Мен «йўқ» деб бош кимираб олдим.

– Ўйламагансан-да. Бу ерда ошиқ-мошиқлик ҳақида уятли воқеалар кўп. Айниқса, қизларга бўлмайди. Бу китобингни мен сақлаб кўяман. Катта бўлганингда қайтиб бераман. Ўшанда ўқийсан, бўптими? Ҳозирча мактабдаги фанларни «5»га ўқи. Китоб ўқисанг, ўзимизнинг кутубхонадан ол.

Ўшанда Оқил аканинг олдидан қандай чиқиб кетганимни билмайман. Ростдан ҳам ўша кунларда хаёлларим

«Минг бир кеча»даги воқеалар билан банд эди. Китобни ёпганимда, ўзим ҳам бир гўзал йигитни кўз олдимга келтирар, унга ажойиб эртақлар айтиб беришни орзу қила бошлагандим.

Оқил ака айтгандай, катта бўлдим. Аммо «Минг бир кеча»ни излашга, уни қайта ўқишга иштиёқ бўлмади. Ҳозир Оқил ака қаршисида бирор сирим фош бўладигандай, чўчиб турардим.

– Кеча сендан бесўроқ мактабига бордим, – вазминлик билан гап бошлади Оқил ака. Дарров сездим. Раҳимжон ака ишлайдиган мактабга ўтган. «Нега? Нимага энди ўтасиз? Мен сизга нима... бирор нарса дедимми?» Оқил акадан ичимда астойдил ўқиндим.

– Гаплашдим. Нима гап ўтди, десам, тайинли бир гап айтолмайди.

– Бекор қибсиз, домла. Кераги йўқ эди. Биз тинчмиз, яшаяпмиз, Мана ўзиз кўриб турибсиз-ку!

– Ҳалиям ўша одати бор экан-да, гапирмаса, йигирма, ўттиз кунлаб индамаса-я...

Кўзимдан дувиллаб ёшим тўкилди. Дардим янгиланди. Яна кўксимдаги яралар шилинди.

– Бўлиши шу бўлса, нега энди парво қиласан?

– Анча парво қилмайдиган бўлиб қолдим. Энди мен ҳам уни эмас, ўзимни, болаларимни ўйлаб яшайман...

Тавба, шу гапни Оқил акага айтишга айтдим, барибир ўзимни ўзим сўқдим. «У айниқса, болаларимга керак-ку!».

Оқил ака хиёл жаҳли чиқиб, овози баландлаб гапирди.

– Менга ҳам заҳарини сочиб берай деди. Ўзим ўқитган бола-я. Бировнинг оиласига аралашманг, дейди.

– Бўлмаса, ҳаммасини қон қустирмасдан чиқиб кет, одамга ўхшаб яшашсин, – дедим.

– Бекор борибсиз. Феъли ўзи шунақа. Аччиғидан тушмагунча, ҳеч кимни танимайди. Мени деб... – Оқил акага нима дейишни билмасдим. «Мақсадбек тушмагур айтган».

Оқил ака насихатга ўтди.

– Мавжуда, агар Раҳимжон одамга ўхшаб, феъли-атвори ўнгланиб қолса, сен яна аччиқ-тирсик қилиб юрмагин. Учта болангининг ҳурмати.

– Меники ҳар доим ярим соатда тарқайди. Уники шунақа...

Оқил ака билан хайрлашдим, негадир Мақсадбекнинг хонаси томон шошилдим.

– Мақсадбек, шуми дўстлигингиз? Оқил акагача айтибсиз. Улар мактабига ҳам ўтиб келибди. Ундан кўра бутун Фарғонага дўмбира қилиб чала қолинг.

– Айтдим. Бориб айтинг ўша номардга, дедим. Йигит киши бутун оиласини осма қозикка тириклай осмай, бир ёқлик қилиб қўйсин, дедим. Нима, бу яшашми? Одам бир томчи заҳардан ўлиши мумкин. Бу-чи, ҳар кириб чиқаётганингизда заҳарни ютяпсиз-ку!

– Кераги йўқ эди, Мақсадбек. Мен оилада бировнинг орага тушишини ёқтирмайман. Назаримда, худди зўрма-зўраки, мажбурий ҳаётга ўхшайди. Кўнгиллар ўзи туташиши, ўзи боғланиши керак.

– Ахир, Сиз... Мавжуда, рангингиз сомон бўлиб, адои тамом бўлиб қолдингиз-ку!

Мақсадбекнинг бу гапларини эшитиб, ўзимни туптолмай қолдим. Хўрлигим келди. Юзимни беркитганча, бирдан тўлиқиб-тўлиқиб йиғлай бошладим. Назаримда, ичимдаги ўн уч йиллик зардоб оқиб, тошиб чикарди. Мақсадбек индамай мени ўз ҳолимга қўйиб берди. Худди мен бир тоққа суянганча, дардлардан фориг бўлаётгандай эдим.

– Наҳотки, наҳотки, – дердим ичимда, – ёнимда, бир уйда яшаган одам рангимнинг сомонлигини кўрмаса, сезмаса-ю, Мақсадбек сезган бўлса...

– Раҳмат Сизга, – овозим хиқиллаб чиқди.

– Нимага, нима учун? – Мақсадбек ҳайрон эди.

– Ҳаммаси учун, дўстлигингиз учун... Кўнгилга

суянчиқ бўлганингиз учун... мадад, далдалар учун...

Мен гарчи бу йигитга қарамаётган бўлсам ҳам узок йиллик дарддан кутулган одамдек анча адл эдим. Бир лаҳза чуқур нафас олдим.

– Мақсадбек, мана кўрасиз, энди ҳеч қачон йиғламайман.

– Тўғри қиласиз...

– Онажоним мени фақат йиғлаш учун туғмагандир. Тўғрими? Керак бўлса энди Раҳимжон ака йиғласин. Чехраси табассумли аёлларни кўрсам, ҳавасим келади. Мен ҳам энди ана шу табассумларга, қувончларга етиш учун интилиб яшайман. Ҳа, шундай қиламан, мана кўрасиз...

Наздимда мени ҳеч ким тўхтатолмасди. Ичимдан тошиб чиқаётган сўзларимни тўлиб, тўкилиб айтгим келарди. Мен ҳам нимагадир қодир аёллигимни, инсонлигимни гўё ҳозир, шу дақиқада бутун том маъноси билан англаб етгандай эдим.

Бир-бирини тушунганлар, бир-бирини севганлар, жуфт қанот бўлиб яшаётганлар, ҳеч қачон, ҳеч қачон бир-биридан араз қилолмайдиган оқкўнгил одамлар, бир-бирини соғиниб-соғиниб яшайдиганлар... омон бўлишсин...

Раҳимжон ака қандай хоҳласа, шундай яшайверсин. Майли, мен розиман. Мен эса болаларимни оёққа турғазишни, уларни сафга киритишни ўйлашим керак. Шунинг учун уринишим керак. Аразлашга эса вақт йўқ. Ота-онам бор, дўстларим бор.

Вужудимдан отилаётган бу нидони Мақсадбекка ҳам айтолмадим. Аммо, одамлар мени кечирсинлару, барибир рост гапни айтиш керак, яъни бу нидолар ўша Мақсадбек мадади билан кўксимдан отилгандай эди.

Оҳ, озгина енгил тортидим. Уйга қайтаётганимда ҳамон нимадир излардим. Кўнгил уйимни безатадиган,

болаларимни сафга кўшишга кўмаклашадиган нурни кидирардим ва ҳамон ўзимга ўзим нидо қилардим.

– Умрнинг дақиқасини олтин, дейдилар. Инсонлар, аразлашга вақт йўқ! Мен ҳаммани яхши кўраман. Мен ҳаммани соғинаман. Соғиниш... қандай яхши-а! Соғиниш бўлса, ҳеч қачон араз бўлмайди!

Ажабо... Мен энди кўнгил уйимга ҳам, хонадонимга ҳам, ҳаётда яшашга ҳам йўл топгандай эдим. Ажабо...

Энди азизлар, ўша можароларнинг давомини «нима билан тугади» деб сўраш ортиқча деб биламан.

## ҲИКОЯЛАР

### РАЙҲОН БЎЛИНГ, ЖОН ЭНАМ

Ўшанда ёз эди. Исфарак ўриқларга қизил югуриб, кундан-кунга ғарқ пишиб бораётган кунларда синглим иккимиз шашт билан йўлга тушдик.

Энамни кўриб келайлик.

Эшиқдан киришимиз билан энамизга кўзимиз тушди. Кун чиқар томонга қараган уйнинг олди очик айвонида тоғдек бўлиб ўтирибди. Ҳақиқатан ҳам тоғга ўхшайди. Шу ўтиришда қанча ғамни кўтариб ўтирибди-ю... Икки йил олдин элликка ҳам кирмаган ўғлини тупрокқа берди. Унинг етти боласи чирқираб қолди. Ҳам ўлган боласига куйса, ҳам набираларига куяди.

– Яна Муҳиддин банисадамиш. Биттанг бориб кўрмабсан, – энам гапни одатдагидек ўпка-гинадан бошлади.

– Эшитмабмиз, эна.

– Ҳи... – «кўйе» дегандай юзини ҳафсаласизлик билан боғ томонга бурди.

– Эна, ўзиз тузукмисиз? – гуноҳкордек яна сўз бошладик бирин-кетин.

– Тузук бўлганим курсин. Мунчаям умрим узунакан-а... Қачон Нурматимнинг ёнига борарканман. (У ўлган ўғлини эслаб, ҳар гал шундай дейди.)

– Кўйинг, жон эна, унақа деманг, – ёлборди синглим.

– Нимага унақа демасаканман, – энамнинг жаҳли чиқди. – Мана, ўлим қачон келса, биз тайёр Пича пул йиққандим.

– Ахир жон чиқиши билан ўликди анакқа кўйиб кўйиб, сандиқ очишади-да, жон болам. Ҳали сизлар ёшсизлар, нимани биласизлар. Бу кампир кариллаб гапиришни би-

ларкан, холос, пулиям йўқ экан дейишмасин, деб, тўплагандим-да. Ўша пулди ҳидини билиб қолишдими, билмадим, Донохон (бирга турадиган келини) «гўшт йўқ» деса, эри «пул йўқ» деб ғинғиллайди. Ҳе, очинг анови сандикни, олинг ўша пулди, нима, гўристонда магазин бормиди, ишлатовринглар, ўлсам, топарсизлар, дедим. Нима дейман энди...

– Қўйинг, эна, бизни кўрkitманг. Доим гапингиз ўлим, ўлим, – Замира йиғламсираб кўзига ёш олди.

– Ўлим ҳақ, болам. Шониям олади, гадониям, мана қачон келса, тайёрман деяпман-ку!

Тўқсонга яқинлашиб қолган бўлса ҳам атрофга тийрақлик билан боқувчи кўзлари ҳовли томонга нимадир ёдига тушгандек хавотирланиб қаради.

– Муҳайё! – энди овозининг борича чеварасини чақирди.

– Ҳе! – боғ тарафдан Муҳайёнинг овози келди.

– Ўриқдан қоқиб ке. Ҳалиги катта шоҳига тегма. Унис опокиннга. Келганда ўзинг қоқиб берасан.

Муҳайё «рухсат» бўлганидан қувониб, яна боғ ичига қанот чиқаргандек учиб кириб кетди.

– Эна, чой ичинг.

– Ўзинг ич! Ичмайман!

Биз шашт билан ўриқхўрлик қила бошладик. Энам устидаги ок штампел кўйлагининг олдиларини кенгрок очиб, баданларини елпиди. Назаримда яна хаёли узоқларга кетди.

– Муқаддамнинг боласи яна бўмабти. Ҳеч йўғ шунисини бағрига босиб чиққанда, ўлсам ҳам тинчроқ ўлардим.

– Яна тушдими?

– Яна саккиз ойлик, ўлик туғибди.

– Эссизгина.

Ҳаммамиз жим қолдик.

– Асти шулар тинчимади. Шулар тинч бўлса, менинг жоним тинч бўлади.

– Вой, эна-ей, мунча шунча ташвишни бошингизга қопқоқ қилиб қийиб оласиз. Ўзингизниям ўйланг.

– Қариганингда биласан...

*Қирчинида қийилган, вой болам.  
Ўйнаб туриб ўйилган, вой болам,  
Сан ўлгунча ман ўлсам,  
Бўлмасмиди, вой болам...*

– Қўйинг, эна, йиғламанг, – мен знамга қўшилиб йиғлаётган бўлсам ҳам уни юпатишга тушдим. Бошидан сирғалиб тушган оппоқ дуррасини олиб, хиёл тўзғиган кумушдай сочларини қўлларим билан текисладим. Рўмолини авайлаб ўратдим.

– Ахир, ўзи болаларига бош бўлса бўлмасмиди. Яна келиниям кетиб қопти. Ҳайпаранжи бўлмайд битта эрни турмушлаб ўтирса бўлмайдими-а?!

Энам хиёл толиқди шекилли, сим сўрига қўйилган пар ёстиқларга ёнбошлади.

– Эна, озгина ухлаб, дам олинг.

– Кундузиям, шундай ёруғ кунда ухлайдими, одам. Нима деяпсан, мени. Мен Аъзамнинг (бирга турадиган невараси) қоровулиман-а. Памилдорилар ҳам пишиб қолди. Кўчада битта-иккита шумтакалар бор. Биламан, пайт пойлаб туришади. Ўтган йили кўчадаги узумдан узиб қочишди. Ҳассамни дўкиллайтиб, орқаларидан чопай дедиму, қўй дедим.

– Муҳайё! – знам қаёққадир ғойиб бўлган чеварасини бор овози билан чақиришга тушди.

– Ҳе, – Муҳайё ичкаридан югуриб чиқди.

– Сандиқни калитини биласан-а?

У энди ўн бир ёш бўлса ҳам катталардай бош қимирлатди.

– Биламан.

– Секин очиб, халиги тугунларимни олиб чиқ. Аммаларингга кўрсатиб қўяй.

Синглим иккимиз бир-иримизга қарадик. «Оббо, яна ўша ўлимтикларини кўрсатади».

Муҳайё бир нечта оппок тугунларни биттадан олиб чиқиб, олдимизга ташлади. Биз уларни нима қилишни билмай энамга қарадик.

– Шошилмай очавер. Ўзим ким-кимгалигини айтаман, – деди менга қараб.

– Муҳайё, ҳозирча дастурхонни йиғиштириб қўя тур, – уни яна хизматга буюрдик.

– Ол, анови катта тугунни еч, – энам ошиқиб кетди. Мен уни шоша-пиша олдимга тортиб, еча бошладим.

– Манови учта калиш-махси, тўн, кўйлак, лозим, рўмол... – ювғичига. Суяб турганларга ҳам берилади-да.

– Ў...эна, кўрқиб кетяпман. Ювгувчига мунча кўп нарса?

– Ҳа, бори ўшани рози қилиш керак-да. Охирги марта одамни поклайдиганлар ўшалар. Бу ишни ҳам юраги ботир одам қилади. Ҳамма ҳам эплейвермайди. Одам пок бўлиб, тоза бўлиб, ювиниб, тараниб борса, ер ҳам суюнарсан. Ернинг ҳам баҳри дили очилиб кетармиш. Ҳаром-ҳаришдан, ювлиқ-юқсиздан ер ҳазар қиларкан, болам.

Биз чурк этмасдик.

– Манови тайпинлик. Икки бўлак. Биттаси ўттиз метр. Биттаси йигирма метр. Ичини очгин.

Кўрқа-писа кафанликнинг тахламини ёздим. Ўттиз метрликнинг ичидан кичкинагина, ёнғокдек тугунча тушди.

– Сени эсинг бор, болам. Ҳали ёшсизлар. Тайинлаб қўяй. Ювиб, тайпинликка ўраб бўлгандан кейин мана шу тугунчадагини устимдан сепишсин... Хўпми... Эсларингдан чиқмасин, – энам тугунчани қайтиб-қайтиб кўрсатиб, кўлида ушлаб-ушлаб, яна жойига қўйди.

– Э, эна, кўрқиб кетяпман. Қўйсангиз-чи, нима ўзи бу?

- Бу райҳон билан жамбилнинг уруғи.
- Нимага уларни сепиш керак? – бараварига сўрадик биз.
- Қурқаман, кўрқаман дейсанлар-у, сўроврасанлар-а...

Аммо сепиш эсларингдан чиқмасин. Бўптими?

Биз нима дейишни билмасдик. Яна знамнинг ўзи бу ҳақда мароқ билан гапира кетди.

– Ўлик қирқ кундан кейин сув бўлиб оқаркан. Кейин ер бағрига сингиб кетаркан. Суяклари қоларкан, холос. Худди ўша қирқим куни мана бунақа деб йиғланглар. Эшитиб ол:

*Райҳон бўлинг, жон знам,  
Жамбил бўлинг, жон знам,  
Вой, илойим шу кунларда  
Бино бўлинг, жон знам...*

денглар. Хўпми, жон болаларим.

Биз худди знамдан айрилиб қолгандек, томоғимизга нимадир тиқилиб, йиғлагимиз келди.

– Шунақа десанглар, ажовмас, райҳон бўлиб, жамбил бўлиб, ерни ёриб чиқсам. Одамзот обиҳаётга айланиб яна ерни бетига чиқади дейишади-ку! Ажовмас.

– Қўйинг, эна, ўлманг.

– Ўлим – ҳақ! Қош билан ковокнинг ўртасида.

Мухайё!

– Ҳе! – Мухайё ичкаридан югуриб чикди.

– Қўйларингга сув бердингми?

– Ҳозир тутдим-ку.

– Ҳа, сан кўпайиб кетгур, жуда бепарвосан. Ишонмийман. Пакир кўтариб ўтганингни кўрганим йўқ. Бор, яна бир сув бер. Иссиқ кун.

Мухайё хушламай боғ томонга ўтиб кетди.

– Яна битта нарсани айтиб қўяй, – знам катта пиёладаги яхна чойдан бир хўплади. Биз хушёр тортиб, знамга астойдил қарадик. – Бир кунимни гуллатсаларинг бўлди. Ўлганимга суюнсаларинг ҳам, элди олдида йиғлаб турин-

глар. Чиқиб кетгунимча «энамлаб» турсаларинг бўлди. Хўпми? Ҳаммангни елкамда кўтариб катта қилганман-а. Яна одамлар айтмасин, бу хотин бола бокмаганакан, деб. Ҳа, Худо буюрса, сен бор, Замира, Ҳалима, Тожи-хон, Хайринисо, Зулфия, Шоира... Ҳў... Худога шукур, тобутимнинг тепаси бўш қолмасакан... – энам худди ўша кунни кўз олдига келтиргандай кичрайиб, чўккандай жимиб қолди.

– Болам... – энам хиёл ўзини ўнглаб, менга қаради. Кўкиш томирлари бўртиб чиққан озгин қўллари билан қўлимни ушлади, – сенга яна битта гапим бор.

– Айтинг, эна, – мен унинг сўлғин, халта-халта бўлиб қолган юзларига юзимни босдим. Бетларидан беозоргина ўпдим.

– Айтинг, эна.

Энам жим қолди. Узоқ мулоҳаза қилган одамдай, анчадан кейин гап бошлади.

– Ишонганим сен, болам. Ахир сен невараларимнинг энг каттасисан. Буёғи ҳаммаси сенга боғлиқ, – энам катта масалани ҳал қилаётгандай салқи ковоқлари кўтарилиб, кўзларини катта очиб, узоқларга қараб қўйди.

– Айтадиган гапингиз шуми?

– Йўк... эндиги болаларимнинг яхши ё ёмон деб ном чиқариши кўпроқ сенга боғлиқ демоқчиман-да. Ҳамма нарса каттадан...

Асосий гапи нима экан дегандай энамнинг оғзига қарадим. Энам эса индамасди. Чехраси маъюс.

– Эна, – унинг саратон тафти уриб турган юзларини силадим.. – Эртага албатта борамиз. Олдин Муқаддамни кўрамиз, кейин Муҳиддиннинг ёнига ўтамиз...

Барибир чехраси очилмади.

– Сенларга ишонмайман! – кутилмаганда бирдан юзини ўгирди. Вужудини бир нарса кемираётгандек оғриқ билан гапирди:

– Иккитагина ака-уканинг болалари шунақа бўласизларми-а?

– Сизлардан умидим шумиди! Оёғим бутунлигида ҳамманг жам эдинг-ку! – энам рўмолининг учи билан кўзларини артди.

– Бу бир-биридан беҳабарларнинг ичида қандок кўз юмаман, эй худо! Тинч ўлишда ҳам гап кўп экан, – энам астойдил нола қила бошлади.

Айбимиз бўйнимизга тушгандек жим ўтириб қолдик.

– Азалдан элимиз кўнгли яримларнинг кўнглини кўтариб келган. Шуни биласанларми? Сенлар бўлса... – энам оғир хўрсинди. – Ўзларинг тинч. Биров билан ишларинг йўқ. Қачон ўламан-а... Қандок ўламан...

Ҳозир энамга бир гап айтиш учун тоғдек юрак керак эди. Чурк этмадик. Муҳайё ҳеч нарса бўлмагандек ичкарига кирди, ташқарига чиқди.

– Мукаррам! – ерга киргудек бўлиб ўтиргандим, номимни эшитиб, бошимни кўтардим.

– Туринглар... – энамнинг буйруғи қатъий эди. – Анови олиб келган қанд-курс, нон-понларингдан олиб Кумри энангни кўриб чиқинглар. Уям таваррик бўлиб қолди. Бир томони қариндош, бир томони қўшни. Кеча банисадан олиб келишди. Кўзини апараса қипти. Кошки, оёғим бўлса. Зўрға судраб уйдан шатга обчикиб қўйишади. Донохон барака топсин. Поҳ демай мени боқяпти-ку. Бошқа келин бўлса, худо билади, нима бўлардим.

Биз энамга қулоқ тутганча, аста кўзғолдик.

– Кира қолинглар, сўраб қўйинглар, хўпми...

Эртасига уй-уйимизга қайтарканмиз, яна энамнинг оғзини пойладим. «Менга нима гапи борикин?»

– Эна, хижолат бўлиб қолдим. Ҳалиги... гапингизни айтинг.

Энам жаҳллангандек қаради.

– Шошилма, болам. Вақти-соати ўзи келади.

Ёз, куз, киш ўтиб баҳорга чиқаверишда ҳаммамизнинг уйимизга ташвиш бир кунда кириб келди.

– Энам оғир ётибди. Овқат ҳам емаяпти. Одамни ҳам танимаяпти...

– Нима?! – кўзим ярқ этиб очилгандай бўлди. – Одамни танимаяпти дейсанми? – укамнинг гаплари ёлғон бўлишини шунчалар истардимки... «Нега? Нега? Нега? Нега шунча ойдан бери ёнингизга шошилмадим. Ишим дедимми, болаларим дедимми, нима бўлган эди ўзи?»

– Яхши бўб қолар, – умид билан йўлга чиқдим.

Энам анчагина кичкина бўлиб қолган, юзлари бир тишлам бўлиб кетган, нафаси қийноқ билан кириб, қийноқ билан чиқарди. «Наҳот! Наҳот! Наҳот, энажон, кечиккан бўлсам? Ахир менга айтадиган гапингиз бор эди-ку! Нега мени кутмадингиз?»

– Эна!!! – ҳозир яна гапларини эшитадигандек бор овозим билан фарёд чекиб, чақиргандек бўлдим. Овозимни бошқалар эшитдим-йўқми, билмадим.

– Йўқ, энди эшитмайди. Энди ҳеч нарса билан иши йўқ. Энди ўзи билан ўзи овора, – бошида ўтирган кўшни кампир юзимни юваётган кўз ёшларимга қараб, қаттиқ-қаттиқ гапирди.

– Халча опа, болаларингиз келишди. Рози бўлинг энди... Ҳаммаси шу ерда, – кўшни кампир қаттиқ-қаттиқ овоз билан энамнинг қулоғига гапирди.

«Энажон! Наҳот! Елкангизда қатта қилган эдингиз-ку! Нега шунча ойдан бери ёнингизга келмабман-а? Болаларим дедимми? Ишим дедимми? Гафлат босдимми? Нима гапингиз бор эди, энажон? Балки шу айбимни айтмоқчимидингиз? Ҳол сўрашга, кўнгил олишга кечикма демоқчимидингиз?»

Йиқилганни турғизишга, кўз ёшини артишга, қўл чўзганга қўл узатишга, меҳр тутганга меҳрибон бўлишга кечикма демоқчимидингиз?»

Энамнинг тоғдек ўтиришларини, зийрак, ҳушёр кўзларини излардим. Ҳовлига чикдим. Кўз очаётган баҳорни қаршилаётган ҳовли тўрисидаги катта боғ ҳам ғариблашиб, бош эгиб тургандай эди. «Энам уларнинг ҳар бир шохини авайларди-я».

Шу пайт уйдан кий-чув овоз эшитилиб қолди. Жонҳолатда ичкарига чопдим. Биз энамдан айрилиб қолган эдик.

– Эна!!! – фарёдидим уйни тутди. Эна, кечикдим, эна-жон, кечикдим.

Менга сақлаганингизни ўлим эгаллаб кетди. Ишонганингиз мен эдим-ку! Йўқ, энг ёмон болангиз менман, эна. Энди чопганим, энди югурганим бўлсин, эна...

Энам эшитмасди. Худди ухлаётганга ўхшарди. Худди у ҳушбўй ҳиди оламни тўлдирадиган райҳон ва жамбилга айланиш ҳақида туш кўраётгандек эди.

## ДАРЧА

*Ушбу ҳикояни қўшниларимиз Ҳабибулло тоғам ҳамда Кароматхон аямларга эҳтиром билан бағишлайман*

Кузнинг сокин, ҳузурбахш кўшиқлари бошланганига анча бўлди. Айниқса, сахар чоғлари унинг мунис кўшиқларини тингласангиз, бу ҳаётнинг қанчалар ширилигини, азиз ва ғаниматлигини ҳис этгандай бўласиз. Салгина куз шабадасига узилай-узилай деб турган япроқлар «шов» этиб ерга тўкилади. Ариқлардаги, ирмоқлардаги сувлар кундан-кунга тиниклашади-ю, борган сари озайиб, тансиқ бўлиб боради.

Кузнинг ўрталари. Дала-туздаги ҳосилларнинг анча-мунчаси йиғиштириб олинган. Иссиқ кунларни ғанимат билиб, тўйлар авж олиб боряпти. Бугун ишдан келсам, болаларим чувиллашиб кўлимга яна бир таклифнома тутказишди.

– Битта тоғам келиб, тўйга айтиб кетдилар, – деди шошиб-пишиб биринчи синфда ўқийдиган ўғлим.

– Энамларнинг ў... олдинги кўшнилари бориди-ку, ўша тоғам, – деди вазминлик билан катта қизим. Таклифномани ўқишга тутиндим.

– Ҳа, ўша Ҳакимжон тоғам, Карима аямларнинг тўйлари бўб қолибди-да...

Улар худди жуфт теракдай кўз ўнгимдан ўтиб, номларини эслашим билан юрагимда қандайдир гўзал туйғулар худди булоқ сувидай сизиб, борлигимни яйратди. Назаримда вужудимга ғойибдан янги бир куч кириб келгандай, ишдан чарчаб келганимни ҳам унутдим. Карима аямнинг иккинчи қизи – Муқаддас худди синглимдай бўлиб кетган. Эртага ўшанинг тўйи. У бизнинг маҳаллага келин бўлиб тушяпти.

– Ҳозир кечасиёқ болаларимни тинчитиб, эртагаликка дастурхон тайёрлайман, – дея ўзимга ўзим сўз бердим. Шу битта таклифнома билан кайфиятим кўтарилиб кетган, ўзим эса анчадан буён кирмаган гўзал бир дунё ичига кириб қолгандек эдим.

...Тўй тарадудини кўриб, супра бошида куймаланаётган бўлсам ҳам ҳозир хаёлан болалигимга, ширин хотиралар қучоғига қайтгандим. Улар билан девор-дармиён кўшни эдик. Ҳакимжон тоғам ўн уч ёшлигидан олдимиздаги газаппарат заводида ишлайди. Эс таниганимдан буён осойишта, хотиржам овозинигина эшитганман. Карима аям тўқимачилик комбинатида тўқувчи. Эсимда бор, аям уч қиз, уч ўғилнинг онаси, улар майдачуйда бўлишига қарамай, ҳамма нарсага улгурарди. Улар саҳар – ерга ёруғ тушмай ишга кетишади, кун қайтганда қайтишади. Кечга яқин бир қарасангиз, аям шошганча, битта тугунчани кўтариб, қаёққадир кетаётган бўлади.

– Вой, Каримахон, ҳозиргина ишдан келиб, яна қаёққа кетяпсиз, айланай, – онам куйиниб сўроққа тутуди.

– Анови Турсунойнинг тукқанига уч-тўрт кун бўлиб колди. Боролганим йўк. Югуриб кўриб келай.

– Ҳа, сўраб қўйинг бўлмаса...

Карима аям шошиб кўздан узоклашиб боради. Онам эса ортидан боққанча, ҳавас билан гапириб қолади.

– Каримахон тушмагур-ей... Ҳамманинг кўнглини олади-я. Маҳаллада тўй бўлса, эру-хотин тикка туришади. Омон бўлгурлар.

Бизнинг ҳовли билан Карима аямлар уйи ўртасидаги деворни бузиб, дарча очиб қўйилганди.

Дарча... болалигимда уни у ҳовлидан бу ҳовлига ўтиш учун оддий бир йўлакча деб тушунган эканман. Аслида ундай эмас экан. Бугун ўзимиз яшаётган ҳовлининг этагида ҳам дарча бор. Дарча кўча томондан эмас, ҳамиша ҳовли ичкарисидан очилар экан. Биздан уч-тўрт эшик нарида турадиган Ибодатхонларники билан Равшан аялар ҳовлилари ўртасида ҳам дарча бор. Катта бўлгач, қаерга борсам ўшанақа дарчани қидирадиган бўлдим. Агар кўриб қолсам, ёш боладай яйраб кетаман.

– Ҳа, бу ердаги қўшнилари бир-бирларининг юракларига йўл очишган экан. Улар... тотув... туғишгандай... ишончим комил. Ана, дарча айтиб турибди, – шундай дея ўз-ўзимга шивирлайман.

Баъзан ... дарчаси йўк ҳовлиларни ёки очилиб, кейин беркитиб ташланган дарчани кўраман. Ичим ҳувиллайди, йиғлагим келади. Нега?

– Юракларга йўл берк. Бу ердагилар шунчаки қўшни холос. Шунчаки салом-алик, шунчаки мулозамат, – юрагим шундай дея ўз изтиробини шарҳлайди.

Мана, бугун яна Карима аямни, болалалигимдаги, менинг тасаввуримдаги илк дарчани эслаяпман. Бизнинг оилада саккизта, Карима аямларда эса олтита бола.

Тўнғич фарзанд бўлганим, укамлар ҳали ёш бўлгани учун ҳам югур-етимга мен кўпроқ чопаман.

– Муҳайё, ма, мана бу иккита нон билан олтигана иссиқ сомсани югуриб аянгларга ташлаб чиқ. Ишдан ҳориб келиб турган бўлса, иссиқкина еб олади, – тандирдан чикқан қип-кизил юзлари чўғдай нурланиб, онам иссиқ нон, сомса ўралган оппоқ сочиқни кўлимга тутқазади. Бу пайтда Карима аям икки хонали уйлари-нинг узун айвонида чой ичиб ўтирган бўлади.

– Аям тушмагур-ей... овора бўлибдилар-да. Келинг, Муҳайёхон, ўтиринг, бирга чой ичамиз, – улар мени кўярда-кўймай рўпараларига ўтқазиб олишади. Мен ҳам жилгим келмай, хонтахта ёнига чўкаман. Карима аямнинг хиёл узунчоқдан келган, буғдойранг чехрасига ҳавасланиб қараб-қараб кўяман. Сал ўтмай, онамнинг овози эшитилади.

– Муҳайё, кела кол, укаларингга қараб тур...

Шошиб-пишиб ўрнимдан туришим билан, аям битта тарвузми, беш-олтита бодрингми, албатта нимадир кўлимга тутқазади.

– Манг, укаларингизга олиб чикинг...

Эҳҳе... Карима аямга боғланган хотираларим шунчалар кўпки, ҳозир қайси бирини эсламай, ҳаммаси бир-бирдан ширинга ўхшайди.

...Онам жуда ёмон бошқоронғи бўларди. Беш-олти ойлаб қозон олдига боролмас, ёғ хидини сезса, кўнгли айниб, ташлай берарди. Эртадан кечгача беҳол бўлиб ётгани-ётган, туз тотмас, оғзига ҳеч нарса ёқмасди. Айникса, ўзи пиширган бир нарсани емасди. Шундай қийналиб турганида, Карима аям бир лаган лағмонми, шавлами, ё чучварами, нимадир кўтариб кириб келади.

– Ая, тузукмисиз? Мана буни еб олинг... – ишда бўлиб тез-тез хабар ололмаяман.

– Дунё тургунча туринг, Каримахон, – онамнинг кўзлари ёшланиб, аранг бошини кўтаради. Хиёл каддини тиклаб, деворга суяниб, зўрға ўтириб олади. Аям олиб

чиққан овқатдан оз-моз тамадди қилади. Зўрлаб бир-икки қошиқ ўтказади. Гоҳида суйиб, тўйибгина овқатланиб олади.

Шундан сўнг сал тетикланади, кувватга киради. Ўзини ўнглаб, бир амаллаб ўрнидан туриб кетади. Тахланиб кетган уй юмушларини топиб яна куймалана бошлайди. Карима аям бугун, эртага, индинга, ҳар куни, ҳар куни, албатта, қўлида овқат билан остонада пайдо бўлади.

...Мени турмушга узатишган, битта боланинг онаси бўлиб юрган кунларим эди. Кичкинамни кўтариб, уйимизга келсам, онам ниҳоятда хомуш, хафа ўтирибди.

– Вой, буви, Сизга нима бўлди?

– Карима аянгларнинг янги қураётган уйлари битиб, кўчиб кетишди, болам, – онам ўзини тутолмай, беихтиёр йиғлаб юборди. – Қирк йиллик қадрдонларимиз эди. Бир томоним йўққа ўхшаб, ҳувиллаб, чидолмаяпман...

Шу пайт менинг ҳам томоғимга нимадир тикилиб келди. Юрагимдан нимадир сизиб, киприкларимга илинди. Уни онамга сездирмасликка уриниб:

– Нима ҳам қилардик, буви. Хафа бўлманг. Узокка кетишгани йўқ-ку! Ораси икки-уч бекат холос. Яна борди-келди қилиб тураверамиз, – дедим нима дейишни билмай.

– Шунақа-ку, болам, барибир, кўника олмаяпман. Синглимдек, суянган тоғим эди-да, ўзинг биласан-ку, – деди онам қайтиб – қайтиб.

Онамнинг ажинлари ҳар галгидан кўпайиб кетган маъюс чехрасига боқиб, юрагим ачишди. Ўша аяжонимни топиб, тўйиб-тўйиб кучоқлагим, юзларидан ўпгим келди.

– Онамнинг энг оғир кунларида, бизнинг хомуш кунларимизда асқотган аяжоним, – деб улардан бутун оиламиз қанчалар қарздорлигини айтишни истагандим ўшанда.

Мана, бугун энди уларникига тўйга кетяпман. Чор атрофим куз оҳанги билан лим-лим тўла. Оёғим остидаги сап-сарик япроқлар, шилдир-шилдир қилиб учаётган тўп-тўп хазонлар ўз яшиллигини қидираётгандай, ўша лазиз дамларга қайтишни жуда-жуда истаётгандай. Мен уларга бокиб, ўзимча шивирлайман: «Эй, сиз олтин хазонлар... Нега ўкинасиз. Сиздан ҳамма рози. Озгина умрингизда ҳаммага соябон бўлдингиз. Ҳаммага яхшилик улашдингиз. Бугунми-эрта тупроққа коришиб кетасиз. Бироқ одамлар юрагида қоласиз, яшайсиз ...»

Бир тўп қушлар «парр» этиб кўтарилиб, у шохдан бу шохга қўнишди. Хиёл тўзғиган хаёлларим жамлангандек бўлди. Яна ўзим севган, қалбимнинг энг тўрида асраганларимдан бири – Карима аям ҳақида ўйлай бошладим.

Тўйхонага яқинлашган сари юрагим ширин энтикиб кетди. Узоқдан кўрдим, Ҳакимжон тоғам икки қўллари кўксиларига қўйиб, меҳмонларни биттама-битта қаршилаб оляпти. Тўй яхши-да. Ҳамма хурсанд, ҳамманинг кайфияти баланд. Чехраларда шодлик гуркираб, дилни яшнатиб туради. Ана шундай рух билан тўйхонага яқинлашдим.

– Э... келинлар, келинлар, – Ҳакимжон тоғам ўзларида йўқ севиндилар.

– Тўйлар қутлуғ бўлсин, тоға...– улар билан ҳолаҳвол сўрашиб, ичкарига йўл олдим.

Кенг, катта ҳовлига кириб борарканман, юрагим гупиллаб, Карима аямни излардим.

– Келинг, Муҳайёхон! – ўша иссиқ чехра, меҳрли овозлар...– Вой, жуда яхши кебсиз-да! Раҳмат. Аямлар, тоғамлар, укаларингиз ҳаммалари шу ерда. Илҳомжон қани?

– Ҳозир куда томондан келишади ...

– Болаларни обкемадингизми? Чакки қибсиз. Обкелиш керак эди. Қариндошларни танишарди, – Карима аям гоҳ мени суйиб, гоҳ мени койиб ичкари бошлади.

Ҳеч каерга одам сиғмайди. Бутун маҳалла, қариндош-уруғ, дўсту-қадрдонлар яйрашяпти бу ерда. Тўй давом этяпти. Столлардаги қуёшни қониб-қониб ичган қузги гуллар, райҳонлар бўйи, дарахтлардаги олтинранг япроқлар – хаммаси вужудимга завқ бағишляяпти. Атрофга сукланиб ўтириб, беихтиёр рўпарадаги, ҳовли этагидаги девордан бузиб, очилган дарчага кўзим тушди...

Дарча ... уни кўрдиму, бугунги бутун ширин хотираларим худди шу ерда яна қайтадан жамлангандай бўлди. Яна кўз ўнгимдан Карима аямнинг хиёл тўладан келган келишган қомаги, кенг елкалари ўтиб борди. Қўлида бир чинни овқат, меҳрибон кўзлари билан боққанча жилмайиб тургандай бўлди. Уларнинг бу янги ҳовлиларидаги дарчани кўрдиму, худди ўша болалигимдаги дарчани кўргандек на эшиги, на бошқа нарсаси бор, доимо «марҳамат», йўл очик дегандай очик турадиган дарчамизни жуда-жуда соғинганимни ҳис этдим.

Орадан неча йиллар ўтиб кетди. Менинг ширин болалигим ҳам эртақдай орқада қолди. Худди шу тобда ана шу дарчага боқиб, яна кўп нарсаларни, ўзим унча эътибор бермаган, бироқ қалбимда кўз очган қанча эзгулик гулларини худди ҳозир кўргандек эдим. Уларнинг қанчасини мана шу Карима аям ўтказиб, парвариш этганига ақлим етиб ўтирардим. Рўпарамдаги дарча эса оддий, кўримсиз ўтиш йўлаги эмас, йўк, йўк, қанча яхшиликларнинг илк сўқмоғи эканига иқрор эдим. У энг яқин кўнгилларга очилган энг яқин йўл эди назаримда.

Рўпарамдаги дарчага ҳавасланиб қарадим. Унинг этагидаги ҳовли ҳам гавжум, одамлар ундан шошиб ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа чопишарди. Гўё қўшни хонадонда ҳам тўй бўляётгандек эди...

## ОЛОВ

*Қизил гулнинг тагида,  
Ёр, сени кўриб қолдим.  
Кўрмасам бўлар экан,  
Ишқингда куйиб қолдим.*

Назокат радиодаги кўшикчига кўшилиб, товуш чиқармай, оҳиста хиргойи қилди. «Қизил гулнинг тагида, ёр, сени кўриб қолдим...»

Назокат рўпарадаги кенг ҳовлида қийғос гуллаб ётган шафтолининг пушти рангларига мафтун бўлиб бокди. Ун саккиз ёшнинг тўлқинлари вужудида гупиллади. Худди гулга тўлган шохлар орасида бир йигит мўралагандай бўлди. Йўқ, ҳаммаси хаёл. Қани энди дунёда уни жон-дилдан севадиган одами бўлса. Шу уйдан тезроқ кутиларди. Поччасининг кўзларига урилавериб, қимтинмасди.

«Ҳамманинг ота-онаси бор. Фақат меники, бизники йўқ.» У томоғига тикилган ёшни нари итарди. «Холамини кўриб келаман». Назокат ўз хаёлидан қувонди. Холасидан онасининг хиди келиб туради. Қош-кўзлари, бўй-бастлари онасининг ўзи.

– Опа, келишларингга ошни дамлаб кўйдим. Холаминикига бормоқчиман.

– Майли, кўриб ке. Суюниб қолади, – опаси Саломат энгил нафас олди.

– Жойи чиқса, тезроқ узатиб олсам эди, – ўзига ўзи гапирди Саломат. – Бировнинг боласи бировга қолмасин экан. Опага қолса, поччанинг кўнгли кўтармайди, акага қолса, келин хўмраяди.

– Икки кун тураман. Душанба куни ишдан чиқиб келаман.

– Майли, холамини қайтиб-қайтиб сўраб кўй. Боринг деб, тайинлаб ке. Хўпми? – Саломат Назокатни кўча

эшигигача кузатди. Назокат тарбиячиликка ўқимоқчи эди. Кирилмади. Бола боқишни яхши кўради. Фақат шунга ўқийман деб энага бўлиб ишга кирди. Қишлоқдаги боғчаларда иш йўқ экан. Узоқ бўлса ҳам районга жойлашди. Бир-икки жойдан совчи келди. Опаси кўнмади.

– Пича ишласин, ўқишга кириб олсин. Кейин... сеп килиш керак, – деди ўйланиб.

Назокат бўлса:

– Опажон, кўнглимдаги одамни топсам, кейин... Хўпми? – деди илтижо билан.

– Биров билан гаплашишни хаёлингга келтирма. Қишлоқчилик. Бошингда ота-онанг йўқ. Гапга қўймагин яна, – деди опаси хавотирлик билан. Назокат «хўп» дегандай индамаган бўлса ҳам, кўнгли ўз айтганини такрорлади. «Мен уни излайман. Топаман. У жуда ҳам чиройли. Келишган йигит. У менинг кўзларимга кулимсираб қараб туради. Мен эса ... унинг парвонаси бўламан. Эрталаб туришига иссиққина жиззали нон ёпаман. Сигир олиб берса, соғаман. Чинни пиёлага янги қаймоқни қуйиб, олдига қўяман. Чойни ўрнимдан туриб, эҳтиром билан узатаман. ... Кейин ...» Назокат ўз хаёлидан ўзи кулди.

Йўл бўйидаги бекатда машина кутганча, жийда гулларилинг бўйидан маст қишлоғига қараб, ўзича кулимсиради. Бу ёшда ҳамма қизлар ҳам шунақа орзулайди.

– Кетасизми? – Назокат шундоқ ёнига келиб тўхтаган янги оппоқ «Жигули»га қараб, кўзи қамашди. Ҳайдовчи йигит пастга тушиб, унга ёлборгандек, худди акасидек қараб турарди.

– Районга кетяпсизми? – йигит меҳрибонлик билан сўради.

– Марказга, холамникига.

– Қани, чиқинг.

Назокат орқа эшикни очмоқчи эди, йигит чаққонлик билан юриб келиб, эшикни очиб, «қани марҳамат» дегандай таклиф қилди.

– Назокат! Мени танимаяпсиз-а? – йигит ўртадаги бе-  
гонасирашни нари сурди.

– Йўк!

– Шунақа-да! Қизлар ўзи шунақа. Бепарво бўлишади.  
Йигит ўкингандек жимиб қолди. Пича йўл юриб:

– Мен Сизни деярли ярим йилдан бери биламан, –  
деди оҳиста, эски танишлардай.

– Отимни қатдан биласиз? – кизиқсинди Назокат.

– Ў пастки маҳаллага, Толтагига тўйга борганингиз  
эсингиздами?

– Эсимда, Мамлакатни тушириб оборгандик.

– Ҳа, яшанг. Тўйда рўпарама-рўпара ўтирганмиз.  
Ўшандан бери Сизни излайман. Йўлда учратиб колсаму,  
олиб кетсам деб орзулардим.

– Ниятингизга етибсиз-да, – шўхлик билан деди На-  
зокат.

У йигитга астойдил разм солди. Қуюқ қоп-қора сочла-  
ри ўнг томонга таралган. Буғдойранг чехраси меҳрибон.  
У яна ўғринча йигитга қаради. Қирра бурни узунчоқдан  
келган юзига ниҳоятда ярашиб турибди. Йигит худди  
буни сезгандек ўнг томонига қайрилиб, кизга қаради.

– Назокат, бошингизга муҳаббат савдоси тушганми?

Назокатнинг хиёл жаҳли чиққандек бўлди.

– Нималар деяпсиз? Нега бунақа саволлар берасиз?  
Ҳозир тушиб кетаман.

Йигит ёлборди.

– Қўйинг энди. Нима ёмон гап айтдим? Фақат бирор-  
тасини севганмисиз, деб сўрадим, холос.

Назокат инсофга келди.

– Йўк, севмаганман, – деди ювош тортиб.

– Севмаган одам севганининг қадрини билмайди, –  
ўпкalandи йигит.

– Куйган қулга ўхшайсиз.

– Топдингиз...

Йигит сирли сандикдек сукутга чўмди. Машинасини виқор билан олдинга елдирди.

– Мени ўша марказга ташлаб қўясиз, хўпми?

– Хўп... – йигит унга бир сирли нигоҳ ташлаб, кўзларини бир юмиб, очди. Шунда Назокат бу кўзлар тим қоралигини, унда ҳароратми, алангами, нимадир борлигини пайқади.

– Шу ерда тўхтатинг, илтимос...

Йигит итоаткорлик билан тормозни босиб, кичкинагина ариқ четида тўхтади.

Назокат ўзига ярашиб турган хушбичим костюми чўнтагидан пул олиб узатди.

– Э... қизик экансиз-ку! Хафа бўлдим, – йигит кадрдонидек ўпкаланди.

– Раҳмат!

Назокат унинг исмини жуда билгиси келди. Сўролмади. Омонатгина хайрлашиб, холасининг кўчасига бурилди.

Бир ҳафта ўтиб, йигит яна рўпарў келди. Уч кун ўтиб яна ...

– Назокат, юринг, канал бўйида озгина ўтирайлик. Гапим бор.

«Гапим бор ...» Назокатнинг баданига ширин титроқ югурди. Эҳ, дунёда шундай бир кадрдон одами бўлсаки, Назокатнинг қўлларидан ушлаб, қаёққадир олиб кетса. Озод бўлса... Эркин бўлса... Иккалалари жуфт кушлардай аллақаёқларга учиб кетишса...

«Гапим бор...» Назокат ич-ичидан йиғлагиси келди. Ўша кадрдони – шу одаммикин? Шу одам уни поччасиникидан озод қилиб, елкасида олиб кетармикин?..

Назокат индамаган эса-да, ўша ширин гапни эшитишни жуда ҳам истади. Бир тарафи чўл, кимсасиз дала-лар уларга хавасланиб қараётгандай эди.

– Кеч кириб қоляпти, Тохир ака, – у ёнида тоғи тур-

гандай кўркмаса-да, борган сари атроф кўзига совук ва ҳувиллаган кўрина бошлади.

– Мен тезроқ уйга боришим керак. Опам хавотир олади.

– Ишдан чиқиб, холамникига кирдим, дейсиз.

– О, баҳона-чи, – эркаланди Назокат.

– Озгина, бирпасгина холос, – Назокатнинг кўзларига қараб ялинди Тоҳир.

Атрофга окшом пардаси чўкиб, қоронғулик куюқлаша бошлади. Ўртада Катта Фарғона канали. Икки чети кимсасиз пахтазор. Бу ерларни чўл дейишади. Сарғимтир, лойқа сув шошилмай, эшилиб оқади. Ой ёғдусида у ялтираб кўринади.

– Кўркиб кетяпман... – Назокатнинг вужудига ростдан ҳам ғалати ваҳима ўрмалади.

– Совқотдингизми? – йигит қизнинг елкаларидан оҳиста кучди. Унинг кучоғидан бир илиқ ҳарорат таралаётгандай, қизга хуш ёқди. Бир лаҳза йигитнинг кўксига бошини қўйгиси келди. «Дунёдаги меҳрибоним шумикин?»

– Тоҳир ака... – қиз йигитни оҳиста чақирди. Бирок, ҳеч нарса демади. Фақат ҳозир тўйиб-тўйиб йиғлагиси келди. Кейин хушёр тортиб:

– Мени тезроқ уйга обориб қўйинг, – дея шивирлади.

– Ҳозир, озгина... – Тоҳир Назокатни жон-жаҳди билан ўзига тортди. Улар ўша кеч чўлда қолиб кетишди. Машинанинг ичида тонг оттиришди.

– Энди нима қиламан, – ўкраб йиғлади Назокат. Юзларини кафтлари орасига олиб, боши эгилганича, машинанинг орқа ўриндиғига ўтириб қолди. Ҳозир ўзини ана шу жимирлаётган сувга отса-чи... Шу кунидан ўлгани яхши эмасми?

– Назокат! – Тоҳир унинг ёнига ўтириб, тўзғиган сочларини силади. – Ўзингизни қўлга олинг. Ҳеч кимга билдирманг, тўйни тезлатамиз.

– Одамларнинг кўзига қандай қарайман, – Назокат оқариб келаётган саҳарнинг юзига қарашга ботинмай, бошини яна ҳам қуйироқ эгди.

– Назокат, озгина дамингизни олинг. Хўп– ми... Ҳаммасига мен айбдор, мен ... Ярим соат бўлса ҳам ухланг.

– Уйқу... – Назокатнинг кўзи «ярқ» этиб очилди, – мен ким ... битта шарманда ...

Тоҳир Назокатни ўз ҳолига қўяй дегандай, нари кетди. Назокатнинг ич-ичини бир совуқ илон кемира бошлади. Энди нима бўлади? У мадад кутгандай Тоҳир акасига разм солди. У ҳеч гап бўлмагандай, одамнинг белидан келиб ётган чўл ғўзалари орасига кириб кетди.

– Тўйни тезлатамиз, деяпти-ку, – ўзини тинчлантирди Назокат.

Ҳиёл ўтмай, яна юраги ҳовлиқди. Поччаси сезиб қолса-я... Акаси-чи? Ҳаммаси опасини талашади. Назокатни эса ... ўлдиришади.

– Тўйни қачон қиламиз?– Назокат ўз жойига келиб ўтирган Тоҳирга илтижо билан қаради. Яна ўзига хўрлиги келди. Шу кўйга тушиб қолдим-я... Бировнинг кўзига қараб, шунақа ялиниб турса-я...

– Тоҳир ака, бирор нарса денг. Бўлмаса, ўлиб қоламан.

– Айтдим-ку! Ҳеч нарсадан хавотирланманг. Ҳаммаси жойида бўлади.

Тоҳир жиддий ўйга толган одамдай жим қолди. Анчадан кейин:

– Назокат, ўзингизни босиб, уёқ-бу ёғингизга сал қараб олинг. Маҳкам бўлинг. Ҳеч кимга айтманг. Опангизга «машина бўлмади, холаминикида қолдим, денг». Бир-икки кун ўтиб, совчи жўнатаман.

Назокат дадилланди. Қаттиқ бўронда эзғиланган гул умид куёшининг тафтидан яна қад ростлай бошлади.

Назокат ҳар куни ишдан чикиб, бекатда йўлга тер-

мулади. Хаёлида ҳозир пахтадек оппоқ «Жигули» ёнида тўхтади.

– Назокат! Уйгами? Чиқинг! – дейди меҳрибонлик билан.

– Тоҳир ака, – у ўзига ўзи шивирлайди. Миннатдор бўлиб, машинага ўтиради.

Йўқ, ўша машъум воқеадан мана ўн беш кун ўтди. Тоҳирдан дарак йўқ. «Яхши кўрмас экан...» Бошига тоғ ағдарилаётган Назокат бу хаёлдан нари қочади. «Балки бетобдир, хабар олиш керакдир».

Ўн олтинчи куни район марказидан сал четроқдаги, Тоҳир ишлайдиган магазинга қандай бурилганини сезмади.

– Назокат, нега келдингиз, – ўпкalandи Тоҳир. – Одамлар ёмон. Эҳтиёт бўлиш керак.

– Тўй-чи... – хўрлангандек сўроқлади Назокат.

– Тўй бўлади дедим-ку! Хотиржам бўлинг. Юрагим санчиб, бир ҳафта ишга чиқолмадим. Кам-кертикларни тўғрилай. Ўзим Сизни топаман. Бу ерга... – Тоҳир «келманг» дегандай ўтинди.

Назокат унинг қалин сочларига, чўгланган кўзига соғиниб қаради. Йиғлагудай бўлиб ортига қайтди.

Икки ой... Уч ой... Бешинчи ой... қорнида нимадир кимирлайди.

– Опа! – у уйқусида босинқираб, бор овози билан чинқиради.

Саломат ошхона ёнидаги кичкинагина уйда тунайдиган Назокатнинг овозини эшитмайди.

Назокат уйқусираган кўзларини қорнига қадади. Кўзлари билан пайпаслайди. Каттариб кетгандай... Бола... у болани маҳкам қучоқлаганча хўнгради. «Опа-жон, тузингга тупурдим. Оқлолмадим. Юзингни ерга қаратдим. Энди ўлганим яхши...».

У йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолади. Ерга ёруғ тушмай, ўр-

нидан туриб кетади. Хавотирланиб, қайта-қайта қорнига назар ташлайди. Қўли билан пайпаслайди. Яна йиғлайди.

Биров сезмасин деб, кўз ёшларини артади. Ҳовли-элни супуриб, ишга шошади. Яна қорнига қарайди.

Ишдан чиқиб, телбадай Тоҳирнинг магазинига йўл олади.

– Ҳозир... Холироқ жойда...

– Бўпти...

Улар яна кимсасиз чўлга боришади.

– Тоҳир ака, – Назокат Тоҳирдан нажот излайди.

– Назокат, олдин Сизга ростини айтай, кейин бир қарорга келамиз.

Назокат кулоқ тутади.

– Бола меники, тан оламан. Сизга қанақа ёрдам бўлса, тайёрман. Районда бир хонали уйим бор. Истасангиз, яшаб туринг.

– Тоҳир ака, – Назокат уни товуш чиқармай ич-ичидан чақиради. Ёнига яқинроқ келишини, йиғлайвериб чарчаган кўзларига тузукрок қарашини истайди.

Йўқ. Тоҳир нигоҳларини ерга қадайдди. Саросимада.

– Назокат, иккимиз ҳам ёшлик, гўрлик қилдик. Тўғрими?

– Ўзингиз-да!– Назокат Тоҳирга каттиқ гапиргиси келмай, пушаймон билан бош ирғайди.

– Мен Сизни ташлаб қўймайман, ишонинг. Сизни жон-дилим билан яхши кўраман. Ўла-ўлгунча Сизни дейман. Нима қилишни билмай, бошим қотди.

Иккаласи узоқ жимликка чўкишди. Назокат ичида тебрана бошлаган ғазабини зўрға босди. Тоҳирнинг ширин гаплари қулоғига ёкмади. «Яхши кўрармиш. Беш ойдан бери қаердасан демаган одам...»

– Нега бошингиз қотади? – Назокат ўз овозининг баландлигини сезмай қолди. Тоҳир ғалати кулимсиради. Бу туриши – худди Назокатни масхаралаётганга ўхшади.

– Ростини айтишга мажбурман. Мени ҳам ўйланг, Назокат. Нима қилай, айтинг...

Назокат хушёрланиб, кулок тутди.

– Иккита болам бор...

Назокат ток ургандай ўрнидан туриб кетди.

– Сиз ҳали... ўшанақа... алдоқчи, номус ўғриси... шунақами ... Сиз инсофсиз экансиз...

– Йўқ, унақа эмас. Сизни яхши кўраман.

– Ёлғон!!! – бор овози билан чинқирди Назокат.

Унинг фарёд тўла товуши ҳосили йиғиштириб олинган кимсасиз даланинг сукунатини ёриб кетгандай бўлди. Ўз товушидан умидлари майда-майда бўлиб кетган Назокат ҳушини топиб, телбадай Тохирнинг оёқларига ёпишиб, ўксиб-ўксиб, йиғлай бошлади.

– Бу дунёда Сиздан бошқа дардимни эшитадиган йўқ. Бир ой бўлса ҳам, мен билан яшанг. Поччамга бор гапни ўзингиз айтинг. Бу азоблардан мени қутқаринг. Бўлмаса... ўзимни ўлдираман. Мана кўрасиз, уволимга қоласиз ...

Тохир ростдан ҳам Назокатга ҳуши учдими? Унга ошиқ бўлдими? Буни ҳозир айтолмайди. Унинг ниҳолдеккина қадди-комати, ювош туриши, силлиқ пешоналари, ширмон кулчадек чехраси сеҳрлади чоғи... Ҳозир ўзининг ҳам бу қизга раҳми келди. Уни ер билан яқсон этди-ку! Марказдаги уйига олиб бориб яшаса, биров билмасмикин? Хотини қишлоқда. Кичкинасининг ҳали чилласи ҳам чиққани йўқ. Ўзи билан ўзи овора.

– Назокат, ҳаммасини ўйлаб қўйдим. Марказдаги уйда яшаймиз.

– Тўй қиламизми?

– Кейин ... хотинимни бир ёқлик қилай ... Мен бир умр Сиз билан бўламан.

«Тўйсиз... совуқдан- совуқ... Ҳеч ким мендек бўлма-син. Қани энди, иложи бўлса, ҳар битга қизнинг кулоғига қуйиб, тайинлаб-тайинлаб айтсам... Қизлар, ҳеч қайси

йигитга ишонманг. Улар ёмон. Улар – алдоқчи, десам...»

– Опангиз биладими? – Тоҳир Назокатнинг хаёлларини ўзига келтирди.

Қиз «йўк» дегандай, ерга қараб, бош ирғади.

– Айтолмайман. Поччам ўлдиради мени... Акам эшитса ... Уларни шарманда қилдим ...

Назокат яна пиқиллашга тушди.

– Мени шармандалиқдан қутқаринг, жон Тоҳир ака...

Тоҳир кизнинг қўлларини кафтлари орасига олди.

– Хўп, – деяпман-ку!

... Уч кун ўтиб, шомда эшиклари тагида машина тўхтади. Поччаси йўғон гавдасини аранг кўтариб, ташқарига шошди. Кўчада узоқ шивир-шивир қилишди.

– Саломат! – Аширмат поччанинг овози ўта даҳшатли эди.

– Ҳа, лаббай! – Саломат ошхонадан югуриб чиқди. – Уйга кир! – поччанинг бўралагани ҳовлини тутди. – Неччи марта айтдим... Анови ... (ифлос сўз билан тўзитди) етимчангни тезроқ эрга бериб, кутил, дедимми. Совчилар келаяпти. Юк-тахтини ҳозироқ тўғрила... Эртага обкетишади.

Саломатнинг тили калимага келмай қолди. Эридан ўзини қаёққа олиб қочишни билмай, орқасидан кўрқаписа уйга кириб кетди.

Саломат ичкаридан чиқиб, молхона томонда ғимирлаётган сингисини чақирди. Қулоғининг тагида эрининг гаплари чакмоқ чақарди.

– Иккинчи кўзимга кўрсатма. Тезроқ йўкот! Мени ерга киргизди. Қандок бош кўтариб, кўчага чиқаман ...

Саломат дир-дир титрар, ўзини босолмасди. Юраги ҳовлиқиб, ҳалкумига тикилди. Ёқасини ушлади.

– Нима бало қилдинг, Назо? Наҳотки шу гаплар рост бўлса, – Саломат рўпарадаги икки сандикка, унинг устига тахланган, уринган кўрпаларга қараб, онаси эсига тушди, уч йил олдин бандалиқни бажо келтирган эди.

Кейин Назокатни, онасидан қолган ана бу ёдгорликларни Саломат уйига олиб келганди.

– Шўрлик бувимнинг ўлгани етмасмиди?! Арвоҳини ҳам чиркиратибсан-да! Нималар қилиб қўйдинг? Қани тур-чи...

Назокат бошини эгганча, ўрнидан турди. У қорнини яширишга қанчалар уринмасин, у қаппайиб, эскигина чит қўйлагини кўтариб, зангор камзулини туртиб турарди.

– Шўргинамиз курсин, энди нима қиламиз?! Одамлар нима дейди? Сени деб энди менинг қизимга ҳам биров оғиз очмайди. Уялмадингми? Мени ўйламадингми?

– Биз бир-биримизни яхши кўраемиз...

– Шу яхши кўриш бўлса – қуриб кетсин илойим. Сени шарманда қилган яхши кўришга ўт тушмайдим! Юзингни ерга қаратадиган яхши кўришга тупурмайсанми! Яхши кўрса – ўз иззати билан тушириб олса бўлмасаканми! Энди нима қиламиз? Оладими ишқилиб ер юткур?

Назокат билинар-билинемас бош силкитди. Саломат эрининг ёнига киргани кўрқди. «Шўрим қуриб қолганакан-ку, билмабман-а...» У ташқарига чикканда, аёз юмшаб, қор учкунлай бошлаган эди. «Қордек оппоқ эдинг-а, Назо.

Энди нима бўлдинг?..»

Назокатни енг учида қопланган тўртта кўрпа, тўртта якандоз, икки жуфт болиш, беш-олтита қўйлак билан Тоҳирнинг марказдаги уйига ташлаб кетишди. Эл оғзига элак тутиб бўлмайти. Тоҳирнинг хотини эшитиб, отасиникига кетиб қолди. Қайнога унинг ишхонасига ёзди, ўзи олиб берган машинани тортиб олиб қўйди. Тоҳирни муҳокама қилиб, магазин мудирлигидан оддий сотувчиликка тушириб қўйишди. «Ўз тинчимни ўзим буздим, каллаварам. Менга ўзи нима етмаётган эди. Айшимни суриб, эркин юрган одам бор-будимдан айрилиб, шунга термулиб қолдимми? Энди ...Мен уни яхши кўраман, деб, ўзимни ўзим алдабман...»

Тоҳир одамларнинг унга нафратланиб қарашидан толиққандай, шу кунлардан қандок қутилсам, экан деб, астойдил ўйга толди. «Болани йўқотиш керак. Бўлмаса...» Тоҳир миясига келган фикрдан қувонди.

– Назокат, докторга учрадингизми? – Тоҳир меҳрибонлик билан сўради.

– Йўқ.

– Ўзим олиб бораман. Танишлар бор.

Назокат севинди. Болалик бўлса, яшаб кетишар. «Оиламни бузди, деб хотини узоқдан чанг солиб турибди. Мен-чи, мен... Биз бир-биримизни яхши кўрамиз.»

Тоҳир уни шом қоронғусида докторга етаклади. Ёши қирқлардан ўтган, хушрўйгина доктор уни астойдил текширди.

– Бола зўрға турибди. Тушиб қолиши мумкин. Майли, энди Сиз учун, – доктор Тоҳирга кулимсиради, – ўзим қарайман. Ҳар куни шу пайтда кела қолинглар. Тинчгина. Уйим яқин. Уни ҳар куни чақиришади.

Эртасига... индинига, ропа – роса ўн кун... Стол устидаги Назокат докторнинг қандай муолажа қилаётганини билмас, лекин ниманингдир «дўк» этиб урилганини эшитар, белида «чим» этган сезилар-сезилмас оғриқ чумоли чакқандай бир лахзада ўтиб кетарди.

Назокат ярим кечаси белининг қаттиқ зирқирашидан уйғониб кетди. Хаёлида бир харсанг тош тикилиб, қорнида тўлғанганча, белини ўпириб кетарди.

– Тоҳир ака, мени тезроқ докторга олиб боринг. Ўлиб қоламан, чидолмаяпман. Вой, оҳ... – у букланиб, гужанак бўлганча, тик туриб қолди. «Хайрият « дегандай, Тоҳир шошиб, ниятига етадигандай кўчага чопди.

– Сурайё Назаровнани чақиринглар, ўша опа даволаётган эди мени... – Назокат инграганча ёнидаги уйқусираган оқ халатлиларга илтижо қилди.

– Қон кетяпти...

Биров игна санчар, биров боланинг юрак уришини сезмоқчидай, қорнига қулоқ тутарди.

– Бола қимирламаяпти, ўлик! – навбатчи доктор «онани сақлаб қолиш керак» дегандай атрофидагиларга таҳликали каради. «Ёшгина, чиройли, эҳ, афсус...» У пуншаймонлик билан бош чайқади.

Сурайё Назаровна етиб келди. Тундаги иккидан эрта-лабқи саккизгача олишишди.

– Вакуум! ...

Она қорнида қийнала-қийнала жон берган болани аранг тортиб олишиди.

– Эссиз, ўғил экан...

– Боламени бир кўрай, – Назокат ҳолсиз бошини кўтаришга уриниб, боласига талпинди.

– Болани нима қилдинг? Бошини қара, ярага тўлиб кетибди, – навбатчи доктор ўлик болани оқ тагликка ўраб, хушламай, юзини буриштириб, Назокатга кўрсатди.

– Мен ҳеч нарса қилганим йўқ, – Назокат умиди сўнган одамдай бошини пастга туширди. Сурайё Назаровна «қўяверинг, фойдаси йўқ» дегандай ёшгина навбатчи докторга имо қилди.

– Опа, боланинг бошини яхшилаб кўринг-чи, нима бўлдийкин? – Назокат Саломатга ёлборди. Назокат қабрга қўйиладиган боласини яна бир бор кўргиси келди. Кўзларидан ёш тиркиради.

Тоҳир ҳар куни шом қоронғусида деразада пайдо бўлади.

– Назокат, хафа бўлманг...

Бешинчи куни Назокат деразага бўйланди-ю, Тоҳирнинг ғалати, бегонадай туришини кўриб, вужуди уйишди. Тоҳир нимадир дейишга тараддудланди. Айтолмади.

– Назокат, ҳозир хат ёзиб киритаман, – барибир унинг товушидаги яқинлик энди йўқ эди.

Назокат гўё ҳамма нарсага рози бўлгандай, кўзида ёш йилтиллаб, маъюс бош эгди. Боласидан ажралди. Мана, энди Тоҳир акаси ҳам ундан узоқлашиб,

қочаётганга ўхшаяпти. Жойига ётганча бошини ўради. Шунча пайт қанақадир бемакон, кунлар ўтиши билан тўзғиб, хазон бўладиган, киши вужудида айланиб-айланиб, уни адаштириб-адаштириб, кейин ёмон бўёқ каби ўчиб кетадиган туйғулар уни алдаганини, ҳаётини остин-устин қилиб, энди шамолдай тинчиганини, кўзини қамаштирган олам энди унга дудга тўлиб кетгандай, қорайиб кўринаётганини, кўзларини ачиштираётганини сезди. Англади. Тоҳир акаси кўзига дунёдаги яхши кўрган, ардоқлаган одами эмас, бегонадай совуқ кўрингани ҳаммасидан кўрқинчлироқ эди. «Болани ўзи ўлдирди. Ўзи ўлдиртирди. Бу – аниқ. Доктор иккови шу ишни қилди». Унинг сутга тўлиб кетган сийнаси зиркиради. Боласини чўпиллатиб эмизаётган хонадошларининг овозини эшитмаслик учун кроватини астойдил ғижирлатиб, бошини ўради.

– Ҳақимова! Сизга хат... – овқат ташувчи аёл қайтиб-қайтиб букланган қоғозни Назокатга узатди. У шошилмай йўлакка чикди. Дераза ёнига бориб, хатни очди. «Назокат! Ўзингиз бир ой бўлса ҳам мен билан яшанг, деб илтимос қилган эдингиз. Икки ойдан кўпроқ яшадик. Оғир кунингизда ёнингизда бўлдим. Уйимга олиб келдим. Иккита болам, оилам... ўзингиз ўйлаб кўринг... Каттақоним менга ичикиб, сариқ бўлиб қопти. Онасининг қўлида боласи бор. Ўзим уни касалхонада олиб ётаман. Опангизга ҳаммасини айтинг. Нарсаларингизни ўртоқлардан бериб юбораман. Тоҳир».

Назокат хатни майда-майда қилиб йиртди.

– Боламни Сиз ўлдирдингиз. Ҳеч-ҳеч чидолмайман. Бир бечорани бадном қилиб, ярим йўлга иткитиб кетдингиз. Оила дейсиз, оилани ўйлаган одам, бошқага чанг солмайди. Барибир, барибир... кўрасиз... судга бераман. Газетага ёзаман. Сизга ҳам жазо бордир. Болани ўлдирганга-чи... Бекорга ўлдириб бермагандир. Ажабо, хатто

одам ўлдирганга ҳам, қотилларга ҳам пул берилади ... — Назокатнинг тўфони тобора ичига сиғмай борарди.

— Холамникида туриб турасанми? Нима бўлса ҳам бу ер район... Қишлоқда эл оғзига элак тутиб бўлмайди, — Саломат синглисини қаерга олиб боришни билмай боши қотди. Эртасига Саломат тарвузи кўлидан тушган одамдай етиб келди.

— Уйга олиб кетаман! — Саломат синглисига қарамай, қорача чехраси янада қорамтирлашиб гапирди. «Холам кўнмаган. Бети қурсин, дегандир-да. Поччамга қандай кўринаман.»

— Поччамнинг олдига бормайман.

Саломат «қаёққа борасан, ҳозир» дегандай жаҳли чиқиб, синглисига қаради.

— Уйдан чиқмайсан, Кўрмайди, яна бир иложини топамиз.

Назокат кичкинагина, ғариб хонага кириб, ўзини таҳқирлангандек сезд.

— Опа, яхши кўрмай ўлай...

— Яхши кўриш бошқа. Ишонч бошқа. Ишонмаган, билмаган одамга яхши кўраман деб, одам ўзини топшириб қўйса ... Ҳамма ҳам сенинг ҳолингга тушади. Уят — ўлимдан қаттиқ. Бу кундан ўлганимиз минг марта яхши.

Назокатнинг нафаси ичига тушди. Энди бу ёғи нима бўлади? Ўзи ҳам поёнига етолмаяпти. Бир зарра ёруғлик йўқдай, олам зимистон. Назокат учун энг яқин — шу опаси экан.

— Боланинг бошини кўрдингизми, опа, — хиёл ҳушига келгандай сўроқлади Назокат.

— Биров игна сайгандек яра бўб кетибди.

— Ўша доктор бир бало қилди. Ўзим ҳам билмай қолдим. Мен уни судга бераман. Унга жазо йўқми? Редакцияга бораман, қанақа иблислар борлигини билишсин ...

— Кўй, хафа бўлма. Олдин озгина ўзингга келиб олгин, кейин...

Назокат ўз бошидан ўтганларни бир бошдан қоғозга туширди. Қанақа аблаҳлар борлигини фош этади. Ўзи ҳам уларни энди билди-ку!

Назокат айтганини қилди. Тез орада суддан жавоб хати олди.

«Боланинг жароҳатлари медицина экспертизасидан ўтказилмаган. Айблашга асосимиз йўқ.»

«Назокат Ҳакимова балоғат ёшида бўлгани учун, унинг номусини ўғирлашда Тоҳир Мелибоевга айб қўя олмаймиз. Бу – ҳар икки томоннинг ихтиёрий муносабатидир».

Назокат суд қоғозига кўз югуртириб, чил-парчин бўлган одамдай ерга ўтириб қолди.

– Нега уларга жазо йўқ-а? Нега?

У тобора кўз ўнгида кичрайиб бораётган дунё ичида акасини, холасини соғинганини сезди. Кўзига ёш куйилиб келди. Шу ойлар ичида акасини икки марта кўрди. Назокатга бир сўз демади. Ёнидаги опаси билан гаплашди. Ўлдиради, деб ўйлаганди. Ҳеч нарса демади. Гапирмагани баттар алам қилди. Ўкириб, оёқларига ёпишиб, йиғлагиси, акасидан узр сўрагиси келди.

– Ака, ёшлик қилдим. Хато қилдим. Бир марта кечирсаларинг, нима бўлади? Қизларга айтинглар, ўзларига эҳтиёт бўлсинлар, мендай бўлишмасин, – деб дод солгиси келди.

Назокат суд қоғозини яна ўқиди. Ичидан нимадир узилгандай, бўшашиб кетди.

– Поччанг тўйга кетди. Юр, нариги уйга чиқа қол, – поччасидан бекиनावериб, қисинди бўлиб кетган синглисига раҳми келиб деди Саломат.

– Ўша судларига ҳам ҳеч кимнинг иши тушмасин экан. Кошки эди улар халққа озгина қайишса ... Юр нариги уйга, – Саломат яна қистади.

– Йўқ, – Назокатнинг товуши тўлиқиб чиқди.

– Қачонгача шунақа қилиб юрасан?

– Сизни ҳам эзиб ташладим, опа, – Назокат тик турганча, йиғлаб юборди.

«Ҳаммамиз ҳам эзилдик. Эл ичида бош кўтаролмай қолдик. Мактабга боргим келмайди. Ҳамма менга қараётганга ўхшайди».

Саломат кўнглидан ўтганини ичига ютди. Нима қилса, сингисининг кўнгли ёришаркин?

– Назо, – Саломат сингисининг кўнглига қўл солди. – Холамни бир кўриб келсанг-чи... Ўзинг кириб борсанг, суюнади, Эсидан чиқади, кечиради.

– Йўк! – Назокат қатъий бош ирғади. Бормайман.

– Ажовмас, – Саломат яна тасалли излади. – Редакциядан келган йигит ҳаммасини ёзиб чиқса... Ахир, хотини, бола-чақаси туриб, бир бечоранинг бошини айлантирганга судда жазо йўк бўлса, элнинг лаънати бордир, ахир.

Назокат алламаҳалгача ухлолмади. «Наҳотки, наҳотки...» Кўз ўнгидан докторнинг муолажалари ўтди. Хаёлида қанақадир игна баданига беозор тегди. «Чим» этгандай бели зиркираб, оғриди. Боши чули-чақа гўдак нажот излагандай, вужудида инграгандай туюлди. Кимсасиз чўл... Номусидан айрилиб, ерга киришга тайёр дақиқаси... «Хотини, боласи бўла туриб, нега йўлимни тўсди? Нега бу қабихликка борди? Нега энди унга жазо йўк?»

Назокат туни билан алаҳсираб чиқди. Қандайдир кўрқинчли тор кўчалар эмиш... Тўда-тўда одамлар... Нарироқ борса, бир тўп оломон... Ҳаммаси фақат Назокатга қарар, унга узоқдан нимадир деб, бир нималарни отишармиш... Назокат опасини излар, уни тополмас, кўрқканча, кимга қарашни билмасмиш...

– Опа! – у ўзининг алаҳсираган товушидан уйғониб кетди. Полга тўшалган юпқагина кўрпа ичидан атрофга қаради. Уй ичи зимистон. Пастак дераза кўзи ҳам ухлаётгандай қоп-коронғу.

Яна тонг отади. Яна шом тушади. Назокатнинг торгина хонаси эса доимо зим-зиёга ўхшайди. «Ановиларни ҳам эл билармикин? Ўшаларга ҳам бир нарса дейишса эди. Кейин майли... Узокқа, чўлга кетаман. Ўша ерда ишлаб, ўз бахтимни излайман».

Назокат кечки овқатга мастава солди. Эшик – элни тинчитди. Кечки пайт одатдагидек пастак, кичкина, коронғу уйга биқинди. Опасининг шарпаси келди. Назокат, унинг ичкарига кириб, «Назо, ўтирибсанми» дейишини кутди. Ҳар куни ишдан келарди-ю, унинг олдига киргувчи эди.

Назокат узок кутди. Опаси кирмади. «Биров бир нарса деганга ўхшайди. Яна мен тўғримда эшитиб кепти шекилли...»

Назокат ташқарига чиқмади. Мана, икки ой ўтяптики, поччасига рўпарў келгани йўк. Бир пайт жияни, тўртинчида ўқийдиган жияни Гулнора кирди.

– Опа, овқат ичасизми?

Назокат вақт ўтказиш учун гириллатаётган қўл машинани нари сурди.

– Сизлар-чи, ичдиларингми?

– Биз ичдик. Аям сўрагин-чи, деди. Аям йиғлаяпти. Билмадим нимага, – Гулнора узук-юлуқ гапирди.

– Даданг келдими?

– Йўк.

Назокат ишонч билан ўрнидан турди. «Қачонгача? Қачонгача шунақа қилиб ўтираман?! » У эшикка чиқди. Опасини излади. Кир ёяётган экан.

– Опа... – Назокат «айтинг, нима қилай...» дегандай каради.

– Мендан зерикдингиз-а? Ўзим ҳам ўзимдан зерикдим. Тўйдим, йўл кўрсатинг, нима қилай?

Саломат соқовдай сўз тополмади.

– Нега хафасиз? Нима бўлди? – Назокат қаёққадир

шошаётган одамдай гапирди. Унинг ҳар кунгидан бошқача ҳолатини кўриб, Саломат ҳам шошди.

– Сен кутган газета чиқибди, – Саломатнинг овози шунчалар ожиз эдики, у кунпаякун бўлган қандайдир жисмнинг сўнгги товушларига ўхшарди.

– Нима деб ёзибди? – Назокат умидланди.

– Э... қўявер, – Саломат ҳамон ўша сўник товушда гапирди. – Бормасам ҳам бўлар экан...

Кўча эшик тарақлаб, зарб билан очилди.

– Поччам! – Назокат ўзини панага олди.

– Ҳой ... лар! – Аширмат почча аёлларни энг ёмон ҳақоратлайдиган сўзни бор овози билан айтиб, гандирак-лаб юриб келди.

– Аввал сенларни ўлдираман. Кейин ўзимни... Бошқа чора й...ў...к... Ўқи, анови газетани ўқи ...Боплабди! Жуда тўғри ёзибди. «Ёшлик хатоси». Сарлавҳаям зўр! Ҳамма менга қараяпти. Кечаги, ими-жимидаги кунлар ҳам – ҳолва экан! Энди юриб бўладими? Йўк! ўлдираман ... Кейин ўзим ...

Саломат, Гулнора, Назокат ҳашак босилган оғил бурчагига яширинишди. Ниҳоят поччанинг овози эшитилмай қолди. Уччаласи Назокатнинг хонасида тунашди.

– Опа, қани ўша газета, – Назокат ишга боргиси келмай ўтирган опасига юзланди.

– Қўй, ўқима. Бекор борибмиз ўшанда. Эй, ҳаммасига ўт тушсин илойим ...– чинкиргудай бўлиб, алам билан деди Саломат.

– Беринг, бир ўқий.

– Қўй, – Саломат жарчининг овозидай ёйилиб кетган, кўзига бало-қазодай хунук кўринаётган газетани иш сумкаси ичидан хушламай олди. – Оғзига келганини ёзибди-да! ..

Саломат Назокатни юпатса-да, ичидан ўтганини ўзи билди.

Назокат қўли титраганича, газетани ёзди. Ички, учинчи бетдаги тушакдай мақола кўзига урилди. «Ёшлик хатоси».

– Ўқима, қўй. Кўрдинг, етади, – Саломат газетани қайтиб олмоқчи бўлди. Назокат шашт билан орқасига беркитди.

Саломат ишга биров судрагандай йўл олди. Поччаси саҳар чиқиб кетибди. Саломат кўча эшикка етиб-етмай, Назокат очиққан одамдай газетага ёпишди. Худди шу – сўзлар билан тўлиб-тошиб турган қоғоз унинг сарсон тақдирини ҳал этадигандай эди.

«Ёшлик хатоси» « Назокат... биринчи таклифдаёқ Тоҳирнинг машинасига ўтирди. Бу канақа одам? Хаёлига келтирмади. Унга ишониб, ўзини топширди. Бу енгил-такликнинг оқибати нималарга олиб боришини тузукрок ўйлаб ҳам кўрмади. Халқда « ... кўзини сузмаса ... » деган мақол бор ...»

Назокатнинг кўз олди қоронғулашди. У осмонданми, ерданми... қаердандир устма-уст отилаётган маломат тошидан гангиб қолди. Поччасининг тундаги овози қулоғига чалинди. «Сенларни ўлдираман... Кейин ўзимни...».

Назокат ўз хаёлига келган ўйдан бир сесканган бўлса ҳам, бу унга энг осон йўл бўлиб туюлди. Қаёқдандир товуш келди. «Енгилтак! ».

Назокат газетани жон-жаҳди билан майдалаб-майдалаб йиртди. У ҳозир ҳар куни кўзига қуйилиб келаётган ёш ҳам йўқламаётганига ҳайрон бўлди.

– Ўлим! Ҳаммасидан сен яхшисан – у телбадай пичирлади. – Қабристон! У ерда ҳеч ким йўқ. Ҳеч ким мас-хараламайди. «Айб сенда! » демайди. Тупрок... илик бағрингда ётганча, одамларни бошқа кўрмайман...

– Кўрмайман!– қўллари билан юзларини тўсиб, яна ваҳимали илтижо қилди.

– Кўрмайман!

У канақадир, бутунлай ўзига ёт бўлган шашт би-

лан чакқон ўрнидан турди. Ошхонага кирди. Олазарак нигоҳлари газ ўчоғи ёнида турган гугуртни кўриб, баттар чакнаб кетди.

– Кутуламан! Ҳозир ҳаммасидан кутуламан! – Назокат бир литрли шиша идишни ҳам чангаллади. Оғилга кирди. «Мени кутқар, ўлим!» Онажонимнинг ёнига олиб бор. Меҳрибонимни бир кўрай. Онажон, сиз мени кечирасизми? Айтинг, онажон, сиз мени кечирасизми? Йўқ, отамнинг юзига қаролмайман. Ҳаммасини сизга, фақат сизга айтаман. Онажон, ўша йигитни яхши кўрдим. Уни меҳрибоним деб ўйладим. Онажон, худо ҳаққи, боласи борлигини билганим йўқ. Кейин айтди. Тўйдим, онажон. Баридан тўйдим. Энди менга ҳеч нарса керакмас. Энди ҳеч ким эшитмасин. Энди фақат, сиз эшитинг. Энди фақат сиз кечирсангиз, бас, онажон.

– Онажон... – Назокат яна телбанамо шивирлади. – Ҳозир... хозир... бугун ёнингизга етиб бораман. Сизни кўраман...

Назокат ним қоронғу оғил бурчагидаги лампа мойдан гоҳ-гоҳ ўзи ишлатарди. Чирок ўчиб қолганда, куйиб чиқарди.

Кўлидаги идишни ўйламай-нетмай, пақирга ботирди. У бошига тинмай ёғилаётган маломат тошидан қочмоқчидай, ҳиди бурқсиб турган мойни жон-жаҳди билан аввал кўксига, кейин ғижимланиб кетган атлас кўйлагининг этакларига шоша-пиша куйди.

Атрофда «эй, тўхта, тўхта, тўхтасанг-чи... нима кил-япсан тентаккина, гулдай умрингни хазон этмоқчимисан» деб бакиргувчи ҳеч ким, ҳеч ким йўқ эди.

Гугурт «дод» дегандай «чарс» этиб ёнди.

– Жоним, ширингина жоним, қийналиб кетдинг. Ҳозир... хозир... қутиласан... Ҳаммаси тугайди, кул бўлади...

«Лоп» этиб, қизил тилларини чиқарган олов Назокатнинг кўйлақларига маҳкам ёпишди. Уни астойдил қучмоқчидай аста-секин тепага ўрлади.

Йўк, Назокатни қўрқув босмади. У ҳозир унинг ус-тидан кулаётган ёруғ дунёдан батамом кутуламан, деб, тик турганча кўзларини юмиб олди. Лаҳза ўтмай, кўй-лакларини куйдириб, баданларига ёпишган олов уни жаҳаннамдай ютишга шошилди. Оғилнинг кичкинагина, кирланган деразасидан мўралаган қуёш даҳшатли, раҳмсиз алангада жизғанаги чиқаётган нафис гулни кўриб, баттар ловуллаб, тепага кўтарилди. Қизни қутқармоқчи бўлгандай, нурли кўлларини узатди. Ваҳший аланга «нари тур» дегандай аждаҳо тилларини чўзди.

– Опажон! Қутқаринг... Чидолмаялман... – Назокат баданларининг ачишаётганига, жазиллаётганига дош беролмай, оғилдан отилиб чиқди.

Ховли ўртасида афсоналардаги ажинани эслатгувчи бир аланга гуриллаб, тинмай айланарди.

– Опа! – Назокат бор товуши билан инграниб, кўчага отилди.

Қишлоқ кўчалари жим-жит. Арик бўйларида тоғораларга ивитилган сомонлар, битта-иккита дайди итларгина кўринади. Ҳамма баҳорни қаршилаш, экин-тикин билан овора. Канал бошида кир чайқаётган аёл пизиллаб келаётган алангани кўриб, ўзини четга олди.

– Ла илоҳо илоблло, ла илоҳо илоблло...

Ўт «чув» этиб, ўзини сувга отди. Шундагина аёл ёнаётган одам эканини билди. Пушти рўмол қалқиб, сув бетида қолди. Икки ўрим соч илондек лойқа сувда тўлғонди.

– Войдод, одам ёняпти, ёрдам беринглар...

Чалажон Назокатни қутқариб, уйга олиб келишганда эгнидаги кўйлаги куйиб, елкасига ёпишиб қолганди. Баданлари ўтга ташланган гўштдек жизғанаги чиқиб кетибди. Бўйинлари ярим-ёрти куйиб, юзлари сарғайиб, ўт тегмаган эди. Юпқа лаблари ғунчадек қимтиниб, нимадир демоқчидай, пичирлаётганга ўхшайди.

– Назо, жоним ... Назо, айланай... Назо... Нима қилиб кўйдинг. Етимлигим етмасмиди... Энди сен ҳам ташлаб кетмоқчимисан... Ўзингга раҳминг келмадими? – Саломат озгин кўллари билан Назокатнинг жон талвасасидаги юзларини силади.

– Опа, тўйдим. Мен... ёмон... енгилтак... тўғрими...

– Йўқ! – Саломат бор овози билан фарёд чекди. Йўқ! Ановилар-чи... Улар нега ўлмайди? Улар нега уялмайди? Нега?! Улар нега ёнмайди? Улар темирми? Нега сен ўлишинг керак, Назогинам, жоним... Нега бу ишни қилдинг?!

– Вой болам, жон болажоним... биттагина меҳрибоним... Ҳолимдан хабар олгувчим эдинг-ку... – бу ўша Назокат дил-дилидан ташна бўлган, бироқ, уйига кириб боролмаган холасининг товуши эди.

– Холажоним ... – у холасига жон талвасасида қаради.

– Аканг келяпти, – хола Саломатга шивирлади.

– Акам, – Назокат ҳушёрланди. У акасини жуда ҳам соғинган эди. Бироқ, Назокат кўзларини очиб, қаролмади.

– Назо, кенжатойимиз, эркатойимиз эдинг-ку! Нима қилиб кўйдинг? Айт, нима қилсам, омон қоласан?

Назокатнинг лаблари қимтиниб, пичирлагандай бўлди. У акасига нимадир демокчига ўхшади. Нима?..

Орадан икки кун ўтиб, Назокат жон берди. Қабристонда мўъжазгина қабр пайдо бўлди. Уни кўп ўтмай, баҳор майсалари қоплаб олди. Қуёш ҳар куни бу қабрга ҳам ўз нурини тўқар, кейин эса унга термула-термула бо-тиб кетарди.

## ГУЛЛАР УСТИДАГИ МАКТУБЧА

Моҳидил мактабдан келди-ю, бувисини соғингани яна ёдига тушди. Ҳамиша «набираларим келиб қолади» – деб ёнғоқми, майизми, шоколадми... ниманидир или-

ниб олиб қўядиган, жонсарақлигиданми, доим ориккина бўлиб юрадиган бувижонисининг:

– Тез-тез келиб турсанг бўлмайдами, болам. Ораси қанча-я... Уч бекат холос-ку, – деб унга жонини тутгудек бўлиб қараб туриши яна кўз ўнгидан ўтди. Ўзи кечадан буён шунақа бўляпти. Бувисини кўргиси келяпти. Кеча бу тўғрида онасига оғиз очди.

– Дадангдан сўра. Сизларнинг у ёқ-бу ёққа боришларингга фақат даданг жавобгар, – деди онаси қатъий.

Ҳозир дадасидан сўраса, жавоб бермаса-чи...

– Яқинда боргансан. Ҳадеб дайдимай, дарсингни қил, уйга кара, – дейди.

Шунинг учун ҳам Моҳидил дадасининг кайфияти яхши бўлиб турганда, бу қарорини амалга оширишни дилига тугди. Кечки пайтга борганда иш кўпайгандан кўпаяди. Моҳидил озгинагина тўплаган кирини ювиб, илаётган эди, дадасининг туюққан товуши эшитилди.

– Овқатни қуясизларми, йўқми?

Бу гап кўпроқ онасига қаратилган эди.

– Моҳидил ҳам қуйса бўлаверади, – деди хиёл жаҳли чиққандай онаси. – Ишдан келдим, овқат солдим. Моҳидил ҳамир қилибди, кўпган экан, шоша-пиша ясаб, тандирга ёпиштирдим. Ундан сигирга кетдим. Мана, энди ўтирдим. Нафасимни ростлаб олайми...

– Сиз қуйсангиз маззалироқ бўлади-да, – дадаси хиёл пастлаб, кулимсираганча онасига қаради. Моҳидил дадасининг онасига йўл берганини сезди. У жамбиллар солинган, янги қарамдан тайёрланган шўрвани сузиб, дастурхонга олиб келди.

Овқатдан кейин жавоб сўрашга яна пайт пойлади. Дадаси телевизор ёнига ўтириб, футбол томоша қилар, асаби ниҳоятда таранг эди. «Пахтакор» дарвозасига ярим соатда иккита тўп кирган, дадаси жиғибийрони чиққанича, «Э... ярамаслар... ўйнашни билишмайди,

ўйнашни...» деганча, футболчиларни сўкарди.

Моҳидил учун имконият бўлмади. У барча дарсларини тайёрлаб, чизмаларини чизиб тугатди. Футболдан кейин дадасининг қовоғи яна ҳам тушиб кетди.

Тонг отди. Ҳамма ўз ташвиши билан. Ҳали мактаб ремонтига пул сўраш ташвиши ҳам бор. Бу ҳақда дадасига ҳам, онасига ҳам эслатган.

– Ҳали ойлик олганимиз йўқ. Қанақа мактаб-а? Ҳар куни пул! Ҳар куни пул! Кунлик майда-чуйданинг ўзи ҳам ойликларимизни еб битиради! Ҳар куни бир нарса топилади-да! Расм дейсизлар, синфга гулмиш, деразага дарпарда эмиш... Ҳа, бу ёқда рўзғор деган ғор ҳам бор-ку!

Онасининг бунақа гапларини эшитавериб, нима дейишни ҳам билмай қолади. Моҳидил барибир бу ҳақда сўз очишга мажбур.

– Дада! – у сўриток тагидаги сўрида чой ичаётган дадасига умидвор қаради.

– Пулми яна ...

– Ахир ҳамма олиб борди, битта мен...

– Саҳардан бошладиларингми? – онаси «ана, даданг берсин...» дегандай ичкарига кириб кетди.

Дадаси чизикчалар тушган кенг пешонасини тирриштирди. Хушламай чўнтагини кавлай бошлади.

– Мана, ўша расмингга, мана ўша ремонтингга...

«Хайрият...» Моҳидилнинг жовдираб турган кўзлари қувониб кетди. Ҳозир устига устак бувисиникига жавоб сўрашни ортиқча деб билди.

У мактабдан қайтиб, чала қолган юмушларга ўзини урди. Сигирга сув бериб, ўт ташлади. Укаларига тушлик қилдириб, Нилуфарга эшик супуришни, иккита хонани тозалаб, полларини артишни, Ёркинга гуллар ва помидорларга сув қуйишни буюрди. У ҳамон қандай бўлмасин, рухсат олиб, бувисиникига боришни ўйларди. «Дадам доим кўзининг олдида бўлишимизни истайди.

Бирор жойга юборишга жуда қаттиқ. Осони – телефонда сўрайман. Жавоб бермаса, хижолат чекканингни ҳеч ким кўрмайди.»

Моҳидил умидворлик билан кўнғироқ гўшагини кўтарди. Йўқ! Ҳеч ким жавоб бермади.

– Яна бошқа осонроқ йўли бор-ку! – у хаёлига келган фикрдан суюниб кетди. Ширин қилиб, дадасини эритадиган хат ёзиб кетади. Тамом. Моҳидил нима деб ёзиб кетиш ҳақида ўйлай бошлади. У уйга кирди, ховлига чиқди. Ҳаммаёқни чиннидек яраклатиб кўйди. Ичкарига қайтиб кирди-ю, стол устидаги гулларга кўзи тушди. «Мунчаям чиройли-я... Бутун уйимизга файз бағишлаб турибди.» Айниқса, шу оч қизил, лола рангидаги атиргуллар унга жудаям ёқади. Уларни бир даста қилиб, кеча ўзи гулдонга сув тўлдириб, солиб кўйганди. Худди бу гуллар унга қараб, табассум қилишаётгандай, кўнгли ёришиб кетди. Онаси ҳар гал гуллар ёнидан ўтганда, ёш чақалоқни ўпгандек, тўйиб-тўйиб ўпади. Кейин-кейин бунга ўзи ҳам, укалари ҳам ўрганиб қолишди. Эҳ, бу гулларни ёмғир ёғгандан кейин бир кўрсангиз. Юзлари ювилиб, тиниқлашиб кетади. Биллурдек тиниқ томчилар севинчдан энтикиб, кўз ёшлари қалқиб, юзларига томган кизларни ёдга солади.

Моҳидилнинг хаёлида нимадир «ярқ» этди. Яхшиси дадасига хат ёзиб, шу гулларнинг тепасига кўйиб кетади. Дадаси ҳам, аяси ҳам гулни яхши кўришади-ку! Бувисиникига индамай, сўрамай кетганига жаҳли чиқса ҳам, албатта уни кечиришади. Гулнинг ҳурматидан, албатта. Моҳидил хаёлига келган бундай чиройли топилмадан севиниб, катак дафтари орасидан шошганча бир варақни йиртди-да, ёза бошлади.

«Дадажон, мен Сиздан сўрамай, бувимникига кетдим. Бунинг учун кечиринг. Ишхонангизга роса телефон қилдим. Тополмадим. Эртага келаман. Салом билан

қизингиз Моҳидил.

Гуллар ҳам сўлиб қопти-а, дада?! »

У хатни авайлаб гуллар устига жойлаштирди. Бу нозик гул баргларига ярим варақ оппоқ қоғоз оғирлик қилмасмикин? – дегандай қаради. Сўнг бир-икки оғиз гапларни укаларига тайинлади-ю, бувисиникига қушдек учиб кетди.

Биринчи бўлиб онаси ишдан қайтди. Хонага кириши билан гуллар тепасида турган мактубчага кўзи тушди. Худди гуллар уни авайлаб, кафтларида тутиб тургандай эди. Хатни оқисталик билан олиб, ўқий бошлади.

– Гуллар ҳам сўлиб қопти-а, дада, – деган жумлани ўқиди-ю, қизининг кетгани ҳам хаёлидан кўтарилиб, гулларга астойдил разм солди. «Сўлиб қоптими?» Йўқ, улар бор бўйини сочиб, очилиб кетган, фақатгина бир-иккита гулбарг чеккалари хиёлгина уринкираган эди. Бир қарашда унчалик сезилмасди ҳам.

– Бир чиройлик-қу... – Нега унақа дедийкин-а? – онаси яна гулларга қайтиб -қайтиб қаради. Қараган сайин чарчоқлари ёзилиб бораётгандай, чехрасига табассумлар тошди.

– Гуллар мунчаям яхши– а... Уларни бекорга севмай-миз– да! – ўзига ўзи шивирлаб қўйди. – Нега сўлиб қопти дедийкин– а?...

– Ҳа, қизи тушмагур-ей... – онаси хона ичида бирдан лйраб кулиб юборди. – У бизнинг хаёлларимизни гулларга сочиб юбормоқчи бўпти-да! Яхши... Топибди, яшасин!!!

Онаси хатни авайлаб гуллар тепасига қўйди. «Дадаси ҳам ўқисин».

## ТЕМИР ПАНЖАРА

Бугун-эрта кўз ёраман, деб турганди. Ҳар куни тонг сахарда «онажон» деб эркаловчи, орқа-бошларини шошилмай силаб-сийпаловчи соҳиби бўйнига янги арғамчи солди. Она кўй «нега?» дегандай хушёр тортиб қаради. Узун, кулранг кулоқларини силкитганча, соҳибига термулди.

– Ўзингдан кўпаявер, Онажон, – соҳиби у билан хайрлашаётгандек пешонасини силади ва арғамчини тўлагина, бўйдор кишининг кўлига тутди.

– Ўзидан кўпайсин...

У биринчи йили битта туғди. Иккинчи йили иккита, учинчи йили эса учта болалади. Бу йил унинг тўртинчи йил кўпайиши эди. Қорнини аранг кўтариб, йўлга тушди.

Уни ҳувиллаган қоронғу оғилнинг бир четидаги мустаҳкам кўрага қамашди. Бир ҳафта ўтиб кўзи ёриди. Уч жигарбандининг биттаси кўчқор эди. У ҳаммасидан тик, шўх, ўзига ишонган. Энди севинчининг чеки йўк. Уларни ялаб-юлқар, ийиб кетаётган сийнасини «олақолинглар» дегандай болаларига тутар, улар бири қўйиб, бири талашиб тортишиб, чўппир-чўппир қилганча, оғизларининг икки четидан оппоқ сутлар оқиб эмишарди.

– Бўлди! – у шўх болаларини тартибга чақиргандай, орқа оёқларини бир силкиб, олдинга силжийди. Улар дикирлаганча, онасига талпинишиб, ортидан чопқиллашади. Соат сайин бўй чўзаётган болаларининг бошларини, елкаларини тили билан тўймай ялайди – эркалайди.

Кунлар, ойлар ўтди. Ўзига тенглашиб бораётган болалари энди унга кун бермай кўйишди. Шўхликлари ортиб, кучга тўлиб кетишди. Онажон энди бир-икки ой дам олиши, ўзига келиши, яна эгиз болалар туғиб, уларни катта қилиши керак эди. Бироқ... тўртта кўй торгина кўранинг

ичида қисилиб, суришиб, саккиз ойдан кўпроқ яшашди. Уларни гоҳ-гоҳ бир айлантириб, яна қамаб қўйишарди. Онажоннинг бағрида яна тирик жонлар қимирлай бошлади. Бир куни унинг тўнғичи – ўзига иккита келадиган кўчкорини олиб чиқиб кетишди. Ёнига янги қўра ясаб, ўшанга киритишди. Унинг шўхлиги осмонга чиқаётган эди. Ҳар куни қўшни қўрадан онаси томонга ўтишга уринар, ўзига сиғмай, бошини темир панжарага қарс-қарс этиб урарди.

Кейинги икки ҳафтада Онажон ўзини лоҳас сезди. Дунёси қоронғулашди. Ҳеч қачон шунақа бўлмаганди. Бунақа болалайдиган пайтда елинлари кундан-кунга тўлишиб, ўзининг энгиллайдиган кунини ўйлаб, атрофига тийраклик билан қараб турарди. Бу сафар нимагадир бошқача... Сийнаси тўлиш ўрнига қуруқшаб боряпти. Энгил. Кўз ёриш олдидан тизиллаб сути оқарди. Сут қаёқда, қок қуруқ халтага ўхшайди.

У бошини ичига олганча ётиб олди.

– Ётибди. Турмаяпти. Ановиларини қаранг, қорнини босишяпти ...

Худди шу куни она бўлишга арзиб қолган икки боласини ҳам ундан ажратишди.

– Оҳ... – Онажон чуқур нафас олди. Озгина энгиллади. Энди бемалол оёқ узатса, икки томонга дўмпайган қорнини ётган жойига босиб, бемалол нафас олса бўлади. Бироқ дард унга тинчлик бермай қўйди. Вужуди оғирлашиб, туролмай қолди. Кириб чиқаётганларни ҳам кўргани кўзи йўқ. Товушларини эшитса, юзини девор томонга буриб олади.

– Тур... турсанг-чи...

Йўқ, у қарамади. Уни сийламоқчи бўлиб, қиш кунинда кўм-кўк қуритилган бедани оғзига тутишди. Ҳиди димоғига урилди-ю, қараб ҳам қўймади. Тишини асабий гижирлатиб, бошини темир панжарага қўйди.

– Жуда позмон, одам кирса, қарамаяптиям...

– Хў жонивор... хў жонивор...

Дарров таниди. Бу – ўша, арғамчини етаклаб, бўйнидан торткилаб келган одам эди. Онажон унга бир қаради-ю, юзини четга бурди.

У уч кун инқиллади. Худди туғиладиган болаларини ҳеч кимга кўрсатгиси келмаётгандай, тунда кўз ёришни истарди. «Мў...мў...» деб бўкириб юборди. Оғрик жонидан ўтиб кетди. Тўнғичи ерга тушганда, тонг ёришди. Уни жон ҳолатда, умидворлик билан ялаб-юлқади. «Тирикми, тирикми?» У мунчоқдек кўзини очди. Яна оғрик тутди. Жон ҳолатда ерга ётди. Бор овози билан мунгли оҳ тортди. Иккинчиси туғилди. Дард тўла кўзларини катта-катта очиб, тили билан тозалашга тушди. «Хайрият, хайрият ... тирик».

Яна дард келди. Яна чўзилди. Учинчиси тушди. Уни ҳидлади-ю, толиққан гавдасини нари олди. «Яшамайди.»

– Бунисига қарамаяпти.

– Олиб чиқинглар...

Кенжатоини кўтариб олишаётганда, борлиғи зирқираб бир қаради-ю, ҳали ўзини ўнглолмай ётган икки боласига андармон бўлди.

– Кўзингни оч кўзичоғим... Тур, турсанг-чи...

Иккови ҳам бир-биридан ширин, оёқлари узун-узун эди. Болаларини бирин-кетин бағридан олиб чиқиб кетишди. Чунки улар туrolмас, онажонларини эмишга ҳоллари йўқ, зўрға-зўрға нафас олишарди.

Ёруғ кун ҳам қорайди. Онажон ҳолдан тойиб, ётиб қолди. Тунда одамнинг шарпаси эшитилди. У боласини кутгандай жовдираб қаради. Ҳолсиз қаддини тиклашга, бошини деворга суяб, даст ўрнидан туришга уринди. Туrolмади. Гавдаси оғирлашиб, бижғиган қийнинг устига «тап» этиб тушди. Билди, боласи йўқ эди.

Ёрга тонгда яна киришди. У бўйнини чўзиб, атрофга

аланглади. Кўзлари катта-катта очилиб кетган эди.

– Болаларини ахтаряпти...

– Бирортасини кўрсатайликми?

Озгина ўтиб, жон талвасасидаги кўзичокни келтиришди. Онажон мунгли маъради. «Болажоним!» Унинг жонсиз, бемадор оёқларига жон киргандек бўлди. Одамларни кўришни истамагандек эшикка орқасини қилиб ётганди. Боласини кўрди-ю, ёлбориб қаради. «Болажоним!» Бошини кўтаролмаётганди. Қалтираб, гандирак-лаб, бошини деворга қўйиб, аранг ўрнидан турди. «Болажоним!» Беҳуда талпинганини сезди. Кўзичоғини искалади-ю, инграб юборди. «Яшамайди.» Ўзини қаёққа уришни билмагандай, қўра ичида ҳолсиз айланди. Сўнг тўхтаб, афсуслангандай, эшик томонга узоқ қараб қолди. Энди у ҳаммасидан ҳам умидини узган эди. Онажон калласини осилтирганча, энг сўнгги дақиқаларини яшаётган, юнглари қоп-қора боласига беҳафсала қаради-ю, нари кетди. Одатдагидек яна ерни пайпаслади. Эшикка орқасини ўгирганча, дармонсиз оёқларини бир илож букди-да, ерга чўқди. Ёлғиз қолган бошини кўранинг темир панжарасига қўйганича ётиб қолди.

Уй эгаси унинг учта боласини ерга кўмди. У чўзилиб, ухлаётгандек бир-биридан чиройли кўзичокларга қизганиб қаради.

– Дори сепилган ўтлардан еб қўйганмикин?

Кўшниси бу саволга «балким» дедию, ўз кўнглидагини айтди:

– Ўз боласидан кўпайган... Ўшан-чун...

Онажон эса ҳамон эшикка орқасини қилиб, туз тотмай ётар, фақат юраги куйган одамдек пақирдаги сувни жон-жаҳди билан шимиради. У уч кун шу ҳолатда ётди. Унинг кўзлари йиғлайвериби, шилпиқ бўлиб кетган одамнинг кўзларини эслатарди. Мижжаси оқиш шапақларга тўлиб қолганди.

Тўртинчи куни жон бераётгандек бор бўйича ётиб

олди. Боши ҳам чўзилиб, торгина қўрага сиғмай қолгандай эди.

Соҳибини ваҳима босди.

– Қассобни чақир! Одам бўлмади шекилли... – жон ҳолатда ўғлига буюрди.

Кўчадан тўртта йигит югургилаб келди.

– Қўрадан чиқариш керак. Бу ерда бўладими! – қассоб йигит тўпланганларга юзланди. – Иккиталаринг ўтинлар.

Икки йигит зўрға қўрага ўтишди.

– Шунақаям баланд бўладими... – тўнғиллади бирови.

– Қани кўтаринлар...

Онажонни икки йигит даст кўтарди. Уни ўликдай саланглатиб, панжарадан олиб чиқишди.

Ташқаридаги ҳаво совук бўлса ҳам, тоза эди. Кечагина ёққан қор ҳали эриб улгурмаган, битта-иккита из тушганча, ер бетини қоплаб турарди.

Қассоб Онажоннинг бўйинини ушлади.

– Иссиқ. Улғиймиз. Пичоқни олиб чиқай... – у учтўрт эшик наридаги уйига чопди.

Онажон кенгликка чиққанини сезгандек, оёқларини астойдилроқ узатди. Ишониб-ишонмай бошини кимирлатди. Тўйиб, чуқур нафас олди. Кўзлари беихтиёр очилиб, тепасидаги оқиш осмонни кўрди. У мана шу бағрида қушлар учиб юрадиган, гоҳ– гоҳ ёмғирлар тўкиб, уни чўмилтирадиган осмонни жуда ҳам соғинган эди. Худди унга талпингандек, туришга чоғланди.

– Ия... – йигитлардан сезгирроғи ёнига чопиб келди.

– Тураман деяпти-ку...

Зах қий устида чилта бўлиб, оғирлашиб кетган думбасини кимдир кўтарди. У қалтираётган оёқларини аранг тиклаб, ўрнидан турди. Олдига беда ташлашди. Тамшаниб, шитир-шитир қилганча, ўт чайнай бошлади.

– Ўт еяпти, бечора зерикиб қолган экан... – югуриб

келган қассобни ҳамма хурсандчилик билан қаршилади.

Тўпланган етти-саккиз одамнинг нигоҳи Онажонда эди. У эса парво қилмас, куч қира бошлаган тиззаларини бардам тутишга уринар, ўзи соғинган деворларга бошини сурқаб, яна олдинга кадам ташлар, бир айланиб келиб, оппоқ қор устидаги бедадан чимчилаб қўярди.

– Эшиқда юраверсин. Ўз ҳолига қўйинглар... – қассоб уй эгасига тайинлади. – Ўт еяпти. Одам бўб кетади.

Ҳамма тарқади. Пешиндан кейин оёққа турган Онажон шом қоронғусигача ташқарида айланиб юрди. Уни ўша кундан темир панжарага қамамай қўйишди. У кундан-кунга соғая бошлади.

## УМР ИНТИҲОСИ

Ойша хола кўзини очди. Боши томонга, кўчага қараган деразасига бўйланди. Тонг ҳам ғира-шира экан. Ўзини авайлаб, ўнг томонига ағдарилди. Оёқлари, бели биров ургандек зирқирарди. Қўллари ҳам оғир эди. Кексайганда одам шунақа бўлиб қоларкан-да. Ойша хола «келиб-келиб, касалликка сўз бераманми» дегандай, даст ўрнидан турди. Пахтадек тўзғиган сочларини қўллари билан текислаб, юмшоқ жужунчасини бошига ўради. Оёқларини осилтириб, бир нафас ўлтирганча, тиззаларини уқалади. Салқи чехрасини таранглаштирмоқчидай, юзларини кафтлари билан қайта-қайта сийпалади.

– Ҳаҳ, эссизгина ёшлигим-а! – у ўнг қўлини сим сўрисига тираб, ўрнидан турди. Одатдагидек, кичкинагина ётоқхонасининг кўринарли жойига, ётса ҳам, ўтирса ҳам бемалол кўринадиган, ўзига рўпарў қилиб қоқилган катта кўргазма сурат ёнига келди. Ҳар куни бу суратга бир неча марта қарайди. Бугун ҳам унга қараб, бир ноёб нарсасини топадигандек тикилди. Нигоҳлари

чўғланди. Кексайган томирлари шаштини уриб кетгандай бўлди. Ана... дўппини кийиб, сочини чамбарак қилиб боғлаганча, катта замбардаги тупрокни эркакдай кўтариб кетаётган Ойша... Фарҳод ГЭСини куришаётган пайтлари, ўттиз бирда эди. Эри урушга кетган. Фарзанд йўқ. Ҳаммасининг аламини ишдан олган. Ана... оёғида қалин кирза этик. «Ох, ўшанда бу оёқларнинг кучи бор экан-да...» Ойша хола ҳозирги қоқ суяк, кучдан кетган оёқларига разм солди. Шу пайт ташқаридаги келинининг товуши қулоғига урилди.

– Ҳалиям кетмабди, – Ойша хола ўзига-ўзи гапирди. Келини сим қоқиб, яқинда кўз ёрган кизи билан гаплашаётганини сезди.

– Дилдор, турдиларингми? Боланг яхшими? Бугун анови Карим Қодировичникига меҳмон келаркан. Кеча хотини тайинлаган. Сомса пишириб беришим керак. Сеникига боролмайман. Укангни жўнатарман. Хўп– ми?

Ойша хола норозилангандек товуш келаётган томонга қаради. «Оқсочнинг ўзи. Ёз ичи нима балоларни пиширмади-я уларга. Шунақа қилиб дириктир– да».

Ойша хола нигоҳини яна суратга қадади.

– Кетвосин. Кейин чиқарман, – у ҳовлига чиққиси келса ҳам, ўзини чалғитиб, ичкарига, тассаруфидаги катта хонага кирди. «Суянчиклари» тугилган оппок дуррани кичкина сандиқдан олди. Бу тугунчада унинг кўпдан-кўп мақтовномалари, тақдирномалари бор. Фарҳодда ишлаганда олган. Колхозда раисалигида олган. Ойша хола қалин, яшил духоба жилдли альбомни варақлади. Очилган бир кучоқ пахтани бағрига босганча, тушган сурати. Ўшанда бир кунда уч юз кило пахта терса ҳам бир ери чарчадим демасди. Ўшанда доврўғи кетган.

– Кетгандир, – у бурчакдаги бақувват ҳассани қўлига олиб, ташқарига чиқди. Қишки муздек ҳаво жонига ором бағишлагандек бўлди. Ҳассасини битта-битта дўқиллатиб, оёғининг оғриғига, энди анча букчайиб

қолган қоматининг зиркирашига сўз бергиси келмай, обдастани чап қўлига ушлади.

Оқиш туман кенг ҳовлини ним пардадек қоплаган, оёқ тагида чўзилиб, ўраниб ётган ток новдаларигина кўзга равшан кўринар эди. Ойша хола юзини ювиб, туман ичидаги мевазор боғини излагандек, кўзларини астойдил атрофга қадади.

– Шукур... шукур... Эсон-омон тонг отганига шукур. Ётгулик қилмагин, Худо. Бировга қаратгулик қилмагин. Ҳамиша эл-юрт ичида юзимни ёруғ қилгин. Имонимни бутун қилгин. Нима бўлса ҳам орқамда қолишсин. Мен яшадим, кўрдим, энди булар яшашсин...

Ойша хола бир бурчакдаги ошхонасига бурилди.

– Эҳ, одамзот, қариганда инжиқ бўлиб коларкан. Жияним айтади, хола, ёнингизга битта электр плитка қўйинг, осонгина чой қайнайди, овқатингиз пишади, дейди. Нима қилай, кўнглим кўтармайди. Овқат иси уйимга тўлади, чой қайнаса, ҳаммомга ўхшаб кетади, дейман. Унамайман, битта қорин эпланар деб қўяман. Бу ер ўзи тузук, – Ойша хола ўзига ўзи гапириб, газга чой қўйди.

Кичкина чойнакни дили суяди. Чойи ширин бўлади.

– Хола, хўў хола...

– Ҳа, ҳа, кировринг... – Ойша хола ҳассасини қўлига олди. – Келинг Мервонбуш, қани ўтиринг, омин... Илоё ҳамиша эл-юрт ичида юзимиз ёруғ бўлсин....

– Тузукмисиз, хола...

– Худога шукур, кўпди каторида юрибман.

– Анови Каримахоннинг ўғли армиядан келибди. Кирасизми, деб чикқаним...

– Майли, бошқа қўйлак кийиб чиқай...

– Қўйлагингиз бир чиройли-ку, юровринг энди...

– Йўк, – Ойша хола қатъий бош силкиди, – бу қўлчиликка бўлмайди. Тоғангиз раҳматли «Аёл киши яшнаб туриши керак. Хотининг тугул, итинг ҳам чиройли бўл-

са» дерди. Дазмолланган, тайёр, – Ойша хола яна ёшлигини эслагандек, юзлари ёришди.

– Бўла колинг бўлмаса... Унақа бўлса, мен ҳам кийиб чиқай, – Мервонбуш кўча томонга шошди.

Ойша хола йигирма қадамча йўлни битта-битта босиб, уйга кирди.

– Шу кўйлак бўларканми? Кўлинг етса, кадрингга ет, деган бурунгилар. Бу ётиш-туришингга, эгни-бошингга, овқат-озигингга пайдам бўл, биров кўрса, ҳавас қиладиган, чиройли тут дегани, – Ойша хола кеча ўзи дазмол урган яшил паранг кўйлагини кийди. Ҳафсала билан пешонасини тароклаб, ичидан қора сим-сим рўмолини ўради. Яқинда тиктирган пахталик тўнини кийиб, устидан катта тивит рўмолини ёпинди.

– Хола, бўлдингизми? – Мервонбуш остонага етиб келди. Ўххў, келинчак бўлиб кетибсиз. Янги калиш-махсилар... Келинг, кўлингиздан ушлайми?

– Ҳа, йўғ-а... Ўзим юровраман, – Ойша холанинг хиёл аччиғи келди.

Ойша хола аскар йигитникида бир пиёла чой ичишга улгурмай, чақирди.

– Хола, Сизникига мухбир кепти. Газетага ёзишаркан.

Ойша холанинг чехраси ёришди. Тетикланиб, қадамлари илдамлашди.

– Йўклашганига шукур. Ишлаганмиз-да, айланайлар. Эл учун ишлаганнинг умри узун бўларкан, деб кўйдим. Шукур! Юрибмиз-ку! – Ойша хола ҳассасини битта-битта босганча, олдинга интилди.

– Яхшимисиз, холажон, районингизга келгандим, бир кўрай деб кирдим, – Тошкентдан келган мухбир жувон Ойша холани кучоқлаб, юмшоққина юзларидан ўпди.

– Вой, Насибахон, келинг, айланай. Зап иш қибсиз-да, болам.

Ойша хола оёқ, белларининг оғриғини ҳам унутиб, ҳассасини бурчакка кўйганча, ичкарига кириб, якандоз

кўтариб чиқди. Эгилган қомати тикланиб кетгандай ҳали унга, ҳали бунга шошди.

– Қани, ўтиринг, Насибахон, мен ҳозир... – хола ташкарига чиқди. Анча ҳаялдан сўнг, оппоқ дастурхон, кўлида чойнак, иккита пиёла кўтариб кирди.

– Э...хола, мен чой ичмийман. Кўйинг энди. Сизни кўрсам, бир оғиз гаплашсам бўлди...

– Йўғ-ей... Бир пиёла чой нима энди...Одамнинг зийнати. Ичиб ўтириб, гаплашамиз.

Ойша хола ичкаридан сутга йўғрилган патир нонларни мистовокка чиройли тузаб, олиб чиқди.

– Холажон, қачон келсам, нонингиз ёпиғлиқ бўлади. Келинингиз ёпадими?

– Жияним...Опамнинг қизи...Эсон бўлишсин. Доим хабардор бўлиб туришади. Очик эшик. Биров келса, деб, нонимни узишмайди. Бир тишлам бўлса ҳам сутдаги ёпилган нонни ейман.

– Ўтиринг энди, хола...

– Ҳозир...– Ойша хола яна ичкарига кириб кетди. Хиёл ўтиб, тақдирномалари тугилган оппоқ дуррани кўтариб чиқди.

– Буларни кўргансиз, қўяверинг, – Ойша хола барибир ҳозир Насиба билан яна уларни бир-бир кўришни истаётганини яширишга уринди. Шу пайт шундоқ дераза ёнида аёл кишининг ким биландир гаплашаётган товуши эшитилди.

– Азиза опа, неччиларга борамиз? Эртароқ дейсизми? Ҳозир ишга бордим, бир кўриниб, югуриб келдим. Хўжайинга кўй гўшти тайинловдим, яхши обкепти. Ҳозир койиллатамиз. Мактабдан иккитасини айтдим. Келишади. Ўшалар қилмаса, қийналаман...

Ташқаридаги овоз тинди.

– Хола, келинингиз ҳалиям директорми?

Ойша хола «ҳа» дегандай бош қимирлатди.

– Сизнинг келганингизни билмади шекилли, – хола хижолат тортгандай ташқарига қаради. – Билганда, кирарди.

Ойша холанинг чеҳрасидаги нурланиб турган ёруғлик хиралашди.

– Олинг, қизим, анови қаймоқ билан енг, – хола гапни бошқа томонга буришни истади. Чойнакни қўли билан сийпалади. “Чойнинг тоби чиқибди».

У ўзини аранг кўтариб, ўрнидан турди. Чойнакни олди.

– Менга беринг. Мен янгилаб келаман. Ошхонангизни биламан-ку, – Насиба ўрнидан турди.

Ойша хола хавотирланиб, эшикка қаради.

– Сиз меҳмон... Кейин... келганингизни... – хола ташқарига имлади, – келин билмагани тузук...

– Нимага? – Насиба ҳушёр тортди.

– Шуниям одамларга гапирди, – Ойша хола ёш боладай шивирлади. – Уйга айтиб келиб, ўзини китоб қилиб ёздирган деб ҳам гапирди. Гапирса майли... кулок йўк... Аммо, одам қариганда, ғалвага тоқати қолмас экан.

Ойша хола жойига оғир чўкди.

– Меҳнатдан бошқа нимани кўрибман. Фарходни курдик. Логон канали, Катта Фарғона канали, бир ёқда уруш... Эримдан қора хат келиб, совуқ жасадини ҳам кўрмадим. Битта болам бўлса ҳам майли эди. Худо битта тирнокни ҳам раво кўрмади. Ўғил қилиб олинг, деб шу жияним Умаржонни ёшлигида опам билан поччам беришди. Институтда ўқитдим. Уй солдик. Уйладим. Тўртта болалик бўлишди.

Олдин жуда иноқ яшардик. Шулар мени кўмади деб, тўплаган омонат пулимни жиянимга васият қилдим. Жамоодагилар билади. Уйни ҳам шуларга деганман. Ёзиғиям бор. Бир куни қаттиқ оғриб қолдим. Ўшанда кўнглим қолди. Нимага денг. Дўхтир чақиришмади. Ўзим қарахтман. На кўни-кўшнига, на қариндошга билди-

ришди. Ўшанда пешонамга тап этиб урдим. «Эй, Ойша, кўзингни оч, эрта-индин кураб ташлайди. Борингни берадиган бўлдинг. Энди қартайган кампир ортиқча юк бўлиб, кимга кераксан?» деб йиғладим. Кўзим очилди. Кўрқиб, ўша-ўша овқатини емайдиган бўлдим. Тузалиб, жамоага чиқдим. Майли, уй шуларга бўлсин, дедим. Тўплаганим мендақадан иккитасини кўмиб, битта машинага етарди. Васиятимни қайтариб олдим. Пулни бермайдиган бўлдим. Мана, икки йил бўлди. Қўлидан овқат емайман. Кўрқаман, рости, кўрқаман. Қўлидан ҳар бало келади.

– Ў... хола, – Насибанинг жиғибийрони чиқди, – Сизга нима зарил шунақа яшаб? Қандай кўтарасиз? Мен бўғилиб кетяпман. Анатда, парда орқасида овози келиб турса-ю, бир марта ҳолингизни сўрамаса...

– Майли, сўрамасин... Кўнглим қолган. Болаларига бош бўлса бўлди. Юзини кўрмай деб шу уйди ичидан чиқмайман, – Ойша хола овозини ҳам эшитмасам, деб, кулоқларини беркитди. – Атай тилпонини ашатга кўйган. Мени касал қилсам, ўлдирсам, дейди-да. «Қараб тур, ҳали ўлмайман. Урушни, очликни кўрганман-а... Эркакнинг ишини қилган хотинман. Сан зинқарча нимани кўрибсан-у, ким бўбсан, деб, ўлмасликка уринаман, тавба! Биров кирса, ҳеч нарса бўлмагандай «буви, буви» деб гапировради. Устакорки... Ёш-да... калта ўйлайди. Каттаконлар билан ошнаман, деб ўшаларга ишонади. Барибир эл кимнинг қанақалигини билади. Элдан қолдирмасин...

Насиба чуқур уф тортди.

– Хола, неччига кирдингиз?

– Етмиш саккизга.

– Бу ёшда ахир ёнингизда битта ғамхўрингиз бўлиши керак-ку!

– Худодан умиди йўк бу келинди, – Ойша хола боши билан ташқарига имо қилди. – Болаларини ҳам ёнимга

якинлаштирмай қўйган. Майли...– Ойша хола режаси пухта одамдай ўзини адл тутиб ўтиришга уринди.

Насиба газетачиликда кўп жанжалларга гувоҳ бўлган. Бунақасини эса кўрмаган. Кичкинагина, икки деразасига биров кўрмайдиган қилиб пардалар осилган хонада саксон ёшли қариянинг ўзи яшаши... Шундоқ кулоғи тагида унинг уй-жойида кун кўраётганлар сим қоқиб, гапириб, асабига тегаверса-ю, бир бор холини сўрамаса... Ақалли болалари бир меҳрибонлик кўрсатишга ярамаса... Бу– нима дегани ўзи? Катта мактабга директор тарбиячининг «тарбияси» шу бўлса... Яна ҳам қариялар уйи, етимхоналар кўпаймасинми?!

– Холажон, – Насиба ички титроғини босиб, оҳиста гапирди. – Мен бу ҳолатни райондаги раҳбарларга етказаман.

Ойша хола «ҳай, ҳай» дегандай бош қимирлатди.

– Ҳозир Сизга ким меҳрибон бўлса, ўша ёнингизда яшаши керак! Ахир, Сиз халқнинг одамисиз! Бугунги кунларга пойдевор қўйганлардансиз... – Насиба баттар кизишди.

Ойша хола «раҳмат» дегандай бош қимирлатди.

– Қўйинг, жон қизим, кимгадир айтиш керак бўлса, ана тилпон... Чақирсам, ҳозир етиб келишади. Узоғини ўйлайман, қизим, узоғини...

Ойша хола бир дақиқа жим қолди. Кейин энг яшириб турган сирини очгандай, дадил гап бошлади.

– Энди қизим, мен умрининг интиҳосига етиб қолган одамман. Ҳар бир кун – ғанимат. Жанжалга тоб йўқ. Ўн етти ёшимдан оғизга тушиб, Ойшахон, Ойшахон бўлдим. Ҳамма танийди. Энди келиб-келиб, шу синчалоғимчаям келмайдиган келиннинг устидан арз қиламанми?! Фельли шу бўлса, атвори шу бўлса, биров ўнглаб берармиди! Ойша хола шу битта келиндиям эпполмабди, деб ёмон отлик бўлайми! Агар элдан номус қилмаса, бир кечада

ўлдириб, кўмиб кўяр. Инсофи бўлса, мени тинч кўяр. Шу холос...

Насиба ўрнидан турди. Боши лўқиллаб оғрий бошлади. «Вой, қандай чидамли-я бу хола-я..»

– Ҳавога бир чиқиб келай. Шу келинингиз кўрса-кўрар...

– Юринг, ўзим олиб ўтай, – хола оғир тебраниб, ўрнидан турди.

Насиба бу кенг ховлида тобора бўғилаётганига хайрон бўлди.

– Тўзим берсин!

Эшикдан чиқиши билан ясанганча, ҳамон иш кийимларини ечмаган Зиёдага кўзи тушди. У янги пақирга сув тўлдириб, ичкарига кириб кетаётган экан.

– Ийи, келинг, – Зиёда одамшавандалигини намоиш қилмоқчидай пақирни ерга қўйиб, Насиба томонга шошди. Кучоқлашиб кўришди.

– Меҳмон келдиям демайсиз, буви, – у Ойша холага юзланди.

Ойша хола сўзсиз бош қимирлатиб, нари кетди.

– Бувимни китоб қилиб ёзибсиз, ўқидик. Зўр чиқибди, – фахрлангандай гапирди Зиёда. Насиба зўр-базўр бош қимирлатиб қўйди.

– Насибахон, – Ойша хола чақирди. – Обдастада иссиқ сув бор.

Насиба Зиёдадан узоқлашди.

– Хола-ей, овора бўлманг...

Ойша хола ҳадиксирагандек келини томонга қаради. Ичкарига кириб кетганини кўриб, паст товушда илтижо қилди.

– Жон қизим, келинга бир нарса деманг. Жазаваси ёмон. Жанжал керакмас. Совунида кир ювавериб, ўрганиб кетдим. Ҳурмат-иззатни билмаган одамдан ниманиям кутиб бўлади. Бизнинг ёшимизга етиб кўрсин.

Ўшанда билади... Мени тинч қўйишса бўлди. Индаманг, хўп-ми!

Ойша хола қайтиб-қайтиб ўтинди.

Насиба кетишга чоғланди.

— Хола, қачонгача шундай яшайсиз? — у вужудидаги оғриқни босолмагандай гапирди.

— Оз қолди, — Ойша хола ҳассасига астойдил суяниб, ишонч билан гапирди.

— Омонатимни шу икки оёқлаб юриб, топширай деган илтижом бор...

Насиба Ойша холанинг юзларидан ўпиб хайрлашди.

— Яна келинг қизим, яна кўришайлик...

Ойша хола хонасига кириб келганда, вақт пешиндан ўтган эди.

— Хайрият, бугунги кун ҳам эсон-омон ўтди ҳисоб... — у рўпарасидаги суратга бир қараб олди. Дўппи кийган, қалин қоп-қора сочларини бошига чамбар қилган ўттиз ёшли Ойшахонни кўрди. Оёқларига қувват кирди. Ҳассасини битта-битта ташлаб, ошхона томонга йўл олди.

— Бир қошиқ овқат қилай... — у товушини чиқармай, кўнглидан ўтказди. «Омонатингни олгунингча куч бер, худойим... Юзимни ёруғ қилгин... Битта келинди эпложмабди деган надоматга қўйма. Орқамда қолишса бўлди...».

## МУҲАББАТ

Саида бу ғала-ғовур дунёда толиқдими, чарчадими, нима бўлди, ўзи ҳам билмаётгандай эди. Дунёдан, яшайдан бездими? Йўқ! Агар безган бўлса, нонкўрлик бўлади. Бир чиройлик икки фарзанди бор. Улар оилали, уйли-жойли. Икки набираси, бош эгаси... Турмуш ўртоғи тилло одам. Саиданинг кўнглига қарайди.

Унда дилини эзаётган ўша тош ўзи нима? Юрак бетоб-

лиги сабаб бўлди-ю, кирк беш ёшида нафақага чиқди. Шаҳар ҳисоблаш маркази қадрдон гўшаси эди. Ким билсин, балки уйда зерикиб қолгандир. Саида ҳовлисини эгаллаб, оппок бўлиб, қийғос очилиб ётган мойчечак гулларига қараб, юпанч излади. Мойчечак – бу машхур гул. Уни дорихоналарда «ромашка» деб сотишади. Шамоллашга дори. Қайнатиб ичилса, чўмилса, одам енгил тортади. Қизи янги чақалоклик эди. Баданларига шамоллашдан тошма тошиб, тинчлик бермай қўйди. Шу гулни қайнатиб, ичди, чўмилди, тамом, жони ором топди. Шу-шу Саида уларни бошқача кўради. Ана ўша қадрдон мойчечаклар! Саидага кулиб қараб туришибди. Оппок чехралари бирам ёқимли.

Саиданинг томоғига нимадир тиқилди. Шу ғашликдан қутилиш учун энг соғлом кунлари ўтган ишхонасига йўл олди. Зора одамларни кўриб, ёзилиб кетса... Иккита иссиқ нон, яна у-бу кўтариб, айнаи тушликда кириб борди. Синглизидай бўлиб қолган, ўн йил бир дастурхон устида ҳамсухбат бўлган касбдоши Муҳтарамхон:

– Вой, опажон, бормисиз, – деб қучоғини очди.

– Келинг, Саида опа, – деганча ичкари хонадан котиба киз Гулираёно югуриб чиқди.

– Бўлинг, Гулираёно, чойни қўйинг, Саида опам билан гурунглашиб, тушлик киламиз.

Саида қорамағиздан келган, қотмагина, қўғирчоқдай кийинган Гулираёнога ўзича разм солди.

– Ўхў... Бу кизнинг қаршисида ҳали қанча довонлар бор-у... – кўнгиллади Саида. Ҳар гал шундай бўлади. Саида ўн етти, ўн саккиз ёшлардаги кизларга дуч келганда, вужуди бир ўпирилиб, кейин яна ўрнига тушгандай бўлади. Бир киз босиб ўтадиган сўқмоқлар, довонлар, ҳаёт қарама-қаршиликлари, турмуш ташвишлари, ҳатто тўққиз ой фарзандини қучоғида опичлаб, ундан кейинги оғриклар, азоблар, уйқусиз тунлар, гоҳ кийинчилик

қаршисидаги довдирашлар, яна бола ва онанинг бетобликлари, ўзини топиб, ўзини ўнглашлар, ҳаёт тўфонлари ичида қад ростлашлар... бир оғиз ширин сўзга ташналик, зорлик, соғинч... бари-бари бир лаҳза ичида кўз ўнгидан, кейин вужуди ичидан ўтиб боради. Оҳ, қиз бола-я...

Шу қиз ҳам илойим бахтли бўлсин-да... Бахтли бўлармикин? Бахтлиликка етишга кучи етармикин? Йўқ, кучи эмас, қудрати, ҳа, ҳа, қудрати етармикин?..

Ҳар гал шундай бўлади. Ҳар гал шундай саволлар миясида ғужғон ўйнайверади.

– Неччига кирдингиз? – чой устида сўради Саида Гулираънодан.

– Ўн тўққизга.

– Айни турмушга узатадиган палла, – Саида қизни синаш учун атай гапирди.

– Турмушга чиқиш керак. Севганим менга вафо қилмади. Энди кимга узатишса, ўшани севаман, – деди Гулираъно ишонч билан.

– Жуда тўғри. Кимга узатишса, ўша йигитни севишга ҳаракат қилинг, – Саида ишонқирамагандай қизга ўйчан тикилиб қолди.

– Э... дунёда севгининг ўзи борми? Севги йўқ! – Мухтарамхон пичоқ билан кесгандай шарт-шарт гапирди.

– Бор! Севганлар учун севги ҳамиша бор, – Саида гулдек кўнглининг нозик қатларига бевақт келган каттик шамол урилгандай оғринибгина қаради.

– Мана мен... Олдин севгандим деб ўйлагандим. У менга бевафолик қилди. Бемалол яшаб юрибман-ку! Шундан хулоса қилиб, севги йўқ, севгисиз ҳам яшаш мумкин, деб ўйлайман, – Гулираъно кўпни кўрган одамдай ўз кўнгидагиларни айтди.

– Севишга арзийдиган одамнинг ўзи йўқ, – Мухтарамхоннинг овози кескир эди.

– Одам ақл билан эмас, кўнги билан севади-ку! Кито-

бларда ўқимаганмисизлар, ҳатто сил касалига гирифтор бўлган йигитни бир қиз шундай ишқ билан севганки... Ёки, мана, ўзимизнинг Раққон деган кишлоқда юролмайдиган бир шоир йигит бор... Уни сочи этагини ўпадиган Барчиндай бир гўзал қиз севиб, турмушга чиққан. Ота-онаси сени чўлоқ йигитга бермаймиз, деб қаршилиқ қилишган. Қиз қочиб кетган. Қизни топиб, гаплашиб, аҳди маҳкамлигини билиб, қариндош-уруғ ҳам рози бўлган. Ҳозир иккита ўғилчалари бор. У йигит мутлоқ юролмайди, – Саида худди муҳаббат туйғусига отилаётган тошларни кўкси билан тўсгандай куйиниб гапирди.

– Ҳозирги эркаклар ёмон-а ... Қизларга бошқача кўз билан қараб туришади. Бирпас бўлса ҳам Сиз билан холи қолиб, гап отгиси келади, – Гулираёно яна нималардир деб бидирлади. Саида хайрон бўлганча, қизга бир лаҳза тикилиб қолди. «Бу Гулираёно ўзбекнинг қизими ўзи? Эркаклар ҳақида бу қадар бемалол гапириш... Ўз тенгқурлари орасида бўлса майли эди...»

Саида беихтиёр ўтган шанба куни катта ўйингоҳдаги кўшиқ кечасини эслади. Кўшиқчи йигитга фақат қизлар гулдаста олиб чиқишди. Гулни тутаётиб, «чўлп» этиб ўпишдан, ё тавба-ей, зарра тортинишмади бу қизлар... Бир пайт йўғон ўрим сочи этагини ўпиб, оппоқ кўйлаги узра тўлғониб бораётган қизни кўриб, «бу ҳақиқий ўзбек қизи экан, сочини қаранг, худо хоҳласа, бу қиз ўпмайди» деди ич-ичида худди ёнидагиларга гапиргандай. Бу қиз ҳам худди йигитларни ўпиш – қизлар учун фахрдай, зарра хижолат тортмай кўшиқчини ўпиб, гулдастасини кўлига тутқазди.

– Ё Аллоҳ, бу қандай гап-а? Наҳот қизларимиз ўша Марғилон Кумушини эсдан чиқариб қўйишган бўлса! Ахир Кумуш жон бераётган, жон талвасасида азоб тортаётган дақиқада қайнотаси кириб борганида, инграб туриб, рўмолини юзи тарафга тортгани, энг сўнгги лаҳзада ҳам ҳаёни унутмагани ҳамон нурдай пориллаб турибди-

ку! Бу кизлар ўша Кумушни, ўша Кумушойни танишармикин?!

Саида ўша ўйингоҳда узун сочлари шаббодада силкиниб, ортига қайтаётган кизга ҳафсаласи пир бўлиб, қарагани рост. «Эссиз, унга совчи қўймоқчи йигит шу ерда бўлса, энди ҳеч қачон бу кизга уйланмайди. Ахир тортинишни, хижолатни билмаган киз киз болами?»

Саида ҳозир Гулираънога ҳам ҳайрон қараб қолди, нимадир дегиси келди.

– Йигитлар қолиб, эркаклар ҳақида бемалол фикр юритишяпти бу кизларимиз-а, – Саида Муҳтарамхонга савол назари билан қаради.

– Ў... куни бўлим бошлиғимизнинг ҳузурларида жуда бемалол ўтирибдилар. Энди... менсиз унинг ёнига кирмайсиз, – дедим. Муҳтарамхон аччиғи келгандай Гулираънога қараб гапирди.

– Ўзи ўтиринг, ўтиринг, – деб қўймади, – Гулираъно бепарвогина жавоб қилди.

– Ўтиринг деса ўтироврадимми?! – Муҳтарамхоннинг лаблари чўчайди.

– Биз ҳатто севганимизни энг яқин дугонамизга айтолмай қийналганмиз, – Саида ўзининг ёшлик йилларини эслади. – Сўз билан айтишга хижолат бўлардик. Кўз ёш билан айтганмиз. Йиғлаб-йиғлаб, ўксиб-ўксиб ўтирардик.

Саида ўша капалак қанотидай оппоқ, рангин, нозик дақиқалар, нозик туйғулар ҳақида ўша гул ёшлигида қандай гапиролмаган бўлса, ҳозир ҳам шундай гапиролмади.

– Саида опа, анови раҳбардан биттаси-чи... биттасининг гашига тегиб қўйган экан. Нақд етти бет ариза ёзиб, ишончли одамдан ҳокимга узатиб юборибди. Энди буёғи нима бўларкин деб қанчаси пойлаяпти, – Муҳтарамхон хаёлида «асосий мавзу» бўлиб турган фикрини баланд

овоз билан гапирди.

– Э... секинроқ, бошқа ишлари йўқ эканми?

– Ўзлари ҳам пора олиш билан овора экан-да... Халкни ўйламайдиган раҳбарнинг куни тезроқ битгани яхши эмасми?!

– Яхши!

– Ана кўрдингизми? Боплашибдимиз?! – Муҳтарамхоннинг оғзи қулоғида эди. Ана шунақа раҳбарлардан анчагина бор. Рўйхатини ўша одамга бериб қўйсақ буларкан. Битта-битта...секин-секин...

– Ўхў...унда ҳамма кўчада байрам бўлиб кетади-ку...Одамнинг одамлигини билиш учун уч кунгина амал берилса, кифоя экан. Қани энди ҳалол, одил раҳбарлар кўп бўлса...

Саида бу гапларни назарида Муҳтарамхоннинг кўнгли учун айтгандай эди. Муҳтарамхоннинг феълини яхши билади. Ҳар битта одамга қизиқиш билан қарайди. Саида бўлса... дунёда фақат битта одамга қизиқди. Назарида ер ҳам, куёш ҳам фақат шу одам атрофида айланади. Йилнинг тўрт фасли, кунларнинг соатлари, соатларнинг лаҳзалари фақатгина шу одамни деб елиб-югураётгандай...

Гулираъно Саиданинг кулча юзларига, сокин нигоҳларига бир лаҳза тикилиб қаради.

– Опа, айтинг-чи, сизнингча муҳаббат борми?

– Муҳаббатсиз ҳаётнинг ўзи йўқ-ку! – иккиланмай баралла гапирди Саида.

– Севилиш учун нима қилиш керак? Қанақа бўлиш керак?

– Севилиш учун фақат жон-дил билан севиш, сева билиш керак. Жонни фидо қилар даражада сева олиш керак. Севмаган одам қандай қилиб бошқадан муҳаббат кутади.

– Демак, биз, шахсан мен бир умр муҳаббатга кўз

тутмасам ҳам бўларкан-да! – Мухтарамхоннинг овозида истехзо, лабида ғайритабиий табассум бор эди.

Саида индамади. У деразадан шовуллаб кирган, бе-хос қўзғолган шамолга кулок тутиб, ям-яшил дарахтларнинг шоҳларига нигоҳлари билан боғланиб кетгандай бўлди. Осмоннинг оппоқ бағри уни ўзига чорлаётгандай эди. Кўксини тўлдириб турган оғрик, азоб, соғинч, фи-долик, ҳамма-ҳаммаси пўртанадай вужудида бош кўтарди. Ҳозир-а... Ҳозир-а... ўша азиз одамани бир кўрган-да эди... Бир оғиз сўзини эшитганда эди... Кўзларининг чўғларига бир урилганда эди...

Кўзларидан аччиқ-аччиқ томчилар сизиб кетди. Кўзларидаги армонли олам, соғинч тўла дунё ҳозир Мухтарамхон билан Гулираънонинг нигоҳларига лоп этиб кўриниб қолишини сира-сира истамади. Бу армонли, Саида учун рангин ва гўзал, у ҳеч каердан ва ҳеч кимдан топа олмайдиган маъвони, бу гавҳарми, хазинами, тенгсиз-туганмас бойликми... ана ўшаларни Саидага ҳадя этган улуғ инсонни ҳамиша у кўнглининг туб-тубига яширади, қизғанади, уни ҳеч кимга, ҳеч кимга билдиргиси келмайди. Унга гард кўнишини, тош отилишини истамайди.

Мухтарамхон билан Гулираъно Саидага ҳайрон бўлганча, бир қарашди-ю, ҳеч нарсани тушунишолмади. Саида вужудида вулқондай бир нидо отилаётганини сезди.

– Гулираъно! Сиз ажойиб қизсиз! Севса севгудек, суйса суйгудексиз! Фақат ўзингизни енгил-елпи эркаклардан эҳтиёт қилинг. Агар ҳеч таъмасиз, қурбон бўлар даражада кимнидир севиб қолсангиз... ана унда Сизни табриклаш керак бўлади. Ана унда... ихтиёр ўзингизда бўлади.

Гулираъно Саидани гўё минг йиллик қадрдондай жимгина эшита бошлади ва охиста, ўкинч билан гапирди:

– Мен олдин бир йигитни севганман. У менга бева-

фолик қилган деяпман-ку!

– Ишонч билан айтаманки, Гулираъно, сиз, сиз севамагансиз... Кимнидир севиш билан инсон қалбига муҳаббат кириб келади. Биз ўша одамни йўқотсак ҳам, муҳаббатимизни йўқотмаслигимиз керак. Ҳақиқий муҳаббат – қуёш билан тепа-тенг! У ҳеч қачон сўнмайди. Уни биров сўндираолмайди. Инсонни енгил йўллардан қайтарадиган ҳам муҳаббат деб ўйлайман, – Саида яна Гулираънони Лайли, Кумуш каби тоза ишк гули тимсолида кўргиси келгандай куйиниб гапирди. Муҳтарамхон чой узатиб, нимадир дегиси келиб турарди.

– Саида опам, Гулираъно, Сизни асраб, эҳтиётлаганидан гапиряпти. Эркаклар қўлида ўйинчоқ бўлиб қолманг деяпти-да...

– Э... йўғ-ей... ў... кунги одам, ҳалиги Зафар акани айтяпсизми, Муҳтарам опа? У ўзи ёрдам бераман деди. Туғилган кунимга у-бу нарсалар олиб берди, холос.

– Ана, кўрдингизми? Иккита боласи бор эркак сизга бекорга бирор нарса олиб берадими? Шунини ўйладингизми ўзи? Ана шунака қилиб қармоққа илинасиз. У ёқда ота-онангиз Сизга ишониб ўтиришибди...

Гулираъно чуқур ўйга толди. Хижолат бўлгандай кўзларини ерга қадади.

– Гулираъно! – Саида уни онасидай, соғиниб кетгандай жон-дил билан чақирди. – Катталарнинг танбеҳига тоқат қилиб турибсизки, бу Сизнинг мардлингиз! нима бўлса ҳам эҳтиёт бўлинг, ҳаётда адашиб қолманг. Қизлар адашса, хор бўлади, хазон бўлади, холос.

Гулираъно « тўғри» дегандай бошини кимирлатди. Саида яна бу кизнинг гул юзларига ҳаваси келгандай гапирди.

– Яхши қизларни одамлар ҳам ўзи билиб, хўб баҳосини бера олади. Гавҳар ҳеч қачон ерда қолмайди, қизгина...

Муҳтарамхон мамнун бўлгандай кулимсиради. Гулираъно эса Зафар аканинг ширин сўзларини эслар, яна ўзига аталган гуллар, ширинликлар кўз ўнгидан ўтар, у хузурли вақтичоғликлар наҳот ҳаммаси «қармоқ» бўлса деб, хаёлларга ғарқ бўлганди.

Ташқарида шамол гувиллади. Саида кўнгли тўқ ва хотиржам бир қиёфада ўрнидан турди. Ҳамкасблари билан хайрлашиб, дунёнинг исёнкор ва муҳаббатли сўқмоқларидан шахдам одимлаганча, уйига ошиқди.

### РАЙҲОН ИСИ, ЖОН ИСИ, ЖАННАТ ИСИ...

Собираҳон тонг саҳарда чўчибгина уйғонди. Қайнонаси тушига кирибди. Ўша оппоқ рўмоли бошида эмиш. Хомуш.

– Болам, – деб шивирлаб нимадир демоқчи бўлди.

– Ҳа, – хаёлга толиб, ташвишланиб ўрнидан турди Собираҳон. – Бувимнинг руҳи тинчимаяпти. Анови кўшнимиз Хайринисо опанинг ҳам тушига кирганмиш.

– Одамлар, болаларимга айтинглар, уришишмасин, жанжал қилишмасин. Ўшалар тинч, иноқ бўлса, мен ҳам тинч бўлардим. Қизларимни яраштириб қўйинглар, одамлар куляпти, – деганмиш.

Хайринисо опа кеча чиқиб, шу гапларни айтди. Собираҳон қайинсингиллари қилмишидан мулзам бўлиб, ўйга толди. Охири бир қарорга келгандай, кеча Хайринисо опага ўтиниб гапирганди.

– Жон опа, ўзингиз айтмасангиз, мен айтолмайман бу гапларни. Уларга худо бас келмаса, бандаси бас келолмайди. Нима бўлганда ҳам мен уларга келинман.

– Ахир шу маҳаллада қатда мавридми, мушкулкушодми, тўйми, азами, нима бўлса, иккала опа– сингил албатта киради. Битта уйнинг ичида иккови бир-бири билан кўришмай тумтайиб ўтирса... бошқаларга ҳам ма-

лол келяпти, ахир, – ич-ичидан куйиб гапирди Хайринисо опа. – Мен ичимдан тўқибманми, оналаринг тушимга қиряпти, ялиниб-ёлборяпти, жон синглим, ярашинглар, – деб айтсам айта қоламан, – Хайринисо опа ўша онаизор Ҳалима холанинг омонатини топшириб ҳам руҳи ором тополмаётганига чидолмаётгандай лабларини тишлаб, инграниб гапирди.

– Ўша қайинсинглингизга айтаман, ўша Ҳулкаройга ҳам айтаман. Сиз кичкинаси, опа дегани она ўрнида бўлади, энди ярашинглар, одамлар уят қияпти, – дейман.

Собираҳон Хайринисо опа билан бўлган кечаги суҳбатни эслаб, бомдод намозига таҳорат олди. Намозини бажо айлаб, қайнонаси руҳига атаб астойдил Куръон ўқиди.

– Илоё жойингиз жаннатда бўлсин, тинч ётинг, қизларингиз ҳам инсофга келиб қолишар, – дея илтижо қилди.

Барибир Собираҳоннинг кўнгли тинчимади. Опаларининг гиж-гиж жанжалларидан толиққан, ҳатто кейинги пайтларда тез-тез босими кўтарилиб турган эрига бу ҳақда чурк этмади. У ёқ-бу ёқни саранжомлаб, қўшни Хайринисо опанинг уйига ўйчан кириб борди.

– Опа, бувим бугун менинг ҳам тушимга кирибдилар.

– Айтишади-ку... ўтганларнинг руҳи бизларни кўриб, билиб туришади, деб. Опаларингизнинг ҳаммаёқлари егарли бўлса, уй-жойлари бошқа-бошқа бўлса... Нимани талашишаркин-а? Бу дунё кимлардан қолмайди-я...

– Билмадим.

– Кеча Ҳулкаройнинг олдига атай кирдим, – оҳиста гап бошлади Хайринисо опа. – Айтдим. Лабига учук тошиб кетди. Онаминг бутун топгани-ю, давлатининг хузурини опам кўрди, – дейди. – Қизим уй соляпти, ўша бувимдан қолган пулдан бизга ҳам беринглар десам, беришмади. Менинг унақа опам йўқ, ўлган, дейди-я... Ҳой, Ҳулкарой, ўлган дейишга қандай тилингиз боради, пул

топилади, жигар топилмайди, синглим, – дедим. Асти кулоқ солмади.

– Сожида опамнинг бошида эри бўлмаса, қатдан пул топиб беради, – Собирахон хаёлга толганча гапирди.

– Опа, – Собирахон Хайринисо опага ўтинч билан қаради. – Бу ойлар табаррук мавлуд ойлари экан. Озгина мавлуд ўқитиб қўйсам, зора бувимнинг руҳи шод бўлса, – деб турибман.

– Яхши ўйлабсиз. Қайинсингилларингиз келишар?

– Ҳа. Келишади. Оналари ўтган эшик-ку!

...Бир-бири билан юз кўрмас бўлган опа-сингиллар можароси беш йилдан буён маҳалладагиларни ҳам чарчатди. Кап-катта одамлар. Бир қориндан таллашиб тушганлар... бир-бирига ёвқараш бўлган жойда бошқалар ҳам озор чекаркан.

– Гуноҳга ботяпсизлар, умр ўзи озгина-ку, – дегувчиларни, айниқса, Хулкарой силтаб ташлайди. Сожида опаси эса жим. Синглиси томон бир талпинади-ю, тошга урилгандай ортга қайтади.

– Тўксонга кирган кампирнинг миллион пули бораканми?

Намунча бу опа-сингиллар оналари ўлса ҳам пул таллашиб тинчишмайди-я... Ё қудратингдан! Онаси ўлганига қарамай, баъзи бировлар пулига йиғлайди-я. Пул ўлсин-а, пул ўлсин! Онани пулга топиб бўлса қани эди.

– Вой Хулкаройнинг нимаси етмайди ўзи? Дангиллама уйлар, машиналар...

– Ким билсин, тавба денглар, тавба денглар, одамлар...

– Бу пул дегани жигарларни ҳам бир-бирига бегона қилиб ташларкан-а?!

– Пулга ортиқча меҳр қўйиб бўлмайди.

Маҳаллада эрта-кеч шу мавзу. Аёллар бир тўпланиб, тарқаса бас. Сожида опа билан Хулкарой сингилнинг бир-бирига тумшайиб ўтиришларидан чехралари тарқамай, йўл-йўлакай аламларини гапдан олишади.

Хайринисо опа оқшомда Собирахонникига ёрдамга чиқди. Сомса тугишди, сабзи кертди, гурунч тозалади.

– Ажабмас, ажабмас, ярашиб кетишса...

Сожида опа онаси ўтган хонадонга ҳаммадан бурун етиб келди. Кўзларидан ёшлари окди. Дастурхон тузалди. Ёруғ дунёнинг неъматлари, ризку насибаси бандаларга мунтазир эди. Хулкарой сингилни Хайринисо опа эшик тагида ўзи кутиб олди.

– Жон Хулкарой, онангизни руҳи қараб турибдия! Болаларим тинч бўлса, мен ҳам тинч бўламан, деб ялиняпти-я. Сиз кичкинаси, опангиз билан кўришиб кўйинг. Хўпми, жон синглим..

– Менинг унақа опам йўк!

– Тавба денг.

Сингил уй ичига кириб, ҳамма билан бир-бир кўришишни бошлади.

– Ҳозир, ҳозир...кўришишади, ярашиб кетишади...

Йўк, сингил шарт этиб юзини чапга бурганча, худди сакрагандек опани ҳатлаб ўтди. Опа бир талпинди-ю, юраги эзилди. Кўпчилик ичида мулзам бўлганча қолаверди. «Хулкарой, жон синглим!» дейишга ҳадди сиғмади. Синглисининг авзойи бузук эди.

...Отинчанинг ширали овози хонани тутди. Остонага оппоқ поёндоз солинди.

– Хуш келдингиз, эй марҳабо!

Чиннидаги шакар аралаштирилган сув хона ичида қўлма-қўл қилиб уч марта айлантирилди. Ҳамма ўз тилагини ичида шивирлаб, охирги галгисида сувдан хўплади.

– Атирларидан ҳам сепинглар, савоб бўлади...– отинча олдидаги райхон шоҳи солинган чинни пиёладаги атир сувини Сожида опага узатди.

– Сиз каттасиз, опа, ўзингиз айлантириб, ҳаммага сепиб чиқинг. Савобга шерик бўлинг, опажон.

Сожида опа чаккон ўрнидан турди. Бу лаҳзада аёллар

учун яна қизик томошами ё имтиҳонми бўладигандай эди.

– Синглисига ҳам сепармикин? Нима қиларкин? Ахир синглиси уни товонларида эзгандай босиб ўтиб кетди-ку!

Ҳатто булбулигўёдек сайраётган отинча ҳам ҳозир рўй бериши мумкин бўлган мўъжизани кутаётгандай, нигоҳлари беихтиёр ўша томонга қадалди.

Ана... Опа хона ичидаги ҳамма аёлга атир сепяпти. Атирга ботирилган райҳон шохларини уларнинг томоқларига сурқаяпти. Оҳ, оҳ, ширинлигини-я... Райҳон иси, жон иси, жаннат иси-я... ўргилайин-а...

Одамлар илҳақ. Ҳозир... ҳозир... Ниҳоят опа сингилга етиб борди. Неча йилки, ёнига етиб боролмаган, айрилик, араз-дароз, ўпка-гина, гап-сўз, ғийбат, маломат деган жарликларнинг у қирғоғида синглиси, бу қирғоғида ўзи...

«Оҳ. Онажоним, Сизнинг руҳингиз ҳозир бизни юзма-юз қилиб қўйдимикан? Ярашинглар, жон болаларим, деб Сиз ҳам ҳозир илҳақ қараб турибсизми?» Сожида опанинг қўллари титради. Жону жигар сингилгина ўзи бир дона холос-ку! Ич-ичидан отилиб келаётган фарёд-ни томоғида зўрға-зўрға тутиб қолди.

Сингил ўнг тарафдан унга етиб келган опанинг қошида, бир уй аёллар рўпарасида юзини чап томонга буриб, тошдек қотиб тураверди. Сожида опа ҳозир анча-мунчага мағлуб бўлишни истамайдиган синглиси қошида озгина бўлса-да, жони ором топгандай эди.

Ўзига топширилгани вазифани бажариши шартдай райҳон шохларини олиб, синглисининг бўйинларига меҳр билан, орзиқиб, энтиқиб суртди. Унинг шивирлашларини ҳамма эшитди.

– Оҳ, онажон, онажоним... Сендан онамнинг хидлари келади-я... бир қориндан тушганим-а... бир кўрпада ётганим-а... Омон бўлгин-а, эсон бўлгин-а...

Ана, ана... Ҳамма кўрди, ҳамма эшитди. Кимларнингдир кўзларидан чирт этиб ёш отилиб чикди. Ҳозир сингил опажонисини кучоклаб олади, ярашиб кетишади. Уларни шу ерда ҳозир бўлиб турган руҳлар ҳам кутлайди, улар шод бўлади.

Ҳамманинг тарвузи шалоп этиб ерга тушди. Сингилнинг юзи ўша чап томонга бурилганича, ҳайкалдек, ҳа, ҳа, ҳалойиқлар, эшитинглар, худди ҳайкалдек қотиб тураверди. Бир уй одамнинг ҳафсаласи пир бўлди.

– Ўзига қийин, ўзига, – кимдир ичида шивирлади.

– Илоё ўзидан келиб, ўзидан кетсин...

– Ҳе, бойлиги ҳам қурсин-а!

– Нима бўлса ҳам опасида гуноҳ қолмади.

Уй-уйларига тарқалаётган одамлар бу можарони ўзларича таҳлил этардилар.

Атирга ботирилган райҳон шохи ҳам токчада хайрон, токчада гирён қолгандек эди.

– Ё тавба!

Атрофда эса райҳон иси, жон иси, жаннат иси уфуриб турарди.

## УЧ ДОНА ЧИННИГУЛ

Отасини муздек қабрга қўйиб, устига тупроқ тортишаётганида, Қодиржоннинг юраги рўпарада турган анови бўм-бўш тобутдек ваҳимали хувиллаб кетди. Ичидан ўкириб келаётган йиғини аранг тўхтатди. Кимсасиз жим-жит қабристон, бири паст, бири баланд бўлиб дўппайган қабрлар илгари қанчалар қўрқинчли кўринарди. Энди эса, азиз, қадрдон. Бундан олти йил олдин онасини тупроққа топширишганди.

У зил қадамлар билан бўш тобутни кўтариб кетаётган одамларга эргашди. У қабрлар қошидан узоклашган сари худди орқасидан биров чакираётгандай, «Қодиржон

болам» деб меҳрибонгина ҳол сўраётгандай бўлаверди. Яна овоз келаётгандек бўлди. Беихтиёр орқасига қаради. Ҳеч ким йўқ. Бироқ, ўша қараганида кўзига онаси бир «ров» кўрингандай бўлди. Худди ўлмагандек. У ўз кабри олдида тик туриб, бошига ҳар доимгидек оппок рўмолини рўпай солганча, «Қодиржон болам, Қодиржон болам» деб унга талпиниб тургандай эди.

– Болам, Сизларга яна қийин бўлибди-ку, – онасининг овози қулоғи остида эшитилди.

– Биз тирик юрибмиз, онажон. Сизларга қийин. Яшасаларинг нима бўларди, – кўз ёшлари кўнглидан томчилаб худди онасига гапираётгандай шивирлади Қодиржон.

...Ўшанда баҳор эди. Эндигина нафақага чиккан отаси тоқларни тоққайчида кирт-кирт қилиб, битта-иккита суви томчилаб турган новдаларни таранг ёзилган бармоқларга ўхшатиб, чиройли қилиб боғлаётганди. Дам пастга, дам баландга қарайвериш зўр келдими, «бошим айланяпти» деб сўритокка тиралган баланд шотидан зўрға тушиб олди. Уни кўлтиқлаб, уйга олиб киришди. Бир зумда кўнгли айниб, бир қайт қилди-ю, хушини йўкотди. Докторлар «қон босими ошиб, миясига қон қуйилибди» дейишди.

Отасининг келди-кетдиси ўтиб, сал ўзига келган Қодиржон энди ўқишини давом эттиролмаслигига ақли етди. Ўқишини сирткига ўтказди. Яқинларидаги билим юртига тунги тарбиячи бўлиб ишга жойлашди.

Йиллар ҳам ўтиб боряпти. Ўтган йили синглисини турмушга узатишди. Ўша баҳордан буён ўтган тўрт йил, совуб кетган хоналардаги кунлар... Уни Қодиржонгина билади.

– Қодиржон, энди сенга навбат, – деди бир куни улардан ҳол-аҳвол сўраб келган Робия холаси. Қодиржон нима дейишни билмай, жимгина бошини эгди.

– Энди сенга эпчил, чаккон, ўтингдан кириб, сувингдан чиқадиған, рўзғорнинг бир томонини тортиб кета-

диган киз керак, – холаси «нима дейсан» дегандай унга қаради.

«Агар беришганда-ку, осмондаги юлдузни узиб бер деса, узиб берардим».

– Қодир, сенга гапиряпман, нега индамайсан, – холаси астойдил қисти-бастига олди.

– Беришмайди-да, хола.

– Кимни, нимани беришмайди? Сал тушунтириброк гапир.

– Зулфияни... – у бошини яна ҳам пастрок эгиб, овози аранг чикди.

– Қаерда у киз? – холаси «хайрият-ей» дегандай бир кимирлаб кўйди.

– Бу йил политехника институтини битиради. Катта бозорнинг орқасидаги уйда ўтиришади. Бир ўртоғимнинг тўйида танишиб қолгандик, – хижолатданми ё ҳозир холасини яқин олиб, юрагини очиб юборганиданми, буғдой ранг, юмалоқ юзи «лов» этиб кетди. Бир-бирига туташган, кизларникига ўхшаш қошлари янаям каттиқрок боғланди.

– Нимага энди, болам, нимага энди беришмас экан? – жиянининг кўнглини билиб олган холаси у қизни ортиқча суриштирмай, муддаога ўтди.

Қодиржон у ёғини гапиролмади. «Ота-онаси обрўли одамлар, мен ким, мен бир етимча...».

– Менга қара, ёшинг бир жойга бориб қоляпти. Йигирма бешдан ўтиб, йигирма олтига кетяпсан. Орқангда икки уканг қаторлашиб турибди. Ҳадеб ўйланавермай, бирор жойга бўладиган бўлсак, бўлайлик. Нима энди бу...

– Хола, яна озгина кутайлик, жон хола...

Робия хола Қодиржонни тушунгандек бўлиб, ўрнидан турди. Шундан кейин ҳам Зулфияни бир неча бор кўрди-ю, дилидагиларни очиқ-ойдин гапиришга ботинмади. Ҳар гал шундай бўлади. Кўнглини очолмайди...

Ўшанда отасидан айрилиб, қадди букилиб, ўзини ҳеч ўнглолмай юрди. Йил ўтди. Барибир. Холаси кун ора уларни хабар олиб келиб туради. Шундай бўлса ҳам, бирорта ўртоғиникига кириб қолса, уларнинг отаси ё она-сига кўзи тушиши билан кўнгли бузилиб кетади. У ҳам оғзини тўлдириб, «буви», «дада» деб чақиргиси келади. Аммо, қани улар? Йўқ!

Бир куни ўртоғи Тоҳир уни астойдил никоҳдан ўтиш тантанасига айтиб кетди.

– Бормасанг, хафа бўламан, – деди. Боргиси келмаётган бўлса ҳам, ўртоғининг юзидан ўтолмади. Оқ қўйлагини, шимини бинойидек дазмоллаб, яхшилаб кийиниб, Тоҳирларникига етиб борди.

ЗАГСхонада ўртоқлар янги қурилаётган оила гувоҳлигига Қодиржонни кўрсатишди. Келин томондан ҳам бир хушрўй кизни чақиришди. Қиз бу ишончдан хижолат чеккандек атрофдагиларга тортиниб қараб қўйди. Қодиржоннинг назарида у тўпланганлар орасидан чўлпон юлдуздек ярқираб, ҳамманинг нигоҳини ўзига торттиб, оқ харир либосда, уялганча ерга қараб ўтирган келинчакнинг ёнига астагина чиқиб келди.

Қодиржон иккиси дафтарга имзо чекишди. «Бу оила учун иккимиз жавобгар эканмиз-да» дегандай иккиси бир-бирига қулимсираб қараб қўйишди. Эртаси куни улар тўйда яна учрашиб қолдилар. Қодиржон хайрон эди. Хувиллаган юраги тўлиб қолганга ўхшарди. Зулфия...

Ўша гувоҳликка ўтган, ўрта бўйдан келган, хилвагина, нилуфаргул мисоли чехраси сутга чайилган, узун киприклари қаламдек қошлари билан тез-тез туташиб, кўхлигини яна оширувчи, тимқора кўзлари ёлқинланиб, чехрасига тафт бағишловчи бу қиз Қодиржоннинг хувиллаб ётган калбига сездирмай кириб келган эди.

Уни уч йилдан бери соғиниб яшайди. Ҳар куни, ҳар куни соғинади. Аммо ўзини кўрганда бир сўз айтолмайди.

«Зулфия! Сен қуёшсан, Сен юлдузсан, сен ойсан. Мен-чи... Мен-чи... Мен бир етим бола. Сенинг дунё-дунё орзу ҳавасларинг бордир. Отанг институт домласи. Онанг ҳам муаллима. Улар ҳам ўзларига яраша одамлар билан қуда бўлишни истайди. Бизда-чи... Бизда ким бор... Йўк! Йўк! Сени менга беришмайди. Беришганда-ку, юлдуз бўлсанг, кафтимга қўйиб юрардим. Қуёш бўлсанг, елкамда кўтарардим. Ой бўлсанг, бошимга қўйиб олардим. Йўк, йўк, мен муносибинг эмасман.»

Кеча, ўттиз биринчи декабр – ҳамма Янги йил кутиш билан тўлиб-тошиб юрган куни Қодиржон эргалабдан узоқ режа тузди. Уларнинг бири ўзига ёқса, бири ёқмасди. Охири кўчага чикиб, бозор томонга йўл олди. Юраги уни эргаштириб, гул бозорига етаклади. Худди ёздагидек оппок бўлиб очилиб турган оқ карнай гуллар, чўғдек қил– кизил чиннигуллар бири-биридан чиройли эди. Уларга боқиб, ўзи ҳам севиниб кетди. Ҳозир уларнинг ҳаммасини кучоғига тўлдириб, Зулфияга такдим этгиси, уни гулларга кўмиб ташлагиси келди. Зулфия ҳам худди шу гулларга ўхшайди. Қаҳратон қишда маъсум жилмайиб, ҳар бир одам қалбини тирикликнинг, ҳаётнинг ширин бир туйғуларига кўмаётган гуллардай, Зулфия ҳам унинг эзилган рухлари бағридан ўсиб чиқди. Кўксининг ич-ичида очилиб, уни ажиб сеҳри, муаттар бўйи билан чулғаб олди-ку!

У гул бозоридан кетгиси келмади. Анча айланди. Гулларга бокса, Зулфияни кўраётгандай бўлди. Қодиржоннинг юзлари совуқдан қизариб кетди. Телпагининг қулоқчинларини тушириб, маҳкамрок бостирганча, гул бозоридан энг гўзал, энг нафис гулни изларди. Уларнинг ҳаммаси бир-биридан чиройли. Қайси бирини олса экан-а?

Нихоят тўлагина аёл ёнига бориб, уч дона чиннигул харид қилди. «Биттаси – Зулфия. Биттаси– мен. Яна биттаси эса... Уни фақат ўзим биламан. Йўк, айта қолай,

буниси – келажак».

У кўлидаги гулларга қарай-қарай, уйга етиб келди. Гулдонга сувни яримлатиб куйди-да, чиннигулларни солиб, энг ичкаридаги уйга яшириб қўйди. Яна кўчага чиқди. Тобора ачитиб бораётган аёз нафасини ҳам сезмай, куп-курук асфальт йўлдан аста пиёда юриб кетди.

– Бир қор ёғиб берсайди, – орзулади Қодиржон. Асабланган одамдай тикилиб турган осмонга умид билан тикилди. Кейин қуюқлашиб бораётган оқшом пардаси остида ҳув катта йўл бўйидаги қўнғирок хонаси томон шитоб юриб кетди. «Зулфия! Сен агар менинг қалбимни кўролсанг борми! Мен ўзимга сизга осмонга айланиб кетаман. Бирок... отам йўқ... Онам йўқ... Билмадим. Рост, улар йўқ. Лекин энди сен борсан».

Қодиржон дуқурлаётган юрагини аранг босиб, хона ичига кирди. Қалтираётган бармоқлари билан рақамлар тера бошлади. Узун-узун икки қўнғирокдан кейин эркак кишининг овози эшитилди.

– Ассалому алайкум. Кириб келаётган Янги йилларинг билан... – Қодиржон титраётган товуши қўнғирок симларини ҳам тебратиб юборганини сезди.

– Раҳмат. Ўзингизни ҳам... – эркакнинг самимий товуши дилига яқин кишисини эслатгандай бўлди. «Дадаси».

– Зулфия борми? Илтимос...

– Ҳозир...

Товушлар оҳангидан уни малол олишмаганини сезди.

– Алло! – озгина ўтиб, Зулфиянинг майин товуши эшитилди.

– Зулфия! Бу – мен Қодиржонман!

– Ассалому алайкум, Қодир ака!

– Салом... Зулфия! Сизни Янги йил билан табрикламоқчийдим. Беш дақиқага эшик тагига чиқа оласизми?

– Майли, – унинг иккиланганроқ товуши эшитилди.

– Зулфия, мен ҳозир ўн беш дақиқада етиб бораман.

Чиқасиз-а?

Симлардан Қодиржон юрагига қондай оқиб келаёт-

ган товуш эшитилмай қолди.

У хона ичидан чиқди-ю, бўм-бўш ўтиб кетаётган таксининг орқасидан жон-жаҳди билан ҳуштак чалди.

Хиёл ўтмай аввал ўз уйларига, кейин Зулфияларнинг кўчасига етиб келди.

– Раҳмат ака, омон бўлинг, – деди Қодиржон машинадан тушаётиб, хурсанд бўлганча. У ўзидан ўн қадамча наридаги зангори дарвозага умидвор тикилди. «Умидларим... қачон очиласиз?».

Қодиржон ўзининг узун бўйини янада тикрок тутиб, кўркам қадди-қоматини баланд кутарди. Декабрь совуғини писанд этмай, унда-бунда кўриниб турган сийрак юлдузлар худди унга ҳавасланиб қарашаётганга ўхшади. Дарвозага икки қадам қолганда, эшик “ғийқ” этиб очилди. Оппоқ мўйнали, малина ранг пальто кийган, бошига енгилгина оппоқ рўмолини томоғидан боғлаб, кўғирчоқдек бўлиб, Зулфия кўринди. Оёғида енгилгина шиппак.

– Зулфия! – Қодиржоннинг севинчи томоғига тиқилиб қолай деди.

– Қодир ака! Нега овора бўлдингиз...

– Зулфия! Сизни табриклаш – менга бахт. Доим саломат бўлишингизни истайман, – у кўлидаги уч дона чинигулни Зулфияга тутқазди.

– Сизни ҳам табриклайман, – Зулфия гулни олганча, киприклари тез-тез пирпираб, Қодиржондан миннатдорлигини кўзлари билан айтди.

– Зулфия! Менга бирорта истагингиз йўқми?

– Нега энди, бор! Бахтли бўлишингизни истайман.

– Раҳмат Сизга...

Қодиржоннинг ўйчан кўзларига билинар-билинимас маъюслик чўкди.

– Зулфия! Сиз ажойиб қизсиз! Умуман, Сиз инсонни тушунасиз! Чикқанингиз учун минг раҳмат. Мени

тушуна олганингиз учун ҳам. Сиз менинг кимлигимни, ҳаётимни, армонимни... ҳаммасини тушунасиз... Биласизми, Сиз тилаган бахт ҳақида ўйласам, бир нарсадан кўрқиб кетаман.

– Нимадан? – Зулфиянинг оппоқ кулча юзида чараклаб кўринган меҳрибон нигоҳ Қодиржонни янада дадиллантирди.

– Биз иккимизни бошқалар тушуна олармикин? Айниқса мени...

– Кимлар тушунишини истайсиз, – Зулфия ҳамдардлик билан сўради.

– Уйдагиларингиз...

Зулфия нигоҳларини ерга қадади. Лекин унинг далдали товуши эшитилди.

– Тушунишади... Тушунадиган одамлар...

Қодиржон туни билан ухлолмади. Севинганиданми, тўйиб-тўйиб йиғлагиси, юрагини шунча йилдан буён тўлдириб турган аламларини, армонларни ҳозир эзиб, кўз ёшлари билан чиқариб ташлагиси келди.

Тонг отиб, борлиққа бир зумда шуълалар ёйилиб кетди. Қодиржон сархуш бир аллозда нафас ола бошлади. Шодлигидан қичқиргиси келди.

У ҳали ҳозиргина кўрган тушини қайтиб-қайтиб, бир бошдан эслади... Кун ботиш тарафга қараган уйлارининг узун айвонидаги сўрининг бир четида чиройли бўлиб, тўла гавдаси файз тўкиб, дадаси ўтирганмиш. Ҳа, ҳа, аниқ дадажониси. Рўпарасида Қодиржон, ёнида эса ҳаёдан юзлари ловуллаб, бошини эгганча, Зулфия эмиш... Тавба, туш ҳам шунақа ширин бўладими-а?..

– Дада, бу келинингиз... – деб Зулфияни отасига кўрсатаётганмиш...

Қодиржон дераза ойнасидан ташқарига боққанча, тонгнинг оппоқ жамолига тўймай тикилди.

– Дада, бу келинингиз... Дада, бу келинингиз... – у ич-

ичидан чиқиб, тилида айланаётган бу сўзлардан яйраб, ўрнидан ирғиб турди. Астойдил ювиниб, кейин “нима қилсам экан” дегандай ўйланиб туриб қолди. Бирдан кабристонга боргиси келди. Ухлаб ётган укаларига ҳам индамай, кўчага чикди. Худди унга ҳамма-ҳамма нарсадан азиз бўлиб қолган икки қабр, йўқ, йўқ, қабр эмас, отаси, онажониси йўлига чиқиб келаётгандай, “вой, айланай болам, суюнганларингдан айланай, суюнганларинг сут бўлсин-а, бахтинг бутун бўлсин болам” деб унга кучок очиб туришгандай Қодиржон қабристонга шошди.

### ЎША КУН...

...Мен Сизни тасодифан кўчада, узоқдан кўриб қолдим. Сарғимтир бўйинбоғингиз куз офтобининг тиниқ нурларида кўзимга «лов» этиб ташланди. Юрагим «жиғ» этиб кетди. Жума кунги дилхираликдан кейин, мана, уч кун ўтиб, Сизга энди кўзим тушди. Кўрдиму жойимда таққа тўхтаб қолдим.

Сизнинг шошилиб, шамолдай елиб келаётганингизни аниқ кўрдим. Ажабо, вужудимдаги оғриқлар тарқаб, ширин бир ором жонимга етиб келаётгандай эди.

Кўрдим, рангларингиз синиқиб-синиқиб кетибди. Билдим, исмсиз оғриқлар тинчлик бермаётганга ўхшайди. Ҳа, мен ҳам шунақа оғриқларни тортаман. Ўшандай пайтларда ўрнимдан туролмай, ётиб қоламан. Юрак томоним оғирлашиб кетади. Кейин бир пайт олислардан Сизнинг овозингизни эшитаман.

– Жоним, жонгинам, Сенга нима бўлди?

Мен эса бир сўз айтолмайман. Ёстикни маҳкам кучоқлаганча, кўзимдан ёш қуйилади. Йиғлайман.

– Жонгинам, қўй, касал бўлма. Ҳамма дардни менга бер...– яна Сизнинг меҳрибон, шикаста овозингиз етиб келади.

Кейин мени ўраб олган зимистон олам ёриша бошлайди. Судралиб эшикка чиқаман. Худди остонада мени қаршилаб, Сиз турганга ўхшайсиз. Кейин юмушларга уриниб кетаман. Ярим кун, бир кун бетобланиб, соппа – соғ бўлиб қоламан. Вужудим қандайдир оловда покланиб чиққандай, рангларим ёғдуланиб, тозариб кетади. Бошимни ёстиққа қўйишим билан яна ўша қувват бергувчи товуш эшитилади.

– Энди яхшимисан?

Менинг юзимдан табассум тошади. Қандайдир яхши сўзлар айтгим келади. Айтолмайман. Ана шунақа. Мен Сиздан узоқда бўлганда ана шунақа азоб кўпригидан ўтаман. Сизни кўрганда эса, қуёшни кўргандай масрур бўламан.

Ҳозир ҳам шундай ҳолатдаман. Ўша кунги Сизга ошкор бўлган оғриқларим ҳаммаси ўтиб кетди. Сизга ҳозир соғиниб-соғиниб қараб турибман, холос. Ҳозир дунёда мендан бахтиёрроқ аёл йўқ. Юрагим бир лаҳза бўлса-да, хордиқ оляпти.

Ажабо, кўчада тасодифан кўришдик. Тасодифан кўришишда ният бўлмайди-ку!

– Бугун мен билан кўришиш ниятингиз бормиди?

Бу саволимга ўзингиздан эмас, кўзингиздан жавоб излардим. Сизнинг калбингиз эса ҳамон таҳликада. Менга нималарнидир жон-жаҳдингиз билан тушунтиргингиз келяпти. Бироқ, мен... нималар дейишингизни аниқ биламан.

– Бугун тушликни бирга қиламиз-а?– дедингиз нимадандир чўчиб турган одамдай.

– Майли, – дедим дарровгина.

– Ўтаман.

Биз вақтинча хайрлашдик. Вужудимни хаёллар боғлаб олди. Қачонлардир ўқиган ҳикоям ёдимга тушди. «Қайтиш» деган ҳикоя эди. Эрон ёзувчисиники эди чоғи. Бир аёлнинг ўз оиласига қайтгани, эри хотинини адаш-

ган кўчасидан ўз руҳий кудрати билан, яхши сўзлари билан ўзига қайтаргани ҳақида эди бу ҳикоя.

Сизга агар ростини айтсам, менга ишонсангиз, мен ҳам доим қайтиш ҳақида ўйлайман. Бу ҳақда ўзингизга ҳам кўп бор айтганман. Айтишдан не фойда, агар қўлдан келса, қайтиш керак, холос. Инсон эгри йўлдан қайтади. Ёмонликдан қайтади. Мен-чи? Менинг йўлим қанақа йўл ўзи? Мен қайси йўлдан қайтишим керак?

Назаримда, менинг ҳаётим ҳеч қайси аёл ҳаётига ўхшамайди. Агар қайтиш, яъни Сиздан қайтиш бўладиган бўлса, бу мен учун ўлимнинг ўзи-ку!

...Икки хонали уйда ёлғиз ўзим яшайман. Кимсан, фалон идоранинг масъул ходимиман. Обрў-эътиборим етарли. Бефарзандликдан турмушим бузилган. Ортимга қайрилиб қарагим келмайди. Унда фақат умидсизликдан бошқа ҳеч нарса йўқдай.

Ўн беш йилдан буён одамлар назарида бева, боши очик аёлман. Дилимда ҳеч қачон бир эркак киши билан ёлғиз ўтириш истаги бўлмаган. Фақат...Хаёлда...Менинг меҳрибон, энг азиз инсоним яшайди. У мен учун шундай кудратлики...Дилимни китобдай ўқийди. Менга фақат яхшиликнигина раво кўради. Оғзидагини ҳам илиниб туради. Баъзиларга ўхшаб, тирноқ остидан кир кидирмайди. Ўшқирмайди, урмайди, захрини сочмайди. У менга қувват бағишлаб туради, холос. Гоҳ-гоҳ йиғласам, кўзимнинг ёшларини оҳиста арғиб кўяди. Мени важоҳатини сочиб, кўрқитмайди. Шунақа эркаларни кўшниларда, қариндошларда кўрганман.

Рости, ўша яхши одам ҳали турмушга чикмасимдан олдинроқ, ўн етти ўн саккиз ёшимдан менга ҳамроҳ эди. Аслида мен унинг суратини ҳам кўрмаган эдим. Энди эса худди ўша одамни ҳаётда топиб олгандайман. Рости, топиб олдим. Сизни кўрганда олам ёришиб-ёришиб кетади.

...Тушликда бирга овқатландик. Ишхонам ёнига кел-

дингиз. Кейин асфальт йўлакча бўйлаб пиёда кетдик. Ҳозир кўзимга ҳаммаёқ зангори кўриняпти. Сиз кетгандан кейин эса бу ранглар сарғайиб-сарғайиб кетади.

– Муниса, қачонгача, қачонгача шунақа яшамокчисиз?

Ғалати савол. Йиғлагим келади. Анча ориғлаб кетган бўғдойранг юзларингиздан ўпгим келади.

– Албатта, умрим охиригача бўлса керак, – дейман маъюсгина.

– Ёш боланинг гапларини гапирманг. Муниса, энди бирга яшаймиз.

Мен индамадим. Ахир, бу масалаларни ҳар куни минг бор тарозуга соламан. Юрагимнинг бетоблигини Сиз ҳам яхши биласиз. Касал жоним билан ҳеч кимга малолим тегишини истамайман. Валерианка, кавентон деган дорилар доим ёнимда. Ялпиз суви, календула сарик гули, наъматак, дўлана, чаён ўт, кийик ўт... Хилма-хил кўкатлар шишада дамланиб туради.

– Касаллигимни биласиз-ку...

– Нима бупти... Ўзим докторларга қаратаман.

Мен бир лаҳза шошиб қолдим. Наҳот...наҳот... Касал хотиндан кўпчилик эркаклар қочади-ку. Нега Сиз... Сиз... ажойибсиз...

Елкангизга ёш боладай бошимни қўйиб, тўйиб-тўйиб йиғлагим келди.

– Оилангиз-чи? Оилангиз нима бўлади?

– Улар ҳам яшовради.

Мен ҳаммасини бир лаҳза кўз ўнгимдан ўтказдим. Тўғри, мен Сизни ҳеч қачон улардан тортиб олмайман. Аслида бунақа ниятим ҳам йўқ. Мен Сиз билан юрагим, кўнглим бут-бутунлигини биламан, холос. Билганим – шу! Англаганим – шу! Ўша бутунлик учун Худодан Сизга фақат умр, саломатлик, хотиржамлик тилайман.

Агар, Сиз ёнимда бўлсангиз, Сиз билан яшасам... Бу– ёруғ дунёдаги энг ёруғ умр, энг ёруғ хонадон бўлади-ку! Бирок, улар-чи?... Оилангиз-чи? Одамларнинг

гап-сўзи-чи? Мени-ку, ҳа, ёлғизликдан қочиб, бир одамнинг паноҳига ўтибди-да, дейишар. Сизни-чи... Сизга ҳеч ким раҳмат айтмайди. Бир ёлғизга, бевага соябон бўлибди-да, деб олқишламайди. Йиллаб, зарралаб тиклаган оила иморатингиз дарз кетади. Кўнгиллар йиғлайди. Мен дунёда Сизнинг борлигингиздан беҳад бахтиёрман-ку! Хаёлингиз, қалбингиз мен билан эканини яхши биламан-ку! Шунинг ўзи менга кифоя-ку!

Биламан, Сиз доим шу мавзуни бошлайсиз. Мен эса Сизни оҳиста «чет»га тортаман. Ҳозир Сизга уч кун олдинги дилхираликни айтиб, юрагимни озгина бўшатмоқчи эдим. Яхшики, ўзингиз гап бошладингиз.

– Муниса, ўша куни...

– Ўша куни... биласизми... кўз олдимни зимистонлик коплаб олди. Ақлим билан Сизни оқлаб турибман. Негаки, мен Сизга ишонаман. Кўнглингизга, туйғуларингизга ишонаман. Улар менга ҳеч қачон хиёнат қилмайдилар. Фақат, кўнглим фарёд чекиб юборса, нима қилай?! Охири кўзларимни «чирт» юмиб, уйимга шошиб кетиб қолганимни ҳатто ўзим ҳам билмай қолдим. Бу ҳаммаси кўнглининг иши бўлди.

Ўшанда ... Бир аёл... мен уни беш-олти йил олдин кўрган эдим. Шошиб-пишиб келди-ю, Сизга қўл чўзди. Кейин, қандайдир яна Сиз томонга интилганини, тортинишни тамом унутгандай ҳеч бир хижолат чекмай, «чўлп» этиб, икки юзингиздан ўпганини кўзимнинг қири билан кўрдим. Астойдилроқ қарашга ботинмадим. Кейин... Сиз ҳам уни ўпдингиз. Шу дақиқада, назаримда, осмон гумбурлаб, тепамга зимистонлик қулагандай бўлди. Назаримда «меники» бўлган сочларни, кенг елкаларни, баланд бўйларни, доимо изҳордан чарчамайдиган гоҳ ғамгин, гоҳ «ялт» этгувчи кўзларни, нигоҳларни шундай кизгандимки... шундай кизгандимки... Ичимдан нимадир отилиб кетди.

Қандай аёл, қанақа аёл, минг кадрдон бўлса ҳам, кўп-

чилик олдада бегона эркакни ўпа олади-а?! Аёл хатто ўз туғишган акасини, укасини узоқ кўрмаганда ҳам хиёл бўлса-да, тортиниб туриб ўпади. У аёл эса...

...Ўша куни бир устоз муаллиманинг олтмиш йиллик таваллуд тўйи эди. Иккимиз рўпарама-рўпара ўтирдик. Шу куни учрашишимизни билар, бу дақиқаларни орзиқиб кутган эдик.

– Муниса, Сиз билмайсиз, у аёл ўзи шунақа. Кўнглида ёмонлиги йўқ.

– Биламан. Барибир аёлнинг бегона эркакни ўпиши хунук кўринаркан. Кейин... ўша ҳолатни кўнглим кўтармади. Ҳеч қачон кўтармайди ҳам. Ахир, Сиз ҳам уни... – «ўпдингиз-ку!» деб очик айтолмай қийналдим.

– Энди аёл дегани шунақа қилиб турса, эркак киши гўдайиб турса, бўлмас экан-да... – дедингиз ўзингизни оқлаган оҳангда.

– Баҳром ака, илтимос қиламан, мени авайласангиз, менинг олдимда аёл кишини шунақа ўпманг...

Шундай дедиму, зорлигим билингандай, ёшларим сизиб кетди.

Баҳром ака юзларимни артгандай иссиқ қўллари билан сийпалаб қўйди.

– Хўп, жонгинам... Бўпти... Ҳеч қачон, ҳеч қачон... Ишонинг. – Сўзларингиз қағъий эди.

Кўзимнинг ёшлари тинди. Бу сўзлардан кейин гўё чарақлаб кетдим. Кўнглим ёмғирдан кейинги чаманзор эди...

Юрагим енгиллашди. Сиз билан хайрлашаётганимда гўё ҳамма ғамларим, армонларим унут бўлган эди...

Ўша куни узоқ суҳбатлашдик. Ҳеч ким билан гапим бунақа ковушмайди. Рухим эркин, озод бўлади.

– Яратганим, бугунги кун, мана шу лаҳзалар учун сенга қуллуқ қиламан, – дедим ич-ичимда шивирлаб.

Ўша кун хаёлимдаги «қайтиш» деган фикрни тамоман ўчириб ташлади. Назаримда, мен олов зинапоялар

бўйлаб, гоҳ ёниб, гоҳ куйиб, гоҳ ёмғирдай сим – сим тўкилиб, ўтни шимирганча юксалиб боряпман. Кўнглим тўк, ёлғизлик деган аждарҳонинг коми хаёлимда ҳам йўқ.

Яна Яратганимга юзланяпман.

– Юрагимга, кўнглимга шундай ҳамроҳ это этганинг учун шукурлар бўлсин. Мен уни ҳеч қачон безовта қилмайман. Мени йўқлаган куни ўзинг унга раҳматларингдан ато эт...

## ДУНЁ

«Бугун Нодира келади!»

Бу ўйдан Маҳбубанинг дили ёришади. Ҳар гал шундай. Шанба куни қизи окшомда ҳаллослаб кириб келади.

– Сизларни бирам соғиндимки...

Унинг кўзлари ёшланади. Ичидагини қизига айтмай юзларидан ўпгиси келади. «Соғинганингдан айланай». Ҳаммасидан ҳам соғиниб келгани ёқади. Шуниси маъқул. Қизи рўзғорга, онасига, отасига, укаларига зимдан назар солаётганини, ҳеч нарсани четда қолдирмаётганини Маҳбуба сезади.

– Уйимизда мўл-кўлчиликми? – Нодира ҳайрон бўлиб, кўзларидаги қувончини яширмай сўрайди.

– Кеча ойлик олдим. Даданг ҳам.

– Яхши.

Ҳамиша шунақа. Маҳбуба «пулинг борми» демагунича, қизи ҳеч нарсадан оғиз очмайди.

– Озрок пул берайми?

– Майли.

– Қанча?

– Қанча берсангиз.

– Қирк сўмни эпларсан...

Қизи бош силкийди. Маҳбубанинг ичи оғрийди.

– Ўлсин! Бу нимангга етади. Бориш-келиш – ўн сўм! Ҳар кунингга уч сўмдан- йигирма бир сўм! Майда-

чуйда камларинг, кечкурунги овқатингга... Ма, яна ўн беш сўм.

Қизи миннатдор қарайди.

– Яхши ўтиринглар. Бўпти, мен кетдим, – у ҳали ерга ёруғ тушмай бегона шаҳарга жўнайди.

Маҳбубанинг дили равшан торгади.

– Пулининг озлиги яхши. Қадрига етади. Астойдил ўқиб, кўчага камрок чиқади.

Қизини кузатиб, қайтиб кирганида, неча йиллардан буён эркаксиздай ётган ҳовлига кўзи тушади. Бир сувоқдан чиққанича, ўн йилдан буён бир қарич жойига ҳам одам қўли тегмаган уй, ярим сувалиб, ғишлари кўриниб турган бесўнақай деворлар, синик деразасидан ғуриллаб шабада уриб ётган чала ҳаммом, қор-ёмғирдан қириб бўлмайдиган тепаси очик ҳожатхона...

Энди буларнинг ҳеч биттаси Маҳбубанинг ғашига тегмай қўйган. Кўзи ҳам ўрганиб қолди.

Қизининг хаёли билан уйғонгач, ошхонага кирди. Энди соат олти бўпти. Ҳозир ким ҳам чой ичарди. Эрику ҳали турмайди.

Ҳарна...уч-тўртта кир чайиб қўйсамикин? У ҳаммомхонага ўтди. Ҳали эгилмасидан синик деразадан кираётган совуқ белига урди. «Қачон тузатишаркин? Неча марта айтдим ахир». У эрига яна эслатмоқчи бўлди-ю, кайфиятини бузгиси келмади. «Қилмагандан кейин нима энди...»

Ювган кирларини шоша-пиша дорга ёйди. Кейин нонушта тайёрлади. Ичкаридан чиққан эрининг чеҳрасига разм солди. «Турдингизми? Бугун Нодира келади-я!»

Эрининг овозидаги яқинликдан кўнгли тўлди. Энди бошқа ҳеч нарса керакмас. Уй битмаса битмасин. Ҳозирча тургани иккита хона бор-ку. Тандир тушса, тушиб ётар. Оғил ҳам қор-ёмғирга тўлиб, оёқ босиб бўлмаса бўлмас. Ҳаммасига майли. Фақат эри қовоғини ос-

маса, бас. Ҳадемай куймаланганча, болаларини мактабга жўнатади. Кейин ўзи ишга. Сўнг яна уйга чопади. Яна эрининг қовоғига қарайди. Кўзларига тикилади.

– Келдингизми? Қалай?

Эрининг шу сўроқлари ўзи етарли. Яна ўзини рўзғорга уради.

– Ош қила қолай. Эҳ, сабзи йўқ экан. Акмал, бор ано-ви кеннойингдан тўртта сабзи олиб чик. Эртага оли келаман. Эҳ, ўлсин, бугун нимага бозорга кириб келмадим-а? Помидор ҳам йўқ. Бўлганда, шакароб қилардик. Майли, қокисидан солармиз...

Эрига айтсамикин? «Йўқ, айтмайман, барибир кулок солмайди. У қовоғини солмаса бўлди. Қовоғи солинса, гапирмай ҳам кўяди. Унда ўлиб қолади-ку! Тарс ёрилиб кетай дейди юраги. Йигирма йил кўтарди. Энди кўтаролмайди. Ойлигини олиб келяпти-ку! Ичмаса, чекмаса... Ҳушига келганда қилади, келмаганда – йўқ. Майли, ўзи қилаверади. Соғ бўлса, бас.

Нонушта килиб, эри кўчага чиқиб кетди. Тушга яқин почтачи хат олиб келди. Маҳбуба ёш боладай қувонди – Азиздан! Уйга кириб, бафуржа ўқишга тутинди. Худди ўғли билан астойдил гаплашмоқчидай. Яқинда у катта шаҳарга ўқишга кирди. Инженер бўлмоқчи. Хатни ўқиб-ўқиб, битта жойида юраги тирналди.

«Пул масаласига келсак, баъзан қорин тўймай қолади. Кунига кетмаганда, ўн сўм кетади. Ойига қирқ-эллик сўм жўнатиб турсаларинг. Албатта, рўзғордан ортса...»

Маҳбуба ўғлининг андишасидан йиғлади. «Рўзғорни ҳам билади болам. Кўрган-да ҳаммасини...»

Нихоят, шом тушай деганда, қизи кириб келди. Қўлида гул, бугун ўртоғининг туғилган куни эмиш.

– Ўртоғингникига нима қиясан? – қизининг тузукрок кийими йўқ бўлса-да, беихтиёр сўради Маҳбуба.

– Эплаймиз-да, – қизи синиққина жилмайди.

Кийим ҳам ўлсин. Мана шунақа кундагина эсига келади. Бошқа пайт хаёлидан ҳам ўтмайди.

Қизи оддийгина бўлса ҳам бежиримгина кийинди. Ўша ўтган йилги кузги тўқилган кўйлаги. Устидан қизил жемпири...

– Ая, битта костюм-юбка олиш керак ... кузга, қишга ҳеч нарсам йўқ.

– Тўғри, – тан олди Маҳбуба.

– Истипендия олдим. Кўшиб, эплаб беринг.

– Бўпти, эртага бозорга чиқамиз. Кошки, бир нарса топилса, – Маҳбуба ўқинди.

– Марғилонга борайлик, чайқовни караймиз.

– Майли, – нимагадир ўзи ҳам билмай рози бўлди у.

Маҳбуба ҳозир шуларни эрига айтса бўлмайдами? Айтгани билан нима фойда? Олган ойлигини кеча кўлига берган. Қайси томонга чўзгиласа, ўзининг ихтиёрида.

– Унга мазза. Шу гаплардан қутилай дейди-да. Пулни ҳам ушламайди. Магазинга ҳам кирмайди, бозорга ҳам бормайди, – ўзига ўзи гапирди Маҳбуба.

Унинг бошида оғрик кўзғолди. Қайси бирини ўйласин? Ўғли қорни тўймай совуқ шаҳарда юрса. Ўзини-ку, ўйламай қўйган. Битта костюм билан кўйлакни куз киргандан бери кияди. Кичкина қизига ҳам битта иссиқроқ кўйлак олиш керак. Бўйи чўзилиб, ҳаммаси калта келяпти. Рўзғорнинг ҳам ғори очилиб ётибди. Ун ҳам бир кафт қопти. Ёғ идиши ҳам дарангляпти. Қишга ҳали картошка, пиёз ғамлашгани йўқ. Қайси биттасини ўйласин?!

Маҳбуба кизини ўртоғиникига жўнатиб, китоб варақлашга тушди. Яхшиям шу китоблар бор. Кўнглини бир тозалаб, бўлмағур хаёлларни қувади. У шеърга сеҳрланди. «Менинг муҳаббатимга ишонмайсан ҳеч қачон ...»

Маҳбуба ўзининг илк севгисини эслаб, йиғлади. Йўқ, энди у лаҳзалар йўқ. Унинг муҳаббати энди мана шу рўзғор. Муҳаббат унга мана шуларни ато этди.

Ҳар биттаси дунёга татиғулик ширин фарзандлар берди. Рост гапни айтганда, кўнгли ҳали ҳам бир тебранади.

Бу тебранишни ҳам рўзғор ўз комига тортади. Маҳбуба бундан рози бўлади. Болалари тўқ, рўзгори тўкинрок, оиласи шод куни у бахтиёрга ўхшайди. Қайсидир бир лаҳзада эса, барибир қушга ўхшаб, учиб кетгиси келади. Ҳар бир лаҳзасига шерик бўладиган, уни озгина авайлайдиган, бир меҳрибон зот ёнида бўлишини шундай истайдики...

Йўқ, ҳаммаси бекорчи хаёллар ... Учиб кетмоқчи бўлгани ҳам ёлғон. Бир лаҳза болаларини ўйласа, бас. Яна қолипга тушгандек ими-жимиди бўлиб қолади. Уй, ишхона, ошхона, кирхона, бозор... Бири-бирига улана-веради.

Гоҳо толиқиб, бошини маҳкам боғлаганча, ухлаб қолади. Тун ярмида баданлари қақшаб, усти очик ётиб қолганидан сесканиб, уйғониб кетади. Ёлғизликдан юраги шувиллайди. Кимнингдир жон-жаҳди билан уни чақиришини истайди.

– Маҳбуба! Маҳбуба! Маҳбуба!!!

Тун қаърига қулоқ солади. Сукунатдан бўлак ҳеч вақо йўқ.

У яна ҳозир ҳеч кимга сездирмай деразадан қушдек учиб кетмоқчи бўлади. Бирдан кичик қизи ёдига тушади. Кеча томоғи оғриб юрганди. Унга дори қилолмай ётиб қопти. Тунда безовталаниб, қизи ётган хонага кирди. Ўраниб, бир чиройли ухляпти. Энди ўзи ҳам кўрпага астойдил бурканди. Атрофга яна қулоқ тутди. Жимжит. Ҳеч ким уни чақирмайди.

Илгари бу жимжитликдан юраги отилай дерди. Энди эса кўникди.

Маҳбуба якшанба куни оёғи тортиб-тортмай қизи билан бозорга отланди. Бу озгина пулга нима келарди? Ҳаммаси қизининг кўнгли учун, холос.

– Автобуслар кам, таксига чиқамиз, – бекатда турган кўшниси Раҳимахон таклиф қилди.

– Майли, – Маҳбуба сир бермади. «Уч сўмдан олти

сўм-а бу такси ўлгур. Бир ошлик гурунч келади-я... Эҳ, ер ютсин... Қачонгача шунақаларни ўйлайман. Мен ҳам ўзи дунёга келиб, қачон бемалол яшайман. Тийин... сўм... Ҳисоб-китоблар ... жонимга тегди-ку!»

Таксида кетишаётганда Раҳимахон шивирлади:

– Майда топиб қўяй... – у бир даста пул олиб, ажрата бошлади.

Маҳбубанинг юраги шувиллади. Кўнгли увишди. «Директорнинг хотини-да. Қўркмаганини... Шунча пулни... Тавба, ўзи ишламаса, қаердан олишаркин? Уялишмайдиам. Одамлар қизиқ...»

Маҳбуба қизига разм солди. У ҳам ўнғайсизланиб, такси ойнасидан тўғрига қараб ўтирарди.

– Нима оласизлар? – Раҳимахон тилла тишларини ялтиратиб сўради.

– Э... кам-катак кўп. Баҳорга, у ёк-буёққа кийгани тузукроқ туфли олиб беринг деяпти бу қиз. Костюм керак. Ўзимга битта жемпер дегандай.

– Битта яхши туфлини беш юзга олса бўлади. Манови жемперни ўтган ҳафта саккиз юз элликка олдим, – Раҳимахон бемалол гапирарди.

Маҳбуба орқасига қайтгиси келди. Шу қизи-да. Ўзига-ку нима бўлса, бўлаверади. Яхшироқ кийими йўқлиги эсидан ҳам чиқиб кетади. Шу қизи-да. Олиш керак-да. Ўртоқларини кўриб, ўксинади. Ойда, йилда бир «олиб беринг» дейди. Бор пуллари уч юз ўттиз сўм. Нима келаркин?!

Раҳимахон тирбанд одамларни минг азоб билан ёриб ўтиб, уларни туфли бозорига етаклади.

– Сизга раҳмат, Раҳимахон, овора бўлдингиз, бозорингизни берсин, – Маҳбуба ҳозир сири очиладигандек у билан тезроқ хайрлашишни истарди.

Барзанги чайқовчи чиройли, пушти ранг, қошиқдек туфлини «беш юз олтмишдан ками йўқ» деб туриб олди.

– Нима қилдик? – Маҳбуба чуқур уф тортди. Қизига қаради. Юраги толиққаниданми, пастга оғиб кетаётганга ўхшади.

– Керакмас! Бизда текин пул бормиди! Баҳоргача оларман. Шунчага туфли олиб зарилми? – камгап Нодира ҳам алам устида гапира кетди.

«Ҳа, эсинг бор-да!»

Она-бола бозордан нонга седона, овқатга зира, болаларга курут, кўрпага астарлик олиб, уйга қайтишди.

Маҳбуба оғирлашиб кетган бошини кўтаролмай, ичкарига кириб, ётиб олди. «Тирикчилик ҳам ўлсин». Ҳозир кўз ўнгидан коп елкалаган чоллар, қўлида, бошида катта тугунлар билан букчайиб бораётган қишлоқ аёллари, ур-йикит билан автобусларга сиғмай, бир-бирини қисиб, оҳ-воҳ чекаётган оломон ўтди. Бошини қаттиқрок боғлади.

– Битта иссиқ овқат қил, – қизига зорланди у.

– Хўп...

Қизи итоат билан ошхонага кетган бўлса ҳам, Маҳбуба унга «қирмаса бўлармиди, ахир ўша ҳаммаёғи илма-тешик, совуқ ғувиллаб турган жойда қандай овқат қилади, миясини тешиб юборади-ку» деганча, жони ачишиб қаради.

У қизи келтирган маставани оғир бемордай, ётган жойида, ярим ўтирган кўйи ичди.

– Нима бўлди, ая? – Нодира ўйчан кўзларини аясига астойдил тикиб, ачинди.

– Ўзим... Билмасам... Майли, мени ўз ҳолимга қўй. Озгина дам олай...

У ҳозир шу лаънати рўзғор ҳақида тинмай ўйларди. Ўлсин, илойим. Шу рўзғорни деб юрагида жимиллаган ҳеч нарса қолмади. Эри ойлигини берганига суюниб юраверди. Қани энди ўша эр? Қани? Икки кун бетобланиб, ётиб қолса, бирров кўрса кўриб қолади, бўлмаса йўқ. Эшикни бир очиб, бу хотин ётгани-ётган, дегандай

норози қарайди. Илгари шундай қилса, йиғларди, Ҳозир эса – йўк. Тавба, кўзига ёш ҳам келмайди. Умидвор ҳам бўлмайди. Индамаганига шукр қилади.

Ҳозир ҳам ич-ичи ҳувиллаб кетди. Яна ўзини қўлга олишга уриниб, ўрнидан турди. Атрофда ҳеч ким кўринмасди. Қизи кир ювишга тушибди. Кичкинаси кўчада бўлса керак. Эрининг одатдагидек дараги йўк. Ўша хотини йўк, сўкқабош ўртоғиникида шахмат сураётган бўлса керак. Беғалва дунёда тинчгина яшаяпти.

– Эҳ, ёшлик! – Маҳбуба синиқ кулимсиради. Илгари бирпас ҳаялласа, кўзидан ёш думаларди. Ҳозир-чи? Ўзига ўзи қулоқ солди. Вужуди тинч. Жимжит. Ортиқча соғинаётгани ҳам йўк. Ўша ерда ўтирганига шукр қиляпти. Қовоғини солмаса бўлди.

Қизи ҳаммомхонадан оппоқ кирларни кўтариб чиқди.

– Совуқ бадан-баданингдан ўтиб кетгандир.

Қизи бош ирғади.

– Асти битмади. Ҳаммаёк бузук, – қизи қошларини чимириб, кир ёйишга тушди. – Тузук бўлдингизми? – Нодира онасига астойдил разм солди. Нозиккина гавдаси чўккандай, ўзига яна қулоқ тутди. Вужуди жимжит. Ҳувиллаган. Йигирма йил олдинги соғинчлари, туғёнлари қаерда қолди?

«Қани улар?» дея Маҳбуба бор овози билан бақиргиси келди. Шу рўзгорни эплайман, деб ... наҳот ҳаммаси тугади?

– Ая, келаси ҳафта битта курсдошимизнинг тўйи... – Нодира ёлборгандек онасига термулди.

– Ҳа... яна пул дегин... Бўпти-да!

Маҳбуба ўйга толди. Тўйга, қизининг бориш-келишига, овқат-озигига... камида юз сўм, эвини қилса, кўпроқ бериши керакдир.

У совуқ кунларда баттар шумшайиб кетган ҳовлисига разм солди. Э-хе, эркак киши қиладиган ишлар канча.

Ҳаммаси шижоати бор бир қўлга зор. Манови кириб чиқишаётган эшикнинг ҳам орқаси ўпирилиб, сувоғи кўчиб тушганига ярим йилдан ошди.

Маҳбубани яна хаёллар ўз домига торта бошлади. «Менинг муҳаббатимга ишонмайсан ҳеч қачон...» У мижжасидаги ёшни сидирди. Яна муҳаббатга сиғинди. Муҳаббатли кунларни эслашга, кўнглини озгина ёритишга уринди. «Севганимда, севдим, деб кувонибман. Йиллар ўтиб эса, бошқа нарсага зор бўлдим. Муҳаббат, мени ардоқловчи, авайловчи муҳаббат, сен қайдасан! Ўзи бор-мисан ёруғ дунёда? Агар бор бўлсанг, кел, ёнимга кел. Мен сенга саждалар қилай. Изингга бошимни кўяй...»

Йўк, ҳаммаси бекорчи хаёллар. Нималар деяпти ўзи? Қизи уни тушуниб тургандай хижолат тортди.

– Утиришимни қара, – Нодирага гапирди Маҳбуба. – Эртага душанба-ку! Иш-ку ахир!

Маҳбуба бор кучини тўплашга уринди. Тузалган машинада ақли шитоб ишлай бошлади.

– Қизим, кетишингга нон ёпиб бера қолай.

Маҳбуба вақтини бефойда хаёлга бериб қўйганидан ўқиниб, ўрнидан турди. Пешбандини астойдил белига боғлади. Супрани очди. Ун элаганча, бугун, эртага, ҳафта ичида қилинадиган ишларини режалаштиришга тушди.

– Дунё шу экан-да! Борасан! Келасан! Чопасан! Тавба, одам ҳам машинага ўхшаб қоларкан. Ўшанда ҳам биримиз икки бўлмайди-я! Сенга бор-будимни берсам, ойликкача яна анчагина қарзга ботарканман.

Нодира онасига раҳми келиб қаради:

– Истипендиям етиб қолар, ая...

– Э-э, пул ҳам ўлсин-а! Пулни эркаклар ўйлагани дуруст экан.

Маҳбубанинг хўрлиги келди. Уни бир бакуват қуш елкасига кўтариб, шу дунёдан озод этиб, олис-олисга олиб кетишини жуда-жуда истади.

Қани ўша қудратли қуш? Қани?..

## ВИСОЛСИЗ ИШҚ

Маъшуқа... Унинг ёши ўн саккиздан олисда, эллик ёшдан юқорида. Мен учун, яъни ҳикояни битаётган одам учун аҳамияти йўқ. Менга қалам тутқазган унинг кўзлари. У ҳамиша ишонч билан, дард билан чақнайди. Негаки, манзили битта. Интилаётган чўққиси ишқ ва Аллоҳ!

Мен билан бир замонда ва бир заминда яшаётган бу аёл қачонгина бу юксакликка кўтарилди? Қачон... У менга бундан ўн йил олдин юрак ёрганди:

– Ёзинг, – дея илтижо қилганди. Шундай ёзингки, ишқлилар кўнглининг тароватлари қоғозингизга тўқилсин. Шундай ёзингки, ишқсизлар кўзидан ҳам ёш чатнасин!

...Ошиқ ёки маъшуқа гоҳ шундай қийналадики, ҳеч йўл тополмайди. Охири «Аллоҳ! Жоним Аллоҳ!» дея нидо чекади. Назаримда, ана ўшанда ошиқлик поғонасидан кўтарилиб кетади. Бирок, уни ана шу баландликка ким олиб чиқди? Албатта, қалбига ўша чўғни, алангани ташлаган одам, яъни ошиқ олиб чиқди. Тўғрими?

Мен рўпарамдаги аёлга кулок тутаман. У энди мен учун оддийгина аёл эмас. У – ўша мен китобларда ўқиган Лайли каби!

Вужудим ловуллайди. Қаршимдаги аёлнинг яккаю ягона сирдошиман. Мен уни Сўз ила қоғозларга чизаман.

...Жоним пардасида асраганим – сен ...

Аёл бу рукнга етгунга қадар ширингина жони не-не азобларга гирифтор бўлмади. У муҳаббат аталмиш оламни кечроқ таниди. Бу олам чечаклари кўнгли узра сабза ёзганида қўлида иккита гўдаги бор эди.

У йиғлаб-йиғлаб, ўзини ўзи маломат айлади. Агар эри билса, одамлар билса, юзи қаро бўлади. Рўзғори хонавайронликка тутади. Болалари билан кўчаларда сарсонликда қолади.

У бутун аламларини уй юмушларидан олди. Кечалари тун ярмигача кир ювиб, кир ёяди. Тонг оқараётганда, тандирдан нонлар узади. Ер ичига кирганча, гулу райхонлар экади. Болаларини етаклаб, ишга отланади. Гуноҳкордай эрининг кўзларига росмана қаролмайди. Вужудига бу ўт, бу аланга қайдан келди?

Болаларини боғчага ташлайди-ю, шошиб ишга етиб боради. Ишхонада эса... Унинг сокингина юрагини тебратиб қўйган кимса ўша ерда...

– Василя! – у тез-тез рўпарасида пайдо бўлади. Нималарнидир сўрайди.

Васила вужудидаги бу туйғу қачон туғилди? Қачон содир бўлди? Ҳали ҳалигача билмайди. «Йўқ, яхши-си шу ердан ишдан кетаман!» – ўзига ўзи нидо қилади. Бу нидо миясига урилиши билан гўё танасидан жони чиқаётгандай ҳолсизликка тутинади. Уйга боргач, жонсиз одамдай тўшакка ёпишиб қолади. Ўрнидан туролмайди. Вужудини бир ингроқ, бир исмсиз оғриқ пармалайди. Болалари оёқ тагида ...оч, наҳор...ошхона, уй қаровсиз. Эри асабий, тажанг...

– Мен ҳеч қандай гуноҳ қилганим йўқ-ку, – илтижо қилади. Илтижоси ижобат бўлади. Зўрғагина ўрнидан туриб, қад ростлайди. Куч йиғади. Аранг ҳоли-беҳол ишга етиб боради.

– Василя! – остонада уни яна «ўша одам» қаршилайди.

– Эрталабда кўринмадингиз? Хавотир олиб, илҳақ бўлиб тургандим. Тинчликми?

– Ҳа, ҳа ... – хаёлидан ўтказади Василя, – мени йўлдан урган ана шу хавотирлик, илҳақлик. Бу одам доим менинг йўлимга илҳақ. Бу ҳақиқатни аниқ биламан. Нима учун-а? Нега энди?..

Ахир бу дунёда Василяга аталган бу қадар чексиз илҳақлик рўпарасидаги одамдан бошқа ҳеч кимда йўқ. Инсонга бахшида бўладиган бунақа узундан-узук –

гўёки ҳар бир лаҳзаси жон ҳовучлаб кутишдан иборат кунларни энди кўраётгандай, энди таниётгандай...

- Бироз бетобландим, – синиқ товушда деди Васи́ла.
- Нимага? Нима бўлди?
- Билмасам... Ҳозир анча дурустман.
- Касал бўлманг.

Васила хонасига кириб кетади. Юраги дукурлай бошлайди. «Менинг ишга судралиб келганимни билибдиларда...»

Ажабо, Васи́ла энди «ўша одам»га эҳтиром ила «лар» кўшиб гапиргиси келаётганини сезади.

Тушга якин хонасига яна «ўша одам» кириб келади.

- Васи́ла, тузукмисиз?
- Анча яхшиман, – чехраси очилиб қарайди Васи́ла.
- Ҳамиша мана шундай юринг! Ҳозир ҳеч касалга ўхшамасиз. Васи́ла буни бошлари билан тасдиқлайди.
- Ўзим ҳам сезяпман.

Ойлар, йиллар ўтади. Ҳар бир куннинг кайсидир дақиқалари жуда ширин. Қайсидир дақиқалари хавотирли, армонли. Васи́ла барибир шод. Дунёга келганидан, унинг таърифлаб бўлмайдиган неъматлари борлигидан хайратда.

Василанинг хаёлига бир ёмон гап келмайди. Ўша одам ҳамиша бир хил, меҳрибон. Василанинг жигига тегадиган ҳатто бир сўз айтмайди. Васи́ла ўйлайдики, дунёда шунақа яхши одамлар бўларкан.

Бир идорада ишлайдиганлар ҳаммаси шундай. Бир-бирига якин, бир-бирига меҳрибон.

Орада Васи́ла узоқ муддатли таътилга чиқди. Учинчи фарзандини топди. Уйда ўтирганида хаёллари ўзи ишлайдиган улуғ даргоҳга – мактабга қараб оқади. Хаёлига ўша одам келаверади.

Яқинда у киши илмий бўлим мудирлигига тайинланди. Васи́лага кўнғироқ қилиб:

– Энди ишга чиқсангиз ҳам бўлади, – деди эркалаган товушда.

Василанинг вужудига қаёқдандир куч оқиб келди. Гўдаги энди тетапоя бўлишига қарамай:

– Ишга чиқаман, – дея туриб олди.

– Учта бола билан-а, қийналасиз. Ҳали яна икки йил ўтирсангиз бўлади, – деди эри болаларини кўзи қиймай.

Васила сўзидан қайтмади. У ўзида қанақа кучи, имконияти борлигини ўша одамга – Акрам акага кўрсатиши керак.

Биринчи иш куни худди байрам бўлди. Рўпарасида куёш, майсалар... Бошлари айланди. Акрам акага дуч келганда, юзлари ловуллаб, кўзларидан ўт чиқиб кетаётгандай бўлаверди. Узоқлашганда эса, тўйиб-тўйиб йиғлагиси келди.

Бир куни шима бўлди-ю, сири фош бўлгандай, кўзларидан ёшлари сизиб кетди. Акрам ака бу ҳолни кўриб, Василага илтижо ила шундай «буйрук» бердики...

– Васиلاجон! Кўзингизда ҳеч қачон ёш кўрмай! Хўпми? Сизга бошқа илтимосим йўқ!

Ўшанда ҳам энди ўйласа, Василага гўдак экан. Ҳеч нарса уқмабди. Бироқ, вужудига бир оғиз сўз билан шундай бир қатъият кириб келдики... у гўё кўз ёшдан бардошга айланиб кетди. Кўкси тоғдек кўтарилди. Уйга бориб, тун ярмида уйғониб, ўз саводини чиқармоқчи одамдай, ошиқлар ҳақидаги китобларни топиб, титкилашга тушди. «Ўтган кунлар»дан Кумушни топди. «Алпомиш»дан Барчинни топди. Лайлига-ку ҳамиша ошиқ эди. Лайлининг ишқ саҳифаларини ҳижжалаб ўқиди. Бироқ хаёлида бирор ёмон гап йўқ. Василага гўё ўша маъшуқалар қанақа азоблардан ўтиб борган экан, – дея ўзига ибратми, юпанчми, нимадир қидираётгандай эди.

Бир куни қарангки, ўша одам кутилмаганда, бетоб бўлиб қолди.

Қорнида шундай қаттиқ оғриқ турдики... Кимдир Василани синфдан чақириб чиқиб кетди. Василага ўша

одам икки букчайиб ўтирган диван ёнига қандай етиб келганини ҳам билмади.

Оқ халатлилар етиб келишди. Игна санчишди. Дорилар ёзиб беришди. Василага ким нима деяпти, ким нима қилипти, билгани йўқ.

Қайноқ чой дамлаб, оқ қанд топиб келди. Ширин чойни «ичинг, ичинг», – дея Акрам акага тутди. Акрам аканинг оғриқдан қорайган, бугдой ранг, узунчок чехрасига хиёлгина кон югурди.

Василага йиғлагудай бўлиб, унинг кўзларига термулди.

– Озгина яхшимисиз?

Ўша одам сўзсиз бош силкитди. Василага миннатдор термулиб қолди.

Василага дорилар ёзилган қоғозларни докторлар қўлидан ўзи олгани энди ёдига тушди. Катта танаффус тугаб, синфга чорловчи кўнғироқ жиринглади.

– Тўртинчи соатда дарсим йўқ. Мана бу дориларни ўзим топиб келаман, – Василага шошганча эшик томонга йўналди.

Акрам ака:

– Василага, овора бўлманг, ҳали оламиз, – деганича қолди.

Ўша одам анча ўзига келгандан кейин, Василага айтди:

– Докторлар қорнингизда санчиқ турган, дейишди. Ичакларингиз шамоллаганга ўхшайди. Энди совук чой ичманг. Совуған таомларни еманг, хўпми?

– Хўп, – ўша одам кулимсираб қўйди ва Василага қарздорлик билан қараб, Василадан ўзига ҳеч ким эшитмай диган товушда бир оғизгина сўз айтди.

– Меҳрибоним ...

«Жоним пардасида асраганим – сен...»

Василага ҳали ўшанда бу рўқига етгани йўқ эди. Ана ўша «бетоблик» воқеаси содир бўлди-ю, ўша одам Ва-

силанинг кўзларига гоҳ-гоҳ нимадир қидираётгандай караб-караб қўяётганини сезадиган бўлди.

Қайсидир китобда ўқиган эди. Ўзи билан курашаётган одам энг кучли одам дейилганди унда. Василага ҳам назарида ҳар куни, ҳар лаҳза фақат ўзи билан курашди. Вужудидаги туйғулар алангасида ёниб, нимадир топди, қайсидир туйғулар чўққисига етди. Эҳ...хе... Орадан ўн етти йил ўтди. Болалари бўй етди. Бу аланга совумасди. Қайтага вужудига кириб келган бир нур умрини ёритаётганини сезди.

Мақтабга келиб, ўша одамни узоқдан бир кўрса, бас.

Кўнгли тўк. Чарчаш нима эканини билмайди. Ўқувчилари билан ижод қилиб яйрайди. Гўёки, ўзини бир тоғнинг елкасида тургандай сезади. Бу тоғнинг ҳавоси умрбахш. Дунёда уни кутадиган ва ҳар лаҳза унга илҳақ турадиган одам бор. Шунини билади, шунини англайди, холос.

Василадан атиги тўрт ёшгина катта бўлган Акрам акани бир куни жарроҳлик столига ётқизишди. Василага негадир ўша кеча ухломасди. Кўзидан қуйилаётган ёшларини йиғиштиролмай қийналиб кетди.

«Агар ўша одамга бир нарса бўлса, борми... Ўзинг шифо бер, ўзинг асра, Раббим!» – дея илтижо қилди.

Шунақа бир шеърни ўқиганди. Унинг фақат бир сатринигина такрорларди. «Жоним пардасида асраганим – сен».

Қайсидир газетадан қирқиб олган бу шеърни қидиришга тушди. Ўзига таскин излаб...Эҳ, юракдаги бунақа дардни кимга айтиб бўлади-я...

*Жоним пардасида асраганим – сен,*

*Кўзим қаросида асраганим – сен,*

*Гуллар нафасида асраганим – сен,*

*Қалбим яросида асраганим – сен.*

*Тилагим, Аллоҳим сени асрасин!*

– Жоним пардасидаги, эй, азиздан азиз кишим, Сизни Худо ўзи асрасин.

– Ўтган йиллар-а, сиз кўксим узра не сиру синоатларни яратибсиз-а... – ўзига ўзи шивирлайди Васида. – Яратганим, ўзингга илтижо қиламан, унга умр бер. Соғлик бер. Ўшанда кўнглим чароғон бўлади. Майли, ортиқча бойлик, зебу зийнат керак эмас. Фақат, соғлик бўлса, бас.

Бирор ойлар ўтиб, Акрам ака касалхонадан чиқди. Ичакда ёрилиш содир бўлиб, аввало Аллох, кейин шу докторлар урина-урина саклаб қолишди.

Бир ой давомида Васида бори-йўғи икки марта касалхонага борди. Хотини ёнида экан. Анча кўнгли тўк бўлди. Лекин хаёли, ўйлари... Бир лаҳза, бир лаҳза ўша одамнинг ёнидан кетмади, ҳатто тушларида ҳам хавотирланиб, ёнига етиб борарди. Мактабга келса, одамлар суҳбатига кулок тутади. Ҳамкасб йигитлар тез-тез боришарди. Васида улардан ҳеч иккиланмай, бор меҳри билан сўроқлашдан чарчамайди.

Шоирнинг ўша «Кўзим қаросида асраганим – сен» рукнини ҳам англаб етди. Қайси тарафга қараса, ўша одамнинг нигоҳи... Унга малоли тегмайдиган интиқ назар... Ўша неча йиллар олдин айтган бир оғиз сўзи...

– Меҳрибоним...

– Дунё – бу муҳаббат, дунё – бу севмоқдир... Агар кимнидир жон-дилини билан севмасанг... рости, яшашнинг ҳам қизиғи йўқ... – Васида аёллар даврасида ишонч билан гапирди.

Акрам ака ишга чиқди. У энди ўзини авайлаб қадам ташлайди. Васида қаерда бўлса ҳам, унинг ёнига чопиб келади. Унинг оҳиста қадамларига, қоқиниб кетмаса, дегандай чўчиб туради. «Гуллар нафасида асраганим – сен».

Бетоблик сабаб бўлди-ю, Василанинг назарида ҳаммаси ошкор бўлди. Бир куни Акрам акани яна оғриқ тутди. Васида унга ҳамдард бўлганча, йиғлаб юборди.

– Намунча-я, оғриқлар Сизни бўшатмайди-я, – ажабоки, у ўзини яширолмай қолди.

– Йиғламанг, тузалиб қоламан, – деди Акрам ака. – Сиз ёнимда бўлсангиз, албатта тузалиб қоламан.

Васила вужудига электр токи улангандай, чўчиб кетди. Жон-жонига оғриқ кирди. Уйга етиб бориб, хўнг-хўнг йиғлади. Астойдил ўша одамнинг ёнига етиб боргиси келди. Худди у вужудининг ярмидай асрагиси, асрагиси ва яна асрагиси келди.

– Телба! Аҳмоқ! – ўзини ўзи маломат айлади.

Бироқ, ўздан ўзи қочиб қутулолмади. Кун сайин, соат сайин бу дард жон-жонига бир умр ёпишганини сезди. Гоҳи вужуд-вужудидан қон чакиллаб оқаётгандай бўлади.

«Қалбим яросида асраганим – сен».

«Дунё сир-асрори нима экан, десалар, бу ишқ эканми-я... Эй, оламни, кўнглимни Яратганим! Сен шундай қудратлисанки... Кўнгилдаги кашфиётларни факат сен яратасан. Бу иш, бу ишқ Сендан ўзга ҳеч кимнинг қўлидан келмайди.

Сен қалбимда қандай қаср бино этдинг, Раббим! У қасрга кириб, мен сени топдим, сени кўрдим. Яратган ҳар бир яшил гиёҳингнинг шивирини эшита бошладим. Одамзот кўнглига ишқ ташриф буюрганида, у ҳам боқий оламга айланар экан. У энди ҳеч қачон ўлмайдигандай. Тупроққа кўшилиб кетганида ҳам шу азоблардан яна кўкариб, интиқлик билан яшайдигандай.

Мен ишқ деган асрорни сенинг улуғ банданг орқали танидим. Лайли Мажнун орқали танигани каби... Яратганим! Ўша одамга икки дунёда таъзимим бор. У мен учун шундай азизки... У менга дунёни кўнгил кўзлари билан, меҳри, саховати билан кўрсатди, англатди. Яна қандайдир сўзларга сиғмайдиган ҳикмати, шарофати билан ишора қилди. У кўнглимни гулдай ардоқлади. Мен

кўтара олмайдиган бир сўз айтмади. Хаёлимда уни минг қаватга ўралган оқликлар орасида кўрдим. Ундан ўзга ҳеч кимни бундай ҳолатда кўрмадим. Мен уни ўз жонимдан ҳам яқинроқ ҳис этдим.

Гоҳи ... гоҳи ... тунлари, гоҳи... ҳеч ким йўқ пайтларда шундай тўйиб йиғладимки ... Кўз ёшларимдан кўнглимда ажиб, гулгун, жаннатий чечаклар очилаётганини кўрдим. Енгил тортдим, – Василадан ҳар куни, ҳар куни ўзини минг бир чиғирикдан ўтказди.

Биз инсонлар ҳам моддий борлиқда боқий эмас эканмиз. Қайси бир оғир кунда, беҳилар гуллаб, оппоқ гулбарглари ерга сочаётган фаслда Акрам ака ёруғ дунёни тарк этди.

Гўё, гўё... Василанинг бошларига тоғ ағдарилиб тушди. Яхшики, яхшики, одамлар орасида ҳушидан айрилиб, ҳижолатга қолмади. Акрам аканинг тобути лопиллаб, шошиб йўлга тушганини кўриб, Василадан турган жойида қотганча, ишонмасди.

– Наҳотки... Бизни, одамларни қанчалар яхши кўради-ю... Кўзи кийиб, қандай ташлаб кетяпти-я... Ишонмади. Ўзида не ҳолатлар содир бўляпти, билолмади.

Эри ҳам, кап-катта болалари ҳам, ўзи истамаса-да, кўз ёшлари булоқдай сизиб, тўхтамаётганини, тўхтата олмаётганини аниқ кўриб туришди.

Василадан ўттиз йиллик турмуш ўртоғидан шундай миннатдор бўлдики... Тўкилаётган кўз ёшларида эрига бўлган раҳматлари ҳам бор эди. Фақат, бу туйғулар сўзга сиғмасди, холос.

Эри хотинининг бу ҳолатидан ич-ичидан жаҳлланаётган бўлса-да, дилини оғритадиган бир сўз айтмади.

Василадан атрофда очилиб турган гулларга бошини кўтариб қаролмади. Бундай пайтда нафис гулларга қараш қийин экан. Гўё кўзидаги улкан ғам уларга урилиб, бир зумда гулларни ҳазонга айлантириб, ерга қориштириб

юборадигандай эди. Кўзларини қаерга қўйишни билмади. Назарида дунёда таскин йўқдай.

Яна ўша одамнинг ўзи ғамларига оро кирди. Ҳар куни тушларида Василани йўқлаб турди. Ҳамон ўша-ўша! Меҳрибон ва содиқ. Ўқтам овозлари кейинчалик ниҳоятда хасталаниб кетган эди. Қулоғида дардманд, хаста товушлар билан уйғонадиган бўлди.

Бир куни Акрам ака:

– Васиلاجон, ўқиганмисиз ёки эшитганмисиз, ўзлари бошқа-бошқа жойда яшаса ҳам, руҳи битта одамлар бўларкан. Биз ана шунақа, руҳимиз битта, – деган эди. – Бундай одамларни ҳатто ўлим ҳам ажратолмайди.

Ўшанда Василага ўзини ҳеч нарса тушунмаган одамдай тутишга ҳаракат қилди. Бу сўзларга жавобан ҳеч нарса демади. Худди ўзидан ўзи қочиб, синфга шошилди.

Акрам ака оламдан ўтганидан роппа-роса ўн кун ўтиб, Василага тушида аниқ-тиниқ шундай деди:

– Васиلاجон! Муҳаббат билан узатилган қўлни болта чопмас экан.

– Ё тавба! Акрам ака тушимда келиб, нега бундай деяпти? Муҳаббат – гуноҳ эмас экан, мен бу ҳақиқатни бу ерга келиб, билдим, демоқчи бўлдим-я, – ўзига ўзи шивирлади Василага.

– Биз «Муҳаббат» деган сўзни тилга олиш ҳақида ўйламаган эдик шекилли... – Василаганинг хаёллари сочилди. – Мен нима бўлса ҳам бир ҳақиқатга етдим. Дунё муҳаббатдан яралган экан. Мени бу чўққига Акрам ака олиб чиқди. Энди энг сўнгги нафасимда ҳам ўша одамга таъзим билан кўз юмишни ўйлаяпман, холос.

Гоҳи-гоҳ Василага ўша одамни жуда соғиниб кетади. Бир кўргиси, овозини эшитгиси келади. Истаса-истамаса кўзларидан аччиқ ёшлари қуйилиб кетади. Ўша куни албатта, албатта Василани ортиқча зорлантирмай, кўнглини изиллатмай Акрам ака тушига киради. Ров кўри-

ниб, кўлига нимадир беради, кўзлари билан меҳр ташлаб кетади. Васида кўзини очиб, дунёни яна ёруғ нурлар билан кўра бошлайди Қанча муаммолар рўпарасида турган бўлса ҳам, уларни енгшига ишонади. Биладики, бир кун умри поёнига етади ва охирада ўша якин одамани учратади.

Ҳамиша кўнглининг тубида бир ёруғлик балкиб кўрилади. Унинг чароғонлигида оламга соғиниб қарайди. Назарида ҳар яшил япроқ дунёга ишқ изҳор этаётгандай. Бу сирли олам кўзимиз кўриб турган зоҳирлигида қанча бўлса, биз кўролмайдиган кўнгил кашфиётларида унданда чексиз эканига амин бўлади.

– Эй, дунё! Биздан сенга фақат ишқ қолсин. Севмок қолсин, севилмок қолсин. Ҳижрон қолсин, азоблар қолсин, дийдор қолсин, – дейди гоҳи ўзига ўзи.

Бир томчи шабнамда қуёш ялтиллаб кўрингани каби, гоҳо унинг кўзларидан чатнаган ёшлар нурга қоришгандай сизиб тўкилади...

...Мен Василанинг қайсидир изҳорларинигина битдим, чоғи... Ростининг кўксигаги, кўзидаги ёлқинларга ўзим ҳам тутшиб кетгим келди.

## ҚАТРАЛАР

### ЯХШИЛИКЛАР МАЙДОНИ

Майдон – бу албатта, ернинг устида, осмоннинг остида бўлади. Биз ўтирган сўри, биз яшаётган ёки ишлаётган даргоҳ, маҳалла, кишлок, юрт каби. Бирок, ана шу жойлардаги яхшилик майдони, масофаси қанча экан?

– Фалончининг келини кайнонасига овқат пишириб кўяр экану, ҳеч қачон гапирмас эмиш...

– Ё тавба! Астаффируллоҳ!

– Фалончи ака-укалар ёнма-ён ҳовлида яшаб, гаплашишмайди.

– Фалончи эр-хотинлар ҳам шунақа... Фалончи кўшниллар, овсинлар, ҳатто бир қориндан таллашиб тушган опа-укалар ҳам...

– Ё тавба!

– Мана шу майдонлар – дўзахнинг ўзи, – дейди билганлар. – Улар ёруғ дунёнинг ўзида ҳам дўзахда яшаб, дўзахни кўпайтириб, Онажон-еримизни ҳам қийнаб юборишяпти.

Ахир бунақа меҳрсизликдан биринчи ўринда бизни кўтариб турган еримиз оғирлашиб кетаркан. Ер қийналган сари турли кўнгилсиз воқеалар, қутилмаган ўлимлар, фалокатлар содир бўлади, – дейди билганлар.

Шундайэкан, нима қилмоқ керак-а?

– Фақат яхшилик!

Эҳ, дўстим, биздан, Сиздан нима кетяпти. Меҳрларимизни ёнимиздагиларга аямай сочаверайлик! Меҳрни сочган билан тугамайди-ку! Меҳр – кўнгилнинг улуг неъматидир. Уни ҳам ҳуда-беҳуда исроф қилиб бўлмайди, – дейди кўпни кўрганлар. Шундай бўлса ҳам, меҳрлироқ, кечиримлироқ бўлмоғимизга нима етсин.

Яхшилик майдонларини фақат яхши, кечиримли одамлар кенгайтирадilar. Яхшиликдан дунёга нурлар таралади. Хонадондаги тинчликдан, кўнгиллардаги хотиржамликдан она-ерга енгилликлар етиб боради. Тўйлар кўпаяди. Яхши фарзандлар дунёга келади. Гуллар, чаманзорлар бунёд бўлади. Ризқларимизга баракотлар киради.

Яхшилик майдонларини кенгайтиришга ҳиссаларимизни кўшайлик.

## УСТОЗЛАРИМ

Инсон қайсидир юксакликка чиқиб борар экан, унга албатта кимдир мадад беради. Устозлик килади. Одам қайсидир ёшга етганда, ўз-ўзидан унга кўл чўзганлар, йўл кўрсатганлар, сабоқ берган, маслаҳат берганлар ёдига тушаверади.

Бугун шундай бир йиғин... Қаранг, ортимизда ёшлар. Олдинга қарайман. Саноклигина устозларимиз қолибди. Қани ўша меҳрини дарё қилиб, бизга тутганлар? Оғзидаги ошини илинганлар қани?

Ўзини эмас, кўпроқ бизни ўйлаганлар қани? Уларсиз, ўша кадрдон устозларсиз, ростини айтганда, биз ҳеч ким бўлолмасдик. Улар кўзидаги меҳрни, афсус, бугун ҳеч кимдан тополмаяпмиз. Афсус, ҳеч кимнинг меҳри уларникига ўхшамайди. Устозлар отангга, онангга жуда-жуда ўхшаб кетади.

Уларнинг кўзларига қараб, ҳатто ўз миннатдорчилигимизни, раҳматимизни қандай изҳор этишни билмай, лол, жим қоламиз. Вужудимиздаги уларга туташган меҳрни устозлар сўзсиз тушунадилар, кадрлайдилар. Дунёнинг шунақа беминнат неъматлари борлигига шукурлар бўлсин-а! Афсус, уларни кўзларимизга суртайлик деганда тополмай қоляпмиз.

## ЖАННАТУ ЖАННАТ...

Кимлар учун ўз туғишганлари даврасида ўтириш – бир жаннат... Отажонинг, онажонинг – тўрида, бир ёнда-аканг, синглинг, уканг, жиянларинг... Уларнинг кўзлари – жаннат. Негаки, бу кўзларда сен учун тўкилиб-тўкилиб турган беминнат меҳр чўғлари бор. Бу чўғлардан хоҳлаганча олавер, юракларингга солавер. Куч-кувват бўлади.

Ҳаёт сўқмоқларида қийналган бўлсанг, бу чўғлар тафтида исиниб ол ва яна қаддингни ростла! Бундай жаннатлар ҳаммага ҳам насиб бўлавермайди. Нега? Негаки, бу гўзал лаҳзаларга етиш ўзимизга боғлиқ. Туғишганлар ўртасига пул, бойлик аралашса, умидворлик, таъма, ҳисобкитоб аралашса... тамом, ўша жаннат биздан узоқлашиб бораверади. Яхши туғишганлар ўртасида шундай ишонч бор: “Бир-биримизда қолиб кетармиди!”

Ҳа, худди шундай. Сочган меҳримиз ҳам, агар биздан кетган бўлса, озгина сарф-харажатиимиз ҳам ҳеч қачон қолиб кетмайди.

Туғишганлар – узилмас арконлар-ку! Ўша арконга қилча бўлса ҳам қувват бўлишни орзулаб қадам ташласак, лим-лим меҳр чашмаси кўзларимиздан тошаверади.

Сиз-чи? Сиз нима дейсиз, азизим...

## МЕН НИМАНИ ҚИДИРЯПМАН?

Кўлимда қалам, рўпарамда оппоқ қоғоз. Мен унга сўзлар маржонини тизишим керак.

Узоқ ўтирдим. Дунёдаги энг гўзал сўзларни излаётгандекман.

– Мен нимани қидиряпман ўзи?– ўзимга ўзим савол бераман.

– Энг дурдона сўзларни, қувват бўлгувчи, олдинга, яхшиликка етакловчи сўзларни...

Ватан... Мехр ... Ер ... Баҳор ... Булок ... Осмон ... Қуёш ... Муҳаббат ... Ишқ... Ризқ ... Насиба ... Дўст...

Қандай яхши! Бизни қўллагувчи, дилимизга чўғи хароратлар ташлагувчи сўзлар шу қадар кўп эканки...

– Сўз – бу ҳаракат! – дейди донолар. Яхшиликни бино этгувчи ҳам – сўз! Ёмонликни барпо этгувчи ҳам – сўз!

Ҳар бир сўзнинг жаранглаши – ҳаёт ғилдирагини айлантиради. Яхшиси– яхши томонга, ёмони – ёмон томонга.... Шундай экан, ёмон сўзларни луғатимиздан ўчириб ташлайлик! Кўзга эҳтиёт бўлган каби Сўзга эҳтиёт бўлайлик!

Менинг қийналиб – кидирганим, билдимки, бу – Яхши Сўз экан!

## МЕНИ КЕЧИРА ҚОЛИНГ, АЗИЗИМ...

Азизим, дўстим, биродарим ...

Биламан, мен хатоларга кўмилиб яшагувчи бандаман.  
– Нега дейсизми?

Айниқса, одамлардан қарзим кўп. Кимдир меҳр тутган, мен бўлса, бепарво ўтиб кетгандирман. Кимдир уйимга йўқлаб, излаб келган. Мен бўлса, ҳамон етиб боролмаяпман. Ўз юмушларимга ўралашгандан-ўралашганман. Кимдир тутган ризқ-насибадан тотиганман. Мен эса битта нонини ҳам қайтаролганим йўқ. Бунақа қарзлар жуда кўп.

Биттагина ўтинчим бор. Яъни билиб қўйингки, мен Сизларнинг ҳаммангизни яхши кўраман. Севаман. Гоҳи ўлтирганча, Сиз учун энг яхши ниятларни қиламан. Сиз уларни билмайсиз...

Ўтинчимки, мендай ёмон биродарингизнинг қачондир кўнглингизга малолли тушган бўлса, яхшиси, кечириб қўя

қолинг. Ахир, Сиз дунёдаги энг яхши инсонсиз-қу! Кечиринг, кечиринг ва яна сўрайманки, кечиринг. Ўшанда иккимизга ҳам енгилликлар ва омонликлар бўлади.

## ҲАРАКАТ – ҲАЁТ!

Тўқсон ёшга етса ҳам ҳаракатлари бинойидек одамларни кўрдим. Вақтида таҳоратлари, вақтида намозлари...

Уларнинг таянч нуқталари нима экан-а?

Билдимки, бу— ҳаракат ва жисмоний машқлар... Жисмоний машқлар деганда, менимча, бу фақат югуриш эмас. Уларни хоҳласангиз ўтирган ҳолда бажаринг, хоҳласангиз ётган ҳолатда... Бу— Сизнинг ихтиёрингиз. Лекин бирор кун қанда қилмаслик – асосий қоида!

Иккинчи таянч нуқта – кайфият! Яъни кайфиятни бўлар бўлмасга бузилишдан асраш!

Ҳар қандай ҳолатда, қутилмаган воқеа-ҳодисалар содир бўлганда, энг аввало «Аллоҳга шуқур!» – дея розилик билдириш – бу ўзимизни ва ўзгаларни асрай билишдир, – дейди донишмандлар.

Учинчи таянч нуқта – сабр!

Ҳар бир ишни хотиржамлик билан қабул қилиш, бажариш, охирига етказиш – бу сабрлиларнинг гўзал оламидир. Тилагимиз, Яратган ҳаммамизга узоқ ва баракотли умр ато этсин. Гоҳи бир лаҳзалик гўзал, чиройли умр – чакмоқ мисоли зимистон оламини ёритса, не ажаб! Ҳаракат – ҳаёт ҳамишалик ҳамроҳимиз бўлиб қолиши керак!

## ТЎЛҚИНЛАР

Тўлкини бўлмаса, дарёга ким қарарди? Дарё бўлиш осон эмас. У гоҳ шошади, сўнг тошади. Қайсидир манзилларга бориб, чўлиққанларга обиҳаёт бахш этади.

...Қанчадан буён бетоброқ, вазминрок, уйдан кўчага чиққиси келмай, ҳаётдан узилгандай бўлиб турган орасига сингил юзланди:

– Опа, Тошкентга борайлик, бир айланиб келамиз...

– Қувватим етармикин?

– Етади. Бемалол етади. Ҳаво алмаштириш Сизни соғайтириб юборади.

– А? Ростданми, – опанинг ҳам дили бир тебраниб олди. Хаёллари хиёл бўлса-да, олисларга учди. Ёшлигида Тошкентга кўп борарди. Кенг кўчалар, улуғвор бинолар, табаррук инсонлар дийдори... Трамвайлар, троллейбуслар, кейинчалик метролар... Тошкентдан доим нимадир топиб келарди. Рости, чўғлар, янги довларга интилишлар, меҳнат қилишга янги рух, куч олиб кайтарди.

– Борамиз, албатта борамиз! – опанинг қарори қатъий эди. У ўзининг соғая бошлаганини, хуруж қилаётган касалликлар чекинаётганини аниқ сездди.

Ҳа, опанинг ҳам дарёлиги тутди.

## СУВГА ОҚДИМИ, ҚАЙГА ОҚДИ?

Сен, эй бола! Пойдевори мўрт бола! Онаси дунёнинг бир четида-ю, отаси бир четида бўлган бола! Сен кимларнинг хатоси бўлиб туғилдинг-а?

Сенинг айбинг нима эди?

Аслида сенда айб йўқ! Айб – отангда! Айб – онангда!

Хато-ку, содир бўлди. Энди уни ким тузатади? Йўл кўйилган битта хато шундай кўпайиб, урчиб кетдики, сенинг парваришсиз майиб, мажруҳ тарбиянг энди кўпларни азият чектирмакда. Юракларга жароҳат етказмакда.

Сен бир ниҳол бўлсанг, сенинг қийшайиб ўсган шохларинг тўғриланар. – дея умид қилиб, кўплар сенга қўл

чўзди. Ўзгармадинг! Кўплар сенга меҳр тутди. Сен уларни кўрмадинг ҳам, эшитмадинг ҳам. Кўзларинг худди юмуққа ўхшайди.

Тарбия, инсон тарбияси шу қадар нозик иш эканки, у наққош ишидан ҳам мураккаброқ... Игна билан қудук қазишга ўхшайди. Фақат игна билан... Агар игна ярим йўлда қолиб кетса ёки синса... тамом. Битта инсон умри бекорга кетди, деяверинг. Ундан ҳеч ким сув ичолмайди.

Бугун умидларим пучга чиқиб қолгандай. Сенга узатган кўлларимни тортиб олгим келяпти. Қудук қази-моқчи эдим. Игнам синдими, йўқолдими, билмадим. Нима бўлди?

Ҳозир бу ҳақда ўйлагим ҳам келмаяпти. Фақат билияманки, мен тузатмоқчи бўлган хато хатолигича қолмоқда. Ва у менинг бошимни оғритиб, зирқиратмоқда. Фақат – сўнгги умидим Оллоҳдан. Ўзи сени яхши йўлга йўлласин. Қалб кўзларинг очилсин. Сенга берилган умр – имтиҳон эканини англаб етсанг, бас! Тўғрилиққа, ҳалолликка қани эди-я етиб олсанг! Қани эди манманлик жаридан ўзингни қутқарсанг. Қани эди мен истаган инсон бўлиб, рўпарамда қаддингни ростла-санг, жигарим! Қани эди отанг, онанг йўл қўйган хатони мардоналик билан сен тузатсанг ва аждодлар, авлодлар сулоласига зийнат, кўрк бўла олсанг! Худди ... Худди...

Бир бўлажак донишмандни ўртоқлари маломат қилиб:

– Сен ким бўлиб қолибсан? Сенинг онанг – фоҳиша-ку! – дея маломат тошларини отганда, у:

– Авлодим – мана энди мендан бошланади, – дея катта масъулият билан жавоб берган ва бир умр ўз сўзлари-га содиқ қолиб, дунёдаги энг машҳур файласуф – дониш-манд бўлиб ном қозонишга сазовор бўлган экан.

Сенга ана шу улуғ инсон изланишларини тилай-

ман. Агар сенда мақсад бўлса, яхшиларнинг этагини маҳкам тут. Бировлар ҳақидан кўрқадиган ҳалол одамлар ҳалқасида бўл!

### ҚЎЛИ УЗУН РАҲБАР

Бугун у – раҳбар. Унинг қўли узун. Анча-мунча жойга етади. Ажабо, қўли етган жойдан ҳамирдан қил суғургандек суғуриб олади. Вақти келса, ўмариб олади, ўпириб олади.

Халқимиз кўп андишали-да. Кўради, билади, аммо юзига бир нарса дегиси келмайди. Бироқ, ҳамма ўз ичида баҳосини бериб бўлган. Яна халқ шуни яхши биладики, эл ризқини қийиб, ютилган бир лўкма бир куни бурундан булоқ бўлади. Бу – минг йиллар давомида тасдиқланган ҳақиқат. Ҳатто, у етти авлодни заҳарлашга, жабрлашга етиб ортади.

Қўли узун раҳбарнинг ана шунга фаҳми, фаросати етмаса, нима ҳам деймиз. Бугун қариллаб юраверсин. Оқибатини эртага кўрамиз. Биз кўрмасак, бошқалар кўради. Бироқ, энг ёмони ўзига, кейинги келадиган авлодига бўлади, холос. У ўшанда ҳам бу кўргуликларни ўша ҳаром лўкмалардан деб билмайди.

Қўли узун раҳбар, қани эди, эл учун, бошқалар учун, етимлар учун озгина саховат кўрсатса... Қани эди ... У ўзидан ўзгани кўрмайди...

### ҚАРҒИШ

Қарғишнинг нима эканини яхши билмаганимиз учун, балки, ана шу ўқ сўзлар тилимиздан бемалол отиллаверади. Халқимизда «Айтилган сўз – отилган ўқ!» – деган гап бор. Бу– ўша қарғиш сўзлар ҳақида айтилган ибора бўлса, ажаб эмас. Негаки, ахир ўша отилган ўқ қаергадир бориб санчилади. Кимнидир хонавайрон қилади.

Ҳаётда ўз туккан боласини қарғаганларни кўрдим.

– Келинимга айтдим, – дейди ўша она, – илоё тузалмас дардга колгин, – дедим.– Ичагидан операция бўлди, жигаридан операция бўлди. Соғ куни йўк.

– Ўғлимга айтдим, – дейди яна ўша она, – илоё топганинг касалга буюрсин, – дедим. Битта мотороллери бор. Тариллатиб чошиб, топган пули хотинининг касалига кетяпти.

– Энди шу азоблар ичида, болаларингизнинг бир яхши кунсиз яшаётганини кўриб, кўнглингиз тинчми? – деб сўролмадим ўша онадан.

Бироқ, у қадар пушаймон ҳам эмас онахонимиз. Қайтага «она кўнглини оғритишнинг оқибати шу- да!» – демоқчи ва дуоибадлари беиз кетмаганидан ва ўзининг «кучли»лигига ишора қилаётгандай гапиряпти.

– Яқинда келиним узр-маъзур айтиб, олдимга кирди, – дейди она.

– Бувижон, мени бир дуо қилинг, – деди.

– Бу дуони Сиз йигирма йил олдин сўрашингиз керак эди, келинпошшо, – дедим. – Вақти келганда, йиллаб менга орқа қилдингиз. Кўриб колсангиз, хатто салом ҳам бермай ўтиб кетдингиз, – дедим. – Ҳамма хатоларини биттама-битта юзига айтдим. Барибир дуо қилдим. Билмадим, энди бу дуолар ижобат бўлармикин?

Онанинг оғриган кўнгли, қарғишлари, фарзандларнинг йиллаб бемору оғриқлар ичида яшаётгани ҳақида ўйлаб колдим. Ва ўз-ўзимга шундай хулоса қилдим:

– Шундай бир эҳтиётли муомала бор эканки, бу – оталар ва болалар, оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабат экан. Аввало, ота-оналар дили оғримасин, ўксимасин... Оғриси борми, улар бир сўз айтмаса ҳам, оқаётган ариғингиз куриб қолиши ҳеч гап эмас...

Бу ёруғ дунёни намунча қарғишларга, беаёв отилаётган ўқларга тўлдирмасак-а! Дунёмизни ва умрларимизни қарғишлардан асрайлик, одамлар!

## КУЁШДАН САЧРАГАН НУРЛАР...

Куёш кўтарилаётган палла. Осмон – бошимизда соя-бон. Умид билан осмонга тикиламан. Сочилган пахта-дек-пахтадек булутлар устидан қизғиш заррин нурлар югуртирилгандай. Худди нафис рангин кашта.

Ҳа, куёшнинг илк нурлари аввало осмонга сачрар экан. Демак, бугун куёш чараклайди. Уч кундан буён тинмай ёққан ёмғир остида эзилган она-еримиз кўксига ҳам илиқлик югуради. Майсалар қад ростлайди. Дарахтлар яна осмонга бўй чўзадилар. Олам нурга чўлғонади.

Инсон кўнглидан кўнгилга сачрагувчи меҳр нурлари ҳам худди шунақа эмасми... У инсон қаддини тиклайди. Кўнглини кўтаради. Яшашга куч-қувват бағишлайди.

## ТУШДАГИ ШИРИНЛИКЛАР

– Қаерга борсангиз, дастурхонда ўтирганда, албатта, ширинлик тотиб қўйиш керак, – дейди онам бизга тез-тез эслатиб. – Яъни, яхши ният билан ейиш керак. Дастурхон солган хонадонга ширин кунлар бўлсин, деб, ўшандай кунларни ўзингизга ҳам, бошқаларга ҳам соғиниб ейиш керак, дейдилар.

Халқимиз келин сарполар, куёв сарполар қатига ҳам ширинликлар солишади. Уларнинг бошларидан, оёқлари остидаги поёндозларга ихлос, муҳаббат ила қанд-курслар сочишади. Булар бежиз эмас, албатта.

...Сафарга боришимиз керак эди. Оёқ гоҳ тортади, гоҳ тортмайди. Иккиланиш... Яна иккиланиш... Туш кўрибман. Тушимда кимдир ликобча тўла ширинликларни менга узатди. Уйғониб, бу тушдан кайфиятим очилиб кетди.

– Бу сафаримизнинг хайрлилигидан дарак, – дедим хулоса қилиб.

Йўлга отландик. Ўн кунлик сафар – даволаниш мен ўйлагандан-да зиёда бўлди.

...Кимдир Сизга бир дона қанд узатади.

– Оғзингизга солинг, – дейди илтифот билан, – ширин бўлади.

Ўша одамга дунёдаги энг ширин сўзни айтасиз:

– Раҳмат ...

Гўёки, сўзларимиз, феълу атворларимиз ширин бўлиб кетади.

Тушдами ё ўнгдами, бир-биримизга ширинликлар улашиб, чарчамайлик, биродарлар. Токи умримиз ширин бўлсин... Кунларимиз ширин бўлсин...

## ҲАЁТНИНГ ГЎЗАЛ ЙЎЛЛАРИ

– Яшаш фақат армон, афсус, ғамдан иборат эмас. Унинг чиройли лаҳзаларини ўзимиз яратишимиз керак. Гўзал йўллари кўп. Ана шулар ҳақида ҳам ёзинглар, – деди бир куни доно биродарларимиздан бири.

Ўйга толдим. Гўзал йўллари хаёлан изладим. Ва уларни ўзимча кашф этдим.

Ҳаётнинг гўзал йўли – аввало Аллоҳ берган кўнглимиз, қалбимиз. Ерга нур тўкилмай туриб, биз бу қалб эшигимизни тақиллатиб, чиройли калима, оятлар билан очишимиз керак. Кўнглимиз нурга тўлиб, кўзларимиз меҳр билан порлайди. Атрофимиздаги одамларга, дунёи дунга, яшнаб турган боғларга, пурвиқор тоғларга, обизиллол чашмаларга, шовуллаб оқаётган анҳорларга, сойларга саломлар бериб, табассумлар улашамиз.

Куёш кўтарилиб келяпти. Дунёни ёритувчи чироғимиз-у! Тафти билан иситиб, жонимизга жон қўшувчи инояти олам!

Ер елкасида кўтариб юрибди. Ернинг кафтида мўлкўл ризқ-рўзларимиз. У ўз ўқи атрофида эсон-омон айланмоқда.

Осмон тиниқ. Қайси томонга қараманг, гул, гулзор. Ранглар жилваси. Уларга қараб, Яратганнинг минг бир жаннати, балки шу ер юзидадир, дегингиз келади. Беихтиёр «шукур!» дейсиз. Беихтиёр нидо қилгингиз келади.

– Аллоҳдан келаётган марҳаматларни қаранг, азизим. Биз улардан баҳраманд бўлайлик. Бу иноятлар фақат биз учун, инсонлар учун-ку!

Майда-чуйда ғашликларга ўралашиб, умримизни емирмайлик. Бу – гўзал йўлларга бизлар ҳам райҳон уруғларини сепайлик, гул ниҳолларимизни қадайлик.

– Биз ҳамиша ҳаёлан юксакларга интилишимиз керак, – дейди ўша биродарим. – Ҳеч бўлмаса, ҳаёлан тоғнинг чўққисига чиқиб, пастга назар солсак, бу дунёнинг анчагина майда-чуйдаларга қопланганини ва шу билан бирга оптимизда қоладиган ўткинчи эканини ҳис этамиз. Бу оламда Ҳақ розилигига интилиб яшаганларгина икки олам саодатига етса ажаб эмас.

Демак, унинг ўша гўзал йўлларини англаб, кашф этиб, яратиб яшашимиз керак.

## БЎЗЛИКЛАР

Бизнинг Фарғона деган юртимизда Тошлок деган туман бор. Ана шу туманга қарашли Бўз қишлоғи эл ичида машҳур бўлган Арсифнинг йўлида яшнаб туради. Қува, Арсиф автобусларининг ҳайдовчиларига Бўзда тушириб кўйинг, десангиз, бас. Ҳар гал бу қишлоқда яшайдиган синглим Зулфияникига келганимда, улар ҳақида қатор-қатор ҳикоялар ёзгим келади. Бу ердаги қаҳрамонларни ўзим севиб ўқийдиган «Саодат», «Гулчеҳралар», «Бекажон» каби аёлларимизнинг республика нашрларига илинаман. Уларни ёзмай, жим ўтирганим учун ўзимдан хафа бўламан.

Бундан йигирма-ўттиз йиллар илгари, тахминан 1970-80 йилларда бу қишлоқ ростдан ҳам бўз тупроқли

дашту далалар эди. Бугун эса... жаннат. Айтишларича, қишлоқда юздан зиёд хонадон истиқомат қилади.

Бўзликлар жуда ажойиб. Улар худди битта оилага ўхшашади. Бир- бирларига қулоқ тутишади. Маслаҳат билан иш кўришади. Бир куни Бўзга тўйга бордик. Тўйдан қайтиб, умрдошим ҳавас билан гапира кетди.

– Ўзбекистоннинг кўп жойларида тўйда бўлдим. Фарғонани кезиб чиқдим, десам, ишонаверинг. Аммо... Бўзда мазза қилдим. Нимага денг... Кўп жойларда болалар хонандаларнинг пулларига ўзларини ташлайдилар. Ерга бир сўм тушиб кетса, очофатдай ўзини отадиганлар бор. Ишонаверинг, Бўздаги болаларнинг назарлари шунақа тўк эканки... Бирортаси пулга қайрилиб қарамади.

– Шукурлар айтайлик, хали назари тўқлар бор экан, – дедим мен ҳам қувониб.

– Болалари шунча бўлса, катталари қанақа экан-а? – менга сўроқ билан қаради умрдошим.

– Билаверингки, катталари бировнинг ҳақидан қўркадиган, ёлғонни ёмон кўрадиган одамлар-да... Хуллас, жуда яхши, тилло одамлар... Яъни, ўша Сиз ҳавас қилган меваларнинг дарахтлари, илдизлари, оппоқ томирлари-да улар... – мамнунлик билан кулимсираб дедим мен.

## БЎЗДА МОТАМ БЎЛСА...

Агар бошга тушмаса, кўз кўрмас эди. Синглимнинг турмуш ўртоғи Рўзивой эллик икки ёшида қазо қилди. Ёшгина... Чор тарафдан борган қариндош-уруғ меҳмондай тураверди. Бирор юмуш бўзликларнинг ўзидан ортмас экан. Кексалари – бир тараф, аёллари – бир тараф, ёш-яланглар – бир тараф бўлиб, уч кун оёқда туришар экан.

Ҳатто кўрадаги қўйларни, оғилдаги мол-ҳолларни, каттадаги товуқларни боққанлар ҳам – қўшнилари, маҳалла. Майрамхон хола, Холматжон тоғага ўхшаганлар – илму

хикматли, маслахатли дунёлар. Мавлудахон, Ферузахон, Оминахон, Мўътабархон, Жаннатхон, Орзухон... Ҳар биттасининг меҳри— бир дoston.

Уч кун мотамда... Эшикдан саватда нон, тоғорада сомса, даста-даста патир, манти, ош, хоним, чучвара, пиёзли қатлама, юмшоқкина шавла, боғ-роғлардан турли-туман мева-чевалар... Битта хонадондан бир кунда икки, уч мартадан дастурхонлар чиқаверади.

Яна... қайғуга ботганларни қайтиб-қайтиб юпатишади. Кўзларидан дув- дув ёшлар тўкиб, ҳамдардлик билдиришади. Шомдан кейин ҳам, яна бир кириб, ҳол сўраб чиқиб кетишади. Яқинидан айрилганларни улар ёлғиз йиғлашга қўйишмайди. Яна:

— Бир пиёла чой ичиб олинг, ўлганнинг орқасидан ўлиб бўлмайди, ўзингизни маҳкам тутинг, бир қошиқ таом еб олинг, — дея ялиниб, ёлборишади.

Қарангки, қабрни қовлаганлар ҳам ўзлари, майитни ювиб, покловчилар ҳам ўзлари ...

— Тўй ҳам, ўлим ҳам— маҳалланинг ҳашари, — дейди маҳалла оқсоқоли Шерқўзи ака.— Аллоҳга шукур, болаларимиз ҳар бирининг қалбида имон нури бор.

Бўзликлар ҳақида жуда қисқа ёздим. Улар ҳақида рўмонлар ёзиш керак. Улар шунақа одамлар. Мен улар яратган узумзорлар, бодомзорлар, ўрикзорлар, беҳизорлар, машхур фермерлар ҳақида сўз айтмадим. Улар кўллари қадок, қалблари имонли, нурли, шижоатлари баланд, кўзлари меҳрли, муҳаббатли одамлар.

Яхшиси, Бўзга келинг, уларга меҳмон бўлинг. Ўшанда яна иқрор ва яна иқрор бўласиз...

## СИДДИҚЖОННИНГ ТҶЙИ

Сиддиқжонникига тўйга бордик. Ўзи олим, фан доктори. Соддалиги деҳқонга ўхшайди. Оддийлиги кишлокни, кенг далаларни ёдга солади. Тўйхонага разм

соламан. Бир томонда шоирлар, бир томонда кутубхоначилар, бир томонда университет устозлари. Қайси томонга карамай, танишлар, кадрдонлар.

Ажабо, гўё бу ерга ҳамма бир-бирини таниганлар йиғилиб, дийдорлашувга келгандай. Самарқандлик бир меҳмон онахон сўз айтяпти. Сиддиқжонни, оиласини меҳр, муҳаббат билан, биз билгандан ҳам зиёдарок таъриф-тавсиф этяпти. Демак, у ҳам кадрдонимиз.

Тўйнинг бу қадар дилга яқин бўлишини гўё биринчи бор туяётгандайман. Давранинг файзи одамига қараб дегани шу бўлса керак-да.

### КАТТА ОДАМ

Тўйхонага кирамиз. Ҳамма ёшу яланг бўлса ҳам, давранинг файзи йўққа ўхшайди. Кўпни кўрган, чеҳраси нурли, фариштали, мулоҳазали, сўзлари ҳикматли одамлар тўрда кўр тўкиб ўтирса, ҳамма қувват олаётгандай бўлади.

– Катта одамларнинг ўрни бошқа-да, – деб кўямиз кўнгил тўқлик билан. Айниқса, азадор ҳовлига кирсангиз, ёши улуғроқ одам кўринмаса, ўша хонадон чинорлари кесилиб, яп-яйдоқ бўлиб қолган ялангликка, кимсасиз, хувиллаган гўшага ўхшайди.

– Уйга киринглар, катталар бор, – дея таклиф қилишади.

Аллоҳга шукроналар айтиб, Куръон тиловат қилиб ўтирган кексаларга кўзингиз тушади.

– Хайрият, – деб кўясиз ичингизда. Қандайдир сирли устунларга рўпарў бўлгандай қаддингиз тикланади, руҳингиз тетиклашади.

– Катта одамларнинг бори яхши-да, – дейсиз беихтиёр.

Бахтимизга ўша катталар омон бўлишсин. Уларнинг кадрига етайлик.

## ҚИЗ ТУШМАГУРЛАР-ЕЙ...

Баҳорнинг илк кунлари. Оқшом. Юлдузлар куртакларда юз очаётган гуллар сингари кундан-кун чарақлашяпти. Осмонда уч кунлик ой ялтиллаб нур сочмоқда.

Бир пайт...Кўшни девор ортидан қизларнинг қийкириқлари, шодон кулгилари, шўҳ-шан мусикалар, ҳовлига сиғмай девор ошиб, тошиб келаётган қувончлар бутун маҳаллани тутиб кетгандай.

Осойишта ураётган юраклар бу қийкириқлардан бирдан гупиллаб кетди.

– Қизлар сумалак солишяпти, – деди ўғлим.

– Баҳор келди-да... Баҳор! Баҳор!

Кўнгил нималарнидир дея ширин-ширин шивирлади. Назаримда ҳовлиқиб, чопқиллаб ўша томонларга кетди.

...Эҳ, қиз тушмагурлар-ей, мудраётган хисларни уйғотиб юборишди-я...

## БИР ГУЛ СЎЛДИ...

Файзиободда бир гул сўлди, одамлар. Эшитяпсизми, хазон бўлди умр. Чиркираб қолди гўдаклар. Она сутига тўймаган чакалок тамшанганича кўзлари жовдираб-жовдираб онажонисини излашларига чидаб бўладими?

– Нега? Нега? Бетобмиди у?

– Йўк! Афсуски, йўк!

– У бетайин исёнлар қурбони бўлди, – дейди кимдир.

– У калтақлар зарбидан эзилган эди, – дейди кўрган, билганлар,

– Хонадонда катталар бормиди? Қайнота, қайнона бормиди?

– Бор эди!

– Ҳар куни уйларида уруш, тўс-тўполон, қий-чув эди ...

– Баракот кўтарилган хонадон эди-да ...

Ҳар ким ҳар нарса деяверади ...

Бирок, азизлар, қизларимиз, келинчақларимиз – гулдай нозик, гулдай азиз ҳилқатлар бўлса... Ахир улар авлодларимизни авлодларга улаётган, ўлимни елкалаб туриб, ҳаётга фарзандлар ато этаётган омонат жонлар-ку!

Азизлар, келинчақларни урадиган номардларга, тубан кимсаларга нега ҳеч ким ҳеч нарса демайди-а?! Нега? Нега жим турамиз? Нега ўша хотин урадиганларни ҳам бир дўппослаб, калтаклар зарби қанақа бўлишини бир билдириб қўймаймиз...

Фарёдлар кулоқларга уриляпти. Юраклар нимта-нимта бўляпти. Лекин сўлган гул бевақт узилган япроқдай Вақт дарёсида окқанча оқиб кетди. Бу увол кетган умр чизиқларида, назаримда бизнинг ҳам айбларимиз бор.

Гул озорлар учун эмас, ифорлар учун очилишини ҳеч қачон унутмайлик.

## ХОРАЗМЛИК МЕҲМОН

– Ўшанда мен Марғилон темир йўллар вокзалида ишлардим, – ҳикоя қилади сатқаклик Абдуҳоқим. – Ўрта бўйдан келган, ёши етмишлардан ошган ориққина одам поезддан тушиб, бир чеккадаги скамейкада ўтирган экан. Фарғоналикка ўхшамас эди. Астагина бориб ҳол-аҳвол сўрадим. Отахон юзимга қараб, оҳиста сўз бошлади.

– Хоразмдан Садкак ота деган жойни излаб келяпман. Фарғона томонларда бўлса керак, дейишди Манзилини аниқ айтадиган одамни ҳали учратганим йўқ.

– Ҳа, топамиз. Ташвиш чекманг, – дедим хотиржамлик билан.

– Сен ўша Садкак ота деган азиз жойнинг қаердалигини биласанми ўзи?

– Биламан. Ҳозир Сизни ўзим таксига солиб, ўша жойга жўнатиб юбораман. Ҳеч ташвиш тортманг. Бу ердан жуда яқин. Машинада ўн, ўн беш дақиқалик йўл, холос.

– Ростданми?! – отахоннинг кўзларидан ёшлар думалади. Ўрнидан туриб, яна жойига ўтирди.

Отахон энди хиёл хотиржамлик билан гап бошлади:

– Йигирма беш йил бир жойда ётдим. Йигирма беш йил! Бу– айтмоққа осон, холос. Яқинда туш кўрибман. Тушимда кимдир мени туртиб:

– Тур, ўрнингдан тур, Садкак отага бор, Садкак отага бор, – деди. Уйғониб кетдим. Қарасам, оёқ-кўлларим қимирляпти. Секин ўрнимдан кўзғолишга уриндим. Шукур, ўз-ўзимдан ўрнимдан туриб кетдим. Одамга ўхшаб юра бошладим. Бу– менга Худонинг беадад марҳамати, каромати бўлди. Ҳали ҳам ишонгим келмаяпти. Қулоғим остида ҳамон ўша сўзлар...

Садкак ота деган манзил қаерда деб кўп одамлардан суриштирдим. Фарғона, Марғилон томонларда бўлса керак, дейишди. Сўраб-сўраб, Маккани топишган-ку, – деб йўлга тушдим.

– Жуда тўғри топиб кебсиз, отахон. Садкак – азиз жой. Ҳамма у ерга шифо сўраб келади. Ниятларини тилаб келади. Кимки, излаб келган бўлса, кам бўлишмаган, – деб хоразмлик меҳмонни таксига ўтқазиб қўйдим.

Бу ҳикояни эшитиб, ўзимга ўзим дедим:

– Садкак отанинг сиру асрори кўп. Улар ёлғиз Аллоҳгагина аён. Қадам босиб келганларга у киши, албатта қўл чўзгувчи, мадад бергувчидир... Иншооллоҳ...

## ШОХИДА ТУРСА ГЎЗАЛ...

Водил шифохонаси ям-яшил бўйчан арчалар, олма, беҳи, хурмо дарахтлари, атиргуллар билан безанган. Ноябрь ойи бўлишига қарамай, атиргуллар ҳамон очилиб, ифор тараб туришибди.

Сойнинг шарқираб оқаётган овозига маст бўлганча, гулзор оралаймиз. Нигоҳимизни бир дона бўлиб очи-

либ турган, бўйи бўйимиз билан тенг, кип- кизил чўғдай атиргул ўзига тортқилайди. Унга бирин-кетин эгилганча, хидлаб-хидлаб олдик. Дунё ғамларини, муаммоларини унутиб, унга сеҳрландик. Ҳамхонам Зухрохон иккимиз қайтиб-қайтиб термулдик. Қўлларимизни узатиб, узиб олгимиз келди ва яна ортимизга қайтдик. Бизни бу йўлдан гўё Озодбекнинг қўшиғи қайтаргандек бўлиб, унга қараганча хиргойи қилдик.

*Гул узилса гўзалмас,  
Шохида турса гўзал...*

Эртасига чиқиб, яна ўша гул қошига бордик. Энди ҳар куни уни йўқлаб, ифоридан тотинадиган бўлдик. Ҳа, гул шохида турса гўзал экан.

## ШЕЪРНИНГ БАҲОСИ

Инсон меҳри, оқибати билан шифохона ҳам файзли бўлиб кетади. Муолажалар билан анча чехралари очилиб қолган беморлар ҳар куни қайсидир хонада ўтириб, суҳбати жонон курадилар.

Бизни яна кўшни хонага чорлашди. Кириб борсак, катта чарх товоқда ҳовури кўтарилиб турган паловхон тўра меҳмонларга мунтазир экан.

– Бу ош қайдан келди? Муаллифи ким? – сўроқладик биз.

– Чойхонага буюртирган эдик, – деди кимдир.

– Пул тўплаган бўлсаларингиз, биз ҳам берайлик, – дедим мен.

– Йўқ, йўқ, – дейишди улар. – Узумини енглаву, боғини суриштирманглар. Шоиралардан бир жуфтдан шеър бўлса бўлди, – дейишди хонадагилар бир овоздан.

– Ана шунака, – дейди шоира Зухро Алиева мамнунлик билан жилмайиб. – Шеърнинг баҳоси баланд, опа ...

## ЧАРЧАДИМ

– Ёмон сўзлар, ғийбат сўзлар, мен сизлардан чарчадим, – бугун тонг саҳар кечаги кун таассуротлари билан шундай дея кўзимни очдим.

– Ҳа, энди Сизларга анча юрагимни бўшатиб олдим, – дейди рўпарамиздаги қариндош. – Роппа-роса уч ойда кўришибмиз-а. Бугун бемалолчилик бўлиб, роса ўтирдик-а?

– Қаричилик ҳам қийин экан, – дейман ўзимга ўзим. – Кекса одам гапираверса, гапини узишнинг иложи йўқ экан. Индамай эшитасиз.

Ҳа, мен ҳам индамай эшитдим. Бироқ, ўз туғишганлари ҳақида шунақа сўзларки... Зўрға чидадим. Балки, ўша одамлар ўшанақадир. Бироқ, бизнинг суҳбатимиз-чи... Тиллога тенг умримиз ғийбат ботқоғига ботиб кетди-ку! Энди ундан қандай қутуламиз?!

Ўзимга ўзим танбەҳ бераман:

– Ўша сўзлар сенга ёкмаган экан, нега тўхтатмадинг? Нега бир оғиз сўз билан мавзуни бошқа томонга бурмадинг?

– Кучим етмади. У– хожи! Ҳажларни зиёрат қилган одам ... – ўзимга ўзим жавоб бераман.

– Ғийбатларни тўхтатса бўлармикин?

Бу савол қаршисида катталарга илтимослар қилгим келади.

– Давраларда ўтирган, эй ёши улуғлар! Ғийбатлар бошланаётганига гувоҳ бўлсангиз, Сиз дарров тўхтатинг. Ёшларга савоб йўлларини кўрсатинг. Сиз давранинг каттасисиз, Сизнинг ҳақингиз бор!

Қулоқларим, сен кеча жуда қийналиб кетдинг, Одамлар ҳақида яхши сўзлар эшитиш қанчалар ёқимли, хузурли эканига яна иқрор бўлдим. Бугун, эй Яратган эгам, бирор кимса ҳақида яхши сўзлар айтгувчи азиз инсонлар билан учрашиш насиб бўлармикин?

## АДАБИЁТ– АБАДИЯТ

Устозларимиздан бири шундай деган эди:

– Яхшилик учун хизмат қилган инсон борки, у битта сўз билан бўлса ҳам, адабиётда қолиши керак!

Ҳа, адабиёт – абадият. Инсон умри – ўткинчи. Аммо, унинг изларида қолган яхшилик абадийдир. Агар у адабиётда қолса, сўзлар сеҳри, жилоси билан яна кейинги авлодларни эзгуликка чорлайди. Адабиётда қолмаган тақдирда ҳам, яхшиликлар ҳеч қачон беиз кетмайди. Ўз шарофатини кўрсатаверади.

## ОҚИБАТ ЯШАЙДИ

Файзиобод кишлоғининг Нодира кўчасида мен билган тўртта хонадон бор. Уларда яшайдиганлар орасида энг ёши улуғи – онажоним Пўлатхон ойимдир. Яна икки хонадоннинг икки бекаси – адашлар бўлиб, Кароматхонлардир. Гоҳо ҳар иккиси ҳақида гап кетса, уларни ажратиш учун бирини фамилияси билан «Аҳмедова», иккинчисини «Фарғона» дейишади. Фарғонадан тушган. Яна бир кўшни – Санобархон.

Онамнинг ёшини улуғлабми, деярли ҳар куни кўшнilar хабар олишади.

– Кўк сомса қилгандим, ая, юмшоққина енг.

– Нонуштангизга иссиққина қатлама...

– Фарғоналик меҳмонларга, сумалақдан татишсин...

Онам ҳам ҳамиша уларга илинади.

– Донохон, – келинига юзланади онам, – анави Каромат аянгизнинг идишига ошдан солиб, чиқариб юборинг.

Қачон кишлоққа келсам, оқибатнинг ҳузурли оламига кириб қолгандай бўламан. Ростини айтганда, биз шаҳарликлар бу даражада эмасмиз. Бунинг учун ўзимиз айбдор, ўзимиз беҳафсала, юракларимиз торайган-

дай. Қишлоқдагилар қанча-қанча ерни жаннат қилиб, кўшнига ҳам ортишади.

Кеча телевидениеда шоир Зокир Фозил ҳам шу ҳақда гапирди:

– Кимлардир «оқибат йўқ», «оқибат қолмади» дейди. Мен бу гапларга қўшилмайман.

Демак, қайси инсон қалбида оқибатга талпиниш бор экан, оқибат яшаяпти. Яхшилар – ҳаёт, олам устунларидир. Дунё яхши одамлар билан тирик. Омон бўлинг, яхши кўшнилар, яхши қариндошлар, яхши биродарлар.

## СЎНГГИ ЙЎЛ

Ўтган йили баҳорнинг биринчи оyi, сўнгги кунида Қувада Гулнора қизнинг таъзиясида қатнашдик. У энг гуллаган, яъни ўттиз тўққиз ёшда эди. Онасини бир йил олдин тупроққа топширганди. Етимдай бўлиб қолган отаси хузурига гўё ўзи яшаётган азим Тошкентдан югуриб, чопиб келарди. Ўзи Тошкентда, хаёли Қувада эди. Фарғонадан қайтиб, уйига етай деганда, фалокат содир бўлди.

Жаноза ўқиётган домла мархумани туғилгандан бери биладигандай, эҳтиром билан гапирди. Бутун элдан унга розилик сўради. Агар кўнгилларингни оғритган бўлса, кечиринглар, деди.

– Инсон оламдан ўтса, жанозага Аллоҳдан кўрқадиган қирқта одам қатнашса, ана шу инсонлар ҳурматидан майитнинг гуноҳлари кечирилиши ҳадисларда айтилган, – деди домла.

Жаноза ўқиб бўлинган эди. Отахонлардан бири сўз сўради. Унга изн бердилар.

– Бу қизимиз ажойиб эди, – деди отахон. – Бир куни Тошкентдан Фарғонага қайтаётганда, машинанинг олди-га ўтирган экан. Бир ҳожи одам:

– Қизим, оёғим оғриқ, менга жойингизни берсангиз, – дебди.

– Минг марта ота, бемалол ўтиринг, – деб жой бўшатибди.

Йўлда ҳалиги одам бир нафасга тўхтаб, намоз ўқи-моқчилигини айтибди. Қизимиз дарров ёнидан жойна-моз олиб узатибди.

– Раҳмат қизим, отангизга балли! Қувага бориб, энди дадангизни бир кўриш жоиз бўлди, қизим, – дебди. Шу отахон бир куни Қувага кириб келди. Бу қизимиз мана шунақа тарбияли, садоқатли, одамларга эътиборли, хуш-ёр, зийрак эди. Омин денглар, одамлар. Аллоҳ раҳмат қилсин... кўз ёшлари дувиллаётган отахон илтижо қилди.

Гулнора қизнинг изларида ҳеч қачон сўлмайдиган гуллар очилибди...

Бунга мушарраф бўлиш ҳам осон эмас.

Дунёда инсон бўлиб яшаш, яхши сўзлар канотида сўн-гги йўлга равона бўлиш учун қалбларимизга муҳаббат ва фидойилик керак.

### ЁМҒИРДАН СЎНГ...

Бугунги кунлар баҳорнинг энг тўлишган гўзал кун-лари. Саҳар томчилаган ёмғир хиёл ўтиб, шаррос қуйди. Чангу ғуборлар ювилиб, гўё кўнгиллар ҳам покланди. Қанча майда-чуйдалар, ғижир-ғижирлар дилдан нари бўлди. Кўзлар қувонганидан нурларга тўлди. Чақнади. Дунё гўзал, дунё ям-яшил!

Шундай экан, намунча дунёга тош отамиз-а?! Дунё-бевафо, дунё-ўтқинчи, дунё-ёлғончи... деймиз. Йўк, мен ҳеч қачон бу гапларга қўшилмайман.

Дунёга вафо қилсак, дунё ҳам вафодор. Дунёга ҳар кунги муносабатларда ростгўй бўлсак, дунё биз учун ҳам ростгўй. Унда фақат бу дунё эмас, у дунё ҳам биз билан бирга. Содиқлар, ростгўйлар учун икки дунё ҳам рост.

Ёмғир қуйди, дунё тозарди, кўнгиллар яшнади.

## НАЗМИЙ НАСРЛАР

### ДИЙДОР

Яна бугун етдим дийдорга, яна Аллоҳ омадлар берди,  
яна кўзда порлаб кетди ишқ, яна соғинч қилди тантана!  
Яна, яна армон чекинди, яна кўнглим йиғлар севиниб,  
яна мени йўқлар муҳаббат. Яна унга солдим поёндоз.

Яна, яна йилларнинг гарди ювилдилар ишқнинг чаш-  
маларида. Яна, яна сени соғиниб, муҳаббатга бўлиб га-  
долар, пойларига йиқилгим келди...

Дийдор, дийдор, ассалом дийдор! Бормисан-а, бор-  
мисан, айтгил...

Сўз айтдилар фақат кўзларим, инжик кўнглим фақат  
роз айтди, дил сўзларим тўкилди жим-жим...

Дийдор, бормисан-а, бормисан, дийдор!

### КЕЛГИН, КЕЛА ҚОЛ ...

Соғинганим, келгил, кела қол, овозингни суртай  
юракка. Кел, бир тўйиб, қошингда йиғлай. Кўнгилларим  
кетсин ёзилиб. Нима бўлса, бўлар ҳаммаси. Ақллилик жо-  
нимга теғди. Кулинг бўлай, гадоинг бўлай, ёлғизликдан  
кутилай бир он. Кўнглимга ҳам бир қарай ахир... Ахир  
мен ҳам ёруғ оламга келиб кетар меҳмонман, меҳмон.

### СЕН БАРИДАН БУЮКСАН...

Кўзимда ёш, сени эслайман. Сен баридан буюксан, жо-  
ним. Кўнглимнинг ҳеч ким етмаган ҳилқатларида ўзинг  
хаво, ўзинг булоғим. Бугун кунлар бирам яхшики... Бирам  
тоза, бирам ёқимли. Суянаман ёлғиз ўзингга, ўзинг ҳузур,  
ўзинг ҳаловат. Ажабо, мени тушунади ҳаттоки тушлар...  
Шундай бир кўзлар бор – мени англайди.

Ажабо, Аллоҳ қаршисида жавоб бераман– ўзимни тутганча ўзим сўроққа, ҳар куни, ҳар куни... голиб келаверар яна шу кўнгил. Яна рўпарўмда яна сен – ўзинг!

### **СЕН – ИЛОҲИЙ БИР МЎЪЖИЗАСЕН...**

Наздимда сен жуда юксакда. Етти қават осмонимдасан... Тўғри, қўлим етмасдир балки... Етолмасман балки ёнингга. Барибир... Куёш бўлиб келдинг уйимга. Гоҳ юлдуздай чакнайсан ёруғ. Гоҳи майин саболар бўлиб, ҳузурбахшсан жонимга жуда. Ёмғир бўлиб ғуборим ювган, бўрон бўлиб тебратганим – сен. Сен– илоҳий бир мўъжизасен.

### **ОСМОН, МУНЧА ЯҚИНСАН...**

Тонгнинг майин нур ипагида ўйларимга кириб келдинг сен. Ожизгина майсаман гўё. Кипригимда шудринг– томчилар. Куёшми ё майин шаббода, меҳринг тафти қароқларимда... Қўл чўзаман осмонга яйраб, қушлар мисол шодонман бу он... Осмон, мунча яқинсан, дейман. Онажоним ер мунча юмшоқ. Етти қават кўрпадай хазон. Эркаланиб кетаман шодон. Шундай қутлуғ экан инсонлик, шундай чексиз меҳр-муҳаббат. Поёни йўқ, сарҳади ҳам йўқ. Саховат, саховат, о, инсон кўнгли, минг бор қуллуқ яна ўзингга.

### **ИҚРОР**

Айтгим келар нимадир. Қуш тилини англаришиш қушлар. Кел, сен қуш бўл, мен бўлай бир қуш. Қуш бўлсамми, ортингдан тинмай учардим, шошардим тинмай. Қанотларим ёзардим шундай, уфқларни кучардим шундай....

Йўк, йўк, бариси бекор. О, қаршингда бўлганча иқрор, гулдай нафис ҳислар қатида, гоҳи тоғдай мағрур бир санам, гоҳи ердай бўлиб ҳокисор, мижжаларда соғинч томчиси, яна иқрор ва яна иқрор, кўнгил ичра яна минг таслим ... ва ҳаммасин этганча пинҳон, минг бир қават гулбаргга яшириб, оҳиста ортига қайрилган аёл... Ўша-ўша ўзи ҳузурли, ўша-ўша ўзидир гўзал... Ўша-ўша ўзидир сирли...

### КУТЯПМАН СЕНИ...

Кутяпман сени... Оҳим тўкилади вужуддан. Яна вужудимда зорлик, бедорлик. Эй, сен ўша руҳим таянчи, яна, яна сени излайман. Кўнгил оламига ёғар оппоқ қор. Дилдираб туради орзу ғунчаси.

Дунё хувиллаган, дунё ёлғиздир. Йўк, йўк, жоним, йиғлаганим йўк. Тирмашиб, таташиб излаяпман куч. Ёлғиз ўзинг, ўзинг мадақдор, Овоз бер, садо бер, кутяпман сени...

### СУВРАТИНГ...

Сен... Қандай қудратлисан, қандай зўрсан-а, юрагим тубига чиздинг сувратинг. Ажабо, бу сураат энди мен билан. Яйрасам – яйрайди, йиғласам – йиғлар. Гоҳ учиб кетамиз осмонга иққов, гоҳ ойга етамиз, гоҳи юлдузга, гоҳ паноҳ топамиз парқу булутларнинг оппоқ уйидан. Гоҳ бизни чорлайди пушти шафақлар.

Қуёш нурларига тўлар гоҳи ҳовучларимиз...

Сувратинг шунчалар жонимга жодир. Ҳеч ёлғиз қўймайди, холи қўймайди, гоҳ мени чорлайди Арши аълога. Умрим тўлиб кетар маҳзун бир дардли, ишкми, муҳаббатми... ўзим билмаган азиз ва кадрдон куйга, навога.

Дунёдан узилиб қоламан гоҳи... Зарра ҳис этмайман

каму кертикни. Унутиб яшайман моддий борлиқни. Бир гўзал маъволар, бир гўзал ҳислар... Соғиниб чорлайди кўксимда суврат. Ардоқлаб кўзимга таратар зиё. У мени кафтига қўяди гоҳи. Қанотланиб учаман сармаст. Суврат, суврат, кўксимда суврат.

## ҚУЁШ – СИЗ БЎЛИНГ...

Сизни севаман, Сизни суяман. Қуёш камолида кўраман Сизни, юлдуз жимирласа, Сиз деб ўйлайман, ойлар нур тўқканда, Сиз деб яйрайман. Сиз – борлиқ, Сиз – ҳаёт, Сиз– ўша чаманлар, гуллар, яшиллик!

Номингиз ёдлайман ҳар саҳар, ҳар тонг... Тунлар ҳам илтижом– Сиз! Фақат... ўтинчим, менинг қалбим билан ҳазиллашманг – Сиз....

...Бўронга айланиб, улкан музликларга айланиб, яна ҳалоқатга учрамасин у. У гул бўлсин, хур бўлсин!

Яшил майса бўлсин, безасин, зебу зийнат бўлсин ҳаётга. Эзгу қадам бўлсин, эзгу йўл бўлсин, Неки бўлса бўлсин! Қуёш – Сиз бўлинг.

## ТОҒЛАР

Тоғлар! Ёнингиздан ўтиб бораман. Викорлисиз, чўқкилар оппоқ. Мағрурсиз, масрурсиз, жуда ҳайбатли.

Бироқ, кўнгил ичра назар соламан. Дилим ичра юксалган тоғ, чўққи, ажаб, бу – ҳазрати инсон!

## ЁЗМОҚ НЕДИР?

Ёзмоқ недир? Ёзмоқлик кўнгил! Кўзларимга етиб келди тўлқин – зилоллар, томчилар тўкилди. Айтгим келди дунёга сўзлар:

*Яхшилик – яхшисан,*

*Меҳр – сен бахши,*

*Муҳаббат – ҳаёт бу,  
Алам, изтироб!*

Кўнгил сўқмоқлари ичра тентираб, интилиб, изла-  
ниб, умримнинг ҳар лаҳзаларидан недир топиб, нимадир  
сўраб, чизгим келиб гулгун нақшлар, олгим келиб озгина  
олқиш ва юксалиб чўккилар сари, сўнг, сўнг ...

*Яна ўзимга боқиш...*

*Нени топдим? Нени йўқотдим?*

*Кўнгил кўзларимни очди одамлар.*

*Устозлар пойига йиқилдим.*

*Гоҳи кўз ёш бўлиб тўкилдим.*

*Яхшиларга йўқ экан баҳо!*

*Англадим шарофат ва ҳикматларни.*

*Яхши ниятларнинг қанотин кўрдим.*

*Билдим, яхши кунлар – яхши ниятдан.*

*Қай ҳур дамлар келар омаддан.*

*Гулзор, чаман экан яхшилар кўнгли.*

*Уларга минг бора бўлгим келди қул!*

Аллоҳим! Ажаб, яралибмиз жаннат маъвода. Агро-  
фимиз боғ-роғ, пойимиз булоқ. Осмонларни ўпар биз-  
ларни суяб, ортимизда неча улкан тоғ.

Фақат, битта армон, эй ҳамроҳим кўнгил, сенга етол-  
мадим тўкису тугал. Сени ёзолмадим, сени битолмадим  
ёруғ дунёга ўзим – ўзим хоҳлаганимдай...

## **БИР ҚЎШИҚ ИЗЛАРДИМ**

Хаёлга ботганча, тун кўйнида жим, бир кўшиқ из-  
лардим. Тепамда юлдузлар милт-милт чарақлаб, гўё  
кулишарди ҳолимга қараб. Шу дам турар эди хисларим  
ёниб, бир кўшиқ дардида, бир шеър дардида. Топсайдим  
бир гўзал, бир ширин мавзу, ғазал қилиб битсам, сол-  
сам кўшиққа... Ҳар сатри, ҳар сўзи лиммо-лим бўлса,  
юраклар тўрида яшовчан ишққа.

Сузиб ўтиб кетди ой ҳам қошимдан, тонг ҳам чиқиб

колар ҳозир қаршимдан. Ўйлар гирдобида мен телбанамо, кўшиқ излардим, топмасдим аммо...

Кўзим тушиб қолди... Табассум ёйилди аста лабимга, нурлар оқиб кирди бир-бир қалбимга. Шундоқ ёнгинамда оппок тонгача, ҳаттоки бир зумга ўчмабди чирок. Бунчалар бепарво бўлмасам энди, нега мен сезмабман уни эртарок. Оҳ, онагинам, тун бўйи, билдимки, қоқмабсан мижжа. Мунча беҳаловат, мунчалар бедор, оҳ, айтгин, жонсарақ бўлмасанг мунча?!

Тўғри, бетоб эди кичик гўдагинг, унинг тинчи эди – бутун тилагинг. Онагинам, буюксан бирам. Ўзи минг кўшиқдир, ўзи минг бир куй, ўзи минг шеър демак – шу бедор бир дам.

Бир кўшиқ излардим... Мунисагинам! Ўша кўшиқ экан меҳрга лим-лим сен кечган бир дам...

### **БУГУН...**

Мени чорлашганди бугун даврага. Нечукки, бормадим. Билмайман ўзим... Йиғлайман, сиқтайман, ёзиб, чизаман. Қоғозга парвона, қаламга қулман. Овораман кўнглим, сен билан...

### **ҚАЛДИРҒОЧИМ, КУТЯПМАН СЕНИ**

Қалдирғочим, учиб келяпсанми, айт! Мен сени кутяпман интиқ, интизор. Эсласам, соғиниб, кўзга ёш келар. Жуда-жуда соғиндим чарх уришингни. Қанот қоқишларинг шиддатли, шаштин. Хосиятли уйлар кургувчи кушим! Кел, кела қол, тезроқ учиб кел! Қанотларинг суртай кўзимга.

Эслаяпман ўтган йил сен келган кунни. Тонг эди ... Эшикка чиқсам, кўзлари мунчоғим, бир жуфт қалдирғоч, ажабо, ажабо, айланиб, чарх уриб учганча қошимда турар... Наздимда, наздимда, бахт қуши, тинчлик, хотир-

жамлик, барака куши шундоқ рўпарамда, бошимда турар...

Кўзимгаишонмай тебраниб кетдим. Болам келган каби шошиб қолдим мен. Севиниб йиғладим, соғинчларим тўкилиб кетди. Тезроқ кела қолсин яна шундай кун.

Мен Сизларни кутяпман, қалдирғочларим ...

## КЕЛ, СЕНИ БОҒЛАРГА БОШЛАЙИН...

Эй, менинг фаришта хаёлим, кел, сени боғларга бошлайин. Қара, баҳор келди, куртак ёзди новда, гул очди ўрик. Мусича ку-кулар, энтикар ер, энтикар қуёш, ойларда ойдинлик, юлдузлар ёруғ, ёкимли, ёкимли, бир ширин ҳаво. Ўрик гулларининг бўйи маст этар.

О, хаёлим, барча-барча юмушни унут. Сен ҳам гулга айлан, зангор япроқ бўл! Гулкосалар ичра бедор бўл бир дам. Маст бўлгин, маст бўлгин, бошинг айлансин. Ер бўлиб айлан сен. Қуёшга пешвоз чик, қуёшни кутла.

Хаёлим, чўғдек лолаларнинг бағрида ёнгил! Сен ҳам гул бўл, куй бўл бир лаҳза! Яшил орзуларинг кўрай, ҳайратларинг кўрай, хаёлим ... Кел, сени боғларга бошлайин...

## ЎРИК ГУЛИ

Ўрик гули, ифор гули, ёр гули, бу дилимни маст этар баҳор гули. Хушбўйлари димоғимни ёради, жон вужудни гул бўйига қоради. Нафасларим ўрик гули нафасига урилиб, Наврўз дея юракларим шодликлардан ёрилиб, табиатнинг сулув, дилбар жамолига берилиб, ўрик гули мисол рухсорим кулар...

Ўрик гули, гул шохингга садкаман, гулбаргларинг босиб-босиб лабимга, тўкилмасин, тўкилмасин, – дея

шивирлайман, юзларимга босаман. Шамол сендан нари бўлсин, қайрилмасин изғирин. Бобо қуёш ҳовучида сен ўрикка айлангил.

### БАЛКИ...

Дилга хуш ёқади гоҳо сокинлик. Нафас— эркин, туйғулар — эркин. Ўзинг билан ўзинг ёлғиз — сен!

Теранрок боқасан оламга. Яқинроқ келади қаршингга дунё. Бир нафас эркалар хузурбахш жимлик. Балки, шу лаҳзада топарсан, ажаб, ўзинг излаётган энг ёруғ ҳисни. Балки шу лаҳзада топарсан сени қўллаб турган энг ёруғ нурни... Балки шу лаҳзада сенга очилар энг равон сўқмоқлар, йўллар, бекатлар..

Балки шу лаҳзада кўрарсан, ажаб, умринг шошаётган юксак чўққини. Балки...

### ДУНЁ ҚИЗИҚ...

Дунё қизиқ... Бу кўнгил қизиқ... Пул тушади кўнғироғимга. Ким бўлди- я?! Кимдан бўлди бу марҳаматлар?

Ой ўтади, яна шу ҳолат... Билолмайман, билмайман, ким у?

Шундай тиғиз, иқтисоднинг тиғиз даврони... Мени ўйлаб, киссасидан чиқариб олтин, пул ташлайди кўнғироғимга. Ким? Номаълум?

Берай десам саломга алик, минг бир қават парда ортидадир — У.

Манзили йўқ. Садоси йўқ, нидоси ҳам йўқ. Фақат кўнгил марҳамати кўнғироқ ичиндаги ҳисоб рақамларида.

Дейман: — Бизга мингни берибди, Яратганим, унга миллионларни бер! Умр бергин, соғлиқлар бергин ва биз

томонларга бўйлаб, бўйланган ул сахий Хотамни бир кун бир кўрай... Мен ҳам холин сўрай, ўша Меҳр, ўша Марҳаматларнинг кўзларидан бир ўпиб кўяй...

Дунё қизик, кўнгиллар қизик ...

## МАЪМУРАГУЛ

Қачондир қоғозлар қатига сўзлар билан битгандим уни. Бугун яна уни кўрдим. Унга юзландим. Маъмурагул, у менинг кадрдоним, у менинг синглим. Қачон уни ўйласам агар, хаёлимда порлар юлдуздай. Хаёлимда бамисли чакмоқ. Ёритади қоронғу тунни. Нигоҳидан нур тўкилади. Тўкилади самовий ишқлар. Оят – мўъжизалар аксланар унда. Кўнглим кечалари нурланиб кетар. Кўнглим кўчалари хурланиб кетар, хаёлларим этади парвоз...

## МАНЗУРАГУЛ

Манзурагул – худди туғишганимдай! Манзурли гулим. Қошимда туради гоҳи Хизрдай. Бирдан кетар давлатим ошиб. Бойман шундай...

Порлайман ойдаи. Кенгайиб кетади осмон. Чаман бўлиб кўринади Ер.

Яшнаб турса Манзурагуллар, кўзлар қувнаб, шодланар кўнгил. Нафаслари – ифор, яхшилик. Меҳр соғинади ҳаммага....

Ягона ўтинчим, бемор бўлма сен, Манзурагулим. Орзу, умид бўлиб чакнаб тур, сен эй гўзал, моҳчеҳра гулим!

## ЭЙ, ҚАЛАМ!

Қалам, жоним, жигарим, коним! Тўкил, тўкил, оппок қоғоз узра чўғ бўлиб тўкил. Сенга кўзи тушиб, ёниб кет-

син Дил. Ғафлатлар чекинсин. Англайлик бир лаҳза дунё не, яшамок недир? Недир лаҳзалардан курашиб ўтмоқ? Севмоқ не, севилмоқ нимадир ўзи?

Эй, сен, қаламим, жоним! Сенинг бағрингдадир, сенинг иншоингда менинг борлигим-да, менинг йўқлигим. Суяндим, суяндим ёлғиз ўзингга! Сирдошим – сен, қадрдоним – сен. Энг азиз кишимга айтолмаган сўзим – сенсан. Изҳор этдим фақат сен билан. Кўнглимнинг дурлари тўкилди сендан, сендан қанот ёзди ўксик соғинчлар. Сендан далда олди, сендан куч олди муҳаббат, ўша-ўша сирли муҳаббат.

Ҳижрон чекинганда, висол етганда, эй қалам, ажаб учиб кетдим осмон- фалакка. Қалам, сенга суяниб, заминга кайтдим. Ҳисларимни тўқдим қоғозга. Қалам, кўприк бўлдинг, олис йўл бўлдинг, қоғоздан ясалган қаср бўлдинг гоҳ. Ўша қасрларга Малика бўлдим. Оқликларга битдим эзгу байтимни. Сен– севгим, сен– ишқим, сенсан соғинчим. Сен менга ҳаловат, сен менга роҳат. Сен кўнглим ичинда фароғат – тинчлик.

Қалам, тортмагин, тортмагин ҳеч қачон алам. Кўнгил баҳор бўлсин, юрт бўлсин обод. Сен эса Гул Сўзни қоғозларга айт.

Эй қалам, жон қалам!

## БАДИАЛАР

### КЎНГИМНИНГ ҚИЗИЛ ГУЛИ

Мен дунёни ва яшашни муҳаббат билан англаб етдим. Ҳали ўшанда беш-олти яшар қизалоқ эдим. Халча энажоним яшаб ўтган Олтиариқнинг Окбўйра қишлоғи – мен учун улкан ва буюк мамлакат эди. Шундоқ кўчага чиксам, ям-яшил пахтазор кўринади. Ёш ҳам, қари ҳам ўша томонга талпинади. Ширмонхон келинойимиз ёнида, ғўзалар оралаб, чопқиллаганча, болаларча ҳавас билан биз ҳам кетмонни ушлаймиз. Ғўза чопикни ўрганишга уринамиз. Ёзнинг тафти уриб турган қайноқкина тупроқ оёққа хуш ёқади. Бу ҳарорат ҳали-ҳали томирларимда оқиб тургандай.

Кун сайин ўсиб борамиз. Болалигимиз тирикчилик ташвишларига кўшилиб бораётганини сезмай, мол, кўйларга этак-этак ўтлар юламиз. Ўт-ўланлар ҳиди, ажриқларнинг оппоқ томирлари, пахтанинг ним пушти, сиёҳранг гуллари, бор-будларини ипак қуртларига бериб, каллакланган фидойи туткаторлар, терлаб-терлаб, уватларда оёқ узатиб, эмин-эркин суҳбат қуришлар... ҳаммаси кўнгилга ўз сувратларини чизади.

Ўша пайтларда турмуш ташвишлари нима? Оиладаги етишмовчилик, кўнгил оғриқлари-чи? Хаёлда бунақа гаплар йўқ. Кенг далалар бағрида қушлардай энтикаман. Нигоҳларим гоҳо осмонларга, юксакларга учади. Ботаётган куёш, кип-қизил чўғдай шафақлар кўзимни ёндиради. Қалбим, туйғуларим чўғланади. Билсамки, англасамки, ўшанда туғилган қишлоғим бағрида туриб, кўзларим ҳайратга тўлган экан. Демак, муҳаббатнинг илк куртаклари, нигоҳлари ҳайратлар бағрида ниш уради, деб бемалол айтиш мумкин.

Болалигим қишлоқдан шаҳарга туташди. Фарғонанинг Янгисой маҳалласида яшай бошладик. Ҳовлимизнинг шундоқ орқасида Янгисой шовуллаб, тўлкинлари

кирғокларга бош уриб оқади. Гоҳ-гоҳ биз ҳам унинг бағрида завқ-шавқ билан оқиб борамиз. Соё бўйида ўтиришнинг, айникса, кун ботаётганда, шафақларнинг тиник сув кўкида «ялт-юлт» товланишлари, қуёш чўмилаётган каби мени ўзига ром этишлари, уларни кузатишнинг гаштлари ниҳоятда бошқача. Гўё энди болалик ҳаяжонлари тўлқинланиб, ўзига сигмаётгандек.

Онажоним саккиз фарзандни кўкида папалайди. Нон ёпади, кир ювади, меҳмон кутади. Бир нафас оёқ узатиб ўтирганини кўрмайман. Дадам эса ҳар куни уйга нимадир кўтариб келади. Уйга нимаики келса, онам:

– Олдидан энангга олиб кўяйлик, – дейди-да, оқ канд, чой ва бошқа нималардир тугилган оппоқ тугунчани рўпарамизга осиб кўяди.

– Энангга... – дейди эҳтиром билан.

Эна. Она тушунчаси... Бунақа гапларни ҳар куни эшитамиз. Энам оппоқ кўйлақда, юзлари қуёшдек нурланиб, кун сайин кўз ўнгимда улканланиб боради. Окбўйрага кўшни Файзиободда яна бир Хуринисо энажоним яшайди. Бир ўзи ёлғиз, ойга термулиб, қуёшга термулиб яшайди. Ўн тўртта фарзанд туғиб, ўн иккитасини тупроққа берган. Икки кизини узатиб, хувиллаган уйидан бошқа ғамхонаси бўлмаган шу энажоним жон томирининг биттаси эканини англайману, унинг ёлғизлик комида эшикка термулган нигоҳларидан ҳали ҳеч қачон ўзим кўрмаган азобнинг сувратларини таниб қоламан. Хуринисо энажонимни ялиниб, ёлбориб шаҳарга олиб келамиз. Бир кун туриб, «кетаман»га тушади.

– Ўз уйимнинг осмони кенг, шаҳарнинг осмони тор экан, – дейди.

Ҳар гал кишлоққа борганимда, осмон чорлайди. Ажабки, бугунги кунгача ҳам кишлоқ деганда, кенг ва ёруғ осмон кўз ўнгимдан ўтади. Энди аллақачон юлдузларга айланиб кетган энажонларим фақат ўша Окбўйра ва Файзиобод кишлоғи осмонларида чакнаб, менга руҳ, қувват бағишлаб туришади. Ошиққанча, ўша томонларга ҳовлиқиб кириб бораман. Ўшанда, ўша-ўша ширин болалигимда гоҳи ўз-ўзимдан йиғлагим келарди.

– Энажон, мен йиғлаяпман, – дер эдим Халча энамга ўзимча энтикиб.

Ҳеч ким, ҳатто ўзим ҳам бу кўз ёшларини тушунмас эдим. Нима учун? Нега йиғлаяпман? Демак суюнъяпман, энтикяпман, хайратланыяпман. Гоҳи нималардандир ўкси-няпман. Илинчоқлик, кадр, меҳр, армон вужудимда нима-лардир «яратяпти».

Шаҳардаги кичкинагина ҳовлимиз этагида дарча бор.

– Бор, секин карагин-чи, Каромат аянг уйдамикин?– онам мени тез-тез дарчадан қараб келишимни буюради.

– Ҳа, уйда экан.

– Ма, мановини ташлаб чиқ, – онам сочикка ўралган ниманидир қўлимга тутқазади. Ҳар куни, ҳар куни Каромат аям ҳам дарчадан ўтиб, чинни косада нимадир кўтариб киради. Онам бетобланиб қолса, шошиб, ўша ёққа югураман. Уларга болалик ҳаддим сиғади, уларга ишонаман. Онам кўшни аяжонимнинг овқатини ичади-ю, ўрнидан туриб кетади. Мен эса уларни сева бошлайман. Қўшнилари энг яқин кишиларимиз деб ўйлайман.

Онамнинг юмушлари кўп. Ўзидан ортмаса-да, маҳалла-миздаги кўшни аёлларни ҳар куни тилга олади.

– Нортожи энанг бетоб эмиш, Холинисо энангни, Мер-вон энангни кўрмаганимга ҳам анча бўлди. Кўриш керак.

Онамнинг гоҳ нурли, гоҳ синиққан чеҳрасидаги излар-га бокиб туриб, нималардир, ха, ха, нималарнидир топиб оламан. Кўнглим тўлиқади, тошади. Қоғозлар қоралайман. Сатрлар тўкилади. Ҳиссиётлар шеърга айланади. Бу кўнгил сари бошланган илк сўқмоқлар бўлса, ажаб эмас.

Эҳ, кўнгил, қилдан-да нозик кўнгилни «нимаси» билан-дир банду пайванд айлагувчи қудрат соҳиби борлигини эса неча-неча йиллар кейин англайман.

Бирдан дунё янада улканлашади. Янада ёруғ бўлиб кета-ди. Кўнгил бу поғонага кўтарилгунича, бу чўққига етиб бор-гунга қадар, неча қийноқлар доводидан ўтди. Ўша азобларни-да, вақти етса, ёзарман. Бугун эса... муҳаббат, унинг илоҳий кучи, қалб оламида очган чечаклари ҳақида айтгим келяпти.

Кўнгилда гул очилган лаҳзалар ... Унинг менга термулиб турганини сезаман. Кўнгил оламимдаги гулларим яшнаб кетадилар. Бу чўғли нигоҳга астойдил қаролмайман. Вужудим куёш ҳарорати каби оқиб келаётган нурлар оғушида кизигандан кизиб боради.

– Ё Аллоҳ! – дея илтижо қиламан, – Бу ўзингнинг қудратингми?!

Кўзимдан шаффоф томчилар дув-дув тўкилади. Йиллар ўтиб бораверади. Жонимга, жон риштамга туташган овоздан гоҳи шошиб қоламан. Ташқарида гупиллаб ёғаётган қор қайноққа ўхшайди. Менми ёнаётган ё қорми? Ё осмонми? Ажабо, ҳеч нарсани ўйламайман. Тонг саҳардан ҳар куни, ҳар куни Яратганга илтижо қиламан:

– Унга соғлик, хушқайфият ато эт! Узун умр бер. Бахтимга омон бўлсин. Энди усиз менга дунё зимистон.

Вужуддаги бу пўртанадан ўзимни йўқотгудай бўламан.

– Яратгувчим! Ўзинг билгувчисан! Бу– не синоат? Гуноҳми бу ёки савобми?

Йўқ, бу ерда ақл чекиниб кетади. Саволлар қайларгадир кочади. Биз муҳаббат иккимиз ғолиб келамиз. Мен ҳеч кимга қулоқ солишни истамайман. Ёлғиз кўнглим – менинг ҳамроҳим. Унда шу ёруғ дунёга аталган чексиз-чегарасиз ишқ чечакларини кўраман. Бу чечаклар мени тамом сеҳрлайди. Улар орасида адашиб, девоналар бўлиб, кўз ёшдай тўкилиб, тўкилиб, товонларим тиконларга ботиб, дунёни сева бошлайман. Шундай севаманки, Барчинга айланиб кетаман. Инсоннинг ички қудрати фақат муҳаббат оловидан куч олишига минг бора ишонаман.

Бирдан маломат тошлари отила бошлайди. Бир лаҳза довдираб қоламан. Ақлдан ёрдам сўраб, қўл чўзаман. У ўзининг доно маслаҳатларини беради. Назаримда, ишқ олови мендан чекина бошлайди. Шу лаҳзаларда вужуд совийди. Жисмимга туганмас ташвишлар ёпирилиб келади. Гўё гуллар, чечаклар катида ёғду сочаётган дил хиралашиб, бу ёруғ дунёга бегонадай ётсираб қарайди. Кўнгил нимта-нимта бўлганча, ёлғизлик комида инграйди.

– Азизим, меҳрибоним, кел, ўтинаман, хаёлимга кел!  
 Борлигимни исит! Кўзингдаги менга аталган туйгулар таф-  
 тини сезиб турай. Сенга боғланиб турай. Ҳеч ким сен каби  
 кўзларимга қаролмайди-ку! Ҳеч кимдан сендан куч олган  
 каби ололмайман-ку! Овозингни эшитсам, булбул овози-  
 ни тинглаган гул мисол маст бўламан. Кўзларим чараклаб,  
 унда бахт сувратлари кўринади. Ҳа, ҳа уни ўзим кўраман,  
 ўзим. Қўлларим шундай узунки ... Рост, кўнгил имконла-  
 рим чексиз ва чегарасиз бепоёнликни ҳис этади. Яна Ярат-  
 ганга таъзим этаман:

– Бу – сенинг қудратинг! – дея пичирлайман.

Муҳаббатим! Эй, илоҳий нур! Сени ҳам кашф этгув-  
 чи инсон, инсоннинг покиза кўнгли экани рост! Сизга  
 қуллуклар бўлсин, эй муҳаббатли инсонлар!

Дунёнинг офтоби сен эмасмисан, муҳаббат! Мен сен  
 ҳақингда умр бўйи ёзим. Бирок, тўймадим. Билдимки, сен  
 уммон экансан. Кўксингда улуғворлик, кўксингда буюклик!  
 Навоий бобом қалбини энг юксак чўққига кўтарган – сен!  
 Нодирабегимни қилич остида қаддини сарвдай тик тутган  
 – сен! Увайсий момомни чўғинг билан поклаган – сен!

Ёруғ дунё ичра кимларнинг номлари дилларга кўчган  
 экан, улар ўзларининг ишқ нурлари ила бизларгача етиб,  
 қалбларимизга туташдилар.

– Эй, севишдан чарчамаган ошиқ! Сенга муносиб Сўз  
 тополмай армондаман. Қалбимни чаман этиб, гуллатган  
 қудрат соҳибига айтмоқ учун арзирли лутфу қарам излаб,  
 умрим сарсонликда кечса ҳам минг бора розиман.

– Эй, ошиғи муқаррам! Сен менга кўнгилга ошиқликни,  
 дунёга шайдоликни, кўнгил гулбарглари қатидаги ҳислар  
 назокатини, изтироблар фарёдини, ёнмоқ шарофатини ҳади  
 айладинг. Кўнгил беғамлигини, бепарво-ю, лоқайдлигини,  
 ҳислар ўликлигини парча-ю, барбод этдинг.

Муҳаббатим! Сен менинг жоним ва қонимсан. Ҳазрат  
 Хувайдо бобомнинг шундай сатрлари бор:

Ҳамма айтур Хувайдога, бу ёрингдан кўнгил узгил,

Нафас тандин узилгунча қачон кўнгил узорим бор...

Эй, вужуддаги етмиш икки минг томирда илдиз отган ишқ гули! Сени кўзларимга суртаман ва билгилки, энг сўнгги дақиқада ҳам бағримга босганча, сендан куч оламан.

## **БИРИ ҚАЛҚОН, БИРИ СОЯБОН**

Менинг онам – Пўлатой Нишонбой қизи. Онамнинг онаси, Хуринисо энажоним ўн тўртта фарзанд кўриб, ўн иккитасини тупроққа берган экан. Онам туғилган минг тўққиз юз йигирма тўртинчи йил саратонида, кишлокка бўрилар тез-тез оралаб турган таҳликали кунларда чақалоғини опичлаб, энажоним томда ётар экан. Бўрилардан кўрқиб, шотини ҳам олиб кўяр экан.

– Бу болам ҳам ўлиб колмасин, – деб уч ой исм кўймабди. Бир куни ўтиб кетган қариндоши тушига кириб:

– Исмини Пўлатхон кўйинг, – деб тайинлабди.

Онам ва отам Дехқонбой Отажонбой ўғли уруш йилларида турмуш қуришган. Отам урушда оғир яраланиб қайтгач, тўйлари бўлган. Улар беш йил фарзанд кўришмаган. Шунда дадамнинг онаси – Халча энамиз дадамга танбех бериб:

– Сен ота пирингни йўқлашни билмаяпсан, – дея хафа бўлган. Отамнинг отаси – Отажонбой 1933 йилда кулок қилинғач, отам етимлик азобларини кўп тортган. Отасининг пири – Марғилондаги сайидлардан – Қиличхон тўра бўлган. Отам энамнинг гапидан сўнг Марғилонга кетаётса, йўлда бехос Қиличхон тўрага рўпарў келган. У киши дарров таниб:

– Ҳа, Дехқонбой, биз тарафларга юриб қолибсиз, – дея синчков қараганлар. Шунда дадам фарзандталаб бўлиб келаётганларини айтган. У киши дарров фотиҳага қўл очиб:

– Келаси йил фарзандларингни кўтариб келинғлар, – дея дуо қилганлар. Бир йил ўтиб, мени кўтариб боришган.

Дадам билан онам тўрт ўғил, тўрт қизга ота-она бўлишди. Улар ўзларидан кўпайиб, бугунгача яна улардан ўттиз еттита оила дунёга келди. Шуқурки, бугунгача ўттиз

олтита оила – мустаҳкам, иноқ, аҳил. Биттасини эса, куёв гиёҳванд бўлгани учун асрашнинг имкони бўлмаган. Улардан томир ёзган набиралар, чевараларни гоҳи қўлга қалам олиб ҳисоблашади. Ўттиз тўртта невара, олтмиш тўққизта чевара...

Қарангки, 2012 йил Мустаҳкам оила йили деб атала бошлагач, отам, онам босиб ўтган йўлларга, уларнинг меҳнатларига, заҳматларига астойдилроқ назар ташлаб тургандайман. Бу катта кўрғонни, ундан ҳар томонга ёйилиб, макон қурган оилаларни жипсликда асраш учун ҳар икки қоянинг сабрлари балогардон бўлган. Бу – айтмоққа осон холос. Ички ишлар соҳасида раҳбарлик лавозимида ишлаган укам Нуриддин:

– Дадамнинг олдига кириб чиқишдан кўра, генералнинг олдига кириб чиқиш осонроқ, – дер эди. Негаки, отамиз бир қарашда хатоларимизни сезар, дангасалиқни, лоқайдликни, ёлғонни ошқора ёмон кўрарди. Жаҳли чиққанида ҳеч кимни аямасди.

Дадам қирқ ёшдан ошганида Тошкентга бориб, олийгоҳда сиртдан ўқиди. Фарғонамизнинг олий маълумотли биринчи иқтисодчиларидан бўлиб, кўплаб шогирдлар етиштирди. Менинг ҳам нималарнидир қоралашимдан хабар толиб, таҳририятга боришимни маслаҳат берди. Институтни тугатганимда, вилоят газетаси муҳаррири Абдулла Мирзаев ёнига олиб борди ва ишга олишини илтимос қилди. Ишончим комилки, ўз зурриёдларига ва атрофидаги бирорта инсоннинг тақдирига бефарқ қарамади. Энг сўнгги нафасигача ҳаётнинг шиддатига қулоқ солди. Бир куни ёнига борганимда:

– Вилоят ҳокимини нега бўшатишибди, – дея бехос сўраб қолди. Мен эса бу воқеадан бутунлай беҳабар, ҳатто эшитмаган эканман. Анча довдираб:

– Билмасам, – дедим. Ўшанда дадам ачиниш билан:

– Сизлар ўзи Фарғонада яшайсизларми ё бошқа жойдами? – деди. Дадам газета, радио, телевидениега астойдил қулоқ тутарди.

– Энди жим туринглар, ҳозир янги ахборотларни беради, – дер эди радионинг овозини хиёл кўтартириб.

Оилаларнинг мустаҳкамлиги, деганда, беихтиёр отамнинг, онамнинг ҳаёт йўлларида ибрат олишга уринаман. Улар босган йўллари энди биз босяпмиз. Мустаҳкамлик – энг аввало оиладаги инсонларнинг муомаласида, бир бирига муносабатида, ишончида бўлиши аниқ. Дадам айтарди:

– Инсонни учта хатоси учун кечирмаслик керак. Агар у ёлғон гапирса, ўғирлик қилса, хиёнат қилса... Келинларга ҳам баҳо беришда, агар шу учта хатоси бўлмаса, қолганини тузатса бўлади, дер, тирноқ остидан ортикча кир кидирмасди.

Оила маҳкам бўлиши учун – иқтисодий таянч албатта зарур деб, бизларни тинмай меҳнат қилишга чорларди. Отам бетоб ётган кунларда:

– Яна уннинг нархи ошибдими? – дея сўраб қолди. Шунда укам Ҳожиакбар :

– Дада, уннинг ташвиши Сизга нимага тушиб қолди, уйимизда ун бор, ана ўғлингиз Муҳаммадҷон қопи билан жўнатган. Сизнинг кўнглингиз тўқ бўлсин деб жўнатган, – деди. Дадам бўлса:

– Ҳа, энди ун – тирикчилик-да. Мен ўзимни эмас, одамларни ўйлаяпман, – деди.

Гоҳи атрофимиздаги ортикча ҳашамларни кўрганамда отамни эслайман. Дадам набираларига суннат тўйи қилаётганида аёл қудасини чакириб:

– Кароматхон, Сиз сўқим қиламан деб ташвишланманг, ҳозир энди қайси ўғлингизга эланасиз. Қуруқ келгингиз келмаса, топганингизни олиб келинг. Сўқим қилиш шартлиги қайси китобда ёзилган экан ўзи ... У – бўлмаган гап! У – қайсидир бойдан қолган ақида! Фарзанд топганлар тўйини ҳам ўзи қилсин. Бировнинг таҳоратига намоз ўқиш бўлмаган иш, – деб айтди. Орадан беш- олти йил ўтиб, марғилонлик қудаларга ҳам шу сўзларини такрорлади. Бу куда холамизнинг ҳам умр йўлдоши анча илгари ўтиб кетган экан. Қудаларимиз дадамни узоқ дуо қилиб, кўзларига

ёш олишди. Мен ҳам атрофимизда чиранаётган қудаларни кўрганда, афсусланаман. Ўзимизникиларга дадам тутган йўлни эслатаман. Ахир, ота-она қачонгача қизининг орқасидан куйиб-пишади? Фарзандлар-чи? Ўз ота-оналари хақида қачон қайгурадилар? Бизнинг имонимиз бир-биримизни авайлагувчи инсофимизда-ку, дейман.

Отам ўзидан кўпайган оилаларни асрагувчи қалқон бўлди, онамиз эса меҳри билан соябон бўлди. Дадам жуда қаттиқ жаҳли чикқанида, хатоларимиз қулоғига тушганда, олдига кириб борсак, чеҳрасини очмай, саломимизга факат бошини қимирлатиб қўярди, холос. Ана ўша ҳолат – биз учун энг оғир жазо эди. Онамиз эса, ҳар битта ишда «дадангдан сўраш керак, олдидан ўтиш керак, маслаҳатлашиш керак» дея, дадамизни ҳар лаҳза ёдга солардики, дадамиз биз учун дунёга келиб биринчи таниганимиз – улкан шахс эди. Аслида ҳам шундай экан. Шундай бўлмаган оилалардаги фожиаларни кўриб турибмиз. Отамизнинг ҳар биримиз учун қилган саъйи-ҳаракати ўзи бир китоб.

Оила кўрғонининг сарқори оламдан ўтгач, унинг ортида қолган устунлар, албатта, мустаҳкам бўлиши керак. Ана шу устунлардан биттаси – бу албатта, МЕҲР! Агар меҳроқибат бўлмаса, соғингувчи туйғулар бўлмаса, бир оиладан таркаганлар ҳам бегоналашиб кетади.

Отамизнинг кўз ёшларимизни тўкиб кетганига беш йилдан ошяпти. Ота эшигимизнинг эгаси тўрт ўғилнинг каттаси – Ҳожиакбар. У – худди отамизнинг ўзи. Қаттиққўллиги ва меҳрибонлиги, интизомлилиги, дўст кидириб, йўл босиб чарчамаслиги, яхшилар изидан довлар ошиб юришлари, доим кимнингдир ташвишида куйиниши...

Гоҳо отамдан қолган кийимларни кийганида, юраклар жиғиллайди.

Ота эшикка ҳоҳлаган пайтда бемалол бориш мумкин. Бош келин – Доноҳон онамизнинг ўнг кўли, дадамизнинг чап кўли бўлиб яшади. Дадам пулларини Доноҳонга ишонарди:

– Ўша жойига қўйиб қўйинг, зарил бўлса олиб берасиз, – деб омонатларини унга топширади.

Дадамиз оёқ оғриқдан олти йил бир хона ичида яшади. Олти йил дадам ёнида навбатчиликда турдик. Донохон ҳар куни оёқда. Байрам кунлари ҳамма шу эшикка келади. Гоҳо элликта-олтмишта одам тўпланади. Ўшанда ҳам ота- оналар фарзандларига тўймайди.

– Ётиб қолинглар, – деб қисташади. Кимдир кетади, кимдир қолади.

Беш йилки, ҳам посбонимиз, ҳам соябонимиз – онамиз.

– Тилпонни чиқарганлар ўлмасин, – дейди онам. – Ўзларингни кўрмаган куним, овозларингни эшитаман.

Қайси боласи хиёл заиф бўлса, она ўша томонга тортади, дейди донолар. Бизда ҳам худди шундай. Ким ўғил уйлайди, ким қиз чиқаради, онамиз ўн беш кун олдин секингина ўша томонга йўрғалайди.

– Озгина тўйга атаганим бор эди-да. Ўз қўлим билан берай...

Кейин ҳамма топганини олиб онамнинг орқасидан бо- раверади.

– Энди навбат кимга келяпти, – осойишта товуш билан сўрайди онам.

– Бу йил худо хоҳласа, саккизта тўйимиз бор экан. Не- вара тўйлар ҳам бор... – кимдир жавоб айтади.

Онам оҳиста ёдимизга солади:

– Бу – бугунги гап эмас. Бор гап. Ўша опокиларинг, зна- ларингдан қолган удум. Ота пирларингни йўқлаш эсларин- гдан чиқмасин. Ўша жойларга кадам босиб турсаларинг, кам бўлмайсизлар, унасизлар, ўсасизлар.

– Мен яқинда бориб келдим, – дейди шошибгина, чакконгина синглим Шоирахон. – Ҳаммалари яхши юри- шибди. Салом айтишди.

Онажоним ўзидан кўпайган Она тимсоли. Ҳар битта не- вара, чеварасини эринмай, алоҳида меҳри билан эркалаб, суйиб, уларга шеърлар айтиб, бағрига босади:

Худойим берган ўғлим,  
 Турсин деб, берган ўғлим,  
 Юрсин деб берган ўғлим,  
 Суйсин деб, берган ўғлим!  
 Бойларга куёв бўлиб,  
 Барра нўстинлар  
 Кийсин деб берган ўғлим.  
 Ҳеч ким билмасин,  
 Душман чиқмасин...

– Энажон, менга ҳам айтинг, – дея чошиб боради чакқон киз пошшолардан бири... Онажоним уни ҳам эркалайди:

– Атлас-кимхоблар кийсин, деб берган кизим ...

Онажоним умри давомида ўзи амал қилганларини тинмай қулоғимизга қуяди:

– Эшигингни яхши ниятлар билан, таҳорат билан саҳар туриб очгин. Фаришталар ризк сочиб кетишади.

– Пайшанба, якшанба кунлари, айниқса, ҳушёр бўл. Вақтида қозонингга атаб ёғ қуйишни, ўтганлар руҳига фотиҳа ўқишни унутма.

– Жума куни озодалик учун кураш, кам бўлмайсан,

– Қизларнинг сочларини пайшанба куни ихлосу ниятлар ила юв. Бахтли-тахтли бўлишади.

– Жума куни гўдақларни чўмилтирма. Бу кун катталар покланадиган кун. Болалар бегуноҳ. Уларга душанба, чоршанба кунлари яхши.

– Уйингда бир тишлам бўлса ҳам, қўй ёғи турсин. Баракот бўлади.

– Шанба куни, яна асрдан кейин кир ювма. Ундан кўра, вақт топиб, бир қалима бўлса ҳам Қуръон ўқи. – Бизни поклагувчи Сувни, елкасида кўтариб юрган Ерни унутма. Улар ҳақиқа ҳам дуолар қил. Уларни эъзозла. Ҳурмат қил, эркала.

– Йилда бир марта қавму қариндошлар ётган қабристонни йўқлаб қўй.

– Ейдиган таомларингнинг усти ҳеч қачон очик қолмасин.

– Эрталаб жониворларни тўйдирмай, нонуштага ўтирма. Онамининг бу каби ҳикматлари ҳисобсиз.

Аллоҳга шукурки, онажоним қайси фарзандиникига борса, ўша ердаги муаммолар осонгина ечим топади. Шунданми, доим талаш бўлади. Қайсидир фарзанди навбатда туради.

Онажоним асосан ўғиллариникида туради. Ёзда Файзиободда, кишда Фарғонада. Қизларникига келгудай бўлса, ўғиллари дарров машинани эшик тагига олиб келишади:

– Пўлатбиби, сафарингиз қариди, – дейди ҳазиллашиб ўғли Муҳаммаджон.

– Худога шукур, – дейди онажоним. – Ҳамманинг ҳам харидори бўлсин. Худо берган шунча харидорларимга шукур...

Баҳорни орзиқиб кутамиз. Кунлар исиса, елкасига офтоблар тегса, онажоним ясан-тусанлар қилиб, кийимлари тугилган тугунчасини унутмай, саҳарлари ихлос ила ўқигувчи китобларини олиб, машинанинг олдига ўтириб, оппоқ рўмоллари буғдой ранг чехрасига ярашиб, ҳаммамиз учун она кишлоқ – Файзиободга йўл олади. Қишлоқнинг шоираи даврон – Нодирабегим номи билан аталгучи кўчанинг олтмиш олтинчи хонадони. Бу гўшанинг ҳар бир қаричи отамни ёдга солади. Бу ерда биз меҳр билан бирга катта меҳнатни кўрганмиз. Бу ерда иссиқхонада ишлар авж олар эди. Сигирлар, қўйлар боқиларди. Ҳаддидан ошган набиралар бўлса, тарбия ўчоғи дея жўнатиб юборар ёки ташлаб кетар эдик. Дадам уларни каттик ишлатар, бу кунлар улар учун унутилмас бўлиб қоларди.

Хонадонимизга кириб келган келинларимиз – Доноҳон, Мавлудаҳон, Махфиратхон, Зулфияхонлар ҳам бу хонадон интизомини қадрлашди. Бугун уларнинг ҳам фарзандлари ўз ота-оналарига меҳрли, оқибатли. Гўё оққан дарё оқаётгандек.

Мен дастлаб, каламни ушлаганимда онам ҳақида ёзмакчи эдим. Тўксон ёш билан тўкнашай деб турган чоғида ҳам фақат хаёллари Ерга нималарнидир сепиш, экиш билан банд бўлган, ҳар бир гулга, япроқларга, инсонларга,

уларнинг кўзларига ҳайратлар билан боқувчи, ўз меҳрини изҳор этишда асло чарчамайдиган, тешаси кўлидан тушмай, ҳар куни ер ичига кириб кетадиган, озгина кечиксак, кўнгироқда йўқлайдиган, бир умр меҳнатни севиб, меҳнатни ардоқлайдиган Онажоним ҳақида ёзмокчи эдим. Англадимки, онам ҳам, отам ҳам – ёзиб, тугатиб бўлмайдиган дарёлар экан.

... Файзиободга кириб бораман. Мен онамни соғиндим, дея кўнглим тўлқинланиб, онажоним бағрига сингганимда, боладай эркаланиб, ҳузурланиб, кўзларимда ёшлар чакнаб, гўзал хотиралар ичра яшай бошлайман.

Ота – улуғ, она – муқаддас. Биз уларга астойдил кулок тутсак, оилани мустаҳкам асрагувчи сир-асрорларни албатта топамиз. У, албатта, биринчи галда меҳр-окибат. Ундан кейин – Меҳнат! Ўпка-гиналардан, ғийбатлардан йироқда бўлиш, иқтисодий таянчларни излаш, одамларни сева билиш, яхши ниятлар, «келинларни асраш – авлодингни асраш» қондасига риоя қилиш, қудаларга эҳтиромлар, ширин сўзларни бир-биримизга ҳады қилиш...

Ҳа, ҳа, ҳады қилиш... Мен ўйлайманки, бу гўзал муомила – муносабатлар кўнглимиздаги боғланишларни узилмас арқонлар мисоли мустаҳкамлайди.

## БАҲОР СОҒИНЧИ

Вужудимдан соғинчлар тошади. Кўз ўнгимда – сен... Азизим, қара яна баҳорга етиб боряпмиз. Дилим ҳаяжондан шундай ҳаприқиб кетяпти. Яна табиат, онажоним табиат бутун саховатли қалбини, ям-яшил оламини, ранго-ранг гулларини инсонлар пойига ҳады қилади. Кўзларимиз камашади, дилларимиз энтикади. Яшил майсалар ташрифидан, ялпизлар, чучмомоларнинг кўз очишидан қанотланиб кетамиз. Қушлар чуғур-чуғур, вижир-вижир кўшиқ куйлашади. Қуёш эрта тонгдан чарақлайди. Юлдузлар ғуж-ғуж бўлиб, ёғдулар сочиб, кафтимизга кўнгудай бўлиб, осмонимизни тўлдиради.

Оҳ рўмолларини рўпай солган момолар бугдойларни ювиб-тараб, дастурхондай ёзадилар. Ниш урган яшил майсаларга қараб, ширин-ширин тамшанамиз. «Сумалак, сумалак, сермалак...» Таомнинг хушбўйи димоғимизга урилади. Наврўз сайллари бошланиб кетади. Кўк сомса, кўк чучваралар қўлма-қўл бўлади. Она-заминга сочилган бугдойлар кундан-кун селпиллаб, кўзларимизни яшнатади. Шафтолизор боғларнинг пушти рангларидан лолу ҳайрон бўлиб қоламиз.

Ҳа, ҳа бодомнинг илк гунчалари қошида ҳайратланганча, қичқиргудай бўламиз.

– Бодом гуллабди!

Ўрикзорлар, беҳизорлар, хурмоларнинг айна гуллаган чоғлари кимни маст этмайди. Оҳ, инсон, оҳ инсонлик ... Биз қандай жаннатда, қандай маъвои азимда яшаймиз-а! Бундай гўзал кунлар қошида яшамоғимиз учун менимча, ўзимиз ҳам, кўнглимиз ҳам пок, юракларимиз эзгулик, саховат билан уриб турмоғи керак. Меҳнатимиз билан, пешона теримиз билан бу табиат Маликаси – сулув, дилбар баҳор кадамларига биз ҳам зеб, нафосат бағишламоғимиз керак.

Ўзимиз нафас олаётган ҳавомизни заҳарлардан халос қилмоғимиз, ҳар бир қарич еримизни баҳорга ҳозирламоғимиз керак.

Баҳор! Нақадар мўъжизали, мафтункор фасл! Бу фаслда ҳатто тошлар ҳам гуллайди, кесаклардан ҳам яшил ўт-ўланлар ўсиб, алёрлар айтади.

Эй, кўнгил! Сен-чи? Сен ҳам бир кун баҳор бўлсанг-чи... Бир кун ғийбатлардан тўхтасанг-чи... Одамларга сўзлардан, ширин-ширин шакар гуфторлардан гулдасталар тутсанг-чи... Ўткинчи умр лаҳзаларини шодликлар билан безантормоққа шошилсанг-чи...

Азизим, Сизнинг ҳам кўксингизда соғинч нафаси сезиляптими? Кимнидир кўриш, одамларни йўқлаш, меҳр, муҳаббатли сўзларни изҳор этишни қўмсаяпсизми? Қандай яхши!

Баҳор, жоним, азизим баҳор! Сенинг гул кадамларингга соғинчларимиз поёндозлар бўлсин ...

## АЁЛ

Аёл...У ўзининг ширин тушидан энтикиб уйғонди. Жуда узокдан келаётган оппоқ нурлар шуъласи деразадан улар ётган хонага тобора яқинлашар, осмон анча оқариб қолган, тонгнинг яқинлиги аниқ эди. У оппоқ кўрпа бағрида бир зум хаёлга толди. Тушини эслади. Мунча ширин-а! Ажойиб, шу қадар ажойиб, тиник, зумрад катта кўл эмиш. У шунақа тиник эканки, сув остидаги тошлар марвариддай бўлиб аниқ кўриниб турибди. Унинг ўзи жуда бир баландликда эмиш. Ўша кўлга лолу маст бўлиб, тикилиб қолганмиш. Ундан қониб-қониб ичгиси, бир лаҳза ўша кўл бағрига тушиб, яйрагиси келаётган эмиш. Баланд тепаликдан энди ўша кўл сари тушмокчи бўлганди, уйғониб кетди.

Қизиқ, юраги ҳозир бир ажиб туйғуларга кўмилиб кетгандай. Ўша тушида кўрган кўлни ҳозир излаб топгиси, атрофида айланиб, сувларидан ичгиси келиб кетди. Ўша тушидаги табиатнинг сулув жамолига пешвоз чикиб, айна шу тонг палласи куёшнинг илк нурларига чўмилаётган она-юртимизнинг поёнсиз, яшил кенгликларини бутун вуҷуди билан томоша қилгиси, топ-тоза ҳавосидан шимиргиси, бир лаҳза ошиқона юрак билан яшагиси, атрофларга суқланиб тикилгиси келди.

Эндигина тетапоя бўлаётган кенжа ўғлининг безовталаниши аёлнинг йироқларга учган хаёлини ўзига келтирди. У ётган жойида ширин тамшаниб, она сийнасини изларди. Она меҳри билан ўғлини эмизишга тушди. У «чўлп-чўлп» этиб мазза қилиб эмар, туни билан тўйиб ухлаган гўдак астойдил уйғониб олган, ҳар эмганда эркаланиб, оёқларини ўйнатарди. Ўғилчасининг кенг пешоналарига, бахтиёрликка тўлиб-тошиб турган қоп-қора кўзларига тикилиб, аёл яна ўзига сиғмай кетди. Худди ҳеч тўймаётгандай, ўғлини қайтиб-қайтиб, мирикиб ўпди.

– Сени ташлаб қаёққа кетаман, эркатойим. Сени-я... Сендай ширинни-я... – аёл худди катта гуноҳ қилгандай, яна ўғлини маҳкам бағрига босди. У ўғлини эркалаб-эрка-

лаб ўтказди-да, олдига бир тўп ўйинчоқларни кўйиб, ўзи ҳовлига чиқди. Баҳорнинг илик, ҳузурбахш, минг бир турфа бўйлар қоришган хушбўйи «гуп» этиб димоғига урилди. У энтикиб-энтикиб, чуқур нафас олди. Қушларнинг тинмай завқ-шавқ билан чаҳ-чаҳлашини эшитиб, яна яйраб кетди. Уларга кўшилиб, у ҳам беихтиёр бир гўзал, ширин кўшик айтгиси келди. Дарахтларда эндигина кўз очаётган митти куртақларга махлиё боқиб туриб, бирдан ўгли ёдига тушди.

– Тўнтарилиб олмасин яна ... – юраги ҳаприқиб уйга чопди. Гўдаги қорни билан ётиб олиб, жон-жаҳди билан икки оёғини силкитганча, олдинга талпинарди. У онасини кўриб, яна астойдил интилди.

– Ўзимнинг ширин ҳаётим, болажоним, кел, кела қол, қийналиб кетдингми, дўмбоғим, – у ўғлини суйиб-суйиб кўлига олди. Худди ўгли ҳамма гапга тушунадигандек, уни дераза ёнига олиб бориб, атрофни кўрсатди.

– Қара, худди сенга ўхшаган беғубор баҳор келяпти ...

У ўғлини деразага тик қўйганча, яна атрофдан кўз узолмасди. У ҳозир куйлагиси, бор овози билан куйлагиси, ҳамма-ҳаммани ўз овозига жўр қилгиси келарди.

Шу пайт... Яна икки фарзанди уйғониб, ичкари уйдан чиқиб келишди. Улар югуриб келиб, онасига ёпишишди. У ўртанча қизи ҳамда катта ўғлининг кундан-кун чўзилиб бо-раётган бўйларига, энди уйқудан уйғонган кўзларига боқиб, ҳалигача нонушта тайёрламаганидан хижолат тортди.

Баҳор куёшининг илик нурлари бутун она-замин узра ёйилиб кетди. Аёл деразадан тобора яқинлашаётган офтоб тафтидан роҳатланиб, фарзандлари, севикли ёри даврасида дастурхон атрофига ўтирди. У бутун оналик меҳри билан қайтиб-қайтиб, болаларига тикилди. Дилидаги энг пинхона ҳислари, покиза муҳаббати билан сездирмай ёрига разм солди. Уларнинг ҳаммаси шод, ҳаммаси бахтиёр... Уларга боқди-ю, шу тобда юрагининг ич-ичлари жуда- жуда ёри-шиб кетганини сезди. Наздида тушидаги ўша зумрад кўлни, қанчадан-қанча гўзалликларни, дили орзу қилган эзгуликларнинг жуда кўпини ҳозир шу ерда кўриб тургандай, аёл ҳам тенгсиз бир сархушлик бағрига сингиб кетди.

## ОФТОБЖАМОЛ ОФТОБХОНИМГА МАКТУБ

Азизам Офтобхон! Офтобхон Ҳошимова! Сиз билан Фарғона кўчаларида, байрамларда, анжуманларда учрашардик, холос. 1985 йилнинг ёзга туташ кунлари гулбозорга яқин йўлакларда тасодифан рўпарў келдик. Тик турганча, роса гаплашибмиз. Сиз Бешбола қишлоғидаги лўли болалари ўқийдиган мактабда директор бўлиб ишлаётганингизни айтиб, улар ҳақида тўлиб-тошиб гапирдингиз. Уларни шундай севиб сўзлардингизки, мен бир қаламкаш сифатида Сизга ҳавасим келиб турарди. Сизнинг инсонларга бўлган меҳрингиздан ҳайратланардим.

Орадан беш-олти ой ўтиб, Сизнинг Фарғона шаҳар ҳокимлигига ишга ўтганингизни эшитдим. Энди Сиз билан тез-тез учрашар, шаҳримиз муаммолари ҳақида дардлашар, хотин-қизларни кийнаётган оғриқларга биргалашиб ечим топишга уринардик. Биз бу йўлларда ростдан ҳам руҳан яқинлашдик. Сизнинг умр йўлдошингиз Омонжон ака Ҳошимов вилоят ҳокимлиги қабулхонаси мудир бўлиб ишлар ва биз ёзувчиларнинг яқин кўмакдоши эди. Бироқ, бу инсоннинг қалбини бир воқеа сабаб аниқ-тиниқ таниб олдим.

...1997 йил декабрида Тошкентга – адабиётшунос олим, фарғоналик ижодкорларнинг жонкуяр устози, ҳаммамиз яхши кўрадиган Иброҳим Ғафуровнинг юбилейига Омон ака бошчилигида борадиган бўлдик. Декабрь эмасми, довонни қор босиб, йўл вақтинча беркилиб қолди. Ўйланиб турсак, Омон ака:

– Мен пиёда бўлса ҳам етиб бораман, – деди. Мен қувониб кетдим. Негаки, бу – инсонга садоқат, адабиётга муҳаббат эди.

– Мен ҳам! – дедим ишонч билан.

Шу-шу Омон акага ишонаман. У киши биз учун ўз акамиздай. У киши инсон қўнглини авайлашда унвон берса бўладиган одам! «Ўзбекистон халқ одами!» деган унвон

бўлганда эди!

Омон ака ҳар қандай одамнинг дардини ола олади. Аммо дардсиз, куруқ одамлардан нари қочади, тоби йўк.

Ана шунақа! Омон ака ҳақида ҳам, Офтобхоним, Сиз ҳакингизда ҳам сўзлар қуйилиб, ўзи келади.

Офтобхон! Сизга мактуб ёзишимга устозимиз Йўлдош Сулаймон ўтган кунлардаги бир воқеа, тўғрироғи Сизларнинг меҳрларингиз тафти сабабчи бўлди.

2004 йил апрелида устоздан айрилдик. Биз, фарғоналик қаламкашлар учун катта йўқотиш бўлди. Анча кунлар ўтса ҳам хали ўзимизга келолмаётган эдик.

Энди устозимизнинг Руҳи бору, ўзи йўк эди. Вужудимиз ўпирилгандай, кўз ёшларимиз тўхтамасди. Омон ака устози, Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров ҳақида қачон сўз айтса, томоғига кўз ёшлари тикилиб қолганига кўп бор гувоҳ бўлгандим. Ҳайрон бўлардим. Наҳотки... дердим.

Билдимки, кимки меҳр чашмасидан сув ичириб қўйса, ортида қолганларнинг кўзидан ёш томчилаб тураркан ...

Ана шундай кўз ёшларга тўла кунларимизда Сиз, Офтобхон, бехос қўнғироқ қилиб қолдингиз.

– Матлуба! Матлуба! Мен Сизларни кутяпман. Малака ошириш институтида шоир Муҳаммад Юсуфнинг 50 йиллигини ўтказаяпмиз. Тезда етиб келинг.

– Тобим йўкрок. Кўчага чикқудек ҳолим йўк.

– Унақаси кетмайди. Ҳозир Қувадан Зухраҳон, Санъат опалар ҳам келишади. Малика опа ҳам ваъда берган.

Мен ўйланиб, иккиланиб тургандим, худди бизни эркалатгандай:

– Кейин Сизларни уйга олиб кетаман. Омон акаларинг кутиб ўтирибди, – дедингиз.

Мен ўйланиб, «қаний» дедим.

– Давайте... – рус тили ўқитувчилигингизга бордингиз.

– Мен билмийман. Агар келмасаларингиз... Омон акаларингнинг пенсиясини олиб, сарфлаб, дастурхон тузаб

кўйдим. Келмасаларинг, тўлайсизлар... тамом...

– Вой... – мен кулиб юбордим ...

Бу – устоз ўтгандан кейинги йигирма кун ичидаги, кўнглим ичидаги биринчи ёришиш эди. Гўё хиёл хушимга ёнгандай, гўё айрилиқ бағридан озгина чекингандек эдим.

– Бўпти, бораман! – дедим.

Қарорим қатъий эди.

Офтобхон! Малака ошириш институтидаги фаолиятингиз, умуман педагоглик соҳасидаги изланишларингиз, ёшларга жонкуярлигингиз – ўзи бир дунё, ўзи бир китоб. Мен эса Сизнинг кўнгил дардларини зарралаб тортиб олиш меҳру маҳоратингизга таҳсинлар айтаётган одамга ўхшайман. Билсангиз, Сизга айтадиган муҳаббат изҳорларим жуда қўп...

...Эй, Гули Меҳру Ганж азизам, омон бўлинг! Бу ёкимли, хузурли Офтобимиз қошида Омон акамиз ҳам ҳамиша омон-омон бўлсинлар.

*Сизга эҳтиром ила дугонангиз*

*Матлуба, 27 апрел, 2004 йил.*

## ВАТАНГАШТА ФАРЗАНДЛАРНИНГ ОНАСИ – МЕН...

1991 йил. Ўзбекистонимизда мустақиллик тантана қилган хушбахт кунларда фарзандларимизнинг учтаси талаба эди. Ўғилларимиз Ёрқинжон ва Эркинжон Ортиқовлар Новосибирскдаги ҳарбий олийгоҳда ўқишарди. Ўқишни тугатгач, улар Ўзбекистонимизнинг ҳақиқий ватангашталари бўлишди. Биздан неча юз километрлар олисда иш-лашса-да, она-Ватан ҳимоясида меҳнат қиляпмиз, деб гашт топишди.

Ўқишни тугаллаб, бағримизга қайтишади, деб ўйлабмиз. Бир куни Эркинжон менга деҳқонча қилиб тушунтирди:

– Онажон, биз энди Ватаннинг болаларимиз. Биз унинг ҳимоячиларимиз. Ватан қаерга жўнатса, гапимиз битта бўлади: «Биз тайёрмиз!»...

Ҳа, бу гаплардан кейин уларнинг олисларда ишлашла-

рига кўникиб кетдик. Ёркинжон ишни Андижондаги Баликчи туманида жойлашган ҳарбий қисмдан бошлади. Уйланиб, битта фарзандли бўлганда Қарши шаҳрига жўнаб кетди. Қарши ўз уйимиздек бўлиб қолди. Олти йил давомида қайнок саратон кунлари фақат Қарши об-ҳавосини кузатаман. Жуда иссиқ-ку, – деб кўяман.

– Буви, шунча одам яшаяпти-ку, – деб кўяди оғир, вазмин ўғлим.

Айни она-Ватанимизга жангарилар кўз тиккан кунларда Ёркинжон ҳарбий қисмда штаб бошлиғи бўлиб ишларди. Негадир кўнғирок ҳам қилмай кўйди.

– Хавотир олманг, улар тоғда, ўз жойларини кўриқлашяпти, – дейди мени тинчлантириб укаси Эркинжон.

Ўшанда Ёркиннинг жангарилар ўчоғи бўлган Сурхондарё тоғларида, айни Сарийосиё туманида эканини хаёлимга ҳам келтирмабман. Тўрт ой дегандагина овозини эшитдик. «Ўғлимнинг овози» деган шеърлар ёздим.

Эркинжон дастлаб Тошкентда, кейин Бекобод вилоятининг Ширин шаҳридаги ҳарбий қисмда ишлади. Ўша йиллари энг замонавий лойиҳа асосидаги ҳарбий қисм худди мана шу ерда қурилди. У ерларни аскарларнинг хизмат жойи эмас, оромгоҳи деса бўлади. Кенг ховли ўртасида фавворалар салкин сув пуркаб туради. Гулзорлар, йўлакчалар... Қайси томонга қарасангиз, кад кўтарган улуғвор ҳарбий қисм бинолари. Ошхона, ўқув хоналари, амалий машғулот майдонлари, ётоқхоналар, дам олиш хоналари... Мустақилликнинг қудратини илк бор ўша ерда кўрганман.

2001 йилнинг Мустақиллик байрами кунлари оиламиз учун катта шодиёнага айланди. Иккала ўғлимиз ҳам бир пайтда Фарғонага келадиган бўлди. Ёркинжон Фарғона шаҳридаги ҳарбий қисмга, Эркинжон Ўзбекистон туманида янги ташкил этилган ҳарбий қисмга ишга келди.

Бир куни Эркинжонни дадаси иккимиз кўргани бордик. У ишлаётган ҳарбий қисм кўзимга кичкинагина бўлиб кўринди. Хаёлимдан Шириндаги ҳайбатли ҳарбий қисм ўтиб борди. Орадан олти-етти ой ўтиб, яна шу ман-

зилга кўниб ўтдик. Ярим йил ҳам катта вақт экан. Катта ўзгаришлар кўзга ташланарди. Улкан янги дарвоза ўрнатилибди. Эшик оғалари ўтирадиган қабулхона куриб битказилибди. Ҳарбий қисмини ўраб турган деворлар шундай баланд кўтарилибдики... Деворлар орқасига экилган саф-саф теракларга ҳавасингиз келади.

– Ҳа, Шириндаги ҳарбий қисмнинг нусхалари чиқиб қопти, – дедик қувониб.

– Мени Қаршига жўнатишяпти, – деб қолди Эркинжон.

Дадаси иккимизнинг ўйланганимизни кўриб, бизни тинчлантирмоқчидай:

– Энди акаси ишлаган жойда укаси ҳам ишлаши керакда, дада, – деди. Унга оқ йўл тилаганча, қолдик.

Эркинжон ҳар куни Қаршидан кўнғирок килади.

– Ҳарбий қисмлар бригадасидаман. Кўпроқ сафарларда бўламиз. Мана бугун Термизга етиб келдик. Ана... Ҳайратон кўприги рўпарамда турибди. Кўприкдан ўтсам... Афғонистон!

– Бугун Бухорои Шарифдаман. Нақшбандий бобомизнинг макбарасини зиёрат қилиш албатта ниятимизда бор, – дейди яна қайсидир бир куни.

Сурхондарё, Самарқанд, Навоий шаҳарлари юрагимга яна ҳам яқинлашиб келади. Негаки, боламнинг ўша тупроқларга тез-тез изи тушяпти.

Яна... кўнғирок...

– Онажон, эртага Сизнинг туғилган кунингиз... Албатта етиб боришга ҳаракат қиламан...

– Овора бўлма, жон болам...

– Бугун ниҳоятда маъулиятли тадбир ўтказамиз. Агар у кўнгилдагидек ўтса, туғилган кунингиз ҳақида командиримизга айтаман. Жавоб берса, биласиз-ку... Боролмасам, энди хафа бўлмайсиз, хўп-ми?

Шомдан ўтганда набирам Яшинбек ҳафсаласизлик билан деди:

– Энажон, дадамга жавоб беришмаган шекилли... Телефон қилдим. Хоналарида ўтирибдилар.

– Ҳа, майли... Ҳарбийлар шунака-да... Тинчлик бўл-

син! Омон бўлишса бўлди.

Эркинтой туғилган кунимда ҳар гал биринчи бўлиб қўнғироқ қилади. Ўша тонгда ҳам шундай бўлди. Мени табриклар, шундай деди:

– Командиримиз энди Қаршидан бир даста гул жўнаиб кўя қолгин, – деди. – Онажон, ўн дақиқа ўтиб, кўчага чиқсангиз, мен жўнатган гулни қабул қилиб оласиз.

Ёркинтой ўғлим бошчилигида кўпчилик бўлиб кўчага отилдик. Кўп ўтмай, ҳақиқатдан ҳам ичида катта гулдаста кўришиб турган «Тико» машинаси ёнимизда тўхтади. Гулни қучоқлаганча Эркинтойимиз... машинадан чараклар тушди! Суюнганимдан кўз ёшларим тиркираб кетди.

Ҳа, Эркинтой шунақа...

– Энди Нукусга борасан, – дейишпти. – Ўзи бормаган жойим Ўзбекистонимизда Нукус билан Хоразм қолган эдида... – Эркинтой менга енгиллик бериш учун болаларча эркалик билан гапиради. Ажабо, мен ҳам унинг бу гапларини негадир хотиржамлик билан эшитаман.

– Нукус ҳам яқин, – деб қўяди акаси Ёркинтой бизни юпатгандек. – Самолётлар Фарғонамиздан тўғри Нукусга учди.

Мана, иккинчи йилки, Эркинтой Нукусда. Иккала ҳарбий ўғлимизнинг рафиқалари – Наргизахон Ортиқова, Дилбархон Абдурахмоновалар ҳам ҳарбий либосларни кийиб, ҳарбий қисмга ишга шошишади. Ҳар йили Мустақиллик байрами дастурхонида ўтириб, дилбандларим, набираларимнинг интилиш, изланишларидан қувониб, Она-Ватанга муносиб фарзанд бўлиш машаққати ҳақида ўйлайман.

Вақт етиб, отлар изини тойлар босади. 2010 йил – Баркамол авлод йилида Ёркинжоннинг тўнғич ўғли Дониёр Ортиқов спортнинг енгил атлетика тури бўйича кўплаб мусобақаларда иштирок этди. Жиззахдаги, Тошкентдаги беллашуларда фахрли 2-ўринни эгаллади. Бўйнида нишонлари, қўлида ёрликлари билан кириб келди. Эркинжоннинг ўғли – Яшинбек она тили, инглиз, француз, рус тилларига қизиқади. Фақат аъло баҳога ўқийди. Иккинчи

ўғли Баҳодир шахматга қизикади.

Шукурки, ҳамма набираларимизнинг ўз интилган чўққилари бор. Оналаримиз ҳамиша ният қилишади, орзу қилишади:

– Умримизнинг ҳар бир йили баркамол авлодларни камол топтириш учун, илоё бахшида бўлсин. Ҳар бир фарзандимиз жаннат Ўзбекистонимизнинг муносиб ворислари бўлиб камолга етишсин. Ана ўшанда биз оналар, оталар ўтган умримизга афсус чекмаймиз.

## ЭРТОШДА ТҶЙ

Лолахон учинчи келинини туширишга тараддудланар экан, чуқур хўрсинди. Бу кўзи билан гапирадиган ўғли Бунёдбекнинг тўйи ҳамма болалариникидан бошқача бўлиши керак. Ўша Ниҳоладан бошқасига уйланмайман, – дейди. Олмаликдаги махсус мактабда ўқиб юрганида топган уни. Орадан беш йил ўтган бўлса ҳам, ҳамон хаёли ўша томонларда.

– Қани, бўпти-да... – деди Лолахон ва турмуш ўртоғи Абдуҳокимни, ўғлини ҳам олиб, «Эпика» машиналарига ўтириб, «Қаердасан, Бўка!» деганча, йўлга тушди. Қиз томон яхши кутиб олди. «Қиприги кўксига соя солган қиз»... ўша Бунёдбекнинг эс-ҳушини ўғирлаган куёшми... юлдузми... ўша сулувга рўпарў келди. Ўзларининг Эртош кишлоқларида ҳам сулув қизлар кўп. Ораси бир юз йигирма чақиримлик йўлдан келин олиш осонми-я...

Ниҳола Лолахоннинг ўзига ҳам ёқиб колди. Э, тақдир-а, қарангки, қиз ҳам ўғлига ўхшаб, кўзи билан гапиради. Онаси ҳомиладорлигида уйда ёнғин чиқиб, қаттик кўркқан экан. Бунёд бўлса, ёшлигида йиқилган. Алпомишдай бола-си шу сабаб, гапирмайди.

Лолахон Ниҳолага қараб, Бунёдбекни кўрсатди.

– Яхши кўрасанми?

Ниҳола киприкларини ерга эгиб, «Ҳа» дегандай бошини кимирагди.

– Унда кузга тўй қиламиз, – деди Лолахон. Ниҳола

«Ҳали ўқишларим бор» деди.

– Бўлмаса, бошқасига уйлантираман, – деди Лолахон катъий.

Ниҳола Бунёдбекка қаради ва:

– Юраги биледи, юрагига ҳавола, – деди ишора билан маъюс кулимсираб.

Бунёдбек аҳдидан қайтмади. «Вужуди ниҳолгина бўлса-да, чакқонгина, чеваргина, ҳисоб- китобда компьютердай ишлайди». Қиз кўнглини топишга уринди.

Ўғлининг чеҳраси очилганини кўриб, Лолахон билан Абдухокимнинг кучига куч қўшилди. Боласининг қувониши учун дунёларини ҳады қилишга тайёр улар. Шукур, қўлларини қаерга узатишса, етади. Тоғда ҳам бир тўй бўлсин. Энг номдор артистни айтишса... Узок-яқиндан дўст-ёронлар етиб келишса... Тоғликларнинг турмушларини, ҳовли-жойларини, олма юзли соғлом аёлларини бир кўришсин.

Мана шу Қамчик довони мустақиллик шарофати билан кун сайин обод бўлди. Йўллар кенг, текис, равон. Илгари юрак ҳовучлаб ўтадиган йўловчилар энди хотиржам, елдек учиб ўтишади. Довонда йигирма тўрт соат ҳаёт қайнайди. Пойтахтга йўл олган ҳар бир одамнинг иши шу йўл орқали битади. Бугунги Ўзбекистон одамларини кўраман, деганлар Эртошнинг Пўлат ота чойхонаси ўрнида қад кўтарган бозорида озгина ўтирса, бас. Энг жонкуяр, фидоий, тadbиркор одамлар шу йўлдан ўтади. Гўёки, дарё шовуллаб оқади. Бир нафас тўхтамайди. Ҳаёт оқими нақадар тез, нақадар шиддатли, шошқин, тошқин эканини шу йўллар, шу Қамчик довони биледи.

Йўл инсонларни учраштирар, дўстлаштирар экан. Лолахон бозорда оддий сотувчи, холос. Илгари бу йўлларда катнов кам эди. Кунига бир коса қурут сотиш ҳам қийин эди. Бугун бутунлай бошқача. Лолахон бозорга тўхтаган ҳар бир одамнинг юзига, кўзига қарайди. Одамлар кундан-кун чиройли, ростини айтганда, кундан-кун бадавлат. Кўзига иссиқ кўринганини уйига таклиф қилади.

– Уйимизга меҳмон бўлиб келинглар, – дейди чин юрак-

дан. — Бу ерда бир пиёла қатикни пулга олиб ичасизлар. Уйда эса қатиклар пақирларда. Ҳоҳлаганча ичасизлар, тўйиб ичасизлар...

Бир оғиз иссиқ сўз одамни яқинлаштирар экан. Андижонлик, фарғоналиклар билан кадрдон-қариндош бўлиб кетишди. Тошкентдан ҳам опа-сингиллар топди. Бу йўлдан ўтганлар Довоннинг қурутларини улуг неъматдай эъзозлашади. Бироқ, Лолахон уларга намайки насиба тутса, меҳрини ҳам кўшиб улашади.

— Уйга келингизлар. Дам олиб кетасизлар, — дейди илтифот билан.

Лолахоннинг исми кўп. Асл исми Бувайдахон. Бу исмини туғишганлари айтади. Ҳувайдохон исми ўзига кўпроқ ёқади. Бир куни бир харидори:

— Исмингиз нима? — деб сўраб қолди.

— Ҳувайдохон, — деди у жилмайиб.

— Ҳувайдохон?! Ҳувайдони танийсизми ўзи?

— Ҳа, алабатта. Ҳувайдо... Чимён... Зиёратга бориб турамиз, — деди оппоқ чехраси ёришиб.

Йўловчи аёл фарғоналик экан.

— Қаранг, ҳазрат Ҳувайдони шу тоғлар орасида ҳам эъзозлашади. Исmlарини фарзандларига кўйишади, — деди яйраб.

Шу биргина исми сабаб фарғоналиклар билан қариндошдай бўлиб кетишди. Эртошсой устига қурилган кўприк усталари ҳам Фарғонадан келишди. Бунёдбек ўғлига қурилган баланд уйларни ҳам улар кўтаришди.

Қамчиқ довони йўллари қайта қурилиб, ишга тушгач, тоғликларнинг ҳам кўксига шамол теғди. Бозорлар гавжум, савдо-сотик чаққон бўлиб қолди. Бу манзил Ўзбекистонни белбоғ мисол боғлаган олтин халкага айланди. Йил сайин қад кўтараётган ошхона, чойхона, дам олиш масканлари — ҳаммасига чорва маҳсулотлари керак. Эркинликлар, чорвани ривожлантиришга кенг йўллар очилгач, тоғ ёнбағирларининг ҳар қаричи тилло бўлди. Чорва ҳам бозорни, ҳам рўзгорни гуллагди.

Лолахон тўй баҳона бўлди-ю, гўё ортига қаради. Илга-

риги замон бўлса, бу тоғлар орасига узоқдагилар қизини берармиди! Олисдан келин туширишга кимнинг кучи етарди. Шу биргина ўзи яшайдиган маҳаллага назар солса, ҳар бир хонадонда юзтадан қўй, эчки, беш-олтитадан сигир, тўрт, бештадан отлар ... Баланд кўтарилган, ертўлали ойнаванд уйлар... Мана, ўзларидаги «Дамас» бозор-учарга хизмат қилади. Юк машинаси яйловдан ўт ташийди. «Нива» қорли кунларда аскотади. «Эпика» меҳмонга, тўй-тўйчиқларга...

– Албатта, ҳаммаси меҳнатдан. Табиат инъом этган неъматларнинг қадрига етсак, бас. Олмазор боғларнинг ўзи миллионларни келтиради. Фақат уларни парваришlash, мева-ларини асрай билиш керак, – дейди Лолахон.

Бирок, инсон армонсиз бўлмас экан. Қизи Эътибор, ўғли Дилмурод, Элмурод уйли-жойли. Ўзларидан тинчишган. Келинлари Гулчехра, Рўзигул – оиланинг бахтли бекалари. Набиралар ўниб, ўсишяпти. Ўғли Элёр Тошкент Миллий Университетининг учинчи боскич талабаси. Бунёдбекнинг гапирмаслиги оиланинг бир умрлик армони бўлди.

– Йўқ... – ўша армонларни, қувончлар, дийдорлар билан енгишга аҳд қилди Лолахон. – Эҳ, бир тўй бўлсайди... Ўғлининг-ку, кўнгли шу севгани билан тўлар. Бирок, отонанинг ҳам кўнгли бир тўлиши, тугунлари бир ечилиши керак. Ажовмас, шу Довон бозорида топган дўстлари чор тарафдан етиб келишса... Энг таниқли кўшиқчи Тошкентдан келиб, хониш қилса...

Лолахонни бозорнинг Маликаси дейишади. Негаки, уни танимаган одамнинг ўзи кам.

– Ҳатто чет эллик сайёҳлар билан ҳам қадрдонлашган, – дейди атрофидагилар.

– Лола опаларнинг тўйига Ботир Қодиров келар эмиш, – деса кимдир орзуланиб,

– Ҳе... тушингни сувга айт, – дегувчилар ҳам бор эди.

Икки минг ўн иккинчи йилнинг йигирма саккизинчи сентябр куни Эртошсой бўйидаги хонадон худди шаҳардаги тўйхоналар каби ясатилган. Қип-кизил, атласдай товланган олмалар шохига илинган ранго-ранг шарлар шодаси минг-

ларча бор. Баланд зинапояли, янги қурилган уйга поён-дозлар тўшалган. Хоразм, Тошкент, Фарғона, Андижон, Бўка, Наманган... Ўзбекистоннинг энг олис юртларидан ҳам меҳмонлар ташриф буюрган. Эл суйган хонанда Ботир Қодиров ўз гуруҳи билан сой қўшиқларига маҳлиё бўлиб, тўйхонага кириб келганда, бу ерда тўпланган халқ бир яйради, бир чайқалди...

– Замонамиздан айланайин-а... – Лолахоннинг энг яқин, энг азиз кишилари, «Тоғ қўйнида бир чаман», «Эртошлиқлар ҳаёти» китобларини ёзган, Маккатиллоларни зиёрат қилган акаси Исмонали Исабеков, опаси Бувинисо хожи оналар келин-куёв пойларига энг гўзал ниятлар билан сочқилар сочдилар. Одамлар тинмай хонандага хатлар тутқазишди. Қуйлар, қўшиқлар, рақслар авжида.

– Онам қўшиғини сўрашяпти...

Ҳофизнинг ҳазин, мунгли, армонли ноласи юлдузларга туташаётгандай...

*...Юзлари ёруғ ойлигим,  
Менинг йўқотган бойлигим,  
Ғаниматим, чиройлигим...  
Онам! Онам! Онам!*

Лолахоннинг мижжаларидан томчилар сизди. Кимдир:

– Келин ҳам, куёв ҳам гапирмас экан ... Улар ... – деган сўзларни айтгандай бўлди.

– Йўк... бу гаплар ёлғон!!! – Лолахон ўша одамга қарата нидо қилгандай, тумонот одамлар орасидан уни излагандай атрофга ишонч билан қаради. Ана, келин-куёвга бир қаранг. Улар жуда бахтиёр. Наҳотки, улар кўзларидаги шодлиқлар қулоғингизга урилмаётган бўлса... Улар калблари билан гаплашяпти. Улар тоғлар тилида гаплашяпти. Улар ўзлари тушунадиган дунё тилида гапирмоқдалар. Эшитяпсизми, азизлар.

Нима бўлса ҳам Лолахон армонни чекинтирди. Ҳа, ҳа, бугунги қувончлар, фарзандлари кўзидаги ёлқинлар уни чекинтирди.

Ҳамиша дўстлар дийдорига интиқ, уйдан меҳмон узилмайдиган, турмуши гўзал, тўкин Лолахонга атрофидаги тоғлар ҳам ҳавасланиб қараётгандай эди.

## Мундарижа

Кўнгил уйи. Қисса.....	3
Ҳикоялар.....	53
Қағралар.....	156
Назмий насрлар.....	179
Бадиалар.....	189

---

*Адабий-бадиий нашр*

Матлуба Дехқон кизи

### ЎША КҮН

*Қисса ва ҳикоялар*

<i>Муҳаррир:</i>	А.Содик
<i>Тех. муҳаррир:</i>	Н.Ҳошимов
<i>Дизайнер:</i>	О.Ҳозилова

Нашриёт лицензияси: АИ №. 162. 2009 йил 14 август.

Босишга рухсат этилди: 05.12.2013 йил.

Ҳажми 84x108  $\frac{1}{32}$ . Офсет усули. Times гарнитураси.

Шартли босма табағи: 7,75. Нашриёт босма табағи: 6,75.

Адади: 1000 нусха. Буюртма № 293.

Бахоси келишилган нарҳда.

«ФАРҒОНА» нашриёти.

150100. Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

«КО'НИ-NUR» МЧЖ босмаҳонаси.

100100, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани,

Бунёдкор проспекти, 44.